


А. Мухторов, У. Санақулов

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ  
**ТАРИХИ**




А. МУХТОРОВ, У. САНАҚУЛОВ

# ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ

*Университет ва педагогика институтлари  
филология факультетлари талабалари учун  
ўқув қўйлланма*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги тасдиқлаган



ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1995

Тақризчилар: филология факлари докторлари, профессорлар *Х. Незматов, Р. Құнғуров*:

Мазкур құлланмада ўзбек адабий тилининг қадимги ilk шаклланиш давридан ҳозирги ўзбек адабий тилигача бўлган тарихий жараён қисқача ёритилиб берилган. Унда умумхалқ ўзбек тилининг шакллари, ўзбек адабий тили ва унинг услублари, уларнинг тарихий шаклланиш жараёни ва бу жараёнда муҳим роль ўйнаган ёзма манбалар ҳақида батафсил маълумотлар ўз акси-ни топган.

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг дарсликларни қайта кўриши маҳсус комиссияси маъқуллаган.*

М 93

**Мухторов А., Санакулов У.**

**Ўзбек адабий тили тарихи:** Университет ва педагогика институти талабалари учун ўқув қўлланма.— Т.: Ўқитувчи, 1995.—160

1. Автордош.

81.2Уз—923

M  $\frac{4602000000-170}{353(04)-95}$  110—95

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1995

ISBN 5—645—02362—5

## ҚИРИШ

### УЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ ФАНИ ВА УНИНГ ВАЗИФАСИ

Ўзбек адабий тили тарихи ўзбек адабий тилининг моҳияти ва мундарижаси ҳақидаги, унинг ташкил тошиши ва ривожланиш босқичлари тўғрисидаги фан сифатида йигирманчи аср бошларида юзага келди. Шундан кейин ўзбек адабий тили янги тушунчаларни англатувчи сўз ва иборалар билан бойиди, унинг грамматик қурилиши янги шакллар билан тўлдирилиб, анча силлиқлашди. Бу фанинг вужудга келишида йирик рус олимлари В. В. Радлов, С. Е. Малов, А. К. Боровков, А. Н. Кононов, Н. А. Баскаков, А. М. Шчербак қабилар билан бир қаторда F. Абдураҳмонов, У. Турсунов, С. Муталибов, Э. Фозилов, А. Рустамов, Ш. Шукуров, Б. Ўринбоев сингари қатор ўзбек тилшунослари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Бу фанинг шаклланиши ўзбек филология фанинг йирик ютуқларидан бири ҳисобланади. У тил қонуниятларини, унинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш имкониятларини яратиб берди.

Ўзбек адабий тили тарихи фанинг шаклланиши жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиш омиллари билан яқин алоқада бўлган ижтимоий фикрлар тарихи, маданият ва адабиёт тарихи билан узвий равишда боғланган. Аммо тилнинг барча хусусият ва томонлари ҳамма вақт ҳам жамият ҳаётидаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни бевосита, бир хилда акс эттиравермайди. Ўз навбатида, тарихий тараққиётнинг турли даврларида тил қурилишида ва унинг хизмат қилиш соҳаларида юз берадиган ўзгаришлар ҳам жамиятнинг ривожланиши билан бир хил даражада боғланган эмас.

Ўзбек адабий тили тарихининг ўрганадиган соҳаси, унинг тарихий грамматика билан боғлиқлиги ва ундан фарқлари қўйидагилардан иборат:

1. Тарихий грамматика ўзбек тили ҳодисаларини, тилдаги хилма-хил нарсалар мажмунини ўрганади. Ўзбек адабий тили тарихи эса фақат ўзбек адабий тилига хос услубларни, услубий ҳодисаларни ўрганади.

2. Тарихий грамматика тил ҳодисаларини маълум бир

тизимда олиб қарайди, уларни умумлаштириш, мавхұмлаштириш (абстракция қилиш) асосида ўрганади. Ўзбек адабий тили тарихи эса ёзма ёдгорликлар тили тарихи бўлганлигидан ўзбек тили ҳодисаларини, ундаги нарсаларни матн ичидаги олиб қарайди. Ўзбек адабий тили тарихи бу матнларни тили жамлайди, маълум гурӯҳга кирган матнлар тилининг ўхшаш хусусиятларини умумлаштиради, бошқа гурӯҳ матнлардан фарқини аниқлади, адабий тилнинг турли услубларини, уларнинг вазифа доирасини ва ривожланишини текширади.

3. Тарихий грамматика асосан тил тузилмасини, тил қурилишини текширади. Ўзбек адабий тили тарихи эса ўзбек тилининг «адабий бўлмаган» форма ва услублар билан ўзаро муносабати тарихини ҳамда адабий тилнинг ижтимоий вазифалари тарихини ўрганади.

Шундай қилиб, ўзбек адабий тили тарихи мустақил фан сифатида ўзаро боғланган уч томон: а) адабий тил тузилиши тарихи ёки адабий тил услублари тарихи томони; б) адабий тил билан тилнинг «адабий бўлмаган» услубларининг ўзаро муносабати тарихи томони; в) адабий тилнинг ижтимоий вазифалари тарихи томонининг узвий бирлиги асосида ташкил топади. Ўзаро боғланган ана шу уч соҳа ўзбек адабий тили тарихи фани ўрганадиган мавзуни ташкил этади.

Ўзбек адабий тили тарихи фани ўрганиладиган тил ҳодисаларининг турли томонларини қамраб олиши жиҳатидан кўп қирралидир. Бу эса илмий текширишнинг хилма-хил усулларидан (анъанавий, тарихий-қиёсий, тузилмали) фойдаланиш имкониятини беради. Демак, ўзбек адабий тили тарихи ўрганадиган соҳа бевосита ўзбек адабий тилидир.

Тил тараққиётининг юқорида кўрсатилган уч томони ва адабий тил тарихини ўрганишнинг уч жиҳати нуқтаи назаридан унинг тараққиёт даврларини аниқлаш имкониятини берувчи тил тизимининг қўйидаги асосий белгиларини кўрсатиш мумкин. Бу белгилар эса тил тараққиёти даврларини, босқичларини аниқлаш имкониятини беради:

1. Адабий тил услубларининг миқдори, уларнинг ўзаро муносабати ва ижтимоий вазифаларй.

2. Адабий тил услубларини, унинг турларини аниқлашда асос бўлган тузилма ва функционал белгилар.

3. Адабий тил тузилмаси, унинг кўлами ва ижтимоий

вазифалари ҳамда у билан жонли сўзлашув нутқи кў-  
ринишларининг ўзаро боғлиқлиги.

Ҳар бир давр адабий тил тизимини баён этиш син-  
хрон тарздагина бўлиб қолмайди. Ўзбек адабий тили-  
нинг тарихий ривожланиш даврлари анча узоқ муддат-  
ларни ўз ичига олади. Адабий тил тизимини белгиловчи  
муҳим ўзгаришлар узоқ давр мобайнида аста-секин тўп-  
лана бориб, юз беради. Шунга кўра тил қурилиши ун-  
сурлари фақат вазифадошлик ҳолатидагина эмас, бал-  
ки ривожланиш жараёнида вужудга келади. Шунинг  
учун адабий тил тарихи тараққиётининг маълум давр-  
ларида тилнинг қандай ҳолатда эканлиги, хусусияти  
билан бир қаторда, тилда нималар юз берадиганлигини,  
қайси соҳалари ўзгарганлигини, қандай янги формалар  
пайдо бўлганлигини ҳам ўрганади.

## АДАБИЙ ТИЛ ВА ЖОНЛИ СҮЗЛАШУВ ТИЛИ

Ривожланган ҳар қандай тил, шу жумладан ҳозирги ўзбек тили икки асосий функционал турга; адабий тил ва жонли сўзлашув тилига бўлинади. Ҳар бир муайян тилнинг соҳиби, ташувчилари бўлган элат (халқ) ёки миллатнинг вакиллари томонидан жонли сўзлашув тили болаликдан бошлаб эгалланади. Адабий тил, унинг меъёrlари ва қонуниятлари эса балоғатга етган, камолатга эришган кишининг шаклланиши жараёнида ўрганиб, ўзлаштириб олинади. Бунда, айниқса, оила ва мактаб, олий ўқув юрти, адабий тилни эгаллаган шахслар, олимлар билан яқин алоқада бўлиб туриш ва улар кўмагида турли жанрдаги адабиётларни ўқиш, ўрганиш мухим аҳамиятга эга.

Умумхалқ тилининг юқори шакли ҳисобланган адабий тил аниқ ва муайян бир тизимда ҳар бир даврнинг тилига хос меъёр, тартиб-қоидаларни ифодалайди. Миллый адабий тилни, унинг оғзаки ва ёзма шаклларини аниқлашда энг мухим ва асосий белги унинг муайян бир меъёрга, яъни аниқ бир маромга, тартиб-қоидаларга солинганлигидир. Миллый тилгача бўлган даврдаги адабий тил билан миллый адабий тил орасида мухим тафовутлар бўлишига қарамай, нормативлик адабий тил тараққиётининг барча даврларида — миллый тилларнинг ташкил топиш даврида ҳам, айниқса, миллый адабий тиллар тўла шаклланган даврларда ҳам — асосий белги бўлиб қолади. Адабий тил тараққиётининг дастлабки даврларига тегишли ёдгорликларни ўрганишунда бир қатор меъёrlар мавжудлигини, эски меъёrlар йўқолиб кетиши, янги меъёrlар юзага келишини, янги ва эски меъёrlарнинг мувозий (параллел) ҳолда қўлланганлигини кўрсатади. Демак, меъёр фақат тилнинг ҳозирги ҳолати, синхрония учунгина характеристи бўлиб қолмай, балки диахронияда ҳам вужудга келади<sup>1</sup>.

Адабий тил лексикада ҳам, фонетика ва грамматик қурилиш соҳасида ҳам ўз меъёrlари, қоидалари билан ажралиб туради. Бу меъёrlар грамматика дарслклари, қўлланмалари ва барча хил луғатларда белгилаб қўйилган. Бу меъёrlар шу тилда сўзлашувчи барча кишилар учун умумий ва зарурий ҳисобланади. Умумхалқ-

<sup>1</sup> Р. А. Будагов. Литературный язык и языковые стили. М., 1967 й. 5-бет.

тилининг қайта ишланиши негизида шаклланиб, маҳаллий диалектларнинг умумий зарурий хусусиятларини ўзига сингдира борган адабий тил айни замонда умумхалқ тилининг турли кўринишларидан—жонли сўзлашув нутқидан ҳам, маҳаллий шевалардан ҳам, жаргонлардан ҳам фарқ қиласди.

Адабий тилнинг муайян меъёрга солинганлиги шундан иборатки, унинг луғат таркиби маълум тартибга келтирилган бўлади, сўзларнинг маъноси ва ишлатилиши, талаффузи ва ёзилиши ҳамда грамматик шакллар ясалиши ягона, муштарак қоидага бўйсунади. Адабий меъёр тарихий тоифа (категория) ҳисобланади. У тилнинг тараққиёти билан боғлиқ равишда ўзгариб туради, унинг ички қонуниятларига бўйсунган ҳолда кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиради. Шунинг учун адабий тил меъёрлари, тартиб-қоидалари тилда доимо юз бериб турадиган ўзгаришларни акс эттирувчи кўриниш (вариант)ларни инкор этмайди.

Адабий тилнинг икки тури—оғзаки ва ёзма тури мавжуд. Бу шакллар идрок этишнинг икки тури, яъни кўрув ва эшикни учун мўлжалланганлиги сабабли ўзига хос бир қанча хусусиятларга эгадир. Адабий тилда унинг ҳар иккала шакли учун хос бўлган бетараф ва услублараро ифода воситалари билан бир қаторда, адабий тилнинг фақат бир шакли оғзаки ёки ёзма шакли учун хос тил унсурлари, воситалари ҳам бўлади.

Умумуслубий ва услублараро шаклларга биринчи навбатда тилнинг морфологик бирликлари киради. Тил воситаларини морфологик белгиларига қараб икки гуруҳга—оғзаки ва ёзмага ажратишда қатъий чегара йўқ. Шунга қарамай, бу шаклларнинг ўзига хос айрим хусусиятларини кўрсатиш мумкин. Жумладан, адабий тилнинг оғзаки шаклида от ва сифат туркумларига хос ҳис-туйғу, таъсиранликни ифодаловчи шакллар (**болакай**, **қизгина**, **эркатой**, **кичкинтой**, **кичкина**, **каттакон**); такрор, давомийлик, кучайтириш маъноларини ифодаловчи феълнинг таҳлилий шакллари (**атайлаб**, **ошириб юбормоқ**, **келиб қолмоқ**, **турткилаб қўймоқ**, **ўқиб чиқмоқ**) ҳамда ёзма адабий шаклга хос от ва сифат туркумларидаги таҳлилий шакллар (**сезгирилик билан**, **телефон орқали**, **тезкорлик асосида**, **ниҳоятда кўркам**, **ғоят баланд**); -лик, -чилик, -лаштириш каби аффикслар ёрдамида ясалган сўзлар (**ўқитувчилик**, **дехқончи-**

**лик, паррандачилик, радиолаштириш, автоматлаштириш) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.**


Адабий тилда синтактик қурилиш жиҳатидан ҳам икки шаклга хос хусусиятларни кўриш мумкин. Кўпинча содда гапларни, айниқса тўлиқсиз гапларни, қисман боғланган қўшма гапларни ишлатиш адабий тилнинг оғзаки шакли учун хос бўлади. Бу вақтда оҳанг, тўхтам, имо-ишора, нутқ вазияти каби воситалар муҳим роль ўйнайди. Ёзма адабий тилнинг синтактик қурилиши эса ўзининг анча мураккаблиги билан ажralиб турди. Унда эргаш гапли қўшма гаплар, кириш сўз ва иборалар, мураккаб қурилиши содда гаплар, ажратилган ва уюшиқ бўлаклар, мураккаб қўшма гаплар анча кенг ишлатилади.

Адабий тилнинг ҳар иккала шакли учун хос алоҳида лексик ва фразеологик тил бирликлари қўлланади, яъни ҳозирги адабий тилда бетараф ва услублараро қатлам билан бир қаторда, фақат оғзаки ёки ёзма адабий тил учун хос сўз ва иборалар қатлами ҳам мавжуд, масалан: «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (икки томлик, М., 1981 й.) ҳамда «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»да (Ш. Раҳматуллаев, Т., 1978 й.) «саланглаб юрмоқ, суюнмоқ (севинмоқ), қашламоқ (қашимоқ), хайтламоқ, қойилмақом, қулайламоқ, қайдам, қанақанги, шунчайики, шунақанги, жон-пони чиқиб кетди, кўзи тирик, кўзлари қинидан чиқиб кетди каби сўз ва иборалар сўзлашув нутқига хос ҳамда бошқарув, интилиш, адабиёт, камтарлик, ижтимоий, кўзи очиқ, ғолиб келмоқ, жони ҳалқумига келмоқ, кўнгли тоза кабилар эса ёзма адабий тилга хос сўз ва иборалар деб қайд қилинади.

Адабий тилнинг оғзаки шакли маъруза ва сухбатларда, ёзма шакли эса фан, техника ва адабиёт асарларида, расмий иш ҳужжатлари, нашриёт ва матбуот соҳалида ишлатилади. Лекин булар ўзаро узвий равишда боғланган бўлади. Маърузалар, ҳар хил чиқишлиар ўз хусусияти билан ёзма адабий тилга яқин туради. Шунингдек, ёзма адабий тилда, айниқса, бадиий асарларда сўзлашув нутқига хос сўз ва иборалар ҳам қўлланади. Шуни қайд қилиш кераки, «оғзаки», «сўзлашув», атамалари адабий тилнинг шаклларидан бирини (адабий тилнинг оғзаки ёки ёзма шаклларини) ифодалаш учун ҳамда миллий тилнинг функционал турларидан бирини (адабий тил ёки жонли сўзлашув тилини) ифодалашга хизмат қиласи.

Ўзбек адабий тилининг ривожланиш жараёнини текширишда, ўзбек адабий тили тараққиётининг турли даврларига тегишли, шунингдек ўзбек миллый тилининг ташкил топиши даврига оид ёдгорликларнинг тил хусусиятларини ўрганиш вақтида адабий тилни фарқ қилувчи асосий восита сифатида «оғзаки» атамасидан фойдаланиб бўлмайди. Чунки ўзбек адабий тили тарихи ана шу ёзма ёдгорликлар тили тарихидан иборат. Шунинг учун ўзбек адабий тили тараққиётининг дастлабки босқичларидан бошлаб китобий унсурлар ёзма адабий тилнинг воситалари сифатида бир-бирига қарама-қарши қўйилганлигини кўриш мумкин. Бу ҳодиса, айниқса, қадимги туркий адабий тил ва эски ўзбек адабий тили, шунингдек, миллый адабий тил ёдгорликлари учун характерлидир. Ёзма ёдгорликларда ташкил топиб қатъийлашган тил меъёрлари, қоидалари аста-секин сўзлашув нутқига ҳам ўта бошлайди. Ёзма нутқ шакли, оғзаки нутқ шакли, адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши асосан шу ҳодиса билан боғланган. Ҳозирги ёзма адабий матнларда (бадиий адабиёт, публицистика, газета ва журнал мақолаларида) ёзма ва оғзаки тил унсурлари бўлганидек, оғзаки нутқда ҳам сўзлашув ва ёзма нутқ унсурлари мавжуд бўлади.

Ҳозирги ўзбек миллый тилининг ҳар хил шакл ва кўринишларининг ўзаро муносабатини қўйидаги жадвал орқали кўрсатиш мумкин:



Ўзбек адабий тилининг барча шаклларига хос аниқ фактларни турли даврларда яшаган йирик ёзувчиларнинг бадиий асарларида учратиш мумкин. Чунки бадиий асар матнларида ҳар бир ривожланган тилнинг иккى асосий функционал кўриниши — адабий тил ва жонли халқ тилининг диалектик бирлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги очиқ намоён бўлади. Рус олимлари Л. В. Шчербак ва В. В. Виноградовнинг кўрсатишларича, тил тараққиётининг маълум даврларига хос адабий тил меъёрларини бадиий асарларнинг матнларини таҳлил қилиш орқали белгилаш мумкин. Дарҳақиқат, XIII—XVI асрларда эски ўзбек тили учун характерли бўлган адабий тил меъёрлари шу даврларда яшаган Хоразмий, Дурбек, Лутфий, Атоий, Саккокий каби шоирларнинг асарлари тилини ўрганиш, лингвистик таҳлил қилиш асосида аниқланади. Ўша даврларда яратилган ёдгорликларнинг тили ўз даври халқ тилига, тушунишнинг енгиллиги жиҳатидан ҳозирги ўзбек адабий тилига ҳамда жонли халқ тилига анча яқин туради.

Тилнинг хилма-хил бирликларини бадиий адабиёт асарларида ишлатиш ҳамма вақт услуг жиҳатидан асосланган бўлади. Жумладан, юқорида тилга олинган шоирларнинг, айниқса Алишер Навоийнинг асарлари XIV—XV асрлардаги эски ўзбек адабий тилининг хусусияти, унинг оғзаки ва ёзма шакллари, шунингдек жонли халқ тили ҳамда адабий тилнинг оғзаки шакли қандай эканлиги тўғрисида аниқ тасаввур бера олади.

Ёзувчи ўз асарида турли даражадаги тил бирликларининг маълум қолипга солинган, такомиллашган намуналарини, шаклларини ишлатади. Шунинг учун тил ифода воситаларининг нормативлиги, тартиб-қоидалари бадиий асарларда кўпроқ ва аниқроқ намоён бўлади. Демак, турли даврларга тегишли бадиий асарларнинг тил хусусиятларини ўрганиш ўша давр тил тизимини тушуниб олиш имконини беради. Бадиий асар тилини ўрганиш бу хил лингвистик текширишларнинг иккى жиҳатини бир-бири билан боғлайди, унинг иккى томонини белгилаш имконини беради, яъни бадиий асар матнларида адабий тил меъёрлари ҳамда маълум даражада жонли халқ тилининг хусусиятлари акс этганлиги аниқланади.

Тил ҳодисаларини тўғри ва чуқур тушунган ҳолда кенг илмий таҳлил қилиш, ҳозирги жонли халқ тили, сўзлашув нутқи хусусиятлари билан адабий тилнинг

оғзаки ва ёзма шакллари фактларини қиёслаб ўрганиш натижалари ўтмишдаги жонли халқ тилининг айрим хусусиятларини билиб олишда маълум асос бўлиши мумкин.

Ёзма манбалар асосида ўтган асрлардаги жонли халқ тили, сўзлашув нутқи хусусиятларини ўрганишда тарихий обидаларни, бадиий асарларнинг матнларини, айниқса, ўз даврига хос нутқи амалиётини акс эттирувчи асарларни танлаш жуда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Б. Уринбоевнинг ўзбек тили сўзлашув нутқини ўрганишга бағишлиланган ишларида бундай хулосалар асосан бадиий асар матнларига асосланади<sup>1</sup>.

Одатда бадиий асар матнларининг уч тури кўпроқ қўлланади: муаллиф ҳикояси (хабар матни); асар қаҳрамонларининг тили ва муаллифнинг қаҳрамонларга берган характеристикаси. Муаллиф ҳикоясига асосланган матнлар адабий тилнинг энг яхши намунаси ҳисобланади. Бу хил матнларда услуб ва таъсирчаник жиҳатидан бетараф бўлган тил воситалари кўпроқ ишлатилади, шўлар асосида адабий тилнинг оғзаки ва ёзма унсурлари қўлланади. Навоий, Бобур, Абулғози каби ёзувчиларнинг прозаик асарларида, Ҳамза, А. Қодирий, Ойбек, Faфур Гулом асарларида ана шундай матнлар жуда кўп бўлиб, уларда бадиий ҳикоя меъёри, адабий тилнинг бетараф, китобий ва сўзлашув унсурларини қўллаш меъёри очиқ намоён бўлади. Асар қаҳрамонларининг тилида уларнинг ижтимоий аҳволига боғлиқ равишда сўзлашув нутқига хос барча воситаларни — адабий тил ва адабий тилга хос бўлмаган барча унсурларни қўллаш мумкин. Қаҳрамонларнинг тил характеристикасига бағишлиланган матнларда эса ёзувчи адабий тилга хос бўлмаган сўзлашув нутқининг унсурларини — оддий сўз ва ибораларни ҳам, шева ва жаргонларга хос сўзларни ҳам ишлатади Демак, ўзбек адабий тили тилнинг турли даврлардаги тараққиёт хусусиятларини белгилашда энг асосий манбалардан бири ҳисобланади, унда тилнинг табиати ўз ифодасини топади.

<sup>1</sup> Б. Уринбоев. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Тошкент, 1974 й.

## АДАБИЙ ТИЛ УСЛУБЛАРИ

Адабий тил тараққиётининг ҳар бир босқичида унинг ўзига хос услублари мавжуд бўлади, чунки адабий тил услублар тизимидан ташкил топади. Шунга кўра адабий тил тарихи, асосан, унинг услублари тарихини қамраб олади. Жамиятнинг ривожланиши билан боғлиқ равишда ҳар бир даврда адабий тил услубларининг миқдори, унинг характерли хусусиятлари ва улар орасидаги ўзаро муносабат ўзгариб туради. Адабий тил тарихи адабий матнлар тили тарихидан иборат бўлиб, ҳар бир даврга оид бу матнларнинг тил хусусиятларини жамлайди, умумлаштиради ва шу асосда ўзаро ўхшаш тил хусусиятлари билан ажralиб турувчи матнлар гуруҳни белгилайди, маълум гуруҳга кирган ёдгорликларнинг тил хусусиятлари йигиндиси, умумлашмаси ҳақида ҳамда адабий тилнинг турлича услублари ҳақида маълумот беради.

Услуб — тилнинг тарихан таркиб топган бир кўриниши бўлиб, ўзига хос таркиби, бирикиш хусусияти ва нутқ воситаларини қўллаш қонуниятлари билан ажralиб туради. Адабий тил услуби — бу маълум даражада адабий тил матнларида ўзининг аниқ ифодасини топган услубий бўёқقا эга ҳамда услуб жиҳатдан бетараф тил унсурларини онгли равишда танлаш асосида ташкил топган маълум тизимdir. Адабий тил услублари фақат унинг тузимини ташкил этиш хусусиятлари жиҳатидан-гина эмас, балки, у ёки бу услуб тизимининг юзага келиши учун асос бўлган омиллар нуқтаи назаридан ҳам ажralиб туради. Шу жиҳатдан дастлаб функционал услубларни кўрсатиш мумкин. Бу услублар тизимининг хусусияти унинг ишлатилиш доираси, бу услубларнинг ижтимоий қўлланиш соҳалари билан боғланган. Жумладан, ҳозирги ўзбек адабий тилининг публицистик ёки профессионал-техник услубларида, бошқа функционал услубларда бўлганидек, тил воситаларини танлаш ва тартибга келтириш шу матнларнинг мазмуни, моҳиятининг ҳамда ишлатилиш соҳасининг ўзига хос хусусияти билан боғланган.

Функционал услублар билан бир қаторда индивидуал услублар ҳам бор. Бу услублар тизимининг хусусияти шундан иборатки, унда муаллиф ўз индивидуал нуқтаи назари ва дидига мос равишда тилнинг синонимик ифода воситаларини танлаб олади. Индивидуал услублар

асосан бадиий асарлар тилида қўлланади, унда қайта услубий бўёқ олади, турли жанрларга ва адабий-бадиий йўналишларга хос услублар билан бирга ишлатилади. Бу, ўз навбатида, бадиий асарларда ёзувчи тили ва ёзувчи услубини фарқлаш зарурлигини ҳам келтириб чиқаради.

Ёзувчи томонидан адабий тил ва жонли сўзлашув тилидан танлаб олинган барча тил воситалари мажмун ёзувчи тилини ташкил қиласди. Ёзувчи тилини ўрганишда асосий диққат муаллифнинг адабий тилдан нималарни ўз асари учун танлаб олганлигига жалб қилинади.

Ёзувчи услуби эса ёзиш услуби, муаллиф томонидан танлаб олинган тил воситаларини ишлатиш, ундан фойдаланиш усулидир. Ёзувчи услубини ўрганишда унинг энг яхши индивидуал, таъсирчан ва образли ифодалар яратишда танлаб олган умумтил воситаларидан қандай фойдаланишига кўпроқ диққат қилинади. Демак, ёзувчининг услуби унинг дунёқараши, адабий-бадиий оқим, асарнинг мавзуи, жанри, ғоявий йўналиши ва муаллифнинг индивидуал бадиий ғоясига асосланган ёзиш услубидир.

Шуни қайд қилиш керакки, адабий тил тарихига нисбатан тил услублари масаласи тарихий ривожланиш нуқтai назаридан қаралиши зарур. Чунки тил услублари тарихий категориядир.

Ўзбек адабий тили тарихида ёзувчиларнинг тили ўрганилади, муаллиф яшаган давр адабий тили хусусиятларининг акс этиши аниқланади. Шунингдек, ўзбек адабий тили тарихида ёзувчининг ўз даври адабий тилига қандай янгиликлар киритганлиги, унинг ўзбек адабий тилининг кейинги тараққиётига қандай таъсир кўрсатганлиги аниқланади. Чунки тилдан фойдаланиш давомида ёзувчи адабий тил, миллый тиљнинг шаклланиши ва тараққиёти билан мос равишда адабий тилнинг ривожига катта ҳисса қўшади, умумхалқ миллый тилини янада такомиллаштиришга кўмаклашади.

Адабий тил маълум ижтимоий вазифаларни бажаради, бу вазифалар жамият тараққиётининг турли даврларида ўзгариб туради. Адабий тилнинг ижтимоий функцияси тил тарихининг энг мұхим масалаларидан биридир. Бу масала адабий тил тарихининг маданият ва ижтимоий тафаккур тарихи билан, адабиёт ва адабий йўналишлар тарихи билан боғлиқлигинингина эмас, балки

турли даврларда адабий тил тарихининг ижтимоий-фояйи кураш билан алоқадорлигини ҳам тақозо этади. Масалан, ўзбек адабий тилининг XIV—XV асрлардаги тараққиётини, айниқса Алишер Навоийнинг адабий тилга хос фаолиятининг асосий манбаларини, у асос солған эски ўзбек адабий тили соҳасида эришилган юксак муваффақиятларни, шу даврда яшаган йирик ижтимоий фикр ва адабиёт намояндадарининг фоявий-сиёсий нуқтаи назарини, фикрларини ҳисобга олмай туриб тӯғри тушуниб бўлмайди. Ана шунинг ўзиёқ ўзбек адабий тили тарихида экстравингвистик омилларнинг нақадар муҳим роль ўйнашини очиқ кўрсатади.

Ёзма ёдгорликларнинг жанр ҳусусияти ва нутқ во-ситаларини танлаб ишлатиш билан боғлиқ равища адабий тил услублари бир қанча гурухга бўлинади. Ўзбек адабий тилида қўйидаги услуг турларини кўрса-тиш мумкин:

а) **адабий-бадиий услуг**. Бу тур таркибида назм услуби ва насрый услубнинг ҳусусияти билан боғлиқ ра-вища бир қанча гуруҳлар ажратилади;

б) **иљмий баён услуги**. Турлича фан соҳаларининг ҳусусияти билан боғлиқ равища бу тур ҳам бир қанча гуруҳларга (иқтисодий фанлар услуги, тиббий фанлар услуги каби) бўлинади;

в) **ижтимоий-публицистик услуг**, яъни турли ижти-моий-сиёсий мавзуларда ёзилган асарлар (мақолалар, очерклар каби) услуги;

г) **ишлаб чиқариш-техник услуг**. Бунга турли касблар ва техникага доир асарлар услуги киради;

д) **расмий ҳужжатлар, маҳсус иш юритиш услуги**. Бу, ўз навбатида, қонунлар, ҳар хил буйруқ ва фармонлар, иш юритиш ҳужжатлари кабиларга бўлинади;

е) **адабий тилнинг алоҳида услуг тури сифатида ёзишмалар, номалар ва хатларга доир мактуб услубини кўрсатиш мумкин**.

Адабий тил тарихининг турли даврларида унинг услублари, уларнинг хизмат доиралари ҳам ўзгариб туради. Аммо барча услублар учун ўзбек адабий тилининг грамматик қурилиши ва кенг истеъмолда бўлган, «бета-раф» сўзлар умумий бўлиб қолади.

#### АДАБИЙ ТИЛ ВА БАДИИ АДАБИЁТ ТИЛИ

Бадиий адабиёт тили адабий тилнинг ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлган кўринишларидан биридир. Ба-

дий адабиёт тили ҳам тил тараққиётининг умумий қонуниятларига бўйсунади. Тилнинг алоқа воситаси бўлишдек асосий вазифаси, табиийки, бадий адабиёт тили учун ҳам зарурый бўлиб қолади.

Бадий адабиёт тилининг мураккаблиги ва ўзига хослиги шундаки, у тилнинг адабий бўлмаган хилма-хил кўринишларини, қатламларини ҳам кенг равища ўзига сингдириб олади. Шунингдек, бадий адабиёт тилида адабий тилнинг турли-туман услублари кенг қўлланиши мумкин. Матъумки, умумхалқ тилининг луғавий-иборавий ва грамматик хусусиятларини ҳисобга олмай туриб, бадий адабиёт тилининг ўзига хослигини аниқлаб бўлмайди. Шу билан бирга бадий асар тилида умуман унинг образлар тизими асар мазмунига, жанри ва услубий жиҳатларига асосланган бўлади. Бадий адабиёт тилининг энг муҳим хусусияти — киши характерининг жуда кўп қирраларини тўлиқ акс эттириш, жонли индивидуал нутқнинг ранг-баранглиги, бўёқдорлиги ва нозикликларини мукаммал ифодалашдир.

Ёзувчи жонли индивидуал нутқнинг барча бойликларига катта эътибор беради, нутқий амалиёт малакаларини умумлаштириш асосида унинг энг муҳим, энг яхши, характерли хусусиятларини танлаб олади. Улардан турлича образларни яратиш, акс эттиришда кенг фойдаланади.

Бадийлик, ҳис-ҳаяжонлилик, образлилик, ифодалилик, таъсирчанлик кабилар бевосита бадий адабиёт тилига хос хусусиятлардир. Адабий асарнинг бадийлиги, биринчи навбатда, унинг тилида намоён бўлади Адабиёт асаридан олинадиган завқ, кишида юзага келадиган ҳис-ҳаяжон, ҳар хил туйғулар ҳам унинг тили билан боғланган. Бадий асар тилининг ҳаяжонлилиги эса унинг ифодалилиги, таъсирчанлиги билан, образлилиги билан боғланган.<sup>1</sup> Шу жиҳатдан бадий адабиёт асарлари тил жиҳатдан тадқиқ этилганда, унинг икки томонига — ёзувчининг тилига ва унинг услубига кўпроқ эътибор берилади.

Ёзувчининг тили адабий тилдан ва жонли сўзлашув тилидан танлаб олинган тил воситалари йиғиндисидир. У тасодифий ва бегона тил унсурларидан холи бўлади, унда жонли халқ тилининг жуда кўп қирралари ифодаланади, кучли бадийликка эришилади. Шунинг учун

<sup>1</sup> Иzzat Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, 1980 й. 200—202-б.

ёзувчи тилини ўрганишда асосий диққат унинг адабий тилдан нималарни олганлигига ва нималарни олмаганлигига жалб қилинади.

Ёзувчининг услуби эса муаллифнинг ёзиш, тасвираш тарзи, усули, саралаб олинган тил воситаларидан фойдаланиш усуллариидир. Бунда ёзувчи танлаб олган тил воситаларидан қандай ва нима учун фойдаланганлигига эътибор берилади. Демак, ёзувчи услуби — муаллифнинг дунёқараши, адабий оқимлар, жанр, мавзу, асарнинг ғоявий йўналиши, муаллифнинг асосий ғояси кабилар билан ўзаро боғлиқ бўлган бадиий тасвираш усулидир.

Адабий тил ва унинг адабий бўлмаган кўринишлари нинг ўзаро бир-бирига таъсири бадиий адабиёт тилида очиқ кўринади. Буларнинг ҳаммаси ёзувчининг ўз даври тилига, унинг ривожланишига катта таъсир қилишини кўрсатади, халқ тилининг бойлигини, унинг рангбаранглигини, қудратини намойиш қиласи, уни қадрлашга, яна ҳам эъзозлашга даъват этади.

Адабий тил маълум ижтимоий вазифаларни бажарди. Унинг бу вазифалари даврлар ўтиши билан ўзгариб туради. Адабий тил тарихининг бош масалаларидан бири тилнинг ижтимоий вазифаларини аниқлаш масаласидир. Бу масала адабий тил тарихининг халқ маданияти тарихи билан, ижтимоий тафаккур, адабиёт ва адабий йўналишлар, оқимлар тарихи билан боғлиқлиги масалаларини ҳам қамраб олади. Шунингдек, бу масала адабий тил тарихининг маълум даврлардаги ижтимоий-ғоявий курашлар билан ҳам боғлиқлигини тақозо этади. Жумладан, ўзбек адабий тилининг XIV—XV асрлардаги тараққиёти масалаларини, хусусан, Алишер Навоийнинг тил масалаларига доир қарашлари ва уларнинг манбаларини, адабий тилнинг Алишер Навоийга қадар бўлган тараққиёти ва бу соҳада улуғ шоир курашлар натижасида эришган улкан муваффақиятларни — буларнинг ҳаммасини шу даврлarda яшаган йирик ўзбек шоирлари, ёзувчи ва олимларининг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий қарашлари, нуқтаи-назарларини ҳисобга олмай туриб, тўғри ҳал қилиб бўлмайди. Булар орасида, айниқса, Атоий, Саккокий, Лутфий ҳамда Бобур ва Мұхаммад Солиҳнинг ижодий фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир.

## ЎЗБЕҚ АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда, адабиёт ва санъат, фан ва ижтимоий тафаккур тарихи билан боғланмай туриб, ўзбек адабий тилининг ташкил топиши ва ривожланишини ўрганиб бўлмайди. Чунки адабий тил миллий маданият турларидан бири сифатида жамият тараққиёти билан боғлангандир.

Ўзбек адабий тили ўзининг ташкил топиши ва шаклланишининг дастлабки даврларидан бошлаб ҳозирги кунларгача жуда мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Асрлар давомида ўзбек адабий тилида юз бериб келган ўзгаришлар аста-секинлик билан, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши йўли билан давом этди, юзага келди. Шунга кўра тилнинг ички қурилишидаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда ўзбек адабий тилининг ривожланиши жараёнида бир-биридан фарқ қиласидиган турлича даврлар ажратилади. Маълумки, адабий тил ҳақидаги фан жамиятда хилмажил ижтимоий ҳодисаларнинг ривожланиши ҳақидаги, тил ва жамият, тилнинг ривожланишига ҳар хил ижтимоий-тарихий ва маданий-ижтимоий омилларнинг таъсири тўғрисидаги таълимотга асосланади. Тил тараққиётининг ички қонуниятлари ҳақидаги таълимот тилнинг халқ тарихи билан боғлиқ ҳолда ривожланиши тўғрисидаги таълимот билан маҳкам боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради.

Демак, юқорида кўрсатилган қоидалар асосида ўзбек адабий тили тарихи фанини тузиш, ташкил этиш жараёнида даврлаштириш масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, адабий тил тарихи шу тилда сўзлашувчи халқ тарихи билан, адабий тилнинг тузилмаси, таркибий қурилишидаги ўзгаришлар билан, шунингдек унинг ижтимоий вазифалари ўзгариши билан узвий равишда боғлангандир. Шу сабабли ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш бўйича олимлар томонидан илгари сурилган назарий фикрлар, умумий қоидалар бир-биридан кескин фарқ қиласиди. Бу эса адабий тил қурилишидаги ўзгаришларнинг унинг ижтимоий вазифасидаги ўзгаришлар билан, адабий тил тарихининг халқ тарихи билан маҳкам боғланганлигини яна бир марта тасдиқлади.

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш бир то-

мондан ўзбек халқининг ташкил топиши, этник таркиби, унинг ўзига хос мураккаб тарихий ривожланиши жараёни билан боғланган бўлса, иккинчи томондан, қадимги умумтуркӣ адабий тил қурилишида ҳамда ҳозирги туркӣ тиллар таснифида ўзбек адабий тилининг тутган ўрни, унинг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар билан боғлангандир.

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш бевосита туркӣ тилларни тасниф қилиш масаласи билан боғланган. Чунки ўзининг луғат бойлиги, товуш таркиби ва грамматик хусусиятлари жиҳатидан кўпчилик туркӣ тиллар бир-бирига жуда яқин туради. Аммо улар ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ ҳам қиласиди. Бу хусусиятларни аниқлаш эса туркӣ тиллар таснифи билан боғлиқдир.

Даврлаштириш учун ўзбек тили ва унга уруғдош туркӣ тилларнинг келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари, ўзаро муносабатларини ўрганиш ва таснифлаш зарур.

### ТУРКӢ ТИЛЛАР ТАСНИФИ

Туркӣ тилларни ўрганиш ва таснифлаш асосан XIX асрдан бошланади. Туркӣ тилларни таснифлашда кўпроқ географик нуқтаи назар асос қилиб олинади. Маълумки, географик таснифда қардош тилларнинг ҳудудий яқинлиги, ёндош яшаш шароити назарда тутилади. Аммо уларнинг баъзиларида бу ҳодисага қисман риоя қилмаслик ҳоллари ҳам сезилади.

Туркӣ тилларни илк бор илмий нуқтаи назардан тасниф қилган олим В. В. Радловдир. У ўзининг биринчи таснифида туркӣ тилларни уч гуруҳга бўлади: 1) **шимолий гуруҳ;** 2) **жанубий гуруҳ;** 3) **қурама типли гуруҳ.** Сўнгги гуруҳни яна **ғарбий** ва **шарқий** кичик гуруҳларга ажратади. В. В. Радлов ўзининг кейинги тадқиқотларида бу таснифини қайта ишлаб чиқади, яна ҳам такомиллаштиради ва туркӣ тилларни тўрт гуруҳга бўлади:

1. **Шарқий гуруҳ** (бунга олтой ва чулим тиллари, хакас, шор, тыва ва энасой туркларининг тиллари киради);

2. **Ғарбий гуруҳ** (бунга Сибирь татарлари, бошқирд, татар, қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқ тиллари киради);

3. **Ўрта Осиё гуруҳи** (бунга уйғур ва ўзбек тиллари киради);

4. **Жанубий гуруҳ** (бунга туркман, озарбайжон ва турк тиллари киради).

А. Н. Самойлович эса туркий тилларни тасниф қи-лишда фонетик принципга асосланади. У туркий тилларни олти гуруҳга бўлади:

1) **Р гуруҳи.** Бу тилларда қадимги туркий тилдаги з ва кейинча й га ўтган товуш р, товуши билан айтилади: азақ — айақ (оёқ) — ура каби. Бу гуруҳга эски булғор ва ҳозирги чуваш тиллари киради.

2) **Д гуруҳи.** Бу тилларда з товуши д товуши билан айтилади. Бу гуруҳга ўйғур, тува, қарагас, салар тиллари, қадимги ўйғур ва ўрхун-энасой турклари, умуман ўйғур ва шимоли-шарқий туркий тиллар киради.

3) **Тау гуруҳи.** Бу тилларда төғ сўзи тау тарзида айтилади. Бу гуруҳга олтой, қирғиз, қумиқ, қараҷай-балқар, татар, бошқирд, қараим, нўғай, қозоқ ёки умуман, шимоли-ғарбий туркий тиллар киради.

4) **Тағлиқ гуруҳи.** Бунда сўз шундай айтилади. Бу гуруҳга эски ўзбек тили, ҳозирги ўйғур ва ўзбек тиллари — жануби-шарқий туркий тиллар киради.

5) **Тағлиқ гуруҳи.** Бунда сўз шундай айтилади. Бу гуруҳга Хоразм ўзбек тили шеваси, қипчоқ-туркман тиллари киради.

6) **Ол гуруҳи.** Бунда бўл феъли ўл тарзида айтилади. Бу гуруҳга озарбайжон, турк, гагауз каби жануби-ғарбий туркий тиллар киради<sup>1</sup>.

С. Е. Малов ўз асарларида туркий тиллар таснифи-га доир бир қатор қизиқарли фикрларни баён қиласди. У мавжуд таснифларга қилинган ўзининг қўшимча ва иловаларида эскирган хусусиятларнинг сақланиши хамда янги хусусиятларнинг ҳосил бўлиши жиҳатидан барча туркий тилларни тўрт гуруҳга бўлади: 1. Энг қадимги тиллар. 2. Қадимги тиллар. 3. Янги тиллар. 4. Энг янги тиллар. С. Е. Малов ўз таснифи учун туркий тиллардаги тил орқа г, ф ва бир неча орқа қатор унлиларнинг олд қатор товушига ўтиши, қадимги тилларда жа-рангсиз ундошларнинг, янги тилларда эса жарангли ундошларнинг кўплиги каби фонетик ҳодисаларни ўз таснифи учун асос қилиб олади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. М—Л; 1951, 5—8-бетлар.

<sup>2</sup> А. Н. Самойлович. Некоторые дополнения к классификации турецких языков. Петербург, 1922., F. Абдураҳмонов, Ш. Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973.

Мана шу тасниф асосида С. Е. Малов туркий тилларнинг ривожланиш тарихини уч даврга бўлади:

1. Туркий тилларнинг д-лаш даври. Бу ҳодиса қадимги руний ва уйғур ёзуви ёдгорликлари учун хос хусусиятдир. Сўз ўртаси ва охирида й товуши д тарзида айтилади: адақ (айақ), адыр (айир), қод (қўй) каби.

2. Ўткинчи давр. Бу даврда туркий тиллар д — лаш ҳодисасидан й — лашга ўта бошлайди: **кидим**>**кийим**, **кедин**>**кейин**, **адыр**>**айир** каби.

3. Туркий тилларнинг й — лаш даври. Бу даврда туркий тилларнинг табақаланиши ва ажралиб чиқиши кучаяди, алоҳида халқ тилларининг ташкил топишига замин тайёрланади.<sup>1</sup>

Туркий тилларни таснифлашда Н. А. Басқаковнинг хизматлари айниқса самарали бўлди. Унинг асарларида туркий тилларнинг илмий-назарий жиҳатдан анча мукаммал генеалогик таснифи берилади. Бу таснифга кўра туркий тиллар дастлаб икки катта тармоққа ажратилали: 1) **ғарбий хун тармоғи**; 2) **шарқий хун тармоғи**.

**Ғарбий хун тармоғи** тўрт шохобчага бўлинади:

1) **Булғор шохобчаси.** Бунга қадимги булғор, хазар ва ҳозирги чуваш тили киради.

2) **Ўғуз шохобчаси.** Бу шохобчага қадимги ўғуз ва ҳозирги туркман, гагауз, озарбайжон, турк тиллари киради.

3) **Қипчоқ шохобчаси.** Бунга қараим, қумик, қрим татарлари, татар, бошқирд, қорақалпоқ, қозоқ тиллари киради.

4) **Қарлуқ шохобчаси.** Бу шохобча таркибига қадимги уйғур тили, эски ўзбек тили ва ҳозирги уйғур, ўзбек тиллари киради.

**Шарқий хун тармоғи** икки шохобчага бўлинади:

1) **Ўйғур-ўғуз шохобчаси.** Бунга қадимги ўғуз тили ва ҳозирги тува, қарагас, ёкут, хакас, шор тиллари киради.

2) **Қирғиз-қипчоқ шохобчаси.** Бу шохобчага қадимги ва ҳозирги қирғиз тили ва олтой тиллари киради. Ўз навбатида юқорида кўрсатилган гуруҳларнинг ҳар бири яна бир қанча гуруҳларга бўлинади.<sup>2</sup>

Н. А. Басқаков ўзининг ана шу таснифи билан боғ-

<sup>1</sup> С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. М—Л 1951 год. 221—222-бетлар.

<sup>2</sup> Н. А. Басқаков. Тюркские языки, М., 1960, 223—228-бетлар.

лиқ равища туркій тилларнинг ривожланиш тарихиниң күйидеги даврларга бўлади:

I. Олтой даври (милодгача III асрлар). Туркій тиллар тараққиётининг энг қадимги, илк босқичи бўлиб, бу даврнинг муайян саналари фан томонидан аниқланган эмас. Чунки тарихий ҳужжатлар йўқ.

II. Хун даври (милодий V асрларга).

III. Қадимги турк даври (V—X асрларгача).

IV. Ўрта турк даври (X—XV асрлар).

V. Янги турк даври (XIV—XIX асрлар).

VI. Энг янги давр (XIX—XX асрлар).<sup>1</sup>

### ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ

Туркій тилларни таснифлаш ва унинг тараққиёти тарихини даврлаштириш билан боғлиқ равища ўзбек адабий тили тарихи ҳам олимлар томонидан турлича даврлаштирилади. Жумладан, С. Е. Малов ўзбек адабий тили тарихини уч даврга бўлиб ўрганади:

1) Ўйғур адабий тили; 2) Чигатой адабий тили;  
3) Ўзбек адабий тили. Бу даврлаштиришга кўра ҳозирги ўзбек адабий тили чигатой адабий тилидан келиб чиққан. Чигатой (эски ўзбек) адабий тили эса ўз навбатида, ўйғур адабий тилидан келиб чиққан.<sup>2</sup>

А. Н. Самойлович ўзбек адабий тили тарихини уч даврга бўлади:

1. Қорахонийлар даври адабий тили (X—XI асрлар). Бу давр қорахонийлар давлатида шаклланган ва кенг қўлланган шарқий туркій адабий тил ва шу тилда ёзилгай асарлар билан ажralиб туради.

2. Ўғуз-қипчоқ адабий тили (XII—XIV асрлар). Бу давр Хоразмда ўғуз-қипчоқ диалекти негизида ривожланган гарбий туркій адабий тил ҳамда бу ерда яратилган асарлар билан боғланган.

3. Ўрта Осиё туркій адабий тили (XIV—XX асрлар). Бу давр тили шу асрлар давомида туркій — эски ўзбек адабий тилида яратилган асарлар билан боғланган. Ҳозирги ўзбек адабий тили эса Ўрта Осиё туркій адабий тилининг давоми деб қаралади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Н. А. Басқаков. Тюркские языки. М., 1960.

<sup>2</sup> С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 5, 221; F. Абдураҳмонов, Ш. Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973, 17-бет.

<sup>3</sup> А. Н. Самойлович. К истории литературного среднеазиатско-турецкого языка. Сб. «Мир—Али—Шер». Л., 1928, 1—23-бетлар.

А. М. Шчербак ўзбек адабий тили тарихини тўрт даврга бўлиб ўрганади:

I. Ўзбек адабий тилининг энг қадимги даври (Х—XIII асрлар). Бу давр асосан шарқий туркий адабий тил ҳамда маълум даражада ғарбий туркий адабий тил билан боғланган.

II. Ўзбек адабий тилининг ўрта—«чиғатой» тили даври (XIV—XVII асрлар). Бу давр тили асосан эски ўзбек адабий тили ҳамда шу тилда ёзилган асарлар билан боғланган.

III. Ўзбек адабий тилининг янги даври (XVII—XVIII асрлар). Бу давр хонликлар даври адабий тилини қамраб олади.

IV. Ўзбек адабий тилининг энг янги даври (XIX—XX асрлар).<sup>1</sup>

О. Усмонов ўзбек адабий тили тарихини беш даврга бўлади:

I. Қадимги турк тили даври (VI—IX асрлар).

II. Қадимги ўзбек тили даври (IX—XII асрлар).

III. Эски ўзбек тилининг илк даври (XIII—XIV асрлар).

IV. Эски ўзбек тили (XIV—XIX асрлар).

V. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.<sup>2</sup>

F. Абдураҳмонов ўзбек адабий тили тарихини қўйидагича даврлаштиради:

I. Энг қадимги туркий тил (VII асргача бўлган давр).

II. Қадимги туркий тил (VII—XI асрлар).

III. Эски туркий тил (XI—XIII асрлар).

IV. Эски ўзбек адабий тили (XIV—XIX асрлар).

V. Янги ўзбек адабий тили (XIX—XX асрлар).

VI. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.<sup>3</sup>

Бу масала юзасидан турли олимлар баён қилган фикрларни умумлаштириб ва уларга таянган ҳолда, ўзбек адабий тили тарихини ўзбек ҳалқининг тарихи ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгариш

<sup>1</sup> A. M. Щербак. К истории узбекского литературного языка древнего периода. Сб. «Академику В. А. Гордлевскому». М., 1953, 323-бет.

<sup>2</sup> Олим Усмонов. Ўзбек тили масалалари. Урта Осиё Давлат Уни-ти илмий асарлари тўплами. Тошкент, 1957.:

<sup>3</sup> F. Абдураҳмонов, Ш. Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. 19-бет.

лар билан боғлиқ радиша қуйидагида даврлаштириш мүмкін:

I. Қадимги туркий адабий тил даври (VII асрдан XIII асрғача).

II. Эски ўзбек адабий тили даври (XIII—XIV асрлардан XX асрнинг бошларигача).

III. Ҳозирги ўзбек адабий тили даври (XIX—XX асрғача).

**Қадимги туркий адабий тил.** Бу давр тилини VII асрдан, яғни турк ҳоқонлиги (тукю империяси) ташкил топган даврдан XIII асрғача жуда катта ҳудуд (Урта Осиё, Қозоғистон, Шарқий Сибирь ва Шимолий Мұғалистан) да яшаган туркий уруғ ва қабилаларнинг тили ташкил қиласы. Қадимги туркий адабий тил даври, аввало, туркий тилларнинг тұлық табақаланиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга бу даврда туркий тилларнинг тараққиеті ўша вақтларда ташкил топган фарбий ва шарқий туркий қабила иттифоқлари, давлаттарнинг таркибига кирган қабилаларнинг тарихи билан боғлиқ ҳолда давом этади. Демак, тарихий ривожланиш, құйшилиш ва марказлашиш жараёнида ажралиб чиқа бошлаган туркий тиллар жамиятнинг муҳим алоқа воситаси бўлиб хизмат қиласи эди.

Қадимги туркий адабий тил ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан, бир томондан, руний ва уйғур ёзувлари билан битилган VII—X асрларда юзага келган қадимги ёдгорликларнинг тили ҳамда иккинчи томондан, X—XIII асрларда яратилган асарларнинг тили ўзининг күпгина фонетик ва грамматик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилиб туради. Шунинг учун илмий адабиётларда, туркий тиллар тарихи-ни даврлаштиришга бағишлиланган асарларда бу даврлар бир-биридан ажратилиб, «қадимги туркий тил» ва «ески туркий тил» атамалари билан юритилади. Шунингдек, кейинги асрларда юзага келган ёдгорликларнинг тили бевосита ўша даврдаги маълум туркий тилнинг, жумладан, қарлуқ, уйғур, қипчоқ каби тилларнинг хусусиятини акс эттиради. Айни замонда мана шу даврларда туркий қабилалар негизида элат (халқ)ларнинг ташкил топиши, демак, қабила тиллари негизида элат (халқ) тилларининг шаклланиши жараёни бошланган эди.

**Эски ўзбек адабий тили.** Бу XIII—XIV асрлардан бошлаб, XX аср бошларигача бўлган катта даврни ўзичига олади. XIII асрнинг охиirlари ва XIV аср бош-

ларига келиб ўзбек әлат (халқ) тили, умумхалқ ўзбек адабий тили шаклланади. Бу давр адабий тилининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг умумхалқ характери кучаяди, лугат таркиби, фонетик ва грамматик қурилиши тўлиқ шаклланади. Эски ўзбек адабий тили XIV—XV асрларда ёк ўзининг асосий хусусиятлари, белгилари билан деярли ҳозирги ўзбек адабий тилига яқин бир шаклни қабул қилган эди. Кўп асрлик тарихий жараён давомида ўзбек адабий тили асосан ягона бир йўналиш бўйича ривожланади: адабий тил меъёrlари такомиллаша боради, бадиий-тасвирий воситалари орта боради, янги бадиий-услубий шакллар билан бойиди, тилнинг истеъмол доираси кенгаяди, унинг жонли халқ тилига яқинлашиб бориши ва тушунарлилиги сари йўналиши кучайиб боради. Аммо тарихий тараққиётнинг турли даврларida халқнинг турмушида, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар ўзбек адабий тилининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, турли даврларда Мовароуннаҳр, Хоразм ва Олтин Ўрдада ёзилган бадиий асарларнинг тили маълум диалектал фарқлар билан ажралиб туради. Узбек адабий тили тарихида XIII—XIV асрларда шаклланиб, XX асрнинг бошлари гача давом этган эски ўзбек адабий тили даври жуда катта аҳамиятга эгадир. Жонли халқ тили негизида шаклланган эски ўзбек адабий тили Хоразмий, Лутфий, Атоий, Саккокий каби шоирлар томонидан яна ҳам тараққий эттирилди.

Эски ўзбек адабий тилининг ривожланиши ва такомилга эришувида Алишер Навоийнинг хизматлари айниқса катта бўлди. Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг имкониятларини жуда кенгайтирди, унинг бойлигини, бадиий ифода воситаларининг кўплигини, равон ва ихчамлигини илмий-назарий жиҳатдан асослади, амалий равишда исботлаб берди. У адабий тилни мукаммаллаштириди, уни янги шакллар билан бойитди. Шу тариқа Алишер Навоийнинг буюк хизматлари, асарлари туфайли эски ўзбек адабий тили ўз ривожининг юқори даражасига кўтарилди.

Алишер Навоийдан кейин кўп асрлар давомида эски ўзбек адабий тилида Навоий анъанаси давом эттирилди. Алишер Навоийдан кейин яшаган барча шоир ва ёзувчиларнинг асарларида Навоий адабий тилининг кучли таъсир этганлигини, бу ёзувчилар эса ўз навбатида ўз-

бек адабий тилини яна ҳам ривожлантирганликларини, бойитганликларини очиқ кўриш мумкин. Шунга кўра эски ўзбек адабий тили турли даврларда тараққий этиш хусусияти, жонли ҳалқ тили билан боғлиқлигининг кучайиши ҳамда унинг адабий-бадиий ва услубий восита-ларининг кенгайиши, силлиқланиб бориши жиҳатидан бир қанча босқичларга бўлинади:

1) Умумхалқ ўзбек адабий тилининг тўла ташкил топиши босқичи (XIV—XVII асрлар);

2) Ўзбек адабий тилининг жонли ҳалқ тилига яқинлашиши жараёнининг кучайиши босқичи (XVII—XIX асрлар);

3) Ўзбек адабий тилининг ривожланишида янги йўналишларнинг пайдо бўлиши босқичи (XIX аср 2-ярми — XX аср бошлари).

Эски ўзбек адабий тили тараққиётининг бу босқичлари, уларнинг хусусияти ўз ўрнида баён қилинади.

**Ҳозирги ўзбек адабий тили.** Бу давр ўзбек адабий тилининг XX аср бошларидан кейинги ривожланишини ўз ичига олади. Бу даврда ўзбек миллати шаклланади, ўзбек адабий тили эса ўзбек миллий адабий тили сифатида таркиб топади. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ижтимоий функцияси ниҳоятда кенгайди, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатида унинг аҳамияти ва роли бекиёс даражада ўсади, хизмат доираси кенгайди.

Бу даврда ўзбек адабий тили ижтимоий функциясининг кенгайиши натижасида ўзбек атамашунослиги жуда бойиди. Адабий тилнинг лугат таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ҳалқ ҳўжалигининг қайта қурилиши, ижтимоий-сиёсий турмушнинг янги турлари, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, фан, техника ва маданият соҳасидаги ўзгаришлар ўзбек тили лексикасида ўз ифодасини топди, хилма-хил ясалмалар, ўзлаштирмалар асосида лексика жуда бойиди, жиддий равишда янгиланди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонетик тизими ва сўз ясалиши бобида, унинг грамматик қурилиши соҳасида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлди. Товушлар бирикувининг янги қонуниятлари ва товушларда янги сифат ўзгаришлари пайдо бўлди, сингармонизм ҳодисаси деярли йўқолди. Ўзбек графикаси ва орфографияси такомиллашди. Сўз ясашнинг янги усуллари пайдо бўлди, морфологик ва синтактик қонуниятлар мукаммаллашди. Ўзбек адабий тилининг услубий вазифаси

ўзгарди, услублар доираси кенгайди, адабий тилнинг янги услублари пайдо бўлди. Шу билан бирга ўзбек адабий тилига бир ёқлама ёндашиш, унинг ривожланиш хусусиятларини бошқа тил миқёслари билан белгилашга интилиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланиб турди. Шунга қарамай, ҳозирги ўзбек адабий тили ҳар томонлама ривожланган, муайян умумий меъёрга бўйсундирилган, ижтимоий функцияси ва моҳияти ниҳоятда кенгайган миллий адабий тиллардан бирига айланди. У ўзбек халқининг барча ижтимоий-сиёсий ва маданий эҳтиёжи ва талабларини қондиришга хизмат қиласидан тилдир, фан ва техника, адабиёт ва матбуот, давлат идоралари ва ўқув юртлари, радио, кино ва телевидение тилидир.

### ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛ

#### ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Қадимги туркий тил даври барча туркий уруғ ва қабилаларнинг умумий тили сифатида VII—XIII асрларни ўз ичига олади. Қадимги туркий тил ўзининг келиб чиқиши ва ривожланиши жиҳатидан олтой ва хунн тили даврлари билан узвий равишда боғланган. Бу давр тили ҳақида Б. Я. Владимирцов қўйидаги фикрларни баён қиласиди: «... мўғул тили турк ва тунгус тиллари билан бирга ўзларининг бир умумий аждодига эга бўлганки, уни шартли равишда олтой тили деб аташ мумкин. Олтой тили ҳозирча маълум эмас, аммо олтой тиллари маълум, яъни олтой тилининг ривожланиши жараёнида ташкил топган мўғул, турк, тунгус тиллари маълум.<sup>1</sup> Бу давр туркий тиллар тараққиётининг биринчи, энг қадимги босқичи бўлиб, фанда у олтой тил бирлиги номи билан юритилади. Бу даврда ҳали туркий тиллар мўғул тилларидан, мўғул тиллари эса, ўз навбатида, тунгус-манъҷур тилларидан ажралиб чиқсан эмас эди, улар бир тил бирлиги сифатида қўлланар эди. Шундай қилиб қандайдир энг қадимги тилнинг бўлганлиги тахмин қилинади. Бу тилга хос умумий лексик, фонетик ва грамматик белги-хусусиятлар эса ҳо-

<sup>1</sup> Б. Я. Владимирцов. Сравнительная грамматика монгольского письменного языка и халкасского наречия. Ленинград, 1929, 45-бет.

зирги мүгүл, туркий ва тунгус-маньчжур тилларыда сақланиб қолган.<sup>1</sup>

Олтой даврининг характери, бу даврда яшаган халқлар ва уларнинг тили ҳақида аниқ маълумотлар берувчи тарихий ёдгорликлар йўқ. Бу давр тилининг айрим хусусиятлари қадимги ўлик тилларнинг энг қадимги белгилари билан ҳозирги жонли тилларни тарихий-қиёсий усул асосида қиёслаб ўрганиш орқали тахминий равишда аниқланиши мумкин. Тарихий тараққиёт жаражасида олтой даврининг охирларида бу тиллар табакаланади ва иккита катта тил гуруҳларига бўлинади, яъни тунгус-маньчжур ва турк-мүгүл тиллар гуруҳлари ажралиб чиқади. Ўз навбатида ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ўсиши, ажралиб чиқиши, фарқланиш жараженининг давом этиши асосида бу тилларнинг ҳар қайсиси аста-секин ўзига хос лексик, фонетик ва грамматик хусусиятларга эга бўлиб боради. Бунинг натижасида хун даврининг охирларида турк-мүгүл тил бирлигидан турк тиллари ва мүгүл тиллари ажралиб чиқади.

Энг қадимги ўзига хос фарқлантирувчи белгилардан бири ундошларнинг фонетик мос келиши ҳисобланади. Бу ҳодисага кўра, тунгусча т ва маньчжурча с товуши туркий ва мүгүл тилларida и унлиси олдидан ч-ш ундошига мос келади. Жумладан, чуваш тилидаги чёр (тизза) — бошқа туркий тилларда тиз, тизе (диз, дизе), тирноқ (чёр—тиз), чувашча чёрне—тырнақ ҳодисаси кўпчилик туркий тилларни тунгус тилига, чуваш тилини эса мүгүл тилларига яқинлаштиради.<sup>2</sup> Шундай қилиб, туркий тилларнинг ривожланиш тарихида олтой даври кейинги даврларда табакаланиб ажралиб чиқсан турклар, мүгуллар ва тунгус, маньчжурлар учун ягона умумий тил мавжудлиги билан характерланади.

Туркий тилларнинг энг қадимги даврлардаги тараққиётининг иккинчи босқичи хун даври ҳисобланади (эрэмизгача III асрдан эрамизнинг IV асригача). Бу даврда Марказий Осиёдан Шарқий Европагача бўлган катта ҳудудда қудратли Хун империяси тузилади. Бу империя жуда кўп турк-мүгүл, тунгус-маньчжур ва бошқа қабилаларни бирлаштиради. Эрамизнинг I асри охир-

<sup>1</sup> В. Я. Владимирцов. Уша асар, 47-бет; Н. А. Баскаков. Тюркские языки, М.; 1960, 28—29-бетлар.

<sup>2</sup> Н. А. Баскаков. Тюркские языки, М., 1960, 30-бет.

ларида ўзаро ички урушлар натижасида Хун давлати икки қисмга — Фарбий Хун ва Шарқий Хун давлатларига бўлинади. Кейинча булар асосида ғарб ва шарқда турклар бошчилигида бир қанча қабила иттифоқлари ташкил бўлади. Икки Хун давлатининг тузилиши ва мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан туркий қабилалар ва тилларнинг ривожланишига катта таъсир қиласиди, улар умумий белгиларини сақлаган ҳолда, аста-секин ўзларига хос хусусиятларни ҳам ҳосил қила бошлайдилар, натижада бу барча туркий тилларнинг икки гурухга — шарқий туркий ва фарбий туркий тилларга бўлиннишига олиб келади.<sup>1</sup> Бу даврдаги туркий тилларнинг хусусиятини кўрсатувчи тарихий манбалар йўқ. В. В. Бартольдчуваш тили бўйича тадқиқотларига асосланиб, хун давридаги чуваш тили билан умумийликка эга бўлган, буни венгер тилидаги туркий унсурларнинг чуваш унсурлари билан ўхшашлиги ҳам тасдиқлайди, деган фикрни илгари суради<sup>2</sup>.

Хун даврида турлича турк, мўгул, тунгус-манъчжур қабилалари тилларининг ўзаро бир-бирига таъсир қилиши, қўшилиши, чатишиб кетиши ва қайта ташкил топиши жараёнида ўша вақтда Марказий ва Урта Осиёда ҳамда Шарқий Европада яшаган қадимги эроний, хитой, санскрит ва славян қабилалари тилларнинг иштироки ҳам бўлган.

Хун даврида туркий тиллар ҳам кўпгина уруғ ва қабилаларнинг тиллари сифатида мавжуд эди ва уларга хизмат қиласиди. Бу даврда уларнинг р-л тиллари (қадимги авар, булғор ва ҳозирги чувашларнинг ўтмишдоши) ҳамда з-ш тилларига (қадимги ўғуз, қирғиз, қарлуқ ва қипчоқлар) ажралиши давом этарди. Фонетик қурилиш ва лексикадаги -с/з ва л-ш/ж тарзида мослашиш ҳодисасининг қолдиқларини ҳозирги олтой ва бир қатор туркий тилларда учратиш мумкин: р-с/з; бас — бормоқ ва бир—бормоқ; көз ва көр (кўрмоқ), л-ш/ж; беш ва белек—тирсак (чувашча пилек—беш), быш—булға—аралаштироқ каби. Шу билан бирга бу даврда майда-майда туркий қабилаларнинг табақаланиши ва бир-бирига қўшилиши, бирлашиши жараёни ҳам давом этар эди.

<sup>1</sup> Н. А: Баскаков: Қўрсатилган асар. 33- бет:

<sup>2</sup> В. В. Бартольд. История турецко-монгольских народов. Тошкент, 1928, 5- бет.

Туркий тиллар тараққиётининг учинчи босқичи қадимги туркий босқич ҳисобланади (VII—XIII асрлар). Бу босқич ўз навбатида икки даврга бўлинади: 1) Қадимги туркий тил даври, (VII—X асрлар). 2) Эски туркий тил даври (XI—XIII асрлар).

Қадимги туркий тил даври учга бўлинади:

- 1) Турк ҳоқонлиги даври (VI—VIII асрлар);
- 2) Қадимги уйғур даври (VIII—IX асрлар);
- 3) Қадимги қирғиз даври (IX—X асрлар).

**Қадимги туркий тил даври.** Бу даврда туркий тиллар тўла табақаланади, ўзининг мустақил ривожланиш йўлига киради. Бу даврда туркий уруғ ва қабилалар Хун (ҳам шарқий Хун, ҳам фарбий Хун) давлати таркибига кирап эди. VI аср ўрталарида турклар кучайиб, ирик бир қабила иттифоқига бирлашади, қўшни қабилаларни енгиб, 552 йилда ўзларининг мустақил давлатларини — турк ҳоқонлигини барпо қиласди. 555 йилга келиб, Марказий Осиёдаги халқлар Манчжурия ва Энасой қирғозларигача бўлган ерларни ўзларига қаратиб оладилар. Ҳарбий ва сиёсий қудрати аста-секин кучайиб борган турк ҳоқонлиги эфталитлар давлатини тор-мор қиласди, Амударё ва Оролгача бўлган жойларни, VI асрнинг 70-йилларида эса Шимолий Хитойдаги Чжоу ва Ци давлатларини босиб олади. Ҳоқонликнинг чегараси Амударёдан Ҳиндистонгача чўзилар эди. Аммо қабилалар ўртасидаги ўзаро урушлар ҳамда Хитойнинг кучайиб кетиши ва бу урушларга аралашуви натижасида VI асрнинг 80-йилларида турк ҳоқонлиги парчаланиб, Шарқий турк ҳоқонлиги ва Фарбий турк ҳоқонлигига бўлиниб кетади.

Шарқий турк ҳоқонлиги Марказий Осиёда ўз ҳокимиyatини ўрнатади, VII асрнинг 2-чорагида Хитойга қарам бўлиб қолади. 681 йилда ҳоқон қутлуғ (Илтерин) ва унинг маслаҳатчиси Тонюк мустақилликни қўлга киритадилар. Шарқий турк ҳоқонлигининг кейинги кучайган даври 682—745 йилларга тўғри келади. Ҳоқон Копоғон (691—716 йиллар) даврида турклар Самарқандгача бориб етадилар. Ҳоқон Билга вафоти (734 йил) дан кейин кучайган ўзаро урушлар натижасида Шарқий турк ҳоқонлиги парчаланиб кетади, 745 йилда эса уйғулар томонидан босиб олинади.

\* Маркази Еттисув бўлган Фарбий турк ҳоқонлиги эса мустақил давлат сифатида VII асрнинг 1-ярмида Шарқий Туркистондан Қаспий дengизигача бўлган ерларда

ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Қўшни давлатлар билан савдо-сотиқ ишлари ривожланади. Самарқанд, Бухоро, Чоч (Тошкент), Марв, Чоржуй каби катта шаҳарлар обод бўлади. Аммо Хитой ва шимолий қўшни давлатларнинг ҳужуми, ички ўзаро феодал урушлар натижасида Фарбий турк ҳоқонлиги тутатилади. Туркларнинг бир қисми Шарқий Туркистонда ўзларининг иттифоқини барпо қиласди, Еттисув ва унинг атрофларини эса тиргешлар қўлга кирилади. Қейинроқ эса бу ерлар Олтойдан кўчиб келган қарлуқлар қўлига ўтади. Ўғузлар эса ғарбга томон юриш қилиб, VIII асрда Сирдарёнинг қўйи қисми ҳавзасида, Қорақумгача бўлган ҳудудда ўз давлатларини барпо қиласдилар.

Туркий тиллар тараққиётининг учинчи босқичига, яъни қадимги туркий даврдаги туркий уруғ ва қабилалар, уларнинг тилларига оид жуда кўп ёзма манбалар, тарихий ёдгорликлар мавжуд. Жумладан, турк ҳоқонлиги таркибига кирган туркий уруғлар ва уларнинг тиллари Ўрхун-Энасой ёдгорликлари орқали аниқланган. Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг кўпчилиги рус олимлари томонидан топилган. Булар орасида, айниқса сибирлик ўлкашунос Н. М. Ядринцев 1889 йилда Мўғулистонда Ўрхун дарёси бўйларидан топган ёдгорликлар катта аҳамиятга эга. Худди шундай ёдгорликларнинг каттагина бир қисми Энасой дарёсининг юқори қисмидан ва Қирғизистондаги Талас водийсидан, шунингдек Байкал кўли атрофлари, Лена дарёси соҳиларидан ҳам топилган.

Ўрхун-Энасой ёдгорликлари асосан тошларга ўйиб битилган ёзувлардан, идиш, тангалар каби буюмларда ва қофозларда ёзилган битиклардан иборат бўлиб, бир қанча вақтлар олимлар учун ўқилиши жумбоқ бўлиб қолади. Шунга кўра, у қадимги скандинав-герман тилларига оид рун, руний (руна—сири, яширин демак-дир) ёзуви номи билан ҳам юритилади. Фақат XIX асрнинг 90- йилларида бу ёзувни дастлаб даниялик олим В. Томсен ва рус туркшуноси В. В. Радлов ўқийдилар. Улар бу ёдгорликларнинг тил хусусиятлари туркий халқларга тегишли эканлигини аниқлаб берадилар. Шундан кейин кўп йиллар давомида бу ёзувларни таржима қилиш, тил хусусиятларини ўрганиш ва нашр этиш соҳасида катта ишлар қилинди.

Ўрхун-Энасой ёзуви билан битилган энг йирик обидаларга қўйидагилар киради:

1. Үнгин (онгин) битигтоши. Энг қадимий ва йирик ёднома бўлиб, 689 ёки 692 йилларга тегишли. В. В. Радлов 1895 йилда асл матнини ва транскрипциясини немисча таржимаси билан нашр эттириди.

2. Тўнюқуқ битигтоши. 712—716 йилларда тошга ўйиб битилган. 1897 йилда Е. Клеменц Шимолий Мўғулистанда Баин Цокто манзилидан топган. В. В. Радлов 1899 йилда фотосурати транскрипция ва немисча таржимасини нашр эттириди.

3. Кул тигин битигтоши. 732 йилга тегишли бўлиб, жуда яхши сақланган. Рус ўлкашуноси Н. М. Ядринцев 1889 йилда Мўғулистаннинг Коша Цайдам водийсида Урхун дарёсининг Кўкшин ирмоғидан топган. 1891 йилда Үнгин битигтоши билан бирга нашр эттиради.

4. Билга ҳоқон битигтоши. Н. М. Ядринцев 1889 йилда Кул тигин битигтоши билан бирга Урхун дарёсининг Кўкшин ирмоғи атрофидан топган. В. В. Радлов томонидан Кул тигин битигтоши билан бирга нашр эттирилади.

5. Кули чур битигтоши. VIII асрга тегишли. 1912 йилда поляк олими В. Котвич Мўғулистаннинг Улан-Батор яқинидаги Ихе-Хушоту манзилидан топган ва рус туркшуноси А. Н. Самойлович билан биргаликда 1928 йили нашр эттиради.

6. Моюн чур битигтоши. VIII асрга (такминан 759 йиллар) тегишли. 1909 йилда финляндиялик олим Г. И. Рамстедт Шимолий Мўғулистаннинг Селенга дарёси яқинидан топган ва 1913 йилда таржимаси билан нашр эттиради.

7. Ирқ битиг (фолнома). Бунинг қўллёзмасини инглиз олими А. Стейн Хитойдаги «Минг будда ғори» ибодатхонасидан топган. 1912 йилда даниялик олим В. Томсен нашр эттирган.<sup>1</sup>

Бу битигтошлар VII—VIII асрларга тегишли бўлиб, турк ҳоқонлиги даврида руний ёзувида битилган. Улар график жиҳатдан бир-бирига анча яқин туради. Суғдий ёзуви асосида пайдо бўлган қадимги туркий рун ёзуви Фарбий ва Шарқий турк ҳоқонлигига кенг тарқалган эди.

Эрамизнинг 745 йилида турк ҳоқонлигини босиб олган уйғурлар давлати асосан илгари Шарқий турк ҳоқонлиги таркибига кирган қабилаларни бирлаштирас

<sup>1</sup> F. Абдураҳмонов, А. Рустамов. Қадимги туркий тил. Тошкент, 1982 4—5- бетлар.

эди. Фарбий туркларнинг ажралиб кетиши уйғурлар давлатини күчсизлантиради. Бунинг натижасида 840 йилда уйғур давлати қирғизлар томонидан босиб олинади. Қирғизлар ҳукмронлиги X асрغا давом этади. Аммо ўзининг бирлигини, итифоқини йўқотган кўпгина уйғур қабилалари қирғизлар ҳужумидан кейин фарбга йўл олиб, ўз мустақил давлатини тузади, бир қисми эса қарлуқлар томонига кетади.

Турк ҳоқонлиги таркибига кирган туркларнинг бевосита давомчиси, вориси бўлган уйғурлар жуда катта месрос — ўша давр тилини акс эттирувчи ёзма ёдгорликлар қолдирганлар. Бу ёдгорликлар бирин-кетин ёзилганлиги — хронологик жиҳатдан икки даврга бўлинади.

Биринчи даврга хос обидалар энг қадимги ёдгорликлар бўлиб, улар ўрхун ёзуви обидалари билан умумийликка эга бўлган битигтошлардан иборат. Г. И. Рамстедт топган бу битигтошлардан бири Шинеусу манзилидан топилган ва «Селенгин тошлари» номи билан маълум бўлган ёдгорликдир. Бу ёдгорлик VIII асрга, уйғурлар турк ҳоқонлигини босиб олган давларга тегишилдир. Уларнинг иккинчиси Сужи манзилидан топилган ёдгорлик бўлиб, 840—862 йилларга, яъни уйғурларнинг тор-мор қилиниши ва қирғизлар ҳукмронлигининг бошлиниши даврига тўғри келади.

Иккинчи даврга тегишли ёдгорликларга эса суғд ёзуви асосида шаклланган уйғур ёзувида битилган матнлар киради. Улар турли мазмундаги ва тил хусусияти жиҳатидан ҳам ҳар хил бўлган асарлар, ҳужжатлардан иборат. Булар фанда уйғур (туркий) тилида манихей (монавий), буддий ва христиан ёдгорликлари деб қаралса ҳам, бир умумий ном билан уйғур ёзуви ёдгорликлари деб юритилади.

Уйғур ёзувида битилган ёдгорликларнинг энг муҳимлари қўйидагилардир:

1. **Хуастуанифт** (монавийларнинг тавбаномаси). Бу ёдгорликнинг уч нусхаси бор, улар Санкт-Петербург, Берлин ва Лондонда сақланади. Турфондан топилган Санкт-Петербург нусхаси уйғур ёзувида битилган. Турфондан ва «Минг будда ғори» ибодатхонасидан топилган Берлин ва Лондон нусхалари монавий ёзуви билан битилган бўлиб, унинг тил хусусиятларини акс эттиради. Бу ёдгорликларни 1910—1911 йиларда инглиз олимни Ле Кок Берлин ва Лондонда нашр эттирган. Л. В. Дмитри-

ева 1963 йилда уни лотин алифбосида русча таржимаси билан нашр эттириди.

**2. Шаҳзодалар Қалиянамқара ва Папамқара ҳақида қисса.** Бу ёдгорликнинг матни 1914 йилда француз олими П. Пелло томонидан французча таржимаси билан нашр эттирилган.

**3. Олтун ёруқ.** Асли қадимги ҳинд-санскритча «Суварнапрабхаса» (олтин жило). Будда динига оид бўлган сутра (муқаддас китоб) нинг туркий таржимаси бўлиб, қисқача «Олтун ёруқ» номи билан юритилади. У X асрда бешбалиқлик Сингку Сели Тутунг томонидан туркий тилга ўгирилган. Бизгача унинг 10 га яқин нусхаси етиб келган. 1909—1911 йилларда рус туркшуноси С. Е. Малов Сучжоу шаҳрига яқин Вунгшагудан топган ва 1913—1917 йилларда нашр эттирган (В. В. Радлов билан бирга) нусха бошқаларига нисбатан мукаммалроқ бўлиб, Санкт-Петербургда сақланади.

**4. Секиз юқмак.** Турфондан топилган бу ёдгорлик матнини немис олимлари В. Банг, А. фон Габен ва турк олими Г. Р. Раҳматийлар 1934 йилда Берлинда нашр эттирганлар. Булардан ташқари, уйғур ёзувида ёзилган бир қанча обидалар, турли афсоналардан олинган парчаларнинг матнлари битилган ёдгорликлар бор. Шунингдек, VIII—X асрларга ва кейинги даврларга оид жуда кўп уйғурча юридик-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд. Бу ёдгорликларда ҳам адабий тил, ҳам халқ сўзлашув тили хусусиятлари акс этган<sup>1</sup>.

Фарбий турк ҳоқонлиги даврида (VI—VIII асрлар) туркий қабилалар ўтроқлаша бошлайди. Ўтроқлашган турклар шаҳарда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ билан шуғулланади, чўл ва қишлоқ жойларда эса деҳқончилик қиласиди. Бунинг натижасида туркий қабилаларнинг этник жиҳатдан ўзаро яқинлашуви ва форс тилларида сўзлашувчи халқлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари кучаяди.

VIII асрда Фарб ва Жанубда—Мовароуннаҳр ҳудуди (Самарқанд, Бухоро, Чоҷ, Фарғона, Хоразм) да яшаган аҳоли ва сүғдий-эроний халқлар араблар томонидан бошиб олинади, Аббосийлар халифалигига қарам бўлиб қолади. Бу ердаги халқлар эса ислом динини қабул қиласиди. Бу тарихий ҳодиса Мовароуннаҳрда яшаган халқларнинг, шу жумладан, туркий халқларнинг иқтисодий ва

<sup>1</sup> Н. А. Басқаков. Тюркские языки, 41- бет.

маданий тараққиётiga, фан ва адабиётнинг ривожига маълум даражада таъсир кўрсатди. Айниқса, IX асрнинг 2-ярмидан, Сомонийлар давридан бошлаб туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий силжишлар содир бўлди. Жумладан, уруғчилик-қабилачилик муносабатлари кучсизланди, феодал муносабатлар ривожланаб борди.

Шу асосда турк ҳоқонлиги даврида туркий қабилалар тўлиқ табақаланади. Марказлашиш, ўзаро бирлашиш жараёнида қўшилиш ва ажралиб кетиш асосида ривожланган туркий тиллар уйғурлар ҳукмронлиги даврида умумтуркий адабий тил сифатида шаклланади. Бу адабий тилнинг ташкил топишида қарлуқ-чигил тиллари, шунингдек уйғур тили асос сифатида қатнашади, унинг тараққиётiga маълум даражада таъсир қиласди. X—XII асрларда Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида қўлланган, маълум даражада меъёрга солинган туркий адабий тил худди ана шу тил асосида ривожланади. Бу адабий тил қисман ўғуз-қипчоқ тиллари хусусиятларини ҳам ўз ичига олар эди. Эски ўзбек адабий тилининг халқ тили сифатида шаклланиш даври ҳам мана шу вақтларга тўғри келади.

**Эски туркий тил даври.** Қадимги туркий босқичнинг иккинчи даврига эски туркий тил дейилади. Бу давр асосий туркий қабилалар ва элатлар тилларининг тўла шаклланиши ва ривожланиши даври бўлиб, XI—XIII асрларни, яъни Қорахонийлар давлати ва мўғуллар ҳукмронлиги даврини ўз ичига олади. Бу даврда барча туркий халқлар ва тиллар тўла шаклланади. Улар ўзларининг асосий белгилари жиҳатидан туркий тилларнинг ҳозирги ҳолатига анча яқин бўлган тарзда расмийлашади.

Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, X асрда қарлуқларнинг (чигил ва яғмолар билан бирга) қабила иттифоқи кучаяди ва Еттисувда ўзларининг қудратли Қорахонийлар давлатини барпо қиласди. Унинг маркази дастлаб Боласофун, кейинроқ эса Қашқар эди. Кўпгина кичик-кичик уйғур бекликлари ва бутун Мовароуннаҳр ҳудуди Қорахонийларга тобе эди. Қорахонийлар давлати қарлуқ-чигил, уйғур, ўғуз, қипчоқ, тухси, яғмо, арғу сингари жуда кўп туркий ҳамда бир қатор эроний-сугдий қабила ва элатларни бирлаштирасди. Бу даврларда туркий қабилаларнинг кўчманчиликдан ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтишлари жараёни тезлашади. Уларнинг ўза-

ро бир-бири билан ҳамда бу ердаги сүфдийлар билан аралашиш ва қўшилиб кетиши анча кучаяди.<sup>1</sup> Бу тарихий жараён ўзбек элатининг шаклланишида, унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, маданияти ва санъатининг ривожланишида катта омил бўлди. Ўзбек тилининг умумхалқ хусусияти кучаяди, яна ҳам ривожланади.

Айрим асарларда ўзбек элатининг шаклланиши XI—XII асрларда тугалланди, ўзбек тили алоҳида элат-халқ тили сифатида шаклланди,<sup>2</sup> деб кўрсатилади. Тўғри, бу даврларда туркӣ тиллар тўла шаклланди, ўзларининг ҳозирги хусусиятига бирмунча яқин тарзда расмийлашди, уларнинг умумхалқ характеристи кучайди. Аммо туркӣ қабилаларнинг тиллари алоҳида элат тили сифатида, шу жумладан, ўзбек элати тилининг шаклланиши жараёни тўла тугалланмаган эди. XI—XII асрларда ҳали қарлуқ-чигил, уйғур, тухси, яғмо, ўғуз, қипчоқ қабила тиллари хусусиятини ўз ичига олган умумтуркӣ адабий тил қўлланар эди. Бу даврларда яратилган «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Девону луготит турк» каби асарларнинг тил хусусиятлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди, чунки бу асарлар худди шу туркӣ адабий тилда ёзилган эди. Шунга кўра бу давр адабий тили фаяқат ўзбек элатининг тили бўлибгина қолмай, балки Мовароунаҳр ва Қашқар, умуман Ўрта Осиёда яшовчи барча туркӣ халқларнинг умумий адабий тили ҳисобланади<sup>3</sup>.

XI—XII асрларда умумхалқ ўзбек элат тилининг шаклланишига замин тайёрланган бўлса<sup>4</sup>, XIII асрда бу жараён тугалланади. Ўзбек халқининг ва ўзбек халқ тилининг шаклланиш жараёни ягона умумий тарихий жараённинг кенгайиши ҳамда иқтисодий ва этник алоқаларнинг чуқурлашиб бориши, яна ҳам кенгайиши шароитида давом этди. Бу жараён кўп асрлар давом этади: энг қадимги туркӣ давр (олтой ва хунн даврлари)дан бошланиб, қадимги туркӣ даврда ҳам давом этади ва ниҳоят, XIII асрларга келиб тугалланади. Бу тарихий жараён натижасида энг қадимги даврларда Ўрта Осиёда

<sup>1</sup> А. Ю. Якубовский. Ўзбек халқининг юзага келиши ҳақида. Тошкент, 1941. 10-бет.

<sup>2</sup> М. Ваҳобов. Ўзбек социалистик миллати, Тошкент, 1960, 28—41-бетлар.

<sup>3</sup> История Узбекской ССР, Ташкент, 1967, I жилд, 381-бет.

<sup>4</sup> F. Абдураҳмонов, Ш. Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, Тошкент, 1973, 20-бет.

яшаган форс-эроний тилда сўзлашувчи айрим сурдий ва хоразмий қабилаларнинг туркийлашиши, унга қўшилиб кетиши жараёни ҳам давом этади.

XI—XIII асрларда туркий адабий тилда ёзилган энг муҳим адабий-бадиий ёдгорликлар қуидагилардир:

1. Юсуф Ҳожиб Боласоғун томонидан ёзилган «Қутадғу билиг» («Баҳт келтирувчи билим») асари. Бу асар 1069—1070 йилларга оид бўлиб, ҳозир унинг уч қўл-ёзма нусхаси маълум. Намангандан Қоҳира нусхалари араб ёзувида, Вена нусхаси эса уйғур ёзувида ёзилган. Асар кўпроқ қарлуқ-уйғур тил хусусиятларини акс эттиради.

2. Маҳмуд Қошғарий томонидан ёзилган «Девону луготит турк» («Туркий сўзлар девони») асари. Бу машҳур асар 1072—84 йилларда ёзил тутгалланган (лекин ёзилиши анча илгари бошланган). «Девону луготит турк» 1915—1917 йилларда уч жилда Истамбулда нашр эттиради. Китобда туркий тилларнинг лугати бир-бирига қиёс қилинган ҳолда текширилади, туркий уруғ-қабилаларнинг жойлашиши, тарихи, моддий-маданий ҳаёти ва айниқса, тил хусусиятлари ҳақида қимматли материаллар беради.

3. Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари. Асар XII асрда ёзилган бўлиб, тил жиҳатидан, бир томондан, эски туркий адабий тил, иккинчи томондан, эски ўзбек тили хусусиятларини акс эттиради. «Ҳибатул ҳақойиқ» бадиий сўз санъати ва адабий тилнинг қимматли ёдгорлигидир.

4. Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асари. Бу асар ҳам XII асрга оид (Аҳмад Яссавий 1166—1167 йилларда ҳозирги Туркистон шаҳри яқинидаги Ясса шаҳрида вафот этган) бўлиб, ўз тилининг соддалиги, кенг ва халқ оммасига тушунарлилиги билан ажralиб туради. Кўпроқ эски ўзбек адабий тилига, шунингдек ўғуз-қипчоқ тилига яқин туради.

Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат» асари билан жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида маълум ва машҳур бўлган. Яссавий ҳикматларининг қўл-ёзмалари сақланган. Қозон ва Тошкентда бир неча маротаба нашр эттиран. Унинг ҳикматлари ўзбек тили тарихида қадимги ёзма обидалардан бири сифатида аҳамиятга эгадир.

#### ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қадимги туркий тил ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ҳатто фонетик ва морфологик хусусиятлари жи-

хатидан туркий тилнинг биринчи ва иккинчи босқичлари (қадимги туркий тил босқичи ва эски туркий тил босқичи) ўзаро бир-биридан ажралиб туради.

Қадимги туркий тилларнинг фонетик қурилишига хос характерли белгиларидан бири д-ланишдир. Бу даврда туркий тилларда тарихий жиҳатдан қадимги р-т/д-с/з ундошларининг й га ўтиш ҳодисаси пайдо бўлади ва ривожланади. Масалан, XI асрда й-с/з мослиги Маҳмуд Кошғарийнинг девонида санаб ўтилган тиллардан фақат қарлуқ қабила иттифоқи таркибига кирган чигил тилида сақланиб қолган. Жумладан, чигил тилида қарын тёзти (қарын тёйди), азақ (айақ) каби сўзлар таркибидаги «й» ундоши ўрнида «з» қўлланган. Энг қадимги р мослиги хунн давридан олдинги босқич учун хос бўлиб, ҳозирги мўфул тилларида ва фақат ҳозирги чуваш тилида сақланган бўлса, анча кейинги т/д ва с/з мослиги хунн даврида ривожланади. Туркий тилларнинг ўзида эса т/д ва с/з мослигининг й ундошига ўтиши ҳодисаси қадимги туркий ва айниқса эски туркий давр учун характерлидир. Худди шу даврларда қадимги т/д ва с/з ҳодисаси кўпгина туркий тилларда астасекин й билан алмашади. Маҳмуд Кошғарий девонида келтирилган фактлар X—XI асрларда бир қатор туркий тилларда д-з (т-с) мослиги мувозий ҳолда ишлатилганлигини, кейинчалик улар ўрнида й қўллана бошлаганлигини кўрсатади: адақ — азақ — айақ, адрылты — азрылды — айрылды: Турк бодун қанын болмайин Табғачда адрылты — турк халқи хони билан бўлмайин Табғачда айрилди (Тунюқуқ, 2, ПДН); азрылди (МК, 1, 245 й) олар икки айрышды (МК, 1, 268) тидиш (тизиш) — тийиш (МК, 1, 386), азығ — айиғ (авчи неча ал билсэ, азығ анча йол билир — овчи қанча хийла билса, айиқ ҳам шунча қочиш йўлини билади. (МК, 1, 94 б) сеэрэк-сийрак (МК, 1, 442 б).

Ўрхун-Энасой ва уйғур ёзуви ёдгорликларининг кўрсатишича, қадимги туркий тилларда умумий белги сифатида сўзнинг ўртаси ва охирида с/з-й мослигига нисбатан т/д нинг бўлиши билан бир қаторда, бу тилларни бир-биридан ажратувчи белги сифатида Н/Н, ~-й мослиги ҳам бўлган.<sup>1</sup> Масалан, ўрхун ва уйғур ёзувига доир битигтошлирида, айрим битигларда қаңда, қон,

<sup>1</sup> Н. А. Басқаков. Тюркские языки, 44-бет.

аңығ (ярамас, ёмон), бошқаларида эса қайда, қой, айығ тарзида қўлланади.<sup>1</sup>

Қадимги туркий тил фонетик хусусиятлари жиҳатидан яна қуидагилар билан ажралиб туради: Ўрхун-Энасой ва уйғур ёзуви ёдгорликларида саккизта унли товуш қўлланган: тилолди ә, ө, у, и товушлари ва тилорқа а, о, у, ы товушлари. Сўз ўртаси ва сўз охирида жарангли-жарангсиз ва жарангсиз-жарангли ундошларни (дт ва тд, гк ва кг, лт ва тл, мт ва тм, нт ва тн тарзида) ёнма-ён қўллаш жуда кўп учрайди: Тәмир қапығ-қа тэги сулэдим — Темир қапиққача лашкар тортдим (Кт, КБ, 4). Табғач бодун бирла тузултум — Табғач халқи билан келишдим (Кт, КБ, 4—5). Отузумтэ тёлу ёгрунч — Жисмимда шодлик тўлиб (О, Е, 609, 10). Мэн эмти тёлу — мен энди тўлиқ (О, Е, 615, 20) каби.

Товушлар уйғунлиги — сингармонизмнинг икки қонуни, яъни танглай уйғунлиги ва лаб уйғунлиги қонуни тўла сақланган: сунушдумиз, қапығ, бөгунуп — ўзига келиб, өкуш,— сабығ — сўзни, қаған — фару каби.

Қадимги туркий тил ўзининг лексик хусусияти, сўз бойлиги жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Ўрхун-Энасой ва уйғур ёзуви билан битилган ёдномалар қадимги туркий тилнинг лексикаси, луғавий қатламлари анча бой ва шаклланганлигидан, маълум қолипга келганлигидан гувоҳлик беради. Қадимги туркий тил луғатида бўлган сўзларнинг асосий қисмини ўша даврдаги туркий уруғ ва қабилаларнинг тиллари учун умумий бўлган сўзлар ташкил қиласди. Бу сўзларнинг кўпчилиги туркий тиллар тараққиётининг кейинги даврларида ҳам кенг истеъмолда бўлган. Улар кўргина ҳозирги туркий адабий тилларда, жумладан, ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам айрим ўзгаришлар билан қўлланиб келмоқда: танри, ата (ота), ана, ана, хатин, сингил, қызы, оғыл, (ўғлон), элчи, сув, қой, сигир, чичқан, кумуш, ай, кун, йулдуз, бағыр, йал, уч, ики, ёти, төкuz каби жуда кўп сўзлар шулар жумласидандир. Бу каби сўзлар ҳозирги барча туркий тиллар луғат таркибининг асосий умумтуркий қатламини ташкил қиласди. Бодун, өғ (она), су (лашкар), қунчуй (хоним), саб (сўз), бөгдэ (ханжар), йиг (яхши), қамуғ, қулсығ (қул сингари), сунгуг (найза) каби сўзлар эски туркий тилда, қисман кейинги

<sup>1</sup> С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, 111—114-бетлар.

даврларда айрим туркий тилларда жиддий ўзгаришлар билан чекланган ҳолда ишлатилган бўлса ҳам, кўпгина туркий тилларда истеъмолдан тушиб қолган.

Умуман ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва турмуш воқеа-ҳодисалари билан боғлиқ уй-рўзгор ва маданий-маиший тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, киши номлари ва қариндошлик алоқаларини, географик жой номини, ҳайвон ва қуш номларини, белги-хусусият тушунчаларини ва айниқса, феъл туркумига хос иш-ҳаракат ва ҳолат маъноларини англатувчи сўзларнинг аксарияти бевосита қадимги туркий тилнинг луғатига тегишли асосий лексик қатламни ташкил қиласди. Бу эса қадимги туркий тил луғатининг анча бой эканлигидан, маълум тартибга келганлигидан гувоҳлик беради. Бу тилдаги яна бир ўзига хос хусусият шундаки, Ўрхун-Энасой ва уйғур ёзуви ёдгорликлари тилида туркий бўлмаган тиллардан ўзлаштирилган сўзлар жуда кам учрайди. Бундай сўзларнинг, айниқса араб ва форс-тожик тилидан қабул қилинган сўзларнинг қўлланиши эса туркий адабий тилда анча кенгайди.

Қадимги туркий тилнинг грамматик қурилишидаги ўзига хос белгилар қуидагилардан иборат: Тушум келишигининг -(ы)г, -(и)г шакли кенг қўлланади: **элиг** йыл исиг, кучуг бэрмис — эллик йил ишини, кучини сарф қилибди (Кт, К, 8) ... турк бодун ач эрта, ул ийл-қығ алып әгит(т)им — турк халқи оч эди, у отларни олиб боқдим (Бх, 38). Жўналиш келишиги кўпинча -**фару**, -**қару**, -**гәру**, -**кәру** шаклида келади: ... **тоқуз оғуз** бодун йэрин субын ыдын **Табғачару** барды (Бх, 35). **Ол** йәргәру барсар, турук бодун, өлтәчи — **сэн** — у ерга борсанг, турк халқи, ўлажаксан (Ктк, 8). Қурол — восита, биргалик маъноларини ифодаловчи -(ы, -и) и аффиксли шакллар (қурол — восита келишиги) ишлатилади. Бу маъно жиҳатдан билан кўмакчили бирикмага яқин туради: **Турк** бодун қанын болмайын **Табғачда** адрылты — Турк халқи хони билан бўлмайин, **Табғачдан** айрилди (Тун, 2). **Сингирин, тамырын йоргэлмиш сёнгуклэр...** — пай билан, томир билан чирмалган суяклар (Ол. ё., 614, П). Қозин кормәдук, қулқақын эсидмәдук бодунум — кўз билан кўрмаган, қулоқ билан эшифтмаган халқим (Бх., Хв, П). Жамловчи сон -агу, -эгу аффикси билан ясалади: алтагу, учегу каби. Сифатдошнинг қадимги туркий тил учун хос -дук, -дук (туқ, -туқ) — бордук, — борган, тәдук — деган; -тачы, -тәчи (-дачы,

-дәчи) — болдачи — бўлажак, кәлдәчи — келажак; -ғлы, -гли, -бариғлы — борадиган, кәлигли — келадиган; -(ы) гма, -(и)гмэ-барыгма — борган, борадиган, келигмэ — келадиган каби аффикслар орқали ясалган шакллари кўп қўлланган. Қағанладук қағанын питуру ыдмис — ҳоқонлик қилган ҳоқонини йўқотиб юборди (Кт., 7)... ичикигмэ ичикиди, бодун болты, ёлугма олти — таслим бўлган, таслим бўлди, халқ бўлди, ўладиган ўлди (Бх, 37). Феълнинг шарт майли шаклининг кўплиги -алим, -элим аффикси билан, истак майли шаклининг кўплиги -алим, -элим аффикси билан ясалади: кәясэр, барсар (келса, борса), болмалым — бўлмайлик; бир киси йангылсар, оғушы, бодуны эби эсукингэ тэг қыдмыз — бирор киши адашса, уруғи, халқи, уйи ёпинғичигача қўймас экан (Кт., 6). Биз йоқатқулуқ, эмгэнгулук болмалым тэп — биз маҳрум бўладиган, ташвишга қоладиган бўлмайлик деб (Ол, ё., 608, 21—22).

Қадимги туркий тилнинг синтактик қурилиши ҳам маълум қолипга келтирилган бўлиб, сўз бирикмаларининг турлича кўринишлари, сўзларнинг синтактик алоқага кириши, гап бўлаклари, уларнинг ифодаланиши ва тартиби жиҳатидан ҳозирги туркий тилларга анча яқин туради. Шунингдек, унда содда ва қўшма гапларниң кенг ишлатилганлигини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, қадимги туркий даврнинг биринчи босқичида (VII—X асрлар) туркий тилларнинг т/д гуруҳ тиллар с з-гуруҳ тиллар ва й-гуруҳ тилларга бўлиниш (табақаланиш) жараёни давом этади. Бу даврнинг иккинчи босқичида эса туркий халқларнинг ривожланиши ғарбда ўғуз, қипчоқ, қарлуғ, уруғ-қабила гуруҳларининг ҳамда шарқда уйғур, қирғиз-қипчоқ қабила гуруҳларининг табақаланиши, ажralиб чиқиши билан характерланади. Туркий уруғ-қабилаларнинг ривожланиши натижасида туркий тилларнинг ажralиб чиқиши жараёни ҳам давом этади. Биринчи босқичда устун ҳолат, асосий роль ўйнаган т/д-гуруҳ тиллари ўз ўрнини кейинчалик пайдо бўлиб ривожланган й-гуруҳ тилларга бўшатиб беради. Бу т/д тил қолдиқлари қисман тува, ёқут тилларида сақланиб қолган.

Шу асосда қадимги туркий даврнинг иккинчи босқичида барча ҳозирги туркий тиллар умумий тарзда ташкил топади, уларнинг узил-кесил шаклланиши эса кейнги асрларда ҳам давом этади.

Шуни эслатиш керакки, қадимги даврлардан бошлаб туркий ва бошқа тилларда сўзловчи жамбаларнинг бир-бирига яқинлашуви ва аралашуви жараёни давом этган. Бу тарихий жараён эрамизнинг биринчи асрларида бошланганлиги қайд қилинади.

### ЭСКИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Адабий-тарихий манбаларнинг кўрсатишича, эски туркий адабий тил ўз даврига нисбатан анча ирвожланган, аниқ бир қолига туширилган тил эди. У жуда катта луғат бойлигига, анча тараққий этган сўз ясалishi ва грамматик қурилишга, хилма-хил услубий воситалар тизимида эга эди. Муайян воқеа-ҳодисалар ҳам, мураккаб мавҳум тушунчалар, турли руҳий кечинмалар ҳам бу тилдан анча содда, аниқ ва жонли тарзда ифода этилар эди. Эски туркий адабий тилнинг бойлиги, унинг турлича услублари ва хилма-хил ижчам тасвирий ифода воситаларининг маълум қолигига тушишиб шундай тарихий шарт-шароит билан боғланган эди. Балки маълум шевалар негизида шаклланганлигига қараётмай, ўз таркиби жиҳатидан ҳам, кўлланиш даражаси ва доираси томонидан ҳам барча туркий қабила ва турларнинг умумий тили сифатида хизмат қиласа эди. Эски туркий адабий тил ўша даврдаги кўпгина туркий тил ва шеваларга жуда яқин бўлганлиги сабабли инчоятда катта ҳудудда кенг тарқалган эди, шу ҳудуддан шаған халқларнинг ўзаро алоқа воситаси хизматини тутарди.

Жонли сўзлашув тилидан маълум даражада фарқ қилишига қарамай, эски туркий адабий тил ҳамма жойда бирдай ишлатилганидан бир қатор туркий тилларнинг ирвожланишига катта таъсири кўрсатарди. Ўзинавбатида ўша даврдаги жонли сўзлашув тиллари ҳамтунгансези-ларли таъсири қиласа. Кейинроқ эса эски туркий адабий тил кўпгина умумхалқ туркий элат адабий тилларнинг ташкил топишида асос бўлиб хизмат қиласа. Шу билан бирга эски туркий адабий тилгай ўша даврларда анча ирвожланган, маълум адабий бадиий анъаналар-га эга бўлган форс-тоҷик тилининг таъсирин ҳам сези-ларли даражада эди. Айниқса, эски туркий адабий тилнинг луғатига, бадиий тасвир иусуллари, ифодалилик

ҳамда услубий воситаларини ишлаб чиқишида форс-тожик тилининг таъсири самарали бўлган.

Шуни эслатиш керакки, эски туркий адабий тилда қадимги туркий тилга хос бўлган кўпгина лексик-фонетик ҳодисалар, грамматик шаклларда ўзгариш юз беради. Қадимги туркий тилда саккизта унли бўлса, эски туркий адабий тилда тўққизта унли товуш қўлланган. Тилолди ва тилорқа қатор ундошларида шаклий яқинлашиш, ўхашлик ҳодисаси юз берган ва товуш бирекувлари уйғунлиги ҳосил бўлган. Бошқа тиллардан сўз қабул қилиш қадимги туркий тил учун хос бўлмаса-да, эски туркий тилда араб ва форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлар кенг қўлланган. Грамматик жиҳатдан қадимги туркий тилга хос -сар, -сэр аффиксли шарт феъли; **-ырма**, **-игмэ**, **-дуқ**, **-дук**, **-ғлы**, **-гли**, **-тачи** аффиксли сифатдош шакллари истеъмолдан тушиб қолади. Шарт феълининг **-са** (**-сә**) аффикси, чиқиши келишигининг **-дын** (**-дин**) қўшимчаси **-ған** (**-гэн**) аффиксли сифатдошнинг ишлатилиши кабилар эса меъёр ҳолига келади.

Шу даврларда ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан ёзувчи ва шоирлар ўз асарларини эски ўзбек тилида ёзиш билан бирга ўша вақтда ўзбеклар сўзлашган тилдан маълум даражада фарқ қилган тилни, яъни адабий тилни ҳам ривожлантирилар, уни аниқ бир меъёрга келтирилар. Бу жиҳатдан ҳам эски туркий адабий тил энг яхши намуна бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун эски ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққий этишида эски туркий адабий тилининг таъсири ва аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Бу таъсири эски ўзбек адабий тилининг ҳамма соҳаларида аниқ кўриш мумкин. Бу, аввало, тилининг лугати учун хос ҳодисадир. Эски туркий тил борлиқдаги турли-туман предмет, белги, воқеа-ҳодисаларни, мавҳум тушунчаларни аниқ, равshan ифода этувчи катта сўз бойлигига эга эди. Бу сўзларнинг асосий кўпчилиги эски ўзбек адабий тили, шунингдек бошқа туркий тиллар учун умумий, бир хилда тушунилар ва қўлланар эди. Жумладан, аниқ тушунчаларни ифодаловчи авчи, айығ (айиқ), арслон, әркак, этук (этик), бошок, ўчоқ, байроқ, ўрдак, лочин, ўгул, сыйған (сичқон) каби сўзлар билан бирга муайян ва мавҳум предмет, белги, хусусият ва ҳолат англатувчи бэзак, байрам, кундуз, тамға, энак (энгак), тилақ, боқиш, сэмиз, улуғ, экин, эгрилик, тириклик, тупроқ, мангур сингари

жуда кўп сўзлар эски ўзбек адабий тилига ҳам айнан қабул қилинади ва кенг қўлланади.

Ўша даврда ёзилган асарларда ортуқ-кўп-ошуқ, эзгу-йахши, киши-одам-инсон, очуқ-ошкора, бутун-тугал, йана-тақы, ачун-дуня, йав-йори-душман каби туркий, туркий-форсий, туркий-арабий синонимик қаторлар; токиди, қачишти, учурган, сэвунди, йифилди, йиртилди, тэбратти, улуғсади, қушлади сингари хилма-хил феъл шаклларининг, кўплаб ихчам иборалар, сифатлаш ва ўҳшатишлар, бадиий-тасвирий ифода воситаларининг кенг истеъмолда бўлганлиги ҳам эски туркий адабий тилнинг бой луғатга эга эканлигидан гувоҳлик беради. Бу каби тил воситалари, луғавий бирликлар эски ўзбек тилида айнан тўғридан-тўғри эски туркий адабий тилдан қабул қилинган.

Эски туркий адабий тилнинг эски ўзбек адабий тилига, шунингдек бошқа турки тилларга таъсири, уларнинг муносабати фақат луғат соҳаси билангина чекланмайди. Бу таъсирининг энг муҳим томони шундан иборатки, эски туркий адабий тил негизида эски ўзбек адабий тилининг фонетика ва грамматика соҳасидаги ўз қоидалари ва шакллари тизими ташкил топди. Шуни қайд қилиш керакки, эски туркий тилдаги бу қоида ва шакллар айнан ўзича, қандай бўлса, шундайлигича эски ўзбек адабий тилига қабул қилинмайди, балки унинг негизида, ундан бошқачароқ, эски ўзбек тилининг ўзига хос бўлган қоида шакллари тизими ташкил топади.

Демак, эски туркий тилда мавжуд бўлган қоидалар эски ўзбек адабий тилида яна ҳам пухтароқ, ихчамроқ, такомиллашган бўлади. Ана шундай бошқачароқ янги қоидалар ва шаклларининг пайдо бўлишида асосий омил юзага келди (бу ҳақда қўйироқда маълумот берилади).

Юқоридагилардан кўринадики, ўзбек халқ адабий тилининг ташкил топиши ва ривожланиши икки иқтисодий-сиёсий ва маданий марказ билан боғлиқ равишда давом этади, яъни бир томондан, Қорахонийлар давлатида қарлуқ-чигил-уйғур тиллари асосида шаклланган шарқий туркий адабий тил билан боғланган бўлса, иккинчи томондан, Хоразм ва Олтин Ўрдада ўғуз-қипроқ тиллари негизида ривожланган ғарбий туркий тил билан боғланади.

Куйида эски ўзбек адабий тилининг ташкил топиши учун асос бўлиб хизмат қилган ана шу икки манбани кўриб чиқамиз.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ТИЛИНИНГ  
ТАШКИЛ ТОПИШИ

ЭСКИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЭСКИ ТУРКИИ  
АДАБИЙ ТИЛГА МУНОСАБАТИ

Эски ўзбек адабий тили XIII аср охирларидан XX аср бошларигача бўлган катта даврни ўз ичига олади. Бу даврда ўзбек тили ўзбек элатининг умумхалқ адабий тили сифатида фаолият кўрсатади. Тарихий ривожланишнинг катта бир қисмини ташкил қилган бу даврда мамлакат ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар ва иқтисодий-маданий муносабатлар билан боғлиқ равишда эски ўзбек адабий тили бир қатор ўзгаришларга учрайди. Унинг луғат таркиби боййиди, грамматик қўрилиши такомиллашади, силлиқлашади, янги қойда-қонуниятлар касб этади. Адабий тилнинг фонетик тизимида маълум ўзгаришлар содир бўлиб, адабий тил меъёрлари қатъйлашади, яна ҳам ривожланади.

Ўзбек халқи (элати)нинг ташкил топиши жараённи, унинг этник таркиби анча мураккаб ва хилма-хилдир. Ўзбек халқининг бошқа таркибий қисмлари (қарлуқ-ўйғур-чигил) ўртасида тил тафовути мавжуд. Бу жараён унинг ўзига хос мураккаб тарихий ривожланиш шароити билан боғланган. Шунингдек, бу ҳодиса ўзбек халқи (элати)нинг тарихан жуда кўп уруғ ва қабилаларнинг бир-бирига яқинлашуви ва бирлашуви натижасида ташкил топганлиги билан ҳам изоҳланади.

Амударё билан Сирдарё оралигига ва унга яқин ерларда энг қадимги даврлардан яшаб келган сак, мас-сагет ва эфталит қабилалари (булар Хун ҳоқонлиги аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган), шунингдек сүфдийлар, хоразмийлар ва бақтрияниклар ўзбек халқининг аждодлариридир. Ўзбеклар этногенезининг шаклланиши узоқ ва жуда мураккаб тарихий жараёнда кечган бўлиб, унинг таркиб топишида Мовароуннаҳрнинг қадимий туб аҳолиси, уруғ ва қабилалардан ташқари Шарқий Туркистон, Ёттисув, Жанубий Сибирь Олтой ва Мўғулистандан кўчиб келган қабилалар ҳам қатнашган.

Үрта Осиёning энг қадимги халқларидан бўлган ўзбеклар Зарафшон ва Фарғона водийларида, Тошкент ва Хоразм воҳаларида ҳамда Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида яшаб келганлар. Қадимги туркий қабила-ларнинг Үрта Осиёда ўтроқлашиши, туркий ва эроний тилларда сўзловчиларнинг бир-бирига яқинлашиши ва аралашишлари жараёни эрамизнинг биринчи асрларида бошланган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик берисича, турк ҳоқонлиги барпо бўлган даврларда — VI аср ўрталарида VIII асргача туркий қабила ва уруғлар оммавий равишда Үрта Осиёга, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кўчиб кела бошлаган. Бунинг натижасида уларнинг бу ердаги маҳаллий туркий-эроний қабила жамоалари билан аралашишлари жараёни тезлашади. Гарчи араблар томонидан Үрта Осиёning босиб олиниши туркий уруғ ва қабилаларнинг бу ерларга кўчиб келиш ва ўтроқлашиш жараёнини бирмунчагескинлаштирган бўлса-да, лекин бу жараёнини тұхтата олмади. Бу даврларда ўтроқлашиб қолган туркий уруғ ва қабилалар бу ердаги маҳаллий туркий-эроний жамоалар билан бирга араб халифалигига қарам бўлиб қолди, ислом динини қабул қилди, сал кейинроқ эса IX асрда ташкил топган Сомонийлар давлати таркибига кирди. Бу даврда маданият, фан ва адабиёт анча ривожланди, шаҳарлар обод бўлди, савдо-сотиқ ўсади. Бу эса, ўз навбатида, туркий қабила ва уруғларнинг бу ердаги маҳаллий аҳоли билан қўшилиши, аралашиб кетиши жараёнини тезлаштириди. Улар ўртасида иқтисодий ва маданий муносабатларнинг ривожланиши уларнинг тилларига ҳам аста-секин таъсир қила бошлади. Шу асосда ўша даврдаги қарлуқ-чигил, уйғур, тухси, яғмо, ябоку, тангут, арғу уруғлари ва қисман туркийлашган сүғдий жамоалар ўзбек элатицинг ташкил топишида негиз бўлиб хизмат қилди.<sup>1</sup>

Х асрда шимолда қарлуқ, яғмо, чигил қабила итифоқи кучайиб кетади ва Еттисувда ўзларининг қудратли Қораҳонийлар давлатини барпо қиласи Маркази дастлаб Боласофунда, кейинроқ Қашқарда бўлган Қораҳонийлар салтанати Сомонийлар давлатини босиб олади. Натижада Қораҳонийлар салтанати бутун Мовароуннаҳр ва Қашқарни бирлаштириб, Үрта Осиёning

<sup>1</sup> А. Ю. Якубовский. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, 1942, 3—4-бетлар.

энг йирик ва құдратли давлатларидан бирига айланади. Бу даврда туркий уруғ ва қабилалар ҳамда уларнинг тиллари бир-бирига анча яқинлашади. Ўша даврда маданияти жуда ривожланган шарқдаги ва ғарбдаги туркий-эроний халқларнинг Қорахонийлар давлатига бирлаштирилиши бу катта ҳудудда қўлланган туркий адабий тилда ҳам ўз ифодасини топди. Н. А. Баскаковнинг кўрсатишича, бу адабий тилнинг Қорахонийлар давлатида шаклланиши ва кенг тарқалиши иккى марказ билан, яъни Боласофун ва Қашқарда қарлуқ-уйғур, яғмо, чигил лаҳжалари негизида шаклланган шарқий туркий адабий тил ҳамда сал кейинроқ Хоразмда ўғуз-қипчоқ лаҳжаси негизида ривожланган ғарбий адабий тил билан боғланган бўлиши мумкин.<sup>1</sup>

Қорахонийлар даврида фан, маданият, адабиёт анча ривожланади, бир қатор бадиий-илмий асарлар яратилади, иқтисодий-маданий алоқалар, адабий алоқа ва ҳамкорлик ўсади, форс-тожик адабиётининг энг яхши намуналари кенг тарқалади. Шубҳасиз, бу ҳодисалар шу даврдаги туркий адабий тилнинг ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатди. Ўйғур, қарлуқ, чигил, яғмо, ўғуз, тухси, қипчоқ, арғу каби кўпгина туркий уруғ ва қабилалар ҳамда уларнинг тиллари бир-бирига яқинлашиб борди. Ҳар икки гурӯҳ — ҳам шарқий туркий, ҳам ғарбий туркий адабий тилнинг меъёрлари қатъий бир шакл касб эта бошлайди. Шу даврда майдонга келган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари, Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» достонлари туркий адабий тилнинг яна ҳам тараққий этишида, унинг адабий меъёрлари ишланиши, маълум қолипга туширилишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шуни эслатиш керакки, XI—XII асрларда туркий қабилаларнинг табақаланиши натижасида алоҳида-алоҳида туркий тилларнинг ажralиб чиқиши жараёни ҳам чуқурлашди, яна тезлашди. Аммо алоҳида туркий халқ (элат) лар ва туркий халқ тилларининг шаклланиши жараёни ҳали тугалланмаган эди. Бу жараён асосан кейинги даврларда, XIII—XIV асрларда тугалланади. Шунга кўра бу давр адабий тилини акс эттирган юқорида кўрсатилган асарлар Урта Осиёда яшовчи барча туркий халқларнинг маданий ёдгорлиги ҳисобланади. «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ»

<sup>1</sup> Н. А. Баскаков. Тюркские языки, 46-бет.

каби асарлар Ўрта Осиёдаги барча туркий тилларнинг қадимги тарихи учун умумий тарихий негиз бўлиб ҳизмат қиласди.<sup>1</sup> Чунки X—XII асрларда Қорахонийлар давлати таркибига кирган қарлук, яғмо, чигил ва уйғур қабилалари ҳамда Орол денгизи атрофларида яшаган ўғуз ва қипчоқ қабилалари шундай бир туркий этник қатламлардан иборат эдики, унинг негизида кейинроқ ҳозирги Ўзбекистон, Туркманистон ва Хоразм воҳасидаги аҳолининг асосий қисмини ташкил қиласланган халқлар ва элатлар шаклланади.<sup>2</sup>

Демак, жуда қадимдан бошлаб қадимги туркий тил таркибида амал қиласланган, XIII асрда халқ (элат) тили сифатида ташкил топиб, XIV—XV асрларда ва кейинги даврларда яна ҳам такомиллашиб равнақ топган эски ўзбек адабий тили XI—XII асрларда Қорахонийлар салтанатида кенг истеъмолда бўлган эски туркий адабий тил негизида шаклланди, бевосита унинг қонуний давоми сифатида ривожланди.

Маълумки, Қашқар ва Мовароунаҳрда Қорахонийлар давлати тузилган даврларда Хурсонда, Шимолий Ҳиндистондан Қаспий денгизининг ғарбий қирғоқларигача ҳозирги Афғонистон ва шимоли-шарқий Эронни, кейинроқ эса Хоразмни ўз ичига олган Ғазнавийлар давлати ҳукмронлик қиласди. Ўзаро зиддиятлар ва феодал урушларнинг кучайиши натижасида 1038—1040 йилларда ўғуз-туркман уруғларидан бўлган салжуқий турклари Хурсонда Ғазнавийларни тор-мор этиб, ўзларининг буюк Салжуқийлар давлатини ташкил қиласди. Қорахоний ҳукмдорларининг ўзаро низоларидан фойдаланган Салжуқийлар аста-секин Мовароунаҳрни эгаллаб, 1130 йилда Самарқандни босиб олади.

Ўзаро урушлар, феодал тарқоқлигининг кучайиши натижасида XII асрнинг иккинчи чорагида Мовароунаҳр кўчманчи қорахитойлар томонидан босиб олинади. Кейинроқ эса Хоразм мавқеининг кўтарилиши, хоразмшоҳларнинг кучайиб кетиши натижасида дастлаб 1206 йилда Бухоро, 1212 йилда Самарқанд ва бутун Мовароунаҳр хоразмшоҳлар тасарруфига ўтади.

Бу тарихий воқеалар шу даврларда кўпгина қабила ва уруғларнинг бирлашувини, уларнинг бир-бiri билан қўшилиб кетиши жарабёнини яна ҳам тезлаштириди.

<sup>1</sup> С. А. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М—Л., 1951. З-бет.

<sup>2</sup> И. А. Баскаков. Тюркские языки, 48-бет.

**Аммо XIII аср бошларида** Ўрта Осиёning мўғул бос-  
қинчилари томонидан истило қилиниши бу жараённинг  
ривожланишига маълум даражада салбий таъсир кўр-  
сатди. Чингизхон бошлилигидаги мўғул истилсилари-  
нинг зулми ва истибоди Ўрта Осиё халқларининг иж-  
тиёмий иктиносидай тараққиётига, уларнинг фан ва ма-  
даниятига, санъат ва адабиётига катта талафот етказ-  
ди. Шахарлар харобага айланди, дехқончилик ва  
сүғориш иншоотлари бузиб ташланди, нодир санъат ва  
адабиёт асарлари йўқ қилинди. Илм аҳли, ёзувчи ва  
шоирларнинг кўпи нобуд қилинди, бир қисми бошпана  
излаб чет ўлкаларга кетиб қолди. Узоқ йиллар давомида  
мамлакат чингизий истилочилар етказган оғир жаро-  
хатларни тўла даволай олмайди. Жумладан, XIV аср-  
нинг 60-йилларида ҳали хунармандчилик ишлаб чиқа-  
риши ҳам, дехқончилик ҳам, савдо-сотик ҳам XII ва  
XIII аср бошларидағи даражага ета олмаган эди.<sup>1</sup>

Мўғуллар истилоси Ўрта Осиёда маданият ва ада-  
биётнинг тараққиётида салбий из қолдирган бўлса-да,  
бу даврда ҳалқ оғзаки ижоди намуналари билан бирга  
ёзма адабиётга доир бадиий асарлар майдонга келади.  
Шунга кўра ўзбек ёзма адабий тилига нисбатаң унинг  
жонли сўзлашув адабий тили тури кенгроқ тарқалади,  
тараққий этади. Натижада шу даврда ўзбек тилининг  
умумхалқ характеристи, адабий тил билан жонли сўзла-  
шув тилининг ўзаро боғлиқлиги анча кучаяди. Шунинг  
учун адабий тилда шу даврдаги уруғ тилларининг—диа-  
лекларнинг хусусиятлари сақланиб қолади. Бу эса ўша  
даврда ёзма адабиётнинг, ёзма бадиий асарларнинг  
ётишмаслиги, кам тарқалганлиги билан изоҳланиши  
мумкин. Адабий тилда диалект хусусиятларининг сақ-  
ланиб қолишига унинг шарқий, туркий ва гарбий тур-  
кий адабий тил негизида ташкил топганлиги, у билан  
боғланганлиги ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бу  
ходиса Мовароуннаҳр ва Хоразм воҳасида майдонга  
келган адабий асарларнинг тилида ҳам ўз ифодасини  
толади. Чунки Мовароуннаҳрда ёзилган асарларда қўп-  
роқ қарлуқ-чигил ва уйғур диалект гуруҳларининг ху-  
сусиятлари акс этган бўлса, Хоразмда яратилган адабий  
асарларда қўпроқ ўғуз-қипчоқ диалект гуруҳлари-  
нинг тил хусусиятларини учратамиз. Бир томондан,

<sup>1</sup> История Узбекской ССР, Ташкент, 1987, I жилд, 434-бет.

Рабғұзийнинг «Қисас-ул анбиё», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайх» асарлари ҳамда иккинчи томондан, Хоразмийнинг «Мұхаббатнома», Алиниңг «Қиссаи Юсуф» достонлари бунинг ёрқин мисолидир.)

Бу даврлардаги эски ўзбек адабий тилида юқорида күрсатылған диалект гурухларининг тил хусусиятлари сақланған бўлса-да, лекин қарлуқ-чигил ва уйғур ҳамда ўғуз ва қипчоқ диалектларининг бир-бирига қўшилиши, аралашиб кетиши жараёни кучайган эди. Бунинг натижасида шу диалектлар негизида умумий эски ўзбек адабий тили шаклланди. Илмий адабиётларда бу тил «чиғатай тили» номи билан юритилади. Маълумки, Чингизхон тириклиги чоғидаёқ босиб олган ерларини ўғилларига бўлиб берган эди. Ўшанда Ўрта Осиё унинг иккинчи ўғли Чиғатай тасарруфига ўтади. У бу ерларда Чиғатай улуси номи билан аталган ўз давлатини барпо қиласи, бу давлат XIII асрдан XIV асрнинг бошлиригача ҳукмронлик қиласи. Ўрта Осиёнинг туркий ва эроний халқлар яшаган бой ва юқори маданиятли эл-юртларини эгаллаган Чиғатай улуси тарқоқ ва майдада феодал мулкларни бирлаштиради. Бу ерда маданият, адабиёт анча ривожланади. Шу даврларда бу ерда ривожланган адабиёт ва фан оламида «чиғатай адабиёти», бу ерда қўлланган адабий тил эса «чиғатай тили», «чиғатай адабий тили» деган номлар билан аталади. Демак, юқорида қайд қилинганидек, қарлуқ-чигил ва уйғур ҳамда ўғуз ва қипчоқ (шарқий туркий ва ғарбий туркий тиллар) диалектлари асосида шаклланган умумий эски ўзбек адабий тили кейинги даврларда ҳам ана шу анъаналарга кўра «чиғатай тили», «чиғатай адабий тили» номи билан юритила бошлианди. Шунга кўра В. В. Бартольд мўғуллар истилоси уларнинг (мўғулларнинг) ўзидан кўра туркларнинг тақдирига кўпроқ таъсир қилди, яъни туркий тил аста-секин мўғуллар барпо қилган давлатларнинг тилига айланиб қолди, деб кўрсатган эди.<sup>1</sup> Баъзан чиғатай улусида қўлланган адабий тил кўпинча эски ўзбек тилининг ривожланиши учун ёки Алишер Навоий давридаги эски ўзбек адабий тили учун асос бўлиб хизмат қилғанлиги кўрсатилади. Ҳолбуки, бу даврда қўлланган тил эски ўзбек адабий тилининг ўзи эди.

<sup>1</sup> В. В. Бартольд. История турецко-монгольских народов. Ташкент, 1928. 17-бет.

## ЭСКИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИДА ҚАРЛУҚ-ЧИГИЛ-ҮЙФУР ТИЛ БИРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Эски ўзбек адабий тилининг XI—XIII асрлардаги тараққиёти, юқорида эслатиб ўтилганидек, ўша даврдаги тарихий-сиёсий шароит, ижтимоий-иқтисодий ва маданий воқеалар билан боғлиқ равишда давом этди. Унинг ривожланиши дастлаб Қораҳонийлар даврида Мовароуннахр ва Қошғарда таркиб топган туркӣ адабий тилнинг тараққий этиши, такомилга эришуви билан боғланган эди. Аниқроғи, эски ўзбек адабий тили — бу эски туркӣ адабий тилнинг бевосита тарихий-қонуний давомидир<sup>1</sup>, унинг яна ҳам силлиқлашуви, аниқ бир қолипга тушуви ва меъёрийлашуви жараёнининг давомидир.

Н. А. Басқаковнинг кўрсатишича, Қораҳонийлар даври адабий тили асосида ривожланган ва кейинроқ «чиғатой тили» номи билан юритилган тил шарқий қарлуқ-чигил-үйғур тиллари ҳамда гарбий ўғуз-қипчоқ ёки Олтин Ўрда-Хоразм тиллари унсурларини ўзида бирлаштирган ҳолда тараққий этади. Бу тил Ўрта Осиёдаги барча ёзма адабий тилларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.<sup>2</sup>

Эски ўзбек адабий тили унинг ташкил топишида дастлабки даврлардан бошлаб фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан қарлуқ-чигил ва үйғур диалект гуруҳи негизида шаклланган шарқий туркӣ адабий тилга хос барча асосий хусусиятларни ўзига сингдириб олади. Айни вақтда бу хусусиятлар эски ўзбек адабий тилида такомилга эришгани ҳолда бир қатор ўзгаришларга учрайди. Бу ўзгаришлар аввало адабий тилда сўз қўллаш жараёнida очиқ кўринади. Жонли халқ тилига хос жуда кўп сўз ва иборалар адабий тилга кириб қолади, улар асосида кўплаб янги сўз ва шакллар, янги тасвирӣ воситалар яратилади. Адабий асарларда тилнинг соддалиги, равонлигига катта эътибор бериш билан бирга халқ тилига хос қўйма иборалар, мақол ва ҳикматли сўзлардан кенг фойдаланиш асосида образлиликка, бадийи пишиқликка эришилади.

<sup>1</sup> F. Абдураҳмонов, Ш. Шукурев. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973, 25-бет.

<sup>2</sup> Н. А. Басқаков. Тюркские языки, 54-бет.

Қорахонийлар даврида ва XIII аср бошларида эски туркий адабий тилда кўпгина адабий-бадиий асарлар яратилди. Бу асарларда эски туркий адабий тилнинг луғавий жиҳатдан бой эканлиги, анча пишиқ грамматик шаклларга, хилма-хил услубий-тасвирий воситаларга эга эканлиги очиқ намоён бўлади. «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк», «Хибатул ҳақойиқ», «Девони ҳикмат», «Ўғузнома», «Тафсир», «Қиссаи Рабғузий» («Қисас-ул анбиё») каби асарлар шу даврларда яратилди.

### «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» АСАРИ, УНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

«Қутадғу билиг» (Баҳт келтирувчи билим)— туркий тилда яратилган биринчи бадиий асар, туркий достон-нависликнинг дастлабки намунаси. Бу асар катта ҳажмадаги фалсафий-дидактик достон бўлиб, XI аср адабий тили, адабиёти ва тарихининг энг нодир ёдгорлиги сифатида катта илмий-тарихий қимматга эга. Эски туркий адабий тилнинг ривожланишида, унинг лексик-грамматик меъёрларини тартибга келтиришда, айниқса туркий тилнинг адабий-бадиий услубини шакллантиришда бу асарнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Қарлуқ-чигил-уйфор тиллари негизида ёзилган бу асар Қорахонийлар давлати ҳудудида яшаган барча туркий қабилалар учун тушунарли бўлган, шу қабилаларнинг тил хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Шунга кўра у Ўрта Осиёдаги ҳозирги барча туркий ҳалқларнинг адабий ёдгорлиги сифатида уларнинг умумий тил хусусиятларини акс эттиради.

Ахлоқ ва одоб, таълим-тарбия, илм-маърифат масалаларига бағишлиланган «Қутадғу билиг» хижрий 462 йилда, милодий 1069—1070 йилда, Юсуф Ҳос Ҳожиб Боласоғуний томонидан Қошғарда ёзиг тугалланган ва Қорахоний ҳукмдорларидан Тавғач Буғрахонга тақдим қилинган. Муаллиф асарнинг ёзилган йили ҳақида шундай дейди:

Йил олтмиш эки эрди тўрт юз била,  
Бу сўз сўзладим ман тутиб жан сура.

Ҳозирги вақтда «Қутадғу билиг» асарининг учта қўллэзма нусхаси маълум. Булар Вена, Қоҳира ва Намангандаридир. Вена нусхаси 1439 йилда Ҳиротда

ўйғур ёзуви билан кўчирилган бўлиб, уни XIX асрнинг биринчи чорагида машҳур шарқшунос олим Хаммер Пургшталл Истамбулда сотиб олади ва Вена Қироллик кутубхонасига топширади. Достондан олинган айрим намуналарни француз олими Жауберт Амеде 1823 йилда нашр эттиради. Венгер шарқшуноси X. Вамбери эса 1870 йилда асарнинг айрим қисмларини нашр эттиради, немис тилига таржима қилади. Машҳур рус олими В. В. Радлов 1891 йилда шу нусханинг факсимилемесини нашр эттиради.

«Қутадғу билиг» асарининг XV асрда араб ёзуви билан кўчирилган иккинчи қўллэзма нусхаси 1896 йилда Қоҳира да топилди. 1897 йилда В. В. Радлов шу қўллэзманинг кўчирмасини олгач, 1910 йилда Вена ва Қоҳира нусхаларининг солиширилган матнларини ва транскрипцияси билан немис тилига мукаммал таржимасини эълон қилди.

Бу асарнинг араб ёзуви билан кўчирилган учинчи нусхаси 1914 йилда Намангандаги топилди. Ўзбек олими А. Фитрат 1924 йилда бу нусхани Тошкентдаги республика кутубхонасига келтириб топширади. У 1928 йилда «Қутадғу билиг» дан айрим парчаларни изоҳлар билан нашр эттиради. Бу нусха Вена ва Қоҳира нусхаларига нисбатан анча мукаммалроқ бўлиб, энг қадимий нусха эканлиги тахмин қилинади. Машҳур шарқшунос С. Е. Малов 1929 йилда шу нусхадан айрим парчалар, унинг изоҳи ва таржимасини беради ҳамда бошқа нусхалар билан чоғишириб, уларнинг фарқларини изоҳлайди. 1941—43 йилларда турк тили жамияти томонидан Истамбулда ҳар учала нусханинг факсимилемеси ва таржимаси нашр этилди. 1951 йилда С. Е. Малов асарнинг анча қисмини изоҳлар билан эълон қилди. Ўзбек олими К. Каримов 1971 йилда Тошкентда «Қутадғу билиг» асарини, унинг транскрипцияси ва ҳозирги ўзбек тилига тавсифи билан нашр эттиради.

«Қутадғу билиг» халқ оғзаки ижодининг таъсири остида яратилган ёзма адабиётнинг туркий тилдаги биринчи намунасиdir. Буни асарнинг мундарижаси, бадиий-тасвирий воситалари, асарнинг тили ва унда ишлатилган мақоллар, ҳикматли сўз ва иборалар ҳам кўрсатиб туради. Масалан, «Қутадғу билиг»да келтирилган бир қатор ҳикматли сўз ва ибораларнинг ўша давр қабилалар тилида қўлланганлигини «Девону луготит турк» ва «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларининг тил факт-

лари ҳам тасдиқлайди. Бу асар тил жиҳатидан X—XII асрларда Урта Осиё ва Шарқий Туркистанда ташкил топган туркий адабий тилда ёзилган бўлиб, Қорахонийлар давлати таркибига кирган барча туркий қабилалар учун тушунарли бўлган, уларнинг тилидаги умумий хусусиятларини бирлаштиради. Буни «Қутадғу билиг»нинг кириш қисмида келтирилган «мочин алымлари ва ҳакимлари қамуф иттифоқ бўлдилар, ким машриқ вилойатинда, Туркистон элларинда Буғрахон тилинча бу китобдин йахширақ ҳаргиз кимарса тасниф қилмади»<sup>1</sup> каби фикрлар ҳам тасдиқлайди.

«Қутадғу билиг»нинг муаллифи ўз асарининг ҳаммага тушунарли бўлиши учун ўша даврдаги қабилалар тилида мавжуд бўлган умумий ва хусусий томонларни ҳисобга олган ҳолда уларни умумлаштиради. Тил тараққиётiga мос равишда тилга кўпгина янги шакллар, янги иборалар киритади. Ўз асари тилининг содда, тушунарли, услуб жиҳатидан равон, силлиқ бўлишига катта эътибор беради. Халқ тилида сўз қўллаш тажрибасига мос равишда адабий тилни жуда кўп янги сўз ва иборалар билан бойитади, уларни маълум меъёрга келтиришга ҳаракат қиласди.

Тил хусусиятлари нуқтаи назаридан «Қутадғу билиг» асарида «й» ўрнида «д» қўллаш ҳодисаси устун туради: адақ, қодаз, бэдуг, будун каби.

Бэдуг билги бирлә ўкуш эрдами  
Билиглиг укушлуг бодун кэдуми.

(Билими буюк, ҳунари кўп, билимли, заковатли халқнинг сарасидир.)

Сўз охирида келган жарангсиз ундошларнинг жаранглашиши анча сезиларли: тириг, қўрқлуқ, битиг, билиг, учуг, бишиғ, ўхшар каби. Бундай ҳодисани «Девону луғотит турк» асарида ҳам кўриш мумкин. Аксарият ҳолларда жўналиш келишиги аффиксининг -қа (кэ) варианти қўлланади, -ға (ғэ) варианти эса нисбатан чекланган ҳолда ишлатилади: Неча иш кишикэ кенәшгу керак — ҳар қандай ишни кишиларга кенгашиш керак; Қарақа йағума эй асли ёрун, ёрунгэ қара тэрк йуқарул кўрун — қорага яқинлашма, эй асли оқ, Оққа қора тез юқади каби.

<sup>1</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. «Қутадғу билиг», 48- бет.

Кишилик, күрсатиш олмошларига жүналиш келишиги аффиксининг -ар варианти қўшилиб келиши ҳолатлари ҳам учрайди: **Муңар менгәту айди шаир бу сұз** — Бунга ўхшатиб шоир шу сўзларни айтди. **Ионса аңар берсә болға элиг** — Унга ишонса, қўлига иш топширса бўлади. Чиқиш келишиги аффикси қўпинча танвин билан ёзилган да (да") тарзда берилади: **андан нару**—ундан нари; **йузда**" бир—юздан бир. **Ўқушда**" адин эрдамләриг киши **Угрэнур ўтру ёетлур элиг** — ўқувчидан бошқа фазилатларни ўрганади, сўнгра қўли ишга қовушади.

Тушум келишиги асосан -ны, -ни шаклда келса ҳам, баъзан -ғ, -ғ шакли ҳам учрайди:

Сэвэриг севувгиз қилайин тэса  
Тилин айғу нацни тыдыб бэрмаса.

(Ким севувчини севмайдиган қилайин деса, ваъда қилинган нарсани тийиб, бермайди.)

Феълнинг -сар аффиксли шарт майлиниг шакли учрамайди, асосан -са, -сә шакли ишлатилади: **Қўни сўзлэса, сўз кўр асғи ёкуш** — сўзни тўғри сўзласа, кўр, фойдаси кўп.

Эр ул Эр турар кўр кишилэр ара  
Йурыб тил кўрдэзсә бу бўлса тёрэ.

(Шу киши Эрдирки, кишилар орасида юриб тилга эҳтиёт бўлса, тўрдан жой олса.)

Сифатдошнинг -дуқ, -дук, -ғлы, -гли аффиксли шакллари ҳам учраб туради:

Олумуг қулуғлы эр олдуурур олур.  
(Улимни тиловчи киши ўлдиради, ўзи ҳам ўлади.)

Ўтган замон сифатдошининг кўпинча -мыш -миш, баъзан -тачи, -дачы аффиксли шакллари қўлланиши билан бирга -ған, -тэн аффиксли шакллари ҳам ишлатилади:

Наку тэр эшиттил сэрингэн киши,  
Сэринсә этэр Эр бузулмыш иши.

(сабр қилган киши нима дейди, эшитгин, киши сабр қилса, бузилган ишини тузатади.)

Сэриб турдачы эр ёрун қуш тутар.  
(Сабр қилиб турувчи киши оққуш тутади.)

Ўхшатиш, чоғишириш маъноларини ифодаловчи -дек аффикси ҳамма ўринларда -тег шаклида келади. Бу ҳо-

диса -тег аффиксининг етмоқ феъли асосида юзага келганилиги билан боғлиқ бўлиши мумкин (г ва й товушларининг алмашиниши ва метатеза ҳодисаси асосида): тег-тей-йет каби: ўётургил-тейургил-тэгургил.<sup>1</sup> Тириклик тедукун бу йелтег кечар.

«Қутадғу билиг»нинг лексик хусусиятлари бўйича шуни қайд қилиш керакки, унда қўлланган сўзларнинг аксарияти умумтуркий лексик қатламни ташкил қилиб, у ҳозирги барча туркий тиллар учун муштаракдир. Улар ҳозир ҳам қўлланади ва бир хил тушунилади. Кўп асрлик тарихий тараққиёт натижасида кўпгина туркий тилларда бу сўзларнинг айримлари архайклашиб, истемолдан тушиб қолган, баъзилари эса маълум фонетик ва лексик-семантик ўзгаришларга учраган ҳолда ҳозир ҳам ишлатилади: **бўгу** — доно, **асығ** — манфаат, фойда, **саран** — хасис, **кёнилик** — тўғрилик, **тору** — адолат, **топуг** — хизмат, **тиши** — аёл, **қумару** — эсадалик. **Асығлиф** қумарумны қодтум сенэ — Фойдали эсадалигимни сенга қолдирдим.

Асарда араб ва форс-тожик тилларидан қабул қилинган кўпгина сўз ва ибораларнинг ҳам ишлатилганлигини кўриш мумкин.

«Қутадғу билиг» эски туркий адабий тилнинг турлича услубларини шакллантириш, тартибга келтириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу асар асосида дастлаб туркий тилнинг адабий-бадиий услуби, туркий назм услуби ташкил топди. Адабий-бадиий услубнинг энг муҳим белгиси ва хусусияти бўлган унинг эстетик вазифаси, бадиий нафосат, унинг таъсирчанлиги ва образлилиги, бадиий завқ бериш кабилар бу асарда тўла мужассамланган. Унда ижтимоий ҳаёт, турмушнинг турли соҳалари билан боғлиқ равишда ижтимоий нутқи услубига хос сўз ва ибораларнинг кенг ишлатилганлигини кўриш мумкин.

Ўкушлуғ уқар ул, билиглик билир,  
Билигли, уқуғли тилакка етар.

Асарда табиблик, косиблик, савдогарлик, дәҳқончилик каби соҳалар ва шу соҳа кишиларига муносабат билдириш асосида туркий тилнинг касб-ҳунар, ишлаб чиқаришга оид услуби шакллантирилган. Жумладан, шоир

<sup>1</sup> К. Қаримов. «Қутадғу билиг» асари ҳақида. Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». 42-бет.

темирчи, дурадгор, бўёқчи, ўймакор ва рассомлар ҳақида гапириб, шундай дейди:

Бу дуняга этиги булардын турур, би тэй-йт-чарт  
Ажунда тан ишлар булардын төрур.

(Бу дунёning гўзалликлари буларданdir, оламдаги ҳайратомуз ишлар булардан чиқади.)

Хуллас, «Қутадғу билиг» эски ўзбек тадабий тилининг шаклланиши жараёнини ўрганишда мұхим маңбалардан бири саналади.

«ДЕВОНУ ЛУГОТИТ ТУРК» АСАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Туркй уруғ ва қабилалар тилларининг хусусиятларини, уларнинг тарихи ва луғат бойлигини ўрганишга барышланган «Девону луготит турк» асари ўз даврининг истеъодли олимни Маҳмуд Ибн Ҳусайн ибн Мұхаммадил Кошғарий томонидан 1072—83 йилларда араб тилида ёзилган. Кўпгина илмий адабиётларда Маҳмуд Кошғарий ўз асарини 1072—1073 ёки 1073—1074 йилларда ёзиг тутатган деб кўрсатилади. Аммо бу асарнинг ҳажми, унда баён қилинган материалларнинг миёси уни бир-икки йилда ёзиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Асарнинг ёзилиш санаси ҳақида «Девону луготит турк» асарида муаллиф томонидан қизиқарли маълумотлар берилган. Бу фактни Э. И. Фозилов ҳам қайд этади.<sup>1</sup>

Маҳмуд Кошғарий XI асрда Урта Осиё ҳалқлари орасида етишиб чиққан йирик адабиётчи, тишлинос, тарихчи, географ ва этнограф олимдир. У ўзининг бутун илмий-ижодий фаолиятини ўз ҳалқининг тилини, тарихини, унинг ҳалқ оғзаки ижодиётини, жойлашган ҳудудини, урф-одатларини ва умуман туркй ҳалқларнинг моддий ва маънавий маданиятини ўрганишга, уни кенг тарғиб қилишга бағишилади. У туркй уруғ ва қабила тилларини, уларда қўлланган сўзларнинг лексик-грамматик хусусиятларини, сўзнинг маъно ва шаклларини, талаффуз меъёрларини чуқур ўрганиш асосида дастлаб «Жавоҳир-ун нахв фи луготит турк» асарини ёзади. Аммо бу асар бизгача етиб келмаган.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луготит турк» асарини ёзишдан илгари кўп йиллар давомида туркй қабилалар

<sup>1</sup> Э. И. Фозилов. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили, Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девони», «Ўзбек тили ва адабиёти ма-салалари» журнали, 1971, 5-сон, 63-бет.

орасида юриб, уларнинг тилларини, тарихини ва урғодатларини синчикалаб ўрганади, жуда кўп миқдорда лексик материал — сўз ва иборалар, шеърий парчалар, мақол ва ҳикматли сўзлар тўплайди, уларни ўзаро чориштиради ва умумлаштиради. Бу ҳақда «Девону луготит турк» асарида шундай фикрлар келтирилади: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим... Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим».<sup>1</sup>

Бизгача «Девону луготит турк» асарининг биргина кўлёзма нусхаси етиб келган, у 1914 йилда Туркияning Диёрбакир шаҳрида топилган, ҳозир Истамбулда сақланади. Девон 1915—1917 йилларда турк олим Р. Рифат томонидан Истамбулда уч томлик китоб шаклида нашр этилди. 1928 йилда шарқшунос олим К. Броккељман бу асарни немис тилига таржима қилиб нашр этади. 1938—41 йилларда турк олим Басим Аталай уни усмонли турк тилига таржима қилиб нашр эттириди. 1960—63 йиллар давомида тилшунос олим С. Муталлибов «Девону луготит турк» асарини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттириди. 1967 йилда унинг индекс-луғати босилиб чиқди.

«Девону луготит турк» асари икки асосий бўлимдан — муқаддима ва луғат қисмидан иборат. Муқаддимада муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсади, девоннинг тузилиши, туркий қабилалар тилларининг хусусияти ва уларни ўрганишнинг аҳамияти, бу тилларда бўлган айрим фарқлар, шунингдек асарда ишлатилган ёзув, феълдан от ясалиши, от ва феъллардаги орттирма белгилар, сўз ва ҳарфларнинг олдин-кейин келиш тартиби қабилар ҳақида қисқача маълумот берилади. Луғат бўлимида эса X—XII асрларда туркий қабилалар тилида кенг қўлланган сўзларга илмий-тарихий жиҳатдан изоҳлар берилади. Бунда ҳам асосий диққат кенг истеъмолда бўлган сўзларга қаратилган, қўлланиши чекланган, истеъмолдан чиққан сўзларга эса изоҳ берилган эмас. Демак, ўша давр тилида сўзларнинг қўлланиш даражаси, уларнинг

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. «Девону лугатит турк». I жилд. Тошкент, 1960. 44- бет.

фаол ёки сустлиги, сўз маъноларининг ўзгариши каби ҳодисаларга кўпроқ эътибор берилған.

Сўз туркумлари девонда иккита — исм ва феълларга ажратилиб изоҳланади. Ҳар иккала гуруҳда ҳам олдин (ҳамзали) ҳарфлар — унлилар (**а, о, у, и** каби), кейин тартиб асосида ундош ҳарфлар билан бошланадиган сўзлар берилган. «Девон»да кўп маъноли сўзлар ва омонимлар, синоним ва антонимлар, сўзларнинг тўлиқ ва қисқа вариантлари ҳақида етарли маълумотлар берилган: **оғур** — вақт (не оғурда келдик), жойида (**бу иш оғурлуғ болды**), бадал, эваз (**атка оғур олдым**); табиб — умчи, синдув, кўп — ўгуш, талим каби.

«Девон»да фонетика, морфология ва диалектология масалаларини ёритишга бағишлиланган алоҳида боблар берилган эмас. Аммо сўз маънолари ва шакллари баёнида уларнинг турлича қабила тилларидаги қиёсий изоҳини бериш жараённида шу масалаларга оид қизиқарли ва қимматли фикрлар баён қилинади. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий девонда фонетика масалалари соҳасида товуш билан ҳарф муносабатини аниқлайди. Унинг кўрсатишича, туркий тиллардаги барча товушларни ифодалаш учун амалда бўлган ёзувдаги 18 та ҳарф етарли эмас, балки шу ҳарфларга маҳсус белгилар қўйиб ёзиш асосида яна 7 та ҳарф қўшиш талаб қилинади. Шу асосида у туркий тилдаги товушларнинг хусусиятини баён қилиди: сўзларда товушларнинг қаттиқлиги ва юмшоқлиги ҳамда уларнинг чўзиқроқ талаффуз қилиниши ҳодисаларини изоҳлайди, аниқ мисоллар келтиради. Тор ва кенг, қисқа ва чўзиқ унлиларнинг хусусияти, талаффузини аниқлаб берди. М. Кошғарийнинг ўша давр фонетикасига берган изоҳлари туркий тиллар фонетикаси учун қимматлидир. У товуш ва ҳарфлар ўртасидаги муносабатни биринчи марта аниқлади.

Асарда товуш тушиши, товуш алмашиниши, ассимиляция каби қатор фонетик ўзгаришлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида қизиқарли фикрлар баён қилинган. Жумладан, ўша давр туркий қабилалар тилига хос қўйидағи фонетик ҳодисалар ҳақида маълумотлар берилган. Унлилардаги кенглик ва торлик, чўзиқлик ва қисқалик, ундошлар тизимидаги содда ва комбинатор ундошлар, улардаги жаранглилик ва жарангсизлик, ундошларнинг қатор келиши ҳодисаларини баён этади.

Турклар тилида сўз бошида келган й товуши ўғуз тилида тушиб қолади: **йәлкин** — элкин, **йылығ сув** — ылығ сув каби.

**Й~ж** ҳодисаси, яъни турклар тилида сўз бошидаги й товуши ўғузларда ж га ўтади: **йинжу — жинжу** (гав-ҳар), **йуғду — жуғду** (туя юнги).

**Й~н.** Сўз ўртаси ва охирида келган й товуши арғу тилида н га ўтади: **қой — қон, жигай — жиган** (камбарал), **қайу нән** (қайси нарса).

**М~б.** Сўз бошидаги м товуши ўғуз, қипчоқ, суворлар тилида б билан айтилади: **мән бардым — бән бардум, мун — бун** (шўрва).

**Т~д.** Сўздаги т товуши ўғузларда д га ўтади: **тәвай — дәвәй** (туя), **от — од** (тешик). Аксинча, түркларда сўздаги д ундоши ўғузларда т га ўтади: **богдэ — боктә** (ханжар), **йигдэ — йиктә** (жийда).

**Д~з~й.** Турклар тилида сўздаги д товуши қипчоқ, ямак, суворларда з га ўтади, яғмо, тухси, ябоқу, татар ва ўғузларда эса й товуши билан алмаштирилади: **адақ — азақ — аяқ, қарын тодты — қарын тозды — қарын тойды; қадын — қазын — қайын** (қайин дарахти).

«Девону луготит турк»да туркий тилларга хос сўз ясалиши ва морфология соҳалари бўйича кўпгина қизиқарли фикрлар берилган. Жумладан, феълдан от ясалишига оид (кенг маънода) қатор ясовчи аффикслар (ҳарфлар) келтирилади: -/г/а: билгэ (билди, билиг асосида), ёгэ — ақлли, билимдон (уди — тушунди сўзидан), ува — таом номи (увди — бурдалади сўзидан).

**-ма (мә):** кәсмә, ёрма (ўрма соч).

**-ч:** кёмәч (нон маъносида), кўмди феълидан; севинч.

**-ш:** уруш, тоқуш, билиш.

**-ы/ғ:** арығ — тоза (арынды — тозаланди феълидан), қуруғ, йайлағ, қишилағ.

**-ғу, -гу:** урғу (урадиган), кәсгу, бычғу (кесадиган нарса).

**-а/қ, -ә/қ:** тарғак (тароқ), орғак (ўроқ), кәсәк (нарсанинг бўлаги), этук — ёпинчиқ каби.

**-ы/м:** йазым — гилам, намат (йазты феълидан), бычым — тилим, бир бычым қағун (бичди феълидан).

Феъл шакллари ясалиши масаласида орттирма, биргалик, ўзлик ва мажхул нисбатлари, шунингдек орзуистак маъноларини ифодаловчи шакллар ясовчи **-т, -ы, у/ш, -са, сә, -ь, и/л, -ы, и/н** каби аффикслар келтирилади: барди — бартурды, кәлди — кәлтурди, урушди — турушды, ычсады, атылды, алынды, боз тоқылды каби.

«Девону луготит турк»да берилган шеърий парчалар, мақол ва ҳикматли сўзлар асосида бу давр тилида қадимги туркий ёдгорликларга хос шаклларнинг истеъ-

молда бўлганлигини кўриш мумкин. Булар тушум келишигининг -/ы, у/ғ, -/и, у/г шакли: **Табуғ таш йаар**, **таш башиғ йаар**; жўналиш келишигининг -ғару, -ғери, -ра, -рэ тури: **йағықару** кириш қылдым — душманга ҳамла қилдим; -н аффиксли қурол-восита келишиги шакли: **Алын арслан тутар**, кучун кўснук тутма — ҳийла билан арслон тутиш мумкин, зўрлик билан қўғирчоқ ҳам тутиб бўлмайди; шунингдек, -дачы, -дәчи, -ғлы, -гли, -дуқ, -дук аффиксли сифатдошлар (болдачы бузагу ёкоз ара бэлгулук — бўладиган бузоқ ҳўқизлар орасида маълум;) ол мени сувдын кәчругли эрди. Булмадуқ нәнца севинмәң — топилмаган нарсага севинманг каби) ҳам учраб туради.

«Девону луготит турк»да жуда кўп туркий қабилалар ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Бу қабилаларнинг тарихи, жойлашган ўрни, географик шароити, турмуш тарзи қабилар аниқланган. Бир томондан, шимолда ғарбдан шарққа қараб бажанак, қипчоқ, ўғуз, бошқирт, басмил, қирғиз, татар ва иккинчи томондан, жанубда чигил, тухси, яғмо, уйғур, жумул ва бошқа қабилалар, уларнинг бир-бирига муносабати ва тиллари тўғрисида жуда аниқ маълумотлар берилади. Ўғузлар ва қипчоқларнинг тиллари шева хусусиятига қараб й-ж, м-б, т-д га ўтиши билан характерланиши, ўша даврларда ёқ қипчоқ, тухси, яғмо тилларида «ч» фонемасининг йўқлиги, унинг ўрнида «ш» ишлатилганлиги кўрсатилади. Бу эса ҳозирги қозоқ, қорақалпоқ ва нўғай тиллари учун хос хусусиятдир.

Шундай қилиб, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида X—XII асрларда юқори Чиндан Ўрта Осиёгача бўлган катта ҳудудда яшаган туркий қабилаларнинг тиллари, жонли сўзлашув нутқи ва диалектларига хос хусусиятлар кенг изоҳлаб берилади. Асада жуда бой ва қимматли лингвистик материал билан бирга ўша даврда яшаган халқларнинг тарихи ва этнографияси, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, улар яшаган ҳудуднинг географик-табиий шароити қабилар тўғрисида жуда кўп маълумотлар келтирилади.

Демак, туркий халқларнинг тарихини, маданиятини, адабиёти ва санъатини, уларнинг яшаш шароити ва урфодатларини ўрганишда «Девону луготит турк» жуда катта қимматга эга асар ҳисобланади. Бу асар, айниқса туркий тилларни, уларнинг ривожланиш хусусиятини, ўзаро бир-бирига таъсири масалаларини аниқлашда жуда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. У фақат тилшу-

нослик асари бўлибгина қолмасдан, ўз даврининг қобус-номаси ҳамdir. Чунки унда турли халқларнинг тарихи, ижтимоий-сиёсий аҳволи, урф-одати, табиий шароити, этнографияси ҳамда адабиёти ҳақида қимматли манбалар бор.

### «ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ» АСАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Қадимги туркий адабий тилнинг X—XII асрлардаги ҳолати ва хусусиятини, унинг тараққиётини ўрганишда муҳим ёдгорликлардан бири «Ҳибатул ҳақойиқ» асари-дир. Асар XII аср бошларида истеъодди адиб Аҳмад Юғнажий томонидан ёзилган. Бу асар XV асрдан XX асрнинг бошларигача фан оламида маълум эмас эди. Турк олими Нажиб Осим биринчи жаҳон уруши бошларида Истамбулдаги Аё-София ибодатхонасининг кутубхонасидан шу асарнинг бир қўллэзма нусхасини топади ва уни 1915 йилда усмонли турк тилига қилинган таржимаси, айрим шарҳлар ва луғати билан бирга нашр эттиради. 1951 йилда Арат Раҳматий бир неча қўллэзмалар асосида асарнинг қиёсий матнини нашр этди. Собиқ Совет Иттифоқида ҳам бу асарни ўрганишга қизиқиши катта бўлган. Жумладан, йирик шарқшунос Е. Э. Бертельс, А. М. Шчербак, ўзбек олимларидан Н. М. Маллаев, Қ. Маҳмудов асар юзасидан тадқиқот ишлари олиб бордилар. Айниқса Қ. Маҳмудов томонидан бажарилган ишлар ўзбек адабиёти ва ўзбек тили тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. У 1972 йилда «Ҳибатул ҳақойиқ» асарнинг танқидий матнини, фонетик ва морфологик хусусиятларини, транскрипция, шарҳ ва луғатини эълон қилди.

«Ҳибатул ҳақойиқ» дидактик асар ҳисобланади. Унда ахлоқ-одоб масалалари, илм-фани эгаллаш, маърифат-парварлик ғоялари тарғиб қилинади. Асада сахийлик, камтарлик, фозиллик, эзгулик, тўғрилик, илм-маърифат каби масалалар улуғланади, жоҳиллик, баҳиллик, лақмалик, манманлик, хушомадгўйлик каби иллатлар эса, аксинча, қаттиқ қораланади.

Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихини илмий равишда чуқур ўрганишда «Ҳибатул ҳақойиқ» асари энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Ўша даврдаги қабила тилларининг хусусиятини аниқлаш, уларнинг бир-бирига таъсири, ривожланиши, ўзаро қўшилиб кетиши ва марказлашиши асосида ҳалқ (элат) тиллари-нинг, айниқса ўзбек ҳалқ (элат) тилининг ташкил то-

пиш ва шаклланиш жараёнини белгилашда бу асарнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. X—XII асрларда майдонга келган асарлар билан кейинги даврларда ёки умуман, XIX асрғача яратилган асарларнинг тилини қиёсий ўрганиш, улардаги умумийлик ва фарқларни аниқлашда ҳам ёрдам беради.

«Ҳибатул ҳақойиқ» асарининг тили, унинг лексик хусусияти, товуш таркиби ва грамматик қурилиши, бир томондан, «Қутадфу билиг» асарига яқинлашса, иккинчи томондан, «Қисас-ул анбиё»га (XIII—XIV асрлар) ўхшаб кетади.<sup>1</sup> Бу асарни чуқур ўрганган Е. Э. Бертельс қадимги ўзбек адабий тилидан (аниқроғи эски туркий адабий тилдан) классик ўзбек адабий тилига ўтишда «Ҳибатул ҳақойиқ» кўприк вазифасини бажарган деб кўрсатади.<sup>2</sup> Дарҳақиқат, асар тилига хос луғавий қатламлар, фонетик ва грамматик хусусиятларнинг қарлуқ, чигил, яғмо, уйfur тиллари негизида ташкил топган адабий тил билан муштаракликка эга эканлиги, айниқса, кейинги асрларда битилган асарлар тилига яқинлиги кабилар эски туркий адабий тилдан эски ўзбек адабий тилига ўтишда «Ҳибатул ҳақойиқ»нинг кўприк бўлганлигидан далолат беради.

Асар ўзининг лексик хусусиятлари билан ўша даврдаги эски туркий адабий тилнинг луғавий бойлигини акс эттиради. Моддий-маданий ҳайётнинг турли соҳаларига оид тушунчаларни ифодаловчи, ҳамма учун тушунарли, содда, ясама ва қўшма туркий сўзлар асар луғатининг асосини ташкил қиласди: **ата, ана, арыксиз** (фойдасиз), **эзгу, ба॒ш, бәзек, бәрим** (бериш), **бөз, ынан, йазуғ** (гуноҳ), **йуз, йигит, кичик, кёнул, нәгу, севунч, тамағ, улуғ** каби. Шу билан бирга араб ва форс-тоҷик тилларидан қабул қилинган сўзлар ҳам кўп учрайди: **саадат, сахават, муруват, маъни мәҳрубан, карам, инсаф, дўст, замон, зоҳид, дад, гул, вафа баҳил, бина, ақыл, аманат, азиз** каби.

Асарнинг тили ўз фонетик хусусиятлари жиҳатидан XI—XIII асрларда яратилган ёдгорликлар билан умумийликка эга. Шу билан бирга эски ўзбек адабий тили учун характерли бўлган хусусиятларнинг ҳам вужудга кела бошлаганлигини кўриш мумкин. «Ҳибатул ҳақо-

<sup>1</sup> К. Маҳмудов. Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. Тошкент, 1972. 16-бет.

<sup>2</sup> Е. Э. Бертельс. Гуманитарные науки, кн. I, сб. ст. к 25 летию САГУ, Тошкент, 1945, 42-бет.

йик» асарининг тилини ўрганиш унда 9 та унли мавжуд эканлигини кўрсатади.<sup>1</sup> Кўп ҳолларда сингармонизмнинг лаб оҳангдошлиги бузилган.

Ўша даврдаги бошқа ёдгорликларда бўлганидек, асар тилида з ундошининг сақланганлигини, унинг бирмунча устунлигини кўриш мумкин. Айни замонда бу товушнинг й га ўта бошлаганлиги ҳам кўринади: **кэзинги** — кейинги, **кэзим** — кийим, **қазғу** — қайғу, **қозы** — қуий, **қозуб** — қўйиб.

Ачунда ат эзгу қозуб барды кўр.

(Дунёда яхши от қолдириб кетди, кўр.)

Ҳарислықны қойур ҳарис эр қачан.

(Ҳарис киши ҳарисликни қачон қўяди.)

Асарда сонор товушлардан кейин жарангсиз т нинг жарангли д ундошига ўтиш ҳодисаси ҳам XI—XIII асрлар ёдгорликлари учун хос хусусият ҳисобланади: **эмди**, қутулды, **сўзундин**, **эрдэм**, **кэнду**.

Кўринадики, «Ҳибатул ҳақоиқ» асари фонетик хусусияти жиҳатидан XI—XIII асрларда яратилган бошқа ёдгорликларга ўхшаса ҳам, ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.

Асар морфологик хусусиятлари жиҳатидан қўйидагилар билан ажралиб туради: тушум келишиги аффиксинг -уғ, -уг варианти архаик шакл сифатида анча сийрак учрайди, асосан -ны, -ни шакллари қўлланади: **сўзуг** — сўзни, **бўзуг** — бузни.

Навадур сўзуг аз болур азл ёкуш.

(Қадрли сўз оз, ҳазил сўз кўп бўлур.)

-ны, -ун аффиксли восита келишиги шакли ҳам анча архаиклашган бўлиб, кам учрайди:

Асал татруб **элигин** тамағ татыртыб.

(Қўли билан асал едириб, таом бериб.)

Жўналиш келишигининг қадимги туркий тил учун хос бўлган **-ғару**, **-ғеру** шакллари қўлланмайди, асосан **-гэ**, **-га**, **(-кэ, қа)** **-э**, **-а** аффиксли шакллар ишлатилади.

Асарда сифатдошнинг **-тачы**, **-тэчи** (**-дачы**, **дэчи**), **-ғлы**, **-гли**, **-дуг**, **-дуг** аффикси билан қадимги шакллари анча архаиклашиб қолган, кам учрайди. Аксинча, **-ған**, **-гэн** аффиксли сифатдошлар унумли шаклга айланган,

<sup>1</sup> К. Маҳмудов. Кўрсатилган асар, 23- бет.

аммо унинг кесимлик вазифасида келиши деярли учрамайди.

Танвин билан ёзилган -да аффиксининг чиқиши келишиги учун қўлланиши жуда кам учрайди. Олмошларда бу-му, ошул, кэнду-ўз, нэгу, нелук, қамуғ, аңар-унга каби характерли ҳолатларни кўриш мумкин. Сифатнинг қиёсий даража шакли — рэк/рақ ва -ру аффикслари орқали ифодаланган: ёкушрек — кўпроқ, кенру — кенгроқ (ким ол йолсуз эрсә ача кенру йол — ким йўлсиз бўлса, унга кенгроқ йўл бор) каби.

Демак, «Ҳибатул ҳақойиқ» асари лексик, фонетик ва грамматик жиҳатдан биринчи навбатда X—XII асрларда қўлланган туркий адабий тилнинг барча хусусиятларини акс эттиради, туркий қабила тилларининг анча ривожланганлигини, маълум тизимга кела бошлаганлигини кўрсатади. Шу билан бирга бу асар ўзининг тил хусусиятлари жиҳатидан маълум тафовут ва фарқ бўлишига қарамай, кўп жиҳатдан XIII—XVI асрларда яратилган асарларнинг тили билан умумийликка эга. Айни вақтда бу асар орқали эски туркий адабий тилдан эски ўзбек тилига ўтишда катта қадам қўйилганлиги, унга яқинлашиб келинганлиги ҳам аниқ билинади. Бу эса ўша даврдаги туркий қабила тилларининг ўзаро яқин муносабатини, уларнинг ривожланиши натижасида дастлаб ўзбек халқ (элат) тилининг ташкил топиши тезлашганлигини, шунингдек бошқа туркий элат тилларининг шаклланиш жараёни давом этганлигини тасдиқлади.

Алишер Навоий «Насойим-ул муҳаббат»да адид Аҳмад Югнакий ҳақида бундай дейди: «Ва анинг тили турк алфози била мавоиз ва насоикка гўё эрмиш. Хейли элнинг муқтадоси эрмиш. Балки аксар турк улусида ҳикмат ва нуқталари шоєъдур» ва унинг қўйидаги байтини келтиради:

Сўнакка иликтур, эрэнгэ билик,  
Биликсиз эран ул иликсиз сонек.<sup>1</sup>

#### «ДЕВОНУ ҲИКМАТ» АСАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Эски ўзбек адабий тили тараққиётининг илк даврига оид асарлардан бири Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»идир. Аҳмад Яссавий туркий тасаввуф шеъриятининг йирик намояндаси, тасаввуфга хос диний-фалсафий.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 15-жилд, Тошкент, 1968, 157-бет.

оқимнинг асосчиси дир. Аҳмад Яссавий Ясса Сайрамда (Туркистон) Шайх Иброҳим оиласида туғилган. Унинг ёшлиги Сайрам ва Яссада ўтди. У машҳур шайх Арслонбоб қўлида таҳсил кўрди. Кейинча Бухорода Юсуф Хамадоний қўлида тасаввуфдан таълим олди. Туркистонга қайтиб келгач, шайхлик, пирлик фаолиятини давом эттириди, ислом дини, унинг қоида-қонунларини, ислом ақидаларини тарғиб қилиб шеърлар — ҳикматлар ёзди, халқ орасида кенг шуҳрат қозонди. Аҳмад Яссавий шеърлари мажмуаси «Девони ҳикмат» номи билан юритилган.

«Девони ҳикмат» туркий тилда ёзилган ноёб асарлардан бири бўлиб, унда фақат ислом дини, тасаввуф ва калом фалсафасигина эмас, балки Аҳмад Яссавийнинг дунёқараши, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига, ҳокимлар, амалдорлар, ҳунармандлар, чорвадорлар, дехқонлар каби табақаларга қарашлари ҳам ўз ифодасини топган. Унинг фалсафасида дунёдан юз ўгириш ғояси ётмайди, аксинча, жаҳолат, ёмонлик, нодонлик, молпарастлик иллатларига ривож берган тубан дунёни юракдан қувишга даъват этилади, фисқу фужурларга барҳам бермоқ йўли изланади.<sup>1</sup>

Кўп йиллар давомида ўзбек адабиётшунослигида, ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда Аҳмад Яссавийга, унинг «Ҳикматлар»ига бир ёқлама баҳо бериб келинди. У реакцион-феодал гуруҳларнинг дунёқарашини ифодаловчи, дин ниқоби остида таркидунёчиликни, бадбинликни тарғиб этувчи, мазлум оммани золимларга муте бўлишга чақирувчи шеърлар ёзган, деб кескин қораланди. Аҳмад Яссавий туркий тилда турли мазмундаги ҳикматлар битиш билан катта шуҳрат қозонган файлласуф шоирdir. Шунга кўра, унинг ҳикматларини «реакцион шайх»нинг поэтик қобиқдаги «ваъз»лари деб эмас, балки биринчи галда суфий шоирнинг поэтик асарлари ҳолида ўқиши ва тадқиқ қилиш лозим».<sup>2</sup>

«Девони ҳикмат»нинг ким томонидан қачон тартиб берилганилиги маълум эмас, унинг энг қадимги қўллёзма нусхалари ҳам сақланган эмас. Бу асарнинг қисман XV асрда ва асосан XVII асрда тартиб берилган бир қатор қўллёзмалари мавжуд. XIX асрнинг иккинчи ярмидан

<sup>1</sup> И. Ҳаққулов. Аҳмад Яссавий, «Ҳикматлар». Тошкент, 1991, 8-бет.

<sup>2</sup> И. Ҳаққулов. Кўрсатилган асар, 25- бет.

бошлаб у Қозон, Тошкент ва Истамбулда бир неча марта нашр этилган.

«Девони ҳикмат» туркий адабиётнинг, жумладан, ўзбек адабиётининг энг йирик намунаси, эски ўзбек адабий тилининг қадимги обидаларидан бири сифатида катта аҳамиятга эга. «Девони ҳикмат»даги шеърлар халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган қўшиқ шаклидаги тўртликлар тарзида яратилган. Маълумки, тўртлик — қўшиқ турида ёзилган шеърлар халқ тилига, халқ дилига жуда яқин туради. Бу хил шеърларда умумхалқ тилига хос шакл ва истилоҳлар, бадиий-тасвирий воситалар кенг қўлланган, бу орқали шеърларнинг тушунарли, сода, равон бўлиши таъминланган. Демак, «Девони ҳикмат»даги шеърларнинг поэтик жиҳатдан халқ қўшиклиари услубида ёзилиши унинг халқ орасида кенг тарқалишига, турли тоифа кишилар томонидан қўшиқ қилиб куйланишига, ваъз қилиб айтилишига сабаб бўлган. Бу шеърларнинг узоқ асрлар давомида оғиздан-оғизга кўчиб, яшаб келишининг боиси ҳам шунда.

Девондаги ҳикматларнинг тили тўғрисида, унинг хусусиятлари ҳақида турлича фикрлар баён қилинган. А. К. Боровков Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»и қарлуқ-чигил-үйғур тилида ёзилган, аммо «Қутадғу билиг» тилига яқинлашмайди, деб кўрсатади. Айни замонда А. К. Боровков «Девони ҳикмат» нинг турли даврларда турлича китоблар, ҳаттотлар томонидан кўчирилган нусхалари ҳамда нашрий нусхаларидаги бир қатор фарқларни, ўзгаришларни ҳисобга олиб, «Девони ҳикмат»га киритилган шеърларнинг қайсилари бевосита Аҳмад Яссавийга тегишли эканлигини аниқлаш қийин, уларнинг аслини тасаввур этишга имкон бермайди, деган фикрларни илгари суради. Турк олими М. Ф. Куприлизоданинг фикрича, «Девони ҳикмат» ўз хусусияти билан «Қутадғу билиг» асарига яқин турувчи тилда ёзилган.<sup>1</sup>

«Девони ҳикмат» нинг қаерда, қачон ва ким томонидан кўчирилганлигига қараб, унда маҳаллий шеваларнинг ва давр тилининг унсурлари ҳам ўз ифодасини топган, деган фикрда маълум асос бор, албатта. Шунга кўра фанда «Девони ҳикмат»нинг бирорта нусхаси ҳам XII аср ўзбек тилининг ёдгорлиги бўла олмайди, у ўз

<sup>1</sup> А. К. Боровков. Очерки по истории узбекского языка (Определение языка хикматов Ахмада Яссави («Советское востоковедение», V, 1948, стр. 245—248.

даврининг тил хусусиятини акс эттирмайди<sup>1</sup>. У тилдан тилга, котибдан-котибга ўтиб бориш жараёнида тил жиҳатидан замонавийлашиб борган,<sup>2</sup> деган фикрлар илгари сурилар эди. Бу масалада, аввало, шуни эслатиш керакки, XII асрдан бошлаб, айниқса, Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» ва Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асарларидан бошлаб адабий-бадиий тилда соддаликка, омма тушунадиган тилда ёзишга интилиш кучая бошлаган эди. А. Яссавий «Ҳикмат»ларининг халқ қўшиқлари услубида ёзилганлигини ҳам эслатган эдик. Халқ тушунадиган содда тилда ёзишга интилишнинг энг яхши намуналарини кейинги аср шоирларида, айниқса Саккокий, Атоий, Лутфий асарларида кўриш мумкин:

Кел, эй дилбар, ки бўстон вақти бўлди,  
Гул очилди, гулистон вақти бўлди. (*Атоий*).  
Ул менинг жоним, жаҳонимга салом,  
Жондин ортуқ меҳрубонимга салом. (*Лутфий*).

Иккинчидан, қуйидаги далилга диққат қилишни лозим деб биламиз: Алишер Навоий «Насойим-ул муҳаббат»да Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон мулкининг шайхул машойихи эканлигини қайд қилиб, унинг ўз муриди ва шогирдларидан бири — Ҳаким ота (оти Сулаймон)-нинг ўтин териб келтириш воқеаси билан боғлиқ бир ривоятни келтиради: «... Асхабким, отун тәрибтурлар, матбахга кэлгунча йағын жиҳатыдын отунлар ол болғандур. Ҳаким ёта тәрган отунларны төныға чирмаб, қуруқ кэлтургандур. Хожа ҳазратлари дэгэндурларки, эй фарзанд ҳакимана иш қылдын ва аларға бу лақаб андын қалғандур ва Ҳаким атага ҳикмат тили гойа бўлубтур. Андакки, анын, фавоиди атрөқ арёсида машҳурдир. Ўл жумладин бири будурким:

Тики турған тўбадур,  
Барғанларны ўйтадур.  
Барғанлар кэлмас болды,  
Магар манзил андадур».<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1963. 187-бет. <sup>2</sup> F. Абдураҳмонов, Ш. Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973, 20-бет. <sup>3</sup> У. Турсунов, Б. Уринбоев, Ўзбек адабий тили тарихи, Тошкент, 1982, 45-бет.

<sup>2</sup> P. Meliovansky. Ahamd Jesavi. Enzukl bes Jslam, I 217- бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 15- жилд. Тошкент, 1968, 154- бет.

«Агар ушбу тўртликнинг тили Яссавий даврининг тили эканлигига гумон йўқ экан, унда Аҳмад Яссавий ҳикматларининг тил ва услубининг соддалигига ҳам шубҳа қўзғайвермаслик керак»<sup>1</sup> Демак, Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»и XII аср эски ўзбек тилининг муҳим ёдгорлиги ҳисобланади. Бу асар орқали ўша давр ўзбек тилининг ўзига хос лексик, фонетик ва грамматик хусусиятларини аниқлаш мумкин.

«Девони ҳикмат»да қўлланган лексик бирликларни, асосий луғавий қатламни ўша давр ўзбек тилида мавжуд бўлган сўз ва иборалар ташкил қиласди. Кёнул, соз, қатығ(қ), йаҳши, йаман, тил, баш, қўл, кўз, тиз(тизза), сёнэк, йалған, йаш, кёк, қулақ, улуш, йўл, бағр, қизил, улуғ, тўрлуғ — тўрлуг, чол кабилар шулар жумласидан. «Ҳикмат»ларда ишлатилган сон ва феъл туркумига хос барча сўзлар ҳозирги ўзбек тилида ҳам мавжуд. Эски туркий адабий тил учун характерли бўлган қапуқ, қамуғ, әлиғ, ёзуқ, эран, сотқу, арығ, йавуқ каби сўзлар нисбатан кам учрайди. «Девони ҳикмат» лексикасининг ўзига хос хусусияти унда араб тилига хос сўз ва истилоҳларнинг жуда кўп қўлланишидир. Ислом ақидалари, мусулмонликнинг қонун-қоидалари, диний-фалсафий қарашларни тарғиб қилиш мақсадида тариқат, суннат, шариат, нафс, муршид, қудрат, имон, раҳмон, дўзах, илоҳ, зикр, жаннат, худо, кофир, мўмин, уммат каби сўзлар қайта-қайта такрорланган. Пири комил, пири забардаст, амири маъруф, рўзи маҳшар, биру бор, тарбияти тан, Муса сифат, ризқи нақис, дафтари соний, қалу бала сингари араб, араб-форс иборалар кўплаб учрайди.

Фонетик жиҳатдан оҳангдошлиқ ҳодисасига риоя қилинган. Сўз ўртаси ва охирида қ ва ғ товушлари бир-бира ўрнида алмашиниб келади: қатығ, қатығланыб, туфрағ, андағ, мундағ, чырағ каби.

Башым туфрағ, ёзум туфрағ, жисмим туфрағ,  
Иашым йэтти алтмиш учқа, бир кунча йоқ.

«Девони ҳикмат»нинг услубий-грамматик хусусияти шундаки, шеърлар кўпинча иккинчи шахсга, тингловчига мурожаат тарзида ёзилган ва буйруқ майлининг -ғил, -ғил шакли билан берилган:

<sup>1</sup> И. Ҳаққулов. Кўрсатилган асар. 24- бет.

Аҳли ҳаво манманидин қачыб йургил  
Жылва қылғыл, тәлба қылғыл, шайда қылғыл.

Умуман, «Ҳикмат»да мурожаат услубида содда, равон шеърлар битиш устун туради:

Иалған сөзләб имансизин кәтман, достлар,  
Хизмат қылғыл пири муған қолын, алсун.

«Девони ҳикмат»да қўлланган эски туркий лексик қатлам, бир қатор фонетик ва морфологик хусусиятлар бу асарнинг қарлуқ-чигил-үйғур ва ўғуз-қипчоқ тиллари негизида яратилганлигини кўрсатади.<sup>1</sup> Асарда ишлатилган кўпгина форс-тожик тилига хос сўз ва иборалар, грамматик шакл ва оборотлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

### УЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЎҒУЗ-ҚИПЧОҚ ТИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

XII аср ўрталарида Хоразмшоҳлар давлатининг кўчайиши натижасида қадимги маданият ўчиқларидан бўлган Хоразмининг мавқеи яна ҳам кўтарилади. XIII аср бошларида эса бутун Мовароунаҳр Хоразмга тобеъ бўлиб қолади. Мана шу даврларда Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаёти анча тараққий қиласи. Шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ишлари ёсиб боради. Санъат ва адабиёт, илм-фан ва маданий алоқалар ривожланади. Бу тарихий воқеалар бу ерларда ўғуз-қипчоқ уруғ ва қабила иттифоқлари тили негизида таркиб топган ғарбий туркий адабий тилнинг тараққий этишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Чингизхон ҳужуми ва истилосидан кейин Хоразм ва пастки Волга бўйлари ҳудудларини бирлаштирган Олтин Ўрда давлатининг барпо этилиши ва мустаҳкамланиши бу адабий тил анъанасини яна ҳам кучайтиради, ривожлантиради. Аста-секин мўғулларнинг кетиб қолиши (XV аср бошларида Олтин Ўрда учта хонликка — Крим хонлиги, Қозон хонлиги ва Астрахан хонликларига бўлинниб кетади), қолган қисмнинг эса бу ердаги маҳаллий туркий аҳоли билан қўшилиб, унинг таркибиға сингиб кетиши натижасида XIII—XIV асрларда ғарбий туркий тил Олтин Ўрданинг умумий тилига айланади. Давлат идора ишларида расмий

<sup>1</sup> А. К. Боровков. Кўрсатилган аср, 247- бет.

хужжатлар, адабий-бадиий асарлар асосан шу тилда ёзилади.<sup>1</sup>

Шуни эслатиш керакки, Олтин Ўрда ҳудудида адабий тил ҳам, умумхалқ сўзлашув тили ҳам бир хил эмас эди. Н. А. Баскаковнинг кўрсатишича, асосий аҳолиси ўғуз-қипчоқ уруғларидан бўлган Хоразмда ва унинг шарқий қисмида яратилган адабий асарлар ва ёдгорликларнинг тилида, бир томондан, Мовароунаҳрдаги эски ўзбек адабий тилининг кучли таъсири ўз ифодасини топган бўлса, иккинчи томондан, ўғуз тили унсурларининг кўплиги ва қипчоқ унсурларининг нисбатан камлиги билан ажралиб туради. Олтин Ўрда хонларининг қароргоҳларига яқин бўлган ҳудудларда — ғарбда эса қипчоқ уруғларининг таъсири анча кучли эди. Шунинг учун гарчи ўғуз тилининг таъсири сезиларли бўлса ҳам, лекин жонли ҳалқ тили ва адабий тилда қипчоқ унсурлари кўпчиликни ташкил қиласр эди.<sup>2</sup> Шу билан бирга Олтин Ўрданинг шарқий ва ғарбий қисмларида вужудга келган адабий тилнинг шаклланиб тараққий этишида хон ва бекларнинг давлат идораларида қўлланган тили — эски ўйғур тили ва XV аср охиригача қўлланган ўйғур ёзуви ҳам муҳим роль ўйнайди. Демак, Олтин Ўрдада қўлланган адабий тил бевосита Хоразмда ва унинг атрофларида ташкил топган ғарбий туркий ёки ўғуз-қипчоқ адабий тилининг давоми, унинг яна ҳам ривожланишидан иборат бўлган.

Хоразм ва Олтин Ўрда ҳудудида вужудга келган адабий-бадиий ёдгорликларга Алининг «Қиссаи Юсуф» достони, Рабгузийнинг «Қиссаи Рабгузий», Хоразмийнинг «Мұҳаббатнома», Қутбнинг «Хусрав ва Ширин», Сайфи Саройининг «Гулистан» (Саъдий Шерозийнинг шу номли асари таржимаси) каби асарларини киритиш мумкин.

Алининг «Қиссаи Юсуф» асари XIII аср бошларида (1232 йилда) ёзилган бўлиб, тил хусусиятлари жиҳатидан унда ўғуз-қипчоқ унсурлари ўз аксини топган. Муаллиф Юсуф ва Зулайҳо тўғрисидаги диний-афсонавий сюжет асосида дунёвий йўналишдаги асар яратишга ҳаракат қиласр. Бу асарнинг ёзилган жойи, қайси ҳалқقا тегишли эканлиги ва тил хусусиятлари тўғрисида олимлар томонидан турлича фикрлар баён қилинган. К. Брок-

<sup>1</sup> Н. А. Баскаков. Тюркские языки, 55- бет.

<sup>2</sup> Н. А. Баскаков. Кўрсатилган асар, 55—56- бетлар.

кельман «Қиссаи Юсуф»да қўлланган кўпгина ўгузча унсурларга, айниқса лексик унсурларга асосланиб, уни турк адабиёти ёдгорликлари қаторига қўшади. А. Н. Самойлович «Қиссаи Юсуф» асарининг тил хусусиятларини «Муҳаббатнома» билан чоғиштирган ҳолда ўрганади ва анча эътиборли фикрларни баён қиласди. Унинг кўрсатишича, «Муҳаббатнома» ҳам, «Қиссаи Юсуф» ҳам тил жиҳатидан учта асосий манба билан боғланган, яъни Шарқий Туркистон адабий тили (Қашқар ёки Қорахонийлар даври адабий тили) ҳамда XII—XIV асрларда Олтин Ўрда ҳудудида кенг ишлатилган қипчоқ ва ўғуз диалектларига асосланган тил билан боғланади.<sup>1</sup> А. К. Боровков «Тафсир» тилини чуқур тадқиқ қилиш асосида шундай хулосага келади: Шарқий Туркистон ва ўғуз-туркман (шунингдек қипчоқ) унсурларининг аралаш қўлланиши фақат «Тафсир» тили учунгина хос ҳодиса эмас. Бу жиҳатдан «Тафсир» лексикаси Замахшарийнинг «Муқаддимат-ал адаб», шунингдек «Муҳаббатнома», «Қиссаи Юсуф» асарлари лексикасига жуда яқин туради. Ҳатто Алишер Навоийдан илгарироқ яшаб ижод қўлган Атоий, Саккокий, Лутфий каби шоирларнинг поэтик асарлари тилида ҳам ўғуз-туркман лексик унсурлари катта ўринни эгаллади.<sup>2</sup> Дарҳақиқат, «Қиссаи Юсуф»да Қарлуқ-үйғур ва ўғуз-қипчоқ тиллари анъана-ларига хос кўпгина лексик-морфологик хусусиятлар учрайди. Жумладан, жўналиш келишиги -ға, -га билан бирга, а, -на шаклларида, ҳозирги-келаси замон феълининг барам (бораман), барман (бормайман), баравуз (борамиз шаклларида -дуқ, -дук аффиксли сифатдошлар, -у, -у, йу, -йу аффиксли равишдошларнинг (бару, созләйу, бардук, кәлдук каби) шунингдек ёкуш, элик, ары, кўни, урам сингари кўпгина лексик унсурларнинг қўлланганлигини кўриш мумкин.

Юқорида айтилганлар асосида шундай хулосага келиш мумкин: «Қиссаи Юсуф» асари XIII аср бошларида Ўрта Осиёда, аниқроғи Олтин Ўрданинг шарқий қисми — Хоразмда яратилган эски ўзбек тилига хос ёдгорлик ҳисобланади. Маълумки, анча илгарироқ бошланган қарлуқ-үйғур ва ўғуз-қипчоқ ёки шарқий туркий ва ғар-

<sup>1</sup> А. Н. Самойлович. К истории среднеазиатского-турецкого языка. Сб. «Мир-Али-Шер», Л., 1928, 12—15-бетлар.

<sup>2</sup> А. Н. Боровков. Лексика среднеазиатского тифсира XII—XIII вв.

бий туркий тиллар анъанаси, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири XIII—XIV асрларга келиб анча ривожлана-ди. Иқтисодий-маданий алоқаларнинг кучайиши туркий қабила ва элат иттифоқларининг бир-бирига яқинлашуви, аралашиб кетиши жараёнини тезлаштирган эди. Демак, бу даврда шарқий туркий ва ғарбий туркий тилларнинг бир-биридан ажralиб кетиши ва муштарак адабий тилга томон тараққий этиб бориши тамоили ҳам кучайган эди. Бу ҳолат шу даврларда майдонга келган адабий ёдгорликларга, жумладан, Алининг «Қиссан Юсуф» асарига ҳам таъсир этмай қолмади. Бу асарнинг тилида қўлланган қарлуқ-үйғур ва ўғуз-қипчоқ унсурлари худди шу жараён билан боғланган.

### «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

«Қисаси Рабғузий» асари 1309—1310 йилларда Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузий томонидан ёзилган, Носириддин Рабғузий Хоразмнинг Работ ўғуз деган жойидан бўлиб, XIII асрнинг охири—XIV асрнинг бошлирида яшаган. Рабғузийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар жуда кам. Унинг бизгача фақат «Қисаси Рабғузий» асари сақланиб қолган. Аммо асарнинг муандарижаси, арабча шеърий парчаларнинг таржимаси ва муаллифнинг ўзи ёзган туркий-ўзбекча шеърлар шуни кўрсатадики, Рабғузий ўз даврининг билимдон олими, тарихчиси ва истеъоддли ёзувчиси бўлган.

«Қисаси Рабғузий»да келтирилган қиссалар, ҳикоятларнинг аксарияти пайғамбарлар, авлиёлар ҳақидаги «Қуръон» ва бошқа диний китоблардан олинган афсоналардан иборат. Пайғамбарларнинг ҳаёти ҳақидаги афсонавий қиссалар орқали ислом дини, унинг ақидалари тарғиб қилинади. Шу билан бирга асарда маълум маърифат ва ахлоқий-тарбиявий характердаги ҳикоятлар ҳам берилган. Бу ҳикоятлар ўша даврдаги ҳаётий воқеалар, туркий халқларнинг турмуши, урф-одатлари асосида ёзилган.

Бу асарнинг асл қўллёзма нусхаси сақланмаган. XV асрда кўчирилган энг қадимий нусхаси Лондонда, Британия музейида сақланади. XVI асрда кўчирилган иккинчи нусхаси Санкт-Петербургда, кейинги асрларга оид нусхалари эса Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади.

«Қисаси Рабғузий» асари ҳамд, муқаддима, қисса-

лар, ҳикоятлар, шеърий парчалар ва хотимадан иборат бўлиб, бадиий насрнинг яхши намунаси, ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда муҳим манбаларнинг биридир.

Рабғузий ўз асарининг халқ орасида кенг тарқалиши учун, китобхон томонидан севиб ўқилишини назарда тутиб уни содда, тушунарли, жонли халқ тили асосида яратган. Асар халқ оғзаки ижоди асарлари — эртаклар, ҳикоят ва ривоятлар услубида содда равон тил билан ёзилган. Жумладан, пайғамбар ҳаётига доир қиссаларни баён қилиш давомида лирик чекинишлар берилади. Бу вақтда «ривоят қилурлар», «хабарда андоғ келур», «каймишлар», «баъзи ривоятларда келмиш», «ҳикоятда андоғ келур»<sup>1</sup> каби халқ эртакларига хос ибора ва сўз бирикмалари кенг қўлланган. Айниқса, ҳаётий воқеалар, руҳий кечинмалар тасвирида халқ оғзаки ижодига оид услубий воситалар, мақол ва ҳикматлар кўп учрайди. Бу эса «Қисаси Рабғузий» асарининг тили фақат ўз даври учунгина эмас, балки кейинги асрларда ҳам тушунарли бўлишини, унинг халқ баҳшилари томонидан севиб ўқилишини таъминлаган.

«Қисаси Рабғузий» тил хусусиятлари жиҳатидан қуидагилар билан ажralиб туради.

1. Фонетик жиҳатдан унли товушлар уйғуллигининг ҳар иккала кўриниши ҳам сақланган: **Бобил** қудзуқынға элтди (38) кучумиз йэтсә қонуқларымға каби. дз (j) белгили диалект билан й — белгили диалект мувозий қўлланган, баъзи ҳолларда з белгили диалектнинг устунлиги кўринади: кедзин, кезин (кейин), қозмазмиз (қўймазмиз), оти бирла қўзғыл (қўйғил), Солиҳ узқудин уйғонди (55). Тепти ерга икки азақин, топти ерда бур қузур каби.

2. Асарнинг лексикасига хос луғавий бирликлар асосий қисмини Ўрта Осиёдаги барча туркий тилларга оид сўзлар ташкил қиласи. Шунингдек, эски туркий адабий тил учун хос бўлган изи (худо), ёзуқ (гуноҳ), тэлим, укуш (кўп), тэкма (ҳар), ёвумоқ (яқинлашмоқ), теги (гача), қамуғ (ҳамма), тамуғ (дўзах), ужмоғ (жаннат), ўтру (қарши), ялавоч, қапуғ каби сўзлар ҳам анчагина учрайди. Сўз ўртасида **к**, **ғ**, **қ** товушлари ортирилади: Зайтун йиғочининг ябурғоқи, эшкак қузруқин тутиб (42).

<sup>1</sup> Бу ва бундан кейин бериладиган мисоллар «Қисаси Рабғузий» асарининг 1990 йилда нашр этилган (нашрга тайёрловчилар Э. И. Фозилов ва бошқалар) нусхасидан олинди.

3. «Қисаси Рабғузий» тилининг морфологик хусусиятлари қўйидагилар билан ажралиб туради: унлилар уйғунлиги ҳодисасига мувофиқ барча келишик аффиксларининг қаттиқ ва юмшоқ талаффуз этилувчи вариантилари — жуфтлари мавжуд: **Солиҳға айдилар Солиҳны** бизга кўргузу беринг (57) Сенинг учун юкларин ул кенданда қўйидилар (149). Зайтун йиғачининг. Қузуғ ичинда. Олмошларда қаратқич келишигининг -ынг (-унг) шакли, чиқиши келишиги ўрнида ўрин-пайт келишиги (танвинли) шакли қўлланади: бизинг кучумиз етса (56) Кимунг ичинда ҳақ ўти бўлса (64) Ман бу қизларимдан бирин сенга бергайман (57) Одамда(и) кезин қирқ беш йилда кезин (35). Жамловчи сонлар икагу, учагу, ўнагу шаклида келади. Икагу Нуҳ пайғамбарга келдилар (43) налук (нима учун), нетак (-натак) қандай, қамуғ (ҳамма), текма (ҳар) каби сўроқ, белгилаш-биргалик ва ким эрса гумон олмошлари кенг қўлланади: налук сўзлаюмас (43), қамуғ қисалардин (100), текма, хотундин ики ўғул бўлди (101), одам нетак теса андоғ қилғил (32), бир ким эрса қамуғ қоқди (34) каби.

Аниқ ўтган замон феълининг биринчи шахс кўплиги - (и)миз аффикси билан келади: «Қисаси ар Рабғузий» ат бердимиз (11), яна мақсадға кедимиз (14). Шунингдек бу келдик билан мувозий қўлланади. Унинг шарт шакли ҳам шу аффикс билан келади: узум олиб есамиз бўлғайму? (36), истак шакли -линг аффикси билан берилади: келгин, таом егалинг (36), азоқин боғлаб кузуғға кўмушалинг андоғ — ўқ ўлғай (106).

Сифатдошнинг -дуқ/дук, -глы/гли аффиксли шакллари нисбатан сийрак учрайди, -мыш/миш, -ған/ған шакллари эса кенг қўлланади: Фаришта эрдукин билмади, Юсуф қузуғға кирмишда ети ёшлиқ эрди (107), ... ризвон бирла янашған, дунёдин қуштек учған, тамуға кириб чиқгин... Идрис ялавач (35), баъзилар аймишлар каби.

Юқоридагилардан кўринадики, «Қисаси Рабғузий» асарида ўғуз ва қипчоқ тилларига хос хусусиятлар устунлик қилади, шу билан бирга қарлуғ-уйғур тили унсурлари ҳам ишлатилганлиги кўринади. Асар тилида ўзбек адабий тилининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикасига хос хусусиятлар очиқ кўзга ташланади. У ўзбек адабий тили тараққиётининг илк давларига тегишли ёдгорлик ҳисобланади. Айни вақтда бу асар ўзининг тил хусусиятлари жиҳатидан Ўрта Осиёдаги тур-

кий тилларнинг барчаси учун баб-баравар илмий қимматга эга.<sup>1</sup>

### XIII АСРДА ВА XIV АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўрта Осиё ҳалқларининг XIII асрдаги ижтимоий-маданий ҳаёти бевосита мўғуллар истилоси ва унинг оқибатлари билан боғлиқ бўлган. Тарихдан маълумки, 1218 йилда Ўтрор шаҳрида Чингизхоннинг 450 кишидан иборат 500 туялик савдо карвонининг таланиши, Чингизхон элчиси ва савдогарларнинг ўлдирилиши 1219 йилда Чингизхоннинг Ўрта Осиёга бостириб киришини, заифлашиб қолган Хоразмшоҳлар давлатига тобе шаҳарларни бирин-кетин босиб олинишини тезлаштирган эди. Бу босқинчилик урушлари натижасида гуллаб турган шаҳарлар харобага айланди, бой маданият ва санъат йўқ қилинди, мамлакат ҳалқ хўжалиги, иқтисодий-маданий тараққиёти жуда катта талафот кўрди, адабиётнинг ривожланишига улкан путур етди. Маҳаллий олимлар, ёзувчилар бошпана излаб, бошқа мамлакатларга кетишга мажбур бўлдилар.

Бу воқеалар ўша давр адабиётида, тилида ҳам, жумладан, эски ўзбек адабий тилида ёзилган асарларда ҳам ўз изларини қолдирди. Мўғул истилоси адабий тилнинг тараққиётига сезиларли салбий таъсир қилган бўлса-да, аммо унинг ривожланишини, қўлланиш доираси кенгайишини тўхтата олмади.

Умуман, туркий ҳалқлар ва туркий тиллар тарихида XIII—XIV асрлар алоҳида мураккаб бир даврни ташкил қиласиди. Бу даврларда Мовароуннаҳр, Хоразм ва Олтин Ўрдада майдонга келган асарлар ўзининг тил хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласиди. Бу ҳодисага (бу асарларнинг тил жиҳатидан фарқ қилишига) уларнинг икки маданий марказда — шарқий туркий ва гарбий туркий давлатлар ҳудудида яратилганлиги сабаб бўлган. Аммо шунга қарамай, бу асарларнинг ҳаммасида қарлуқ-чигил-үйғур ва ўғуз-қипчоқ тил бирликлари нинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари ўз ифо-

<sup>1</sup> Э. И. Фозилов. Носириддин Рабғузий ва унинг «Қисаси Рабғузий» асари. Носириддин Бурхониддин Рабғузий. «Қисаси Рабғузий», Тошкент, 1990, 8-бет.

дасини топган. Бу эса ўша даврда жуда катта ҳудудда яшаган туркий қабила ва элатларнинг бир-бири билан яқин муносабатда бўлгланганини кўрсатади. Бунинг натижасида турли ўлкаларда туркий тилнинг таъсири, уни ўрганишга қизиқиш кучайиб борди. Жумладан, машҳур олим Абу Хайён XIII аср охири ва XIV аср бошларида ўзининг «Китоб-ул идрок-ли лисон-ул атрак» («Идрок ва туркий тиллар китоби»), «Китоб-ул афъол фи лисонит турк» («Турк тилидаги феъллар китоби»), «Аддурат-ул мусиға фи лугат-ит турк» («Турк тили ҳақида нур берувчи марварид») каби машҳур асарларини яратди. Шуни ҳам эслатиш керакки, мўғуллар ҳужуми натижасида Мовароуннаҳрда тузилган давлат — Чифатой улусининг тили туркий тил<sup>1</sup>, яъни эски ўзбек адабий тили эди.

Эски ўзбек адабий тили ташкил топган дастлабки давлардан бошлаб, фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан Қорахонийлар даврида қарлуқ-чигил-үйғур диалект гуруҳи асосида шаклланган шарқий туркий адабий тилга хос барча асосий хусусиятларни ўзига сингдириб олган эди. Айни вақтда бу хусусиятлар эса ўзбек тилида такомилга эришган, бир қатор ўзгаришларга ҳам учраган. Бу ўзгаришлар аввало адабий тилда сўз қўллаш жараёнида очиқ кўринди. Жонли халқ тилига хос жуда кўп сўз ва иборалар адабий тилга кириб қолди, улар асосида кўплаб янги сўз ва турлар, янги тасвирий воситалар яратилди. Адабий-бадиий асарларда тилнинг соддалигига, унинг ихчам, равонлигига катта эътибор бериш билан бирга халқ тилига хос қўйма иборалар, мақол ва ҳикматли сўзлардан кенг фойдаланиш асосида образлиликка, бадиий пишиқликка эришилди. Ўзбек тилининг форс-тожик адабий тили билан ўзаро муносабати яна ҳам ривожланди. Шу асосда ўзбек адабий тилининг умумхалқ хусусияти кучайиб борди.

Бу даврда эски ўзбек адабий тилида яратилган энг муҳим ёдгорликларга «Ўғузнома», «Қисаси Рабғузий», «Тафсир», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Муҳаббатнома» таъсирида яратилган «Латофатнома», «Таашшуқнома» каби асарларини киритиш мумкин.

---

<sup>1</sup> В. В. Бартольд. История турецко-монгольских народов. Ташкент, 1928, 17-бет.

## «ЎҒУЗНОМА» АСАРИ ВА УНИНГ ТИЛИ ҲАҚИДА

Бу давр тилининг илк ёдгорлиги «Ўғузнома» асари ҳисобланади. Қарлуқ-үйфур ва ўғуз шеваларига хос бўлган бу ёдгорлик ҳақида, унинг ёзилган вақти ва ўрни ҳақида турлича фикрлар мавжуд. «Ўғузнома» мифологик афсоналарга асосланган эпик асар бўлиб, унда қадимги қабилалар ва қабила иттифоқларининг бирлашишга интилишлари ўз ифодасини топган. Шу жиҳатдан Н. М. Маллаевнинг «Ўғузнома»да XIII—XIV асрлардаги воқеалар ҳам маълум дараҷада из қолдирган<sup>1</sup> деган фикрини қувватлаш мумкин. А. М. Шчербак ўғуз ҳақидаги афсонанинг мундарижасини чуқур таҳлил қилиб, унда тасвирланган воқеалар туркий қабилалар тарихининг қандайдир бир босқичинигина акс эттирмайди, балки асар муаллифи кўрган воқеалар ёки ундан олдинги даврларда бўлиб ўтган воқеалар афсона учун қисман материал сифатида хизмат қилган бўлиши мумкин. Бу воқеалар орасида Чингизхон юришлари муҳим ўрин тулади, деб кўрсатади.<sup>2</sup>

«Ўғузнома»нинг бир қанча қўллёзма нусхалари бўлиб, уларда Ўғуз ҳақидаги афсона ҳар турлича талқин қилинади. А. М. Шчербакнинг ёзишича, Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган қўллёзма XV асрда китобат<sup>3</sup> қилинган бўлса ҳам, лекин у асл нусха ҳисобланмайди. П. Пеллионинг фикрига қараганда, Шефер қўллёзмаси дастлабки нусха бўлиб, 1300 йилларда Турфон (Қашқар)да ёзилган. Кейинроқ эса анча ўзгартирилган матни XV асрда қирғизлар яшаган ҳудудда кўчирилган бўлиши керак.<sup>4</sup> Худди шундай фикрни бундан анча илгарироқ В. В. Бартольд ҳам баён қилган эди. Немис олими В. Банг «Ўғузнома»нинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш асосида афсонанинг тилини шартли равишда янги шарқий туркий тил деб атайди ва П. Пеллионинг фикрига анча яқин мулоҳазани илгари суради. А. М. Шчербак «Ўғузнома»нинг турли қўллёзмаларини ўрганиш, унинг тилини бошқа асарлар билан қиёслаш асосида шундай хулосага келади: асл нусха қўллёзманинг тили «й» ловчи шевада ёзилган, сўз негизининг фонетик шакл-

<sup>1</sup> Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1963, 201-бет.

<sup>2</sup> А. М. Шчербак. Огуз-наме, Мұхаббат-наме. М., 1959, 100- бет.

<sup>3</sup> А. М. Шчербак. Кўрсатилган асар, 16- бет.

<sup>4</sup> А. М. Шчербак. Кўрсатилган асар, 102- бет.

ланишида лаблашмаган товушлар кўпроқ иштирок этади. Асар XIII аср охири, XIV аср бошларида Турфон (Қашқар) да ёзилган. Қабила иттифоқларининг бирлашиши тамоилининг кўчайиши, бунинг натижасида анча қатъйлашган қарлук, уйғур, ўғуз тили хусусиятларидан ташқари, кейинроқ кириб қолган қипчоқ унсурлари ҳам асар тилида акс этган. Бу диалектларининг ҳаммаси эса биргаликда эски ўзбек тилининг негизини ташкил қиласди.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, «Ўғузнома» тилида нисбатан янги фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлар анчагина учрайди. Масалан, сўзда д, дз (j)га нисбатан й товушининг устунлиги ҳодисасини кўриш мумкин: адғыр, қон ўрнида айғыр, қой ишлатилади. Аммо бу ҳолат ҳали қатъий бўлмай, уларнинг мувозий қўлланиши ҳам учрайди: айғыр, адуғ (айиқ) каби. Унлилар уйғуналиги тўла сақланган: урунғудун соң қалықлари (эшик) тэмурдун эрдилар. Ундошларда жарангсизланиш, жарангланиш ҳодисаси кучли: атни кэлдурди. Таң эртэ болдуқта. Сўз охирида тор ва кенг унлилардан кейин тилорқа ф, г, товушлари сақланади: тириг, ծлуг, тағ, адуғ. Кишилик олмошларининг I шахсида б~м шаклда келади: балуқни (шаҳар) бэнга сақлаб кэлгил. Мэнгэ атам бу балуқни бэруб турур. Қаратқич келишигининг -ның, -нуң турлари кўпроқ учрайди: бэгниң оғулы, оғуз қағанниң аты. Ануң башы, қағаннуң чёриги каби.

Асарда тушум келишигининг қадимги -ығ, иғ аффиксли шакли, -/ы/н, -/и/н аффикси орқали ясалган қурол восита келишиги шакли қўлланмайди. Асарда -дуқ, -дук, -ғу, -гу аффиксли сифатдошлар учраб туради: йлбарғуда эрди. Урушғудун соң. Оғуз кўрдукта ози кэтти каби.

Тартиб сонларнинг икинчи (икинти ўрнида), учунчу, учунчи (учунч ўрнида) шакллари қўлланган. Шарт феъли асосан -са (-сар ўрнида) аффикси билан келади: биринчисига Кун ат қойдылар, икинчисигэ Ай ат қайдылар..., кулсә, йығласа каби:

Бу ёдгорликда лексик жиҳатдан тапуқ (хизмат), тэлим (кўп), туғ (байроқ), балуқ (шаҳар), бэргу, қапуғ, уқғулуғ, чёриг, муран (дарё), ачқич (калит), тоқуш, кўркуклуг каби эски туркий, мўғулча сўзлар учрайди. Бу фактлар асарда қарлук-уйғур тили хусусиятларининг

<sup>1</sup> А. М. Шербак. Кўрсатилган асар, 103, 106—107- бетлар.

устун эканлигини кўрсатади. Асар тилида учрайдиган бир қатор мўғулча сўзлар эса ўша даврларда туркий тилларга мўғул тилидан кириб ўзлашиб қолган янги лексик қатламни ташкил қиласди. «Ўғузнома» асарининг тили фақат баъзи бир хусусиятлари билангина эски ўзбек адабий тилидан салгина фарқ қиласди, у кўпроқ қарлуқ-уйғур тили анъаналарига яқин туради. Демак, «Ўғузнома» асарининг тил материаллари орқали эски ўзбек адабий тилининг қарлуқ-чигил-уйғур тил бирлиги билан яқин муносабатда, узвий алоқадор эканлиги аниқланади.

### «ТАФСИР» АСАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Эски ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорликларидан бири Қарши шаҳрида топилган «Тафсир» асари ҳисобланади. Бу асар «Ўрта Осиё Тафсири» деб ҳам юритилади.

«Тафсир»—«Қуръон»нинг сўзма-сўз таржимаси, изоҳлар, шарҳлар ва тушунтиришлардан иборатdir. «Тафсир»да 18- сурадан бошлаб «Қуръон» таржимаси ва шарҳлар, изоҳлар берилади. Асарнинг биринчи қисмида ҳар бир сурадан кейин унинг мазмуни билан боғлиқ ҳикоялар берилган. Иккинчи қисмида эса суралардан изоҳлар ва шеърий парчалар көлтирилган. Қитобда «Тафсир»ни тартиб берган ва кўчирган кишиларнинг номи кўрсатилмаган. Асарнинг ёзилган вақтини белгилаш жуда қийин, унинг матнида бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунингдек, асарнинг биринчи асл нусха қўллёмаси ҳам аниқланган эмас. «Тафсир»нинг тил хусусиятларига асосланиб, В. В. Бартольд унинг XI асрда яратилган «Қутадғу билиг» достонидан ҳам илгарироқ ёзилган бўлиши керак, деган фикрни илгари суради.<sup>1</sup>

Турк олимни А. Эрдоган «Тафсир»нинг луғат таркиби жиҳатидан «Девону луготит турк» лексикасига яқин эканлигига, унда диний тушунчаларни ифодаловчи сўз ва ибораларнинг туркий тилга таржима қилиб берилганинг асосланиб, унинг асл нусхаси X—XI асрларда ёзилган деган фикрни баён қиласди.<sup>1</sup> «Тафсир» тилига хос бир қатор лексик ва морфологик хусусиятларнинг

<sup>1</sup> В. В. Бартольд. История культурной жизни Туркестана, Л., 1927, 72- бет

<sup>2</sup> A. Erdogan. Kur'an tercümelerinin dil bakımından de gevleri. Апкага, 1938, 47—48.

«Хибатул ҳақойиқ» асарининг тилига анча яқинлигини ҳисобга олиб, С. Е. Малов бу асарни XII аср ёдгорлиги деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Бу асарнинг тили тўғрисида катта иш олиб борган А. К. Боровков «Тафсир»нинг дастлабки ёзилган даври X аср охири бўлиб, асарда мўгуллар ва кейинроқ Темурийлар даврига хос сўз ва атамаларнинг қўлланиши ҳамда унинг фонетикаси ва морфологиясида учрайдиган янгиликлар мазкур Қарши қўллэзмаси XV асрда қайта кўчирилган бўлиши мумкин, деб изоҳлайди. Шунга кўра у «Тафсир»ни XII—XIII асрларнинг ёдгорлиги деб қарайди.<sup>2</sup>

Шуни қайд қилиш керакки, тил хусусиятлари жиҳатидан «Тафсир» асосан адабий д/дз/j/ тилига хос бўлган XI—XIII аср ёдгорликларига яқин туради. Шу билан бирга бу асарда жуда кўп ҳолларда д/дз/j/нинг й га ўтиши ҳодисаси ҳам учрайди: **адғыр — айғыр, адыр — айғыр, адрылмоқ — айрылмоқ** каби. Бундан ташқари асарнинг бир қатор лексик ва морфологик хусусиятлари ҳам унинг тили шу даврларда яратилган «Девону лутотит турк», «Қутадғу билиг», «Хибатул ҳақойиқ» каби ёдгорликларнинг тилига яқин эканлигидан гувоҳлик беради. Масалан, «Тафсир»да **табару** (томон), **будун** (халқ), **арығ**, **талым** (кўп), **асығ** (фойда) **эрклиг** (кучли), **йиг** (касаллик), **су** (қўшин), **офур** (вақт), **отру** (қарши), **элиг** (қўл), **тапуғ** (хизмат), **тумлуғ** (совуқ) қонуқчи (меҳмон) сингари кўплаб ўша давр ёдгорликлари тили учун хос бўлган сўз ва иборалар қўлланган. Тушум келишигининг **-ығ, -иг** аффиксли шакллари учрамайди. Қишилик олмошининг жўналиш келишигига **аңар** (**айди аңар**) шакли учрайди. Аниқ ўтган замон феълийнинг биринчи шахс кўплиги **бардымыз, кэлдымыз** (**қамуғ бэрдимиз аңар ҳикмат билиг**) шаклида ҳам келган. Сифатдошнинг **-иғли, -ығли, -дачи, -дачи, -дуқ, -дуқ** аффикслари билан ясалган шакллари (**мэн сениң турутачын йаратачын мэн Фиравнның будуны йарлығдан чығығлылар туурлар; буларга қулдучи кэби**) қўлланган.

«Тафсир» тилининг аралаш тил хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Асар тилида ҳам шарқий туркий (қарлуқ-уйғур), ҳам ғарбий туркий (ўғуз-туркман) фо-

<sup>1</sup> С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М—Л., 1951. 321-бет.

<sup>2</sup> А. К. Боровков. Лексика среднеазиатского тифсира XII—XIII вв. М., 1963, 12-бет.

нетик, морфологик ва лексик унсурларнинг мувозий ҳолда қўлланиши кўп учрайди:<sup>1</sup> инкор билдирувчи эрмас ва эрмаз, тагул ва дагул, илгару ва илару, ант ва анд, тариф ва дариғ, арт ва ард (орқа), қарағу кўзсиз ва тоға кўзсиз (кўр), ортақ эш ва дост эш, кўнилик ва гўнулук (тўғрилик), тагра ва дагара (теварак) кабилар.

Шарқий туркий ва ғарбий туркий тил унсурларининг бундай аралаш ҳолда ишлатилиши фақат «Тафсир» тили учунгина характерли эмас. Шу даврларда майдонга келган Алининг «Қиссаи Юсуф», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» каби қатор адабий ёдгорликларда шундай ҳодисани — шарқий ва ғарбий туркий унсурларнинг аралаш ҳолда қўлланганлигини кўриш мумкин. Бу ҳол XIII—XIV асрларда шарқий қарлуқ-чигил-уйғур тили ва ғарбий ўғуз-қипчоқ тилларининг қўшилиб кетиши асосида эски ўзбек адабий тили ташкил топганлигини тасдиқлайди.

### «ХУСРАВ ВА ШИРИН» АСАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Бу давр ўзбек адабий тилининг тараққий этишида қадимдан бошлаб халқларимиз ўртасида давом этиб келган иқтисодий-ижтимоий, маданий ва адабий алоқалар катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбек, тожик, озарбайжон, эрон, ҳинд халқлари маданият ва адабиёт соҳасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш орқали бир-бирларининг маданий бойликларидан баҳраманд бўлганлар, адабий анъаналарни давом эттирганлар. Айниқса, буюк сўз санъаткорларининг адабий анъаналарини давом эттириш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш асосида бу халқларнинг маданияти, адабиёти яна ҳам ривожланди, ёзувчи ва шоирлар ижодий камолатга эришдилар. Маданий-адабий ҳамкорлик ва алоқаларнинг мустаҳкамланиши натижасида таржима адабиёти асарлари майдонга келди. Бу эса, ўз навбатида, шу халқлар тилларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

XIV—XV асрлар давомида ўзбек ёзувчилари Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий каби буюк шоирларнинг «Хусрав ва Ширин», «Маҳзан-ул асрор», «Гулис-

<sup>1</sup> А. К. Боровков. Лексика среднеазиатского тифсира XII—XIII вв. 18-бет.

тон» сингари қатор асарларини таржима қилиб, китобхонларга ҳадя этганлар. Албатта, бу таржималар кўрсатилган асарларнинг айнан сўзма-сўз таржимаси эмас, балки маълум дараҷада уларнинг ижодий қайта ишланган нусхалари эди.

Истеъоддли ўзбек шоири Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» достони Низомий Ганжавийнинг шу номли асари нинг ўзбек тилига эркин ижодий таржимаси ҳисобланади. Достон озарбайжон ва ўзбек халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни, ўзбек адабиёти тарихини, айниқса ўзбек адабий тили тарихини, унинг тараққиётини ўрганишда жуда катта қимматга эга. Қутб ўз асарида Низомий достонининг ғоявий-бадиий юксаклигини, унинг асл моҳиятини сақлаган ҳолда унга анча янгиликлар киритган, уни XIV аср ҳаётига доир воқеалар, аҳоли турли табақаларининг ҳаётига ва табиат тасвирига бағишланган лавҳалар билан бойитган ва асл нусха асар дараҷасига кўтарган. Асар Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбекхоннинг (1320—1340) ўғли Тонибек ва унинг хотинига бағишилаб ёзилган. Қутбнинг ҳаёти ҳақида тарихий маълумотлар йўқ. Достонда берилган шеърий парчалар орқали унинг моддий қийинчиликлар остида ғариб ҳаёт кечирганини билиш мумкин. Профессор Н. М. Маллаевнинг кўрсатишича, «Хусрав ва Ширин» достони Тинибек ҳокимлик қилган Оқ Ўрдада ёзилган бўлса керак.<sup>1</sup>

«Хусрав ва Ширин» достонининг ягона қўллёзма нусхаси 1914 йилда Париж миллий кутубхонасидан топилган. Бу нусха аслида қипчоқлик бўлган Барка Фақиҳ ибн Бароказ ибн Қондуд ибн Эдгу деган киши томонидан 1379—1380 йилларда Мисрда кўчирилган.<sup>2</sup>

Бу достон ўзбек адабий тилининг XIV асрдаги тараққиётида муҳим ўрин тутади. Олтин Ўрда — Хоразм циклига кирган бошқа асарлар сингари бу асар ҳам ғарбижанубий ёки ўғуз-қипчоқ тиллари асосида яратилган. Шунга кўра унда ўғуз-қипчоқ тили хусусиятлари ўз ифодасини тўлиқ топган. Шу билан бирга Мовароуннаҳрда ривожланган ўзбек адабий тили унсурларининг кенг қўллланганлигини ҳам кўриш мумкин.

<sup>1</sup> Н. М. Маллаев. Узбек адабиёти тарихи, Тошкент, 1963, 315-бет.

<sup>2</sup> Э. И. Фозиловнинг кўрсатишича, асар 1383—1384 йилларда кўчирилган. Э. Фозилов. XIV аср Хоразм ёдномалари. Тошкент, 1973, 131-бет.

«Хусрав ва Ширин» форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилинган асардир. Қутб бу асарни таржима қилишда Низомийнинг адабий услубини сақлашга, достоннинг ғоявий-бадиий хусусиятини, унинг асл моҳиятини асл нусхадаги сингари беришга ҳаракат қиласиди. Шунинг учун у асарни сўзма-сўз эмас, балки ижодий тарзда эркин таржима қиласиди. Бу эса ёзувчидан катта билим, юксак истеъдод — қобилият, куч-ғайрат ва маҳорат талаб қиласиди. Қутб ўз она тилининг ўзига хос хусусиятларини, унинг луғавий бойлигини ва нозикликларини, ихчам грамматик шаклларини чуқур ва мукаммал билган. Шунга кўра асарни содда, тушунарли ҳалқ тилида таржима қиласиди. Умумхалқ тилига хос сермазмун, қўйма сўз ва иборалардан, бадиий тасвир воситаларидан кенг фойдаланган, ўз асарининг услуби равон ва ўйноқи бўлишига эришган. Масалан, Ширин қиёфасини, гўзал сиймоси ва хуш суратини таъриф-тавсифлаб:

Юзи ширин, сўзи ширин, ўзи ҳам  
Дами жонга сабаб Исоий Марям

каби ажойиб байтлар яратади. Асл нусхадаги мураккаб сўз бирикмалари, ифодаларни ихчам, содда, тушунарли сўз ва иборалар билан беради. Адиб ҳалқ тилига хос ҳикматли сўзлар, мақолларни ўз ўрнида усталик билан қўллаш асосида асарининг бадиийлигини, образилигини кучайтиради: Қатиғ оқған су купруклар йиқар терк (тез оққан сув кўприкни тез йиқитиб кетади), қуяр ўтмак исиф бўлса тануры (кўп қиздирилган тандир нонни кўйдиради).

Ургунниким солар ерга экинчи,  
Сабр бирла бошин кўтрур иккинчи.

«Хусрав ва Ширин» достонининг ўзига хос тил хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. Фонетик жиҳатдан з д /j — дз/ ва й белгили ҳолатнинг мувозий ҳолда келиши учрайди, аммо кўп ҳолларда з қўлланади: қазғу, отинг адзаки, адзрилиб, алифтек бўзум (алифдек бўйим) каби. Сўз охирида с товуши жарангли з билан алмашади: кечурмаз, кўтармаз, бермаз, бўлмаз. Кетармазлар ниқоб эл кўрмасун теб каби. Сўзниг бошида, бўғин ва сўз охирида й, т, ф, в каби товушлар баъзан тушиб қолади ёки бошқа товуш билан алмашинади: аймиш, айғучи, иғлар (йиғлар), ўйаниб (уйғо-

ниб), су, иссы, ёй (ёз). Келур ёй кунда Арман тоғларинда.

2. Достон луғат бойлигининг асосини туркий-ўзбек тилига хос сўзлар ташкил қиласди. Бошқа асарларда бўлганидек, қамуғ, ажун, талим, укуш, ёзуқсиз (гуноҳсиз), табуғ, чимган, элик, ўған, эсрук, асиғ, қўрқуғ, тегру, умунч, ўкунч каби сўзлар кўп ишлатилган. Асар форс-тожик тилидан таржима қилинганлиги сабабли унда шу тилларга оид, шунингдек арабча сўз ва иборалар ҳам кўп учрайди: фармон, хиромон, олам, оқил, даргоҳ, сиёsat, нақш, жамол, сарвар, бўстон, шод, тамошо, наққош, париваш каби.

3. Морфологик жиҳатдан: тартиб соннинг -гу ва инч(и) шакллари мувозий қўлланган: ...ичтилар икагу, ...бошин куттурур икинчи каби. Сўроқ, кўрсатиш олмошлиари нетак (қандай, нечук), қанда (қаерда), юрушун қандин (келишинг қаердан), қайу (ким ул Ҳусрав қайу, қайуси Ширин), мунунгтек, анингтек каби шаклларда ишлатилган. -ғай аффиксли келаси замон феъли -ға шаклида ҳам қўлланади: бўлғаман, келғасан, олғабиз. Уш анда бўлғасиз ҳолимдин огоҳ. Сут эрмаз ағу болса, қылғаман нўш. Ҳозирги-келаси замон феъли биринчи шахс бўлишсиз шакли -мон (-ман) тарзида келади: келмон — келмайман, бормон — бормайман.

Бу ишка чора мен бечора билмон,  
Ожизлиқдин азин ҳеч чора билмон.

Буйруқ-истак майлиниг биринчи шахси (бирлиги ва кўплиги) -ай (айин), -алинг, -алим (-ғалинг, ғалим) каби шаклларда келади: бўлай, бўлайин, ёпалинг, баралим, алалим, алалинг.

Эр отланди қилалинг тейу жавлон,  
Кетур хон, салким, эмди ош егалим.

Шарт майлидаги феъллар турли шахсларда алсанг, топсаман, боқдиса, сузласабиз, олсамиз каби шаклларда қўлланган.

Кеча бўлдиса, кун симурғи кетти

-ган ва -миш (фаолроқ) аффиксли сифатдошлар мувозий келади, -мишча (-ғанча ўрнида) шакли учрайди: кучум етмишча, йироқ бўлмишча (бўлганча) каби. -у, -йу, -мадин аффиксли равишдошлар давом, такрор маъ-

носида кўп қўлланган: бору ўйнайу, келу. Кулу ўйнайу тебрадилар; сўзламадин инди отидин каби.

Шундай қилиб, Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» достони ўзбек адабий тилининг ўғуз-қипчоқ тиллари асосида яратилган ёдгорликдир. Бу асар бир томондан, XIV асрларда ўзбек адабий тилига ғарбий туркий тилнинг сезиларли таъсир қилғанлигини, иккинчи томондан, унинг умумхалқ жонли сўзлашув тили асосида бойиганлигини, тараққий этганлигини кўрсатади.

Бу даврларда ўзбек шоирларидан Сайфи Саройи 1390—1391 йилда Саъдий Шерозийнинг машҳур «Гулистан» асарини ва Ҳайдар Хоразмий Низомий Ганжавийнинг «Маҳзан-ул асрор» достонини таржима қилдилар. Бу иккала асар ҳам бир томондан, ўзбек, форс-тожик ва озарбайжон халқлари адабиётларининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашгаш хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳар иккала асарнинг таржималарида Саъдий Шерозий ва Низомий Ганжавийнинг ахлоқий-таълимий, инсонпарварлик қарашларини тарғиб қилиш билан бирга таржимонмуаллифлар ўзларининг эстетик ва ахлоқ-одоб ҳақида ги илғор фикр-мулоҳазаларини ҳам илгари сурадилар.

Сайфи Саройининг «Гулистан» асари ҳам, Ҳайдар Хоразмийнинг «Маҳзан-ул асрор» достони ҳам Хоразм-Олтин Ўрда циклидаги ёдгорликларга киради. Шунга кўра улар ўғуз-қипчоқ тили хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бу асарларда фонетик жиҳатдан й товушини қўллаш устун ҳолатга келган, д, з, дэ, (j) товушлари деярли учрамайди: нозик аёқларини шиканжа қўяр эди. (Г). Узун бўйли, ҳиммат аёғи (м. а), ҳар бирини бир ерда ҳоким қўйди (Г) қўймаға ...ўз ишин (м. а). з товушки й билан алмашади, л товушки ўрнида д келади: эйгулук (эзгулик), эйгуни, ёмонни синаған (Г.) Ўғри... издаб (излаб) нима топмади. (Г). Сўз охирида ғ, қ, к товушлари тушиб қолади: Зиёрат қилмаға (зиёрат қилмоқға) юрумаға (юрмақға) тоқатим йўқ (Г). Обидни кўрмаға рафбат этти.

Жўналиш келишиги -а, -на, -қа, -ға, -ға шаклларида келади: ...қиз ўғлона эвланди, ёронларина айтти, ёши етмишга етган. Қорунга наҳат қилур (Г). Бу ҳилъатқа, одам атанғонға (М. ас.) Жўналиш келишиги баъзан чиқиш келишиги ўрнида келади: Султон вазирға сурди. Искандарга сурдилар. Бир улу шайхқа сурдилар. Бир

фозил муфтийға сурдум (Г). «Хусрав ва Ширин»да бўлганидек, бу асарларда ҳам қаратқич келишиги шакли кесим вазифасида келади: **Мен бу қасидани билурман, Анварийнинг дурур (Г).** Нақд сенингдурки, сазоворсан. (М. ас.).

Қаратқич келишиги олмошларида -им турида кела-ди: Зулм бизим тарафимиздан бўлгай. Ўзганинг ашъорин шаним дер (Г). Инкор билдирувчи дагул (тагул) сўзи кўп ишлатилади: Сўзламак ҳикмат дегул, эй хуш мақол (Г.). Бой дагуллур дираами бор эса (М. ас.). Феълда -лим, -йим аффиксли буйруқ-истак шакли -ғай шаклининг қисқарган ҳолат, -мон аффикси бўлишсиз шакллар қўлланади: Тур кеталим. Нечук кетайим. Билмон, бу ўт маним эвима қандин тушти (Г.). Топмагасен дунёда мендин асар (М. ас.).

Ҳар иккала асарда ҳам араб, форс-тохик тилларига хос сўз ва иборалар кўп учрайди: озод, заиф, лойиқ, ха-бар, зиёрат, чархи фалак, дунёйи дун, дарди дилим, охи жигар, гунбази нилуфарий, гавҳари маъни каби.

Демак, бу даврларда ўзбек тилида яратилган «Хус-рав ва Ширин», «Гулистон», «Маҳзан-ул асрор» синга-ри таржима асарлар эски ўзбек тилининг муштарак ада-бий тил сифатида ривожланишига, адабий тилнинг жон-ли ҳалқ тилига яқинлашишига муносиб ҳисса қўшган. Ўрта Осиёда туркий адабий тилларнинг тараққий эти-шидаги икки асосий анъана — шарқий қарлуқ-чигил-уй-ғур ҳамда ўғуз-қипчоқ тиллари анъанасининг мӯфул ис-тилоси даврида ҳам, ундан кейин XIII—XV асрларгача ҳам, яъни эски ўзбек адабий тили тўла шаклланиб ри-вожланган даврларгача давом этади. Унинг яна ҳам та-комиллашиши, тараққиётнинг юқори поғонасига кўтари-лиши эса Алишер Навоий даврига тўғри келади.

### «МУҲАББАТНОМА» АСАРИ, УНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ ҲАҚИДА

XIV асрда ўзбек адабий тилида яратилган йирик ёд-горликлардан бири Хоразмийнинг Муҳаббатнома» аса-ридир. Бу асар Ўрта Осиё ҳалқлари мӯгуллар истилоси даҳшатларидан қутулган, мамлакатнинг иқтисодий-хў-жалик ва маданий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлиб, муваффақиятларга эришилган даврларда яратилди. «Муҳаббатнома» нинг муаллифи — Хоразмий тахал-лусли шоирнинг номи маълум эмас, унинг ҳаёти ҳақида

тарихий маълумотлар ҳам йўқ. Фақат «Муҳаббатнома»<sup>1</sup> нинг муқаддимаси ва хотимасида унинг ҳаётига доир баъзи бир маълумотлар учрайди. «Муҳаббатнома» ўзбек мумтоз адабиётида дунёвий ишқий-лирик мавзуда ёзилган илк достонлардан бўлиб, ўзбек адабиётининг ривожланишига, ўзбек адабий тилининг бойишига, адабий-услубий меъёрларнинг қатъйлашишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

«Муҳаббатнома» 1353—54 йилларда Хоразм ҳудудида, Сирдарё атрофларида ёзилган. Асар ўн бир нома (саккизтаси ўзбек тилида, учтаси форс-тожик тилида), 473 байтдан иборат бўлиб, асосан маснавий, ғазал, соқийнома ва қитъаларни ўз ичига олади.

Ҳозирги пайтда фанда «Муҳаббатнома» асарининг уйғур ва араб ёзувларида кўчирилган иккита қўлёзма нусхаси маълум бўлиб, улар Британия музейида сақланади. Шу қўлёзмаларнинг фотонусхалари асосида асарнинг уйғур ёзуви нусхаси транскрипция, рус тилига таржимаси ва таҳлили билан 1959 йилда А. М. Шчербак томонидан, араб ёзуви нусхаси 1961 йилда А. Нажин томонидан нашр этилди. Бу нусхаларда тил хусусиятлари жиҳатидан маълум фарқлар учрайди. (Уйғур ёзувидаги қўлёзма 1432 йилда, араб ёзувидаги нусха эса 1508—1509 йилларда кўчирилган.) Масалан, уйғур ёзуви нусхасида **ичали**, араб ёзуви нусхасида **ичалинг**, **көзлу** — **көзли**, **дудақли** — **дудағли**, **айақынға** — адзақынға, **элгина** — **элгинға**, **жаҳана** — **жаҳанға** кабилар. Шунингдек, уйғур қўлёзмасига нисбатан арабча қўлёзмада форсча-тожикча илова ва қўшимчалар кўпроқ учрайди. Шунга кўра А. М. Шчербак бу нусхаларнинг қайси бири асл нусхага яқин әканлигини аниқлаш жуда қийинdir,<sup>1</sup> деган фикрни илгари суради.

Тил хусусиятлари жиҳатидан «Муҳаббатнома»да аралаш унсурларни, яъни ҳам шарқий туркий, ҳам жанубий-ғарбий тилларнинг хусусиятларини учратиш мумкин. Бу ҳодисалар асарнинг ҳар иккала қўлёзмаларида ҳам учрайди. Жумладан, тушум келишиги аффиксининг -ни, -ны ва -и, -ы турлари мувозий ҳолда қўлланган. Кўнггул ики жаҳонни қўзга илмас (170б). **Бағишила** қонуми сultonсан охир (172а). Шунингдек жўналиш келишиги ҳам -га, -ка, (-ға, -қа) ва -на, -а шаклларида келган: берса чеҳранг қўзлара нур (168а), саломим гулга элті.

<sup>1</sup> А. М. Шчербак. «Огузнаме», «Мухаббатнаме», 127- бет.

(164б), муҳаббат ганжини одамга берган (160а) каби. Буйруқ-истак майлиниң биринчи шахс кўплиги -алива алинг шаклларида келади: Қилали айшу ишрат сочалинг (307). Ҳозирги-келаси замон феъли — исар унлидан сўнг эса — йур шаклида, биринчи шахс кўплигининг бўлишсизи -мон тарзида келади: Ичали бодани гуллар сўлисар (173а). Санинг ишқингда сайдайур Хоразмий (167а). Эшикнинг тўпрақиндин бош кўтарман (170б). -мак, моқ аффиксли ҳаракат номларининг келишик шаклида келиши, -ар аффиксли тақсим сонлар, -тай(га) аффиксли ҳозирги-келаси замон шакллари, -инча аффиксли чегара шакллари кўп учрайди: Йироқдин боқомоға имкон йўқ, эй жон (166б). Эшиитмиш бўлғасан Юсуф жамолин (161б). Кел, эй ой юзлу соқи, тут бирор қўш (168а).

Асарнинг тили лугат тарқиби жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Унда қамуқ (ҳамма), ўкуш, кўрккабой (кўркам), чимган, эдэгу, асрү (жуда), тапуқ (хизмат), дегул (эмас), теги (гача), тэлим (кўп), ирин-дудак (лаб), тиклин (санчилмоқ), ўрам (кўча, йўл) каби сўзлар кўп учрайди. Зебо, санам, лаъл, қадр, висол, вафо, жамол, чеҳра, дилбар, хирод, меҳр каби кўпгина арабча, форс-тожикча лугавий бирликлар ҳам кенг қўлланган.

«Муҳаббатнома» ўша давр жонли халқ тилига яқин, содда, тушунарли тилда ёзилган. Унда ўзбек тили лугавий бирликларидан кўп маъноли сўз ва иборалар, омонимик ва синонимик сўзлар, ҳар хил тасвирий воситалардан усталик билан фойдаланиб, ажойиб ўхшатишлар, сўз ўйинлари яратилган.

Буюнг сарву санубартек, белинг қил,  
Вафо қилган кишиларга вафо қил.

Асада ошиқнинг ёрга бўлган муҳаббатини, унинг ички руҳий кечинмаларини тасвирлашда ундалмалар, кириш сўз ва иборалар сингари бадиий тил воситаларидан моҳирлик билан фойдаланилади. Ундалмалар орқали бевосита ёрга ўз ҳис-туйфуларини баён этиб, мурожаат қилинади: Аё кўрк ичра олам подшоҳи, аё зебо санам, аё қади санубар, чеҳраси ой. Шоир Муҳаммад Ҳожабекка, соқийга тенг Насимий ва бошқаларга муружаат қилиш орқали ўз миннатдорчилик туйфуларини, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлиш, ёрга арзи ҳол айлаб салом йўллаш кабиларни ифодалайди ва гўзал бадиий шакллар яратади:

Юзунгда кўрдум, эй жон, байрам ойин,  
Саломим гулга элт, эй тонг насими.

«Мұхаббатнома»да фикрлар кўпинча содда гап орқали баён қилинади. Шүнингдек, боғланган қўшма гап, эргаш гапли қўшма гап, содда ихчам кўчирма гаплар ҳам кўп учрайди:

Табассум қилди, айди: «Эй фалони»,  
Келтургил бизга лойиқ армуғони.

Юқорида келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, Хоразмий ўз асарининг «мазмұнига мувофиқ бадиий шакл яратса олган, турли хил усул ҳамда бадиий тил воситаларидан фойдаланган». «Мұхаббатнома» тил хусусиятлари жиҳатидан XIV—XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда ривожланган ва кенг қўлланган китобий адабий тил анъаналарини, яъни эски ўзбек адабий тилини акс эттиради. Асар XIV аср ўзбек тилига хос кўпгина ёдгорликлар билан умумийликка эга.<sup>1</sup> «Мұхаббатнома» ўзбек адабий тили ва ўзбек адабиётининг XIV асрдаги тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди ҳамда ўзбек адабий тили ва адабиётининг XV асрда янги тараққиёт поғонасига кўтарилишига замин тайёрлади.<sup>2</sup>

### ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА БОШҚА ТИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Умумхалқ тилининг тараққиий этиши ҳамма вақт унинг бошқа тиллар билан ўзаро алоқаларининг кенгайиши билан боғлиқ ҳолда давом этади. Маълум тилда бошқа чет тил унсурларининг кириб, ўзлашиб қолиши тарихий ва қонуний ҳодиса ҳисбланади. Мамлакатлар ва халқлар ўртасида ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатларнинг ривожланиши, айниқса бир-бирига қўшини халқларнинг яқин маданий алоқалари натижасида янги ғоялар ҳамда фикрлар, янги тушунчалар қабул қилинади. Бу жараён эса янги фикр ва тушунчаларни ифодаловчи янги сўзлар қабул қилишни тазоқо этади. Бу тарихий жараён маълум халқ ёки тилнинг ўзига хос хусусиятларини чеклаб қўймайди, аксинча, уларнинг яна

<sup>1</sup> А. М. Шчербак. «Огузнаме», «Мұхаббатнаме», М., 1959, 127- бет.

<sup>2</sup> Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, 307- бет.

ҳам ривожланишига, тил луғат таркибининг бойиб бо-ришига ва умуман тилда айрим ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Энг қадимги даврлардан бошлаб Ўрта Осиёда яшаб келган туркий ва бошқа тилларда сўзловчи жамоаларнинг маданий алоқалари, бир-бирига яқинлашувлари ва аралашувлари жараёни давом этиб келган. Бу тарихий жараён эрамизнинг биринчি асрларида бошланганлиги кўрсатилади, эслатиб ўтилади.<sup>1</sup> Қадимги туркий ва сұфдий-эроний қабилалар ўртасида иқтисодий ҳамда маданий муносабатларнинг ривожланиши уларнинг тилларига ҳам таъсир қилди. Айниқса, гарбда эфталитлар давлатининг тугатилиши ва турк ҳоқонлигининг вужудга келиши даврида бу тарихий жараён яна ҳам кучайди. Натижада бир томондан, бу уруғ ва қабилаларнинг бир қисми ўзаро бир-бири билан қўшилиб кетди. Иккинчи томондан эса, туркий ва сұфдий-эроний тилларнинг ўзаро бир-бирига самарали таъсири анча кенгайди. Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши, кейинчалик сомонийлар давлатининг ташкил топиши ва айниқса Мовароуннахрда ҳокимиятнинг Қорахонийлар томонидан босиб олиниши бу ерларда яшаган туркий ва сұфдий-форсий халқларнинг бир-бири билан аралашиб кетиши жараёнини кучайтирди ҳамда турклашган айрим сұфдийларнинг туркий қабилалар таркибиға сингиб кетишига олиб келди. Шу асосда ўзбек элатининг ташкил топиши ва шаклланиши жараёнида турклашган айрим сұфдийларнинг ҳам иштирок этганлигини кўриш мумкин.<sup>2</sup> Бу даврларда ўзининг тузилиш асосини — грамматик қурилиши ва асосий луғат фондини сақлагани ҳолда, қадимги сұфдий тили негизида шаклланиб ривожланган дарий (тоҷик-форс) тили билан туркий тилларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ҳам кучайди. Бунинг натижасида бу тиллар анча бойиди, ривожланди. Бу қадимий тарихий жараённинг кучли таъсирини айниқса Ўрта Осиёнинг энг қадимги аҳолиси бўлган ўзбек ва тоҷик халқларининг ҳаётида, уларнинг адабиётида ва тилларида очиқ кўриш мумкин.

Маълумки, ўзбеклар билан тоҷиклар қадимги даврлардан бошлаб бир умумий ҳудудда яшаб келганлар.

<sup>1</sup> M. Вахобов. Ўзбек социалистик миллати, 25- бет.

<sup>2</sup> История Узбекской ССР, I т., 380—381- бетлар; M. Вахобов. Ўзбек социалистик миллати, 29—30- бетлар.

Бир хил, ёки бир-бирига жуда яқин турмуш шароити, узоқ йиллар давомида иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлик ва муносабатлар бу икки халқни бир-бирига жуда яқинлаштириди, уларнинг қардошлик алоқаларини мустаҳкамлади. Бу тарихий-маданий ҳамкорлик ва алоқалар ўзбек ва тоҷик халқларининг урф-одатларида, адабиёт ва санъатларида, ўзбек ва тоҷик тилларининг ўзаро бир-бирига таъсирида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўз тузилиш таркибини сақлаган ўзбек тилининг луғат таркибига кўплаб тоҷик-форс сўзлари қабул қилинди. Ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли бўлган бу сўзлар ўзбек тили луғатида маълум бир қатламни ташкил қиласиди, тилда янги синоним сўзларнинг пайдо бўлиши ва кўпайишига сабаб бўлади. Шоҳ, андиша, фармон, бўстон, саргардон, ҳафта, саҳро, харидор, гул, гулоб, нома, арғумон, афсона, базм, баҳт, ором, бепарво, дастор, дард, жом, камтарин, лашкар, май, оҳанг, оҳиста, рухсор каби.

Дастлабки пайтларда форс-тоҷик тилидан қабул қилинган луғавий бирликлар мавхум ва аниқ тушунчаларни билдирган сўзлардан иборат бўлса, аста-секин белги, хусусият, ҳолат ва миқдор тушунчаларини ифодалаган сўзлар ҳам ўзлаштирилади: равон, доно, дилбар, дилкаш, бенаво, гадо, гуландом, девона, ширин, жигарпора, мабода, мардона, намоён, нозук каби.

Туркий-ўзбек ва форс-тоҷик халқларининг бир-бири билан қўшилиб аралашиб кетиши, бу халқаро тилларининг ўзаро таъсири натижасида форсий ва туркий изоҳлар, аралаш форсий-туркий сўз бирикмалари кенг қўлланган: маҳбуби дил, айёми васл, моҳи ҳоварий, шарҳи васл, латофат мулки, жунун вадиси, ишқ аҳли, ҳажр илги, муҳаббат сири, жондин батанг каби.

Форс-тоҷик тилидан ўзлаштирилган сўзлар таркибига бўлган бир қатор ясовчи воситалар (-зор, -дон, -истон, -ҳам, -но, -бе) кейинчалик ўзбек тилида ҳам янги сўзлар ясашга хизмат қилувчи аффикс бўлиб қолади: олмазор, туздон, кулдон, ҳамқишлоқ, ноўрин, беомон каби. Ясовчи аффикслар билан бирга мустақил сўз негизларидан ҳосил бўлган ясовчи элементлар — аффиксондлар ҳам қабул қилинади (-шунос, хур, дуз, хон, хона, нома, парвар каби), тилшунос, тупроқшунос, ошхўр, қонхўр, этикдўз, ишхона, чизмакаш сингари.

Форс-тоҷик тилининг таъсири натижасида ўзбек тилининг фонетик тизими ва грамматик қурилишида ҳам

айрим ўзгаришлар юзага келди. Буларнинг энг муҳим-ларидан бири сифатида бевосита тожик тилининг таъсири остида етакчи шаҳар шеваларида туркий тил фонологик тизимиға хос бўлмаган товушларнинг пайдо бўлишини кўрсатиш мумкин. Четдан кириб қолган бу қўшимча омил таъсирида тилолди унлиларининг конвергенцияси юзага келди. Бунинг натижасида Тошкент типидаги шаҳар шеваларининг вокализми тожик тили унлиларига яқинлашиб борди, Самарқанд-Бухоро шеваларининг унлилари таркиби эса илгаридан тожик тили вокализмига яқин эди. Бу ҳодиса ўзбек тилида сингармонизмнинг қисқаришига, шаҳар шеваларида эса астасекин кучсизланиб йўқола боришига олиб келди.<sup>1</sup>

Кўп асрлар давомида бир ҳудудда яшаш, бир хил турмуш тарзи ва маданий ҳаёт бу халқларнинг тилларида яратилган ҳикматли сўзлар, мақол ва ибораларда ҳам ўз аксини топди. Бир кунга ҳўқиз ўлмас, икки кунга эгаси бермас — Ба як рўз барзагов намемурад, ба ду рўз соҳибаш намедихад; Одамнинг қўли гул — Дасти одам гул; Орзуга айб йўқ — Орзу айб нодарад; Бироннинг тегирмонига сув қўймоқ — Ба осиёи касе об сар додан; Мехмон отангдан улуг — Мехмон аз падарат бузруг; Бир ёстиққа бош қўймоқ — Ба як болишт сар ниходан каби ҳикматли сўз ва иборалар мазмуни билан ҳам, тузилиши томонидан ҳам бир-бирига ўхшайди. Бу каби ҳикматли сўз ва иборалар бу тилларда бир вақтда ёки олдинма-кейин юзага келган.

Ўзбек тили ҳам, ўз навбатида, тожик тилининг ри-вожланишига, унинг лексикасига ва айниқса, грамматикасига маълум даражада таъсир қилган. Ўзбек тилидан жуда кўп сўзлар, иборалар луғавий бирликлардан ташқари, бир қатор сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикслар (-чи, -ча, -дош, -гина, -роқ, -сиз, -лик каби) ҳам тожик тилига қабул қилинган. Тарихий жиҳатдан ўзаро доимий алоқада бўлиб туриши сабабли тожик тилида, айниқса унинг кўпгина етакчи шевалари морфологияси ва синтаксисида пайдо бўлиб, кенг ишлатилаётган янги агглютинатив типидаги таҳлилий шакллар, жумладан, омада будам, рафта истодаам, рафта истода будам типидаги равишдошли мураккаб феъл шакллари бевосита ўзбек

<sup>1</sup> В. В. Решетов. Узбекский язык. Ташкент, 1959, 37—38-бетлар.

тилиниң таъсири асосида пайдо бўлган грамматик ҳодисалар ҳисобланади.<sup>1</sup>

Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, тожиклар элат бўлиб шаклланган даврларда (IX—X асрларда) дарий (тожик-форс) адабий тили ташкил топди. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида давлат тили ва адабий тил сифатида унинг мавқеи ва аҳамияти кўтарилиди. Ҳатто туркӣ қабилалардан бўлган Фазнавийлар ва Салжуқийлар ҳам давлат тили ва адабий тил сифатида дарий тилини қабул қилдилар. Шу асосда X—XII асрларда, қисман мўғуллар даври ва ундан кейин ҳам дарий тили жуда катта ҳудудда адабий тил бўлиб қолди.<sup>2</sup> Бу ҳол Моваронуннаҳр ва Афғонистонда, Озарбайжон ва Ҳиндистоннинг шимолий туманларида дарий (форс-тожик) адабий тили анъанасининг кенг ёилишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида ана шу улкан ҳудудда майдонга келган ёзувчи ва шоирлар ўз асарларини она тилларида эмас, балки анъанага кўра форс-тожик тилида ёзар эдилар. Бу адабий тил анъанаси ўзбек адабиётида ҳам бир неча асрлар давом этди, кўпгина шоирлар ўз асарларини шу тилда яратдилар.

Ўзбек ва тожик-форс тилларининг ўзаро бир-бирига таъсири бизнинг давримизгача давом этди, яна ҳам мустаҳкамланиб борди. Бунинг натижасида икки тиллилик ҳодисаси юзага келди, ширу шакар усулида ёзилган асарлар пайдо бўлди.

Туркӣ тилларга, жумладан, ўзбек тилига, кўпроқ унинг луғат таркиби бойишига араб тили ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Маҳаллий халқларнинг тилларига араб тилиниң таъсири бевосита VIII аср бошларида арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши, араб халифалиги ҳукмронлигининг бошланиши ва бу ердаги халқларнинг мусулмонликни, ислом динини қабул қилиши билан боғланган. Араб халифалигининг Ўрта Осиёни истило қилиши бу ердаги маҳаллий халқларнинг иқтисодий ва маданий тараққиётига катта путур етказди, уларнинг кўп асрлик маданий бойликлари ёмириб ташланди, ёзувлари йўқ қилиб юборилди. Ўрта Осиё халқлари ислом дини билан бирга араб ёзувини ҳам қабул қилдилар. Араб тили эса мамлакатнинг ижтимоий-маданий ҳаётида асо-

<sup>1</sup> В. С. Расторгуева. Опыт сравнительного изучения таджикских говоров. М., 1964, 129—141-бетлар В. А. Звегинцев. Очерки по общему языкознанию. Изд. МГУ, 1962, 239—240-бетлар.

<sup>2</sup> Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1963, 113-бет.

сий ўринни эгаллай бошлади. Араб тили фақат ислом динини тарғиб қилиш, ислом фалсафаси ва ақйдалари га доир ғоялар, фикр ва тушунчаларни ифодалаш ва диний ибодат мажбуриятларини бажариш соҳасидагина эмас, балки давлат идора ишларида, мамлакатнинг илмий-маданий ҳаётида ҳам ҳукмрон тил сифатида қўлланар эди. Араб тилининг фан ва адабиётда кенг ишлатилишига унинг ислом дини билан бирга ва унинг тили сифатида жуда катта ҳудудда тарқалиши ва умумий тилга айланиши ҳам сабаб бўлди. Бу тарихий ҳодисалар маҳаллий халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва маданиятига катта таъсир кўрсатди. Бу даврларда диний ақидаларни тарғиб қиливчи, шуningдек турли фанларга оид илмий асарлар асосан араб тилида ёэилар эди. Жумладан, Ўрта Осиё халқлари орасидан етишиб чиққан йирик олимлар — Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абурайхон Беруний, Маҳмуд Кошғарий кабилар ўз асарларини она тилида эмас, балки араб тилида ёзишга мажбур бўлдилар.

Юқорида кўрсатилган тарихий жараён натижасида маҳаллий халқларнинг тилларига араб тилидан кўплаб сўз ва иборалар қабул қилинди. Араб тилидан кириб келган янги ўзлаштирмалар дастлабки пайтларда кўпроқ ислом билан, диний-ахлоқий ақидалар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлардан иборат бўлган: ҳикмат, уммат, рўзимашҳар, ҳадис, оят, қуръон, ҳақ, иймон, пайғамбар, ломакон, арвоҳ, башорат, тақдир, қудрат, авлиё, холик, ҳижрат, ибодат, мўъмин, мусулмон, арафот каби. Бу каби сўзлар бир томондан, Қуръон ва ҳадислар сингари бевосита ислом динига доир китобларнинг таржималари, тафсирлар орқали маҳаллий тилларга, жумладан ўзбек тилига қабул қилинди. Иккичи томондан эса, диний мавзуларга бағишланган асарларнинг (Яссавий «Ҳикмат»лари, «Қисаси Рабғузий» каби) яратилиши ҳам ўзбек тилида араб тилига хос сўз ва ибораларнинг кўпайишига олиб келди. Кейинроқ эса адабиёт, фан ва маданиятининг ривожланиши билан боғлиқ равишда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари га оид мавхум ва аниқ тушунчаларни, белги-хусусият кабиларни ифодаловчи кўплаб арабча сўз ва иборалар ўзбек тилига қабул қилинди: адолат, ватан, ижозат, адабиёт, амалиёт, маслаҳат, жавоб, ижодий, маданият, имло, абжад, идора, алифбо, бино, бўз, вазифа, китоб, мактаб, илова, лугат, иймон, мустақил, масофа, нафака,

рақам, вақт, низом, дунё, вази, ижобий, луқма, зуҳра ирода, камолат кабилар.

Шуни эслатиш керакки, араб тилининг Ўрта Осиё халқлари тилларига, шу жумладан, ўзбек тилига бўлган таъсири асосан луғат таркиби билан чегараланади. Ўзбек тили лексикасига араб тилидан кириб келган сўзларнинг кўпчилигини предмет маъносини, айниқса мавхум предметликни ва белги маъносини билдирувчи иборалар ташкил қиласиди. Ўзбек тилининг фонетик тузилиши ва грамматик қурилишига эса араб тили сезиларли таъсир кўрсата олмади.

### ЎЗБЕҚЛАРНИНГ НОМЛАНИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Ўзбек халқи (элати)нинг ташкил топиши, унинг этник таркибининг ташкил топиши жуда мураккаб ва узоқ тарихий жараёнда давом этган. Бу ҳодиса унинг ўзига хос мураккаб тарихий ривожланиш жараёни билан боғланган. Бу нарса, шунингдек, ўзбек халқининг тарихий жиҳатдан жуда кўп уруғ ва қабилаларнинг, қабила иттифоқларининг қўшилиши ва бирлашиши натижасида таркиб топганлиги билан ҳам изоҳланади. Бунда Мовароуннахрнинг қадимий туб аҳолиси бўлган кўплаб уруғ ва қабилалар билан бирга Шарқий Туркистон, Еттисув, Жанубий Сибирь ва Олтойдан кўчиб келган этник гурӯҳлар ҳам иштирок этган. Бу эса ўзбек халқининг номланишига ҳам таъсир этди. Маълумки, кейинги асрларгача ўзбек халқи ягона бир ном билан аталган эмас, балки турлича қабилаларнинг номи билан юритилган.

Турк ҳоқонлиги ва Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннахрнинг эроний ва туркий тилларида сўзловчи аҳолиси таркибига қарлуқлар, тухсилар, чигиллар, ўғузлар, яғмолар, тиркашлар сингари бир қатор қабилалар қўшилиб, қабила иттифоқларини ташкил қиласидар. Бу қабила иттифоқлари аста-секин ривожланиб, уларнинг халқ (элат) сифатида таркиб топиб боришига замин тайёрлади. Туркий қабилаларнинг ўтроклашуви савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва чорвачиликнинг анча тараққий этишига олиб келди. Йирик-йирик қабила иттифоқлари пайдо бўлди, уларнинг этник жиҳатдан ўзаро яқинлашуви, бирлашуви ва чатишуви жараёни кучайди. Шу асосда XII асрда Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида туркий ва эроний тилда сўзлашувчи қадимий туб аҳоли билан қарлуқ, чигил, яғмо

каби қабилаларнинг қўшилиб кетиши асосида ўзбек халқи (элати)нинг негизи ташкил топди, иқтисодий-маданий жиҳатдан ривожланиб борди. Бу ерда қарлуқ-чигил ва қадимги даврларда кенг қўлланган уйғур тили гуруҳи асосида ташкил топган эски туркий адабий тил умумхалқ ўзбек тили учун асос бўлиб хизмат қилди. XII асрда эса Хоразмда ўғуз-қипчоқ тиллари негизида шаклланган ғарбий туркий адабий тил ҳам эски ўзбек тилининг ташкил топишида асосий бўлак (компонент) сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Демак, дастлаб қарлуқ-чигил-уйғур диалекти, салкейинроқ эса ўғуз-қипчоқ диалекти ривожланиб, ёзма адабиёт тили даражасига кўтарилади ва ўзбек элатининг умумий тили бўлиб қолади.<sup>1</sup> Бу даврларда у туркий тил номи билан юритилади. XIV—XV асрларда ва кейинги даврларда янада тараққий этиб, такомилга эришган ва кенг истеъмолда бўлган тил ҳам худди анашу умумэлат туркий (ўзбек) тили эди.

Илмий адабиётларда кейинги даврларгача Мовароуннаҳрда ривожланиб қўлланган адабий тил, адабиёт «турк тили», «туркий тил», «туркий адабиёт» атамалари билан бирга, нотўғри равишда «чиғатой тили», «чиғатой адабиёти» атамалари билан ҳам ишлатилиб келинди. Венгер шарқшуноси X. Вамбери «чиғатой тили» атамаси остида XII асрда ташкил топиб, XIX асргача кенг ишлатилган адабий тилни тушунган.<sup>2</sup> В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский каби олимлар эса бу атаманинг қўлланиш доирасини XIV—XVI асрлар билан чегаралайдилар.<sup>3</sup> В. В. Решетов қайд қилганидек, эски ўзбек тилига нисбатан «чиғатой тили» атамасини ҳатто шартли равишда ҳам қўллаб бўлмайди.<sup>4</sup> Чингизийлар ҳукмронлиги даврида на мӯғул маданияти, на мӯғул тили Мовароуннаҳр халқлари маданияти ва тилида бирон-бир сезиларли изқолдирган эмас. Мӯғуллар истилосидан анча илгари Мовароуннаҳрда шаклланиб, тараққий этган тил ва адабиётни чиғатой номи билан боғлашга ҳеч қандай асос йўқ. Ҳолбуки, бу атама кенг тарқалиб, дастлаб эски ўзбек тилига нисбатан ишлатилган бўлса, кейинроқ ҳозирги

<sup>1</sup> Ўзбек совет энциклопедияси, 13- жилд, Тошкент, 1979.

<sup>2</sup> H Wamderly. Cagataische Sprachstudien. 1967.

<sup>3</sup> В. В. Радлов. Ярлики Темур-Кутлуга и Токтамиша, ЗВО, РАО, т. III, вып. 1—2, 1888; П. М. Мелиоранский. Документ уйғурского письма Султана Омар Шейха, ЗВО, РАО, т. XVI, вып. I, 1904.

<sup>4</sup> В. В. Решетов. Ўзбекский язык, ч. I, 16- бет.

ўзбек тилига нисбатан қўлланиш унлилар гармонияси (сингармонизм)ни йўқотган барча шаҳар шеваларини ҳам «чиғатой» атамаси билан аташга олиб келди.

Қайд этиш лозимки, аслида «чиғатой тили», «чиғатой эли» каби атамалар, Чиғатой улуси ҳудудида қўлланган тил бу ерда яшовчи эл-халқ, деган тушунча сифатида ўзга халқлари вакиллари томонидан қўлланган. Чиғатой улуси ҳудудида яшаган халқ эса ўзининг она тилини ҳеч қачон «чиғатой» тили деб атаган эмас. Бу даврларда етишиб чиққан ўзбек ёзувчи ва шоирлари ҳам ўз она тилларини «чиғатой» тили эмас, балки «туркӣ», «туркӣ алфоҳ», «туркча», «туркӣ тил» каби номлар билан атаганлар. Жумладан, «Мавлоно Лутфий ... форсий ва туркӣда назири йўқ киши эрди, аммо туркӣда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир» (А. Навоий). «...Дарвешваш ва хушхулқ мунбасит киши эрди. Туркигўй эрди» (А. Навоий); «элӣ туркдур. Шаҳр ва бозорисида туркӣ билмас киши йўқтүр» (Бобур). Бу каби фактлардан кўринадики, тарихий жиҳатдан туркӣ тил аслида эски ўзбек адабий тили ҳи-собланади.

Алишер Навоий ўз асарларида «турк тили» атамасини кенг маънода, «чиғатой лафзи» атамасини эса тор маънода, яъни туркӣ тилнинг бир лаъжаси ёки китобий адабий тил маъносида қўллайди. «...Ҳар синғ шеър услубида ... турк тили била қалам сурдум ва ... чиғатой лафзи била рақам урдум. Андоқким, то бу мазкур бўлғон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимға бу даст бермайдур ва ҳеч роқимға ва муюссар бўлмайдур».<sup>1</sup> Темурийлардан қочиб, Шайбонийхон томонига ўтиб кетган шоир Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарида қўлланган «чиғатой эли» ибораси:

Дедилар: сен чиғатой элисан,  
Ушбу эсда чиғатой хелисан

ҳамда Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи тарокима» асарида келтирилган «чиғатой туркиси» атамаси ҳам ҳудди шундай тор маънода ишлатилган, яъни умумхалқ ўзбек тили ва унинг барча шевалари назарда тутилмайди, балки асосан китобий адабий тилни тушуниш мумкин.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Мезон-ул-авzon». Асарлар. 15- жилдлик, 14- жилд. Тошкент, 1967, 135- бет.

XV аср охири, XVI аср бошларида Ўрта Осиё Даشتى Қипчоқдан бостириб кирган Шайбонийхон бошлиқ туркмұфул қабилалар — этногенези турлича бўлган кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олинади, улар Мовароуннаҳр халқлари таркибига аралашиб кетади. Бу қабилалар ўзбек элати этник таркибининг сўнггиси, муҳим бўлакларидан бири бўлиб қўшилди, ўзбек халқининг этник ривожида катта роль ўйнади. Буларнинг умумий номи — «ўзбек» атамаси эса Мовароуннаҳрда илгаридан яшаб келган туркий-ўзбек элатининг умумий этник-сиёсий номига айланаб қолди. Даشتى Қипчоқда қолган кўчманчи турк-мұфул қабилалари эса сал кейинроқ «қозоқ» номи билан алоҳида элатга бирлашди<sup>1</sup>.

«Ўзбек» атамаси тарихда биринчи марта XIII аср бошларида атоқли от, киши номи сифатида қўлланган. Рашидиддиннинг «Мұғуллар тарихи» номли асарида Чингизхонга қарши курашган Жалолиддиннинг яқинларидан ва қўшин бошлиқларидан бирининг номи Ўзбек той эканлиги ҳақида маълумот берилади. XIV асрда эса Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1313—1342) номининг ҳам «ўзбек» атамаси билан боғланганлиги мальум. Баъзи асарларда айрим турк-мұфул уруғлари Ўзбекхон номи билан аталиб, кейинчалик улар ўзбек халқининг таркибиға кирган<sup>2</sup>, деб кўрсатилади. XIII—XIV асрларда «ўзбек» атамаси алоҳида уруғнинг номини англатган.

Иифиб Чин лашкари солса мұғулона

кўзунг юзга,  
Чиғатой бирла ўзбекни олур торожу яғмоси.

(Атоиї).

Тузуб ўзбек шилонининг куйини,

Супуриб юз билан қайсар уйини. (Лутфий).

Алишер Навоий асарларида ҳам «ўзбек» атамаси қабила номи сифатида қўлланади:

Яна юз минг ўзбек, мұғул бирла зам,  
Юз эллик минг ул сори қалмоқ ҳам (A. Навоий).

Бу каби маълумотларни «Бобурнома», «Шажараий турк», «Абдулланома» қаби асарларда ҳам учратиш мум-

<sup>1</sup> Узбек совет энциклопедияси, 13- жилд, Тошкент, 1979, 537-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда, 539-бет.

кин. Демак, «ўзбек» атамаси дастлаб кўчманчи қабила номини англатган, кейинча XVI асрдан бутун бир халқнинг номини ифода эта бошлаган.

Тарихий ёдгорликларда кўрсатилишича, Мовароуннаҳр аҳолисининг бир қисми, яъни туркий ва эроний тилларда сўзлашувчи, ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ қабилалар XI асрдаёқ сарт деб аталган. «Қутадғу билиг» асарида келтирилган «Эшикъил нагу дер бу сартлар боши» мисраси ҳам буни тасдиқлайди. Араблар ислом динини қабул қилган Мовареённаҳр аҳолисини сартлар номи билан юритган. Мўғуллар эса туркий тилда сўзлашувчи аҳолини ҳам сартлар деб атаган. Алишер Навоий ва Бобур асарларида сарт сўзи форс-тожикларга нисбатан қўлланган. Шайбонийхон бошлиқ турк-мўғул қабилалари Ўрта Осиёни босиб олгач, бу ердаги маҳаллий ўтроқ аҳоли кўчманчи ўзбеклар томонидан сарт деб юритилди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бутун Ўрта Осиё халқлари сарт деб аталди. Аслида сарт сўзи алоҳида бир қабиланинг номини билдирамайди; этник маънога эга эмас. Сарт сўзи қадимги ҳинд ва форс тилларига хос сартаван (карвонбоши) сўзининг қисқарган шаклидир.

Шуни қайд қилиш керакки, XII—XIII асрларда шаклланиб ривожланган адабий тилнинг ҳозирги даврга қадар ягона йўналишда тарақкий этганлигини, унинг умумхалқ элат тили сифатида кенг халқ оммаси учун ягона алоқа воситаси бўлиб хизмат қилганлигини назарда тутиб ҳамда жонли сўзлашув тилининг барча кўришиларини, шеваларини қамраб олган ҳолда уни «ўзбек адабий тили» деган ном билан аташ ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, ўзбек тили XX аср бошларига қадар туркий тил, чифатой тили, ўзбек тили, сарт тили каби номлар билан аталиб келинди. Фақат XX аср бошларидан кейин ўзбек миллатининг тили — ўзбек миллий адабий тили сифатида қатъий равишда расмийлашди.

### ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ XIV—XVI АСРЛАРДА АДАБИЙ ТИЛ УМУМХАЛҚ ХУСУСИЯТИНИНГ КУЧАИИШИ

Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаётида, жумладан, ўзбек халқи маданияти, адабиёти ва адабий тилининг ривожланишида XIV—XVI асрлар алоҳида янги

бир босқич бўлиб киради. Бу даврда ҳалқ оммасининг мўғуллар истибодига қарши озодлик кураши — сарбадорлар ҳаракати кучайиб кетди. Шаҳар ҳунармандлари, косиблар ва деҳқонлардан ташкил топган сарбадорлар ҳаракатининг кенгайиши натижасида мўғуллар ҳукмронлиги кучизланди, Мовароуннаҳрда маҳаллий феодаларистократлар орасида ҳокимият учун қизғин кураш бошланиб кетди. Уша даврда Чифатой улусига қарашли Мовароуннаҳр майда феодал давлатларга бўлинган бўлиб, улар ўртасида тинимсиз уруш-жанжаллар давом этарди. Узоқ давом этган қаттиқ курашлардан сўнг Амир Темур ибни Тарағай Баҳодир (1335—1405) ҳокимиятни қўлга олади. Амир Темур дастлаб Мовароуннаҳрни бирлаштириш, Чифатой улуси ўрнига мустақил кучли давлат тузиш, мамлакатни тушкунлик ва ҳалокатдан қутқариш йўлида кураш олиб борди. Натижада шаҳарлар обод бўлди, янги-янги боғлар, карвонсаройлар, ирригация иншоотлари қад кўтарди. Бу даврда меъморчилик, тасвирий-нақошлик санъати, фан ва маданият тараққий қилди, адабиёт ва ўзбек адабий тили ривожланди.

Умумхалқ ўзбек адабий тилининг ташкил топиши жараёнининг тугалланиши XIV—XV асрларга тўғри келади. Худди мана шу даврларда адабий ёдгорликлар тилига оид грамматик хусусиятлар, ўзаро фарқлар билан бир қаторда, адабий тилда ва бадиий адабиёт тилида нутқ бирликларининг ҳозирги ўзбек адабий тилига хос ягона морфологик қурилиши, замонавий грамматик шакллар тизими таркиб топди. Шу даврда достон, ғазал, нома, мунозара, муаммо каби жанр ва услубларда яратилган асарларнинг тили бунга аниқ гувоҳлик беради.

Анингким, бир севар жонони йўқтур,  
Ҳақиқат бил, танинда жони йўқтур. (*Хўжандий*).

Бор эди кўнгулда бурундин бу азм,  
Турки тили бирламу қилсан назм. (*Дурбек*).

Кўнгул меҳрингни сақлар жон ичинда,  
Санингдек жон қани даврон ичинда?

(*Сайд Аҳмад*).

каби мисраларда ҳозирги замон китобхони учун тушунилиши қийин бўлган сўз деярли учрамайди.

XIV—XVI асрларда ўзбек адабий тилининг ривожлашида бадиий адабиёт тили етакчи ўринни эгаллайди.

Адабий-бадиий асарларнинг матнларида умумхалқ тилининг икки кўриниши — адабий тил ва жонли сўзлашув тили хусусиятлари очиқ намоён бўлади, унинг барча имкониятлари юзага чиқади. Бу даврларда ўзбек бадиий адабиёт тилининг шаклланишида, сўзлашув адабий тили меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда адабий тилни жонли халқ тилига яқинлаштиришда Дурбек, Хўжандий, Юсуф Амирий, Яқиний ва айниқса Атоий, Саккокий, Лутфий сингари сўз санъаткорларининг, ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарлари муҳим роль йўнади. Уларнинг асарларида жонли халқ тили воситаларининг адабий тил унсурлари билан қўшилиб борганилигини очиқ кўриш мумкин. Бу эса улар яратган асарларнинг тил ва услуб жиҳатидан содда, равон бўлишига, анча осон тўшунилишига олиб келди.

Бу давр ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорликларидан бири Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонидир. Дурбек Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган Юсуф ва Зулайҳо ҳақидаги қисса асосида мустақил бадиий асар яратди ҳамда ўзбек адабиётига, ўзбек адабий тилининг ривожига муносиб ҳисса қўшди. «Юсуф ва Зулайҳо» достони 1409 йилда Балх шаҳрида ёзилган. Дурбек ўз асарини халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланган ҳолда яратди, асарнинг ғоявий-бадиий қимматини ошириш мақсадида халқ мақоллари, ҳикматли сўз ва ибораларидан ўринли фойдаланди. Ўз асарининг халқ тилига яқин бўлиши, кенг халқ оммасига тушунарли бўлишига катта эътибор берди.

Гул тилаган, хор жафосин чекар  
Эр кишининг сўзи керак бўлса бир.

«Юсуф ва Зулайҳо» достони эски ўзбек адабий тилида яратилган мукаммал йирик бадиий асарлардан ҳисобланади. Асар бевосита эски ўзбек тилининг шарқий гуруҳ диалектлари асосида ёзилган. Унинг лексикаси, фонетика ва морфологиясида қарлуқ-чигил ва уйғур тили хусусиятлари ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, ғарбий ўғуз ва қипчоқ тилига хос шакллар ҳам учрайди: жўналиш келишиги аффиксининг -а, -на кўриниши (*Банд ила зиндан ичина солдилар, Урди аёғина буғам тешасин*), буйруқ-истак майли биринчи шахс кўплигининг -ли, -линг аффикслари билан берилиши (*Жони азиз айлали сенга нисор. Суҳбати хоси туталинг ушбу рӯз*), ҳозирги-келаси замон феъли биринчи шахс бирлигининг

қисқарған тарзда -ман шаклида келиши (*Ой юзини кўра олман, нетай*) кабилар. Асар тилида форс-тожик тилига хос бир қатор сўз ва бирикмаларни ҳам кўриш мумкин (*Барчанинг ул жони ба банди суруд. Кўнгул эди дар ғаму жон мумтаҳан*). Бу каби фактлар асарнинг тили XIV аср охири, XV аср бошларидағи жонли ҳалқ тилига яқинлигини кўрсатади, «бу достон тили жиҳатидан ҳозирги куннинг китобхони учун у қадар қийинчилик туфдирмайди. У енгил ўқилади ва осон тушунилади».<sup>1</sup>

XIV—XV асрларда ўзбек адабий тилининг тараққий этиши, унинг такомилга эришувида ўзбек адабиётида нома жанрида яратилган адабий-бадиий ёдгорликлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. XIV—XV асрларда майдонга кёлган «Муҳаббатнома», «Латофатнома», «Таашшуқнома», «Даҳнома» кабилар ўзбек адабиётида шеърий нома жанрида ёзилган асарларга киради. Бу ёдгорликларнинг тил хусусиятларини ўрганиш Қорахонийлар даврида шаклланиб, кенг қўлланган эски туркий адабий тил анъанаси билан кейинги даврларда, айниқса XIII—XV асрларда шу тил асосида ташкил топиб ривожланган эски ўзбек адабий тили ҳамда унинг шарқий-туркий ва ғарбий-туркий (Мовароуннаҳр ва Хоразм—Олтин Ўрда) тилларга бўлган ўзаро муносабатини белгилашда жуда муҳим роль ўйнайди. А. М. Шчербак кўрсатганидек, бу адабий тилларнинг характеристини, унинг муайян даврларда қўлланган адабий тил анъаналари билан ҳамда турли марказларда шаклланган адабий тилларнинг этник-тил омиллари билан боғлиқлигини аниқлашда ҳам бу асарлар катта қимматга эга.<sup>2</sup>

Хўжандийнинг «Латофатнома», Амирийнинг «Даҳнома», Сайд Аҳмаднинг «Таашшуқнома» асарлари Мовароуннаҳр ўзбек тили (шарқий гуруҳ диалектлар)га асосланиб ёзилгандир. Бу асарлар ўзбек дунёвий адабиёти ва ўзбек адабий тилининг ривожига, унинг янги тараққиёт поғонасига кўтарилишига замин тайёрлади. «Латофатнома»да ҳам, «Даҳнома» ва «Таашшуқнома»да ҳам қарлуқ-уйғур адабий тили анъаналари ўзининг тўла ифодасини топган, унга хос тил унсурлари асосий кўпчиликни ташкил қиласи (барча келишиклар шакллари, ҳозирги-келаси замон феълларининг эски ўзбек адабий тилида

<sup>1</sup> Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, 342-бет.

<sup>2</sup> А. М. Шчербак. «Огузнаме», «Мухаббатнаме», М., 1959, 113-бет.

қатъийлашган норматив шакллари, эски адабий анъана-га хос лексик-фонетик хусусиятлар каби). Шу билан бирга бу асарлар Хоразмийнинг «Мұхаббатнома»си таъсири остида ёзилғанлиги сабабли уларда анчагина ўғуз-қипчоқ тилига хос үнсурлар («*фироқ ўтинг әлиндин* сингари локал келишикларда бир н товуши орттирищ, жўналиш келишиги аффиксининг -а, -на шаклида келиши — *юзунг хуршидина, ҳолима* каби; буйруқ-истак майли биринчи шахс кўплигининг тутали, билали шаклла-рида келиши кабилар) ҳам учрайди.

Умуман Ҳўжандийнинг «Латофатнома», Юсуф Амирийнинг «Даҳнома» асарлари XIV—XV асрлар ҳалқ ти-ли негизида яратилган эски ўзбек адабий тилининг му-ҳим ёдгорликлари саналади. Улар эски ўзбек тилининг адабий меъёрлари қатъийлашиб, умумийлик хусусияти ортиб борганинги кўрсатади.

Бу даврларда ўзбек адабиётида мунозара жанрида ёзилган асарлар ҳам майдонга келди. Юсуф Амирийнинг «Банг ва чоғир» мунозараси, Яқинийнинг «Ўқ ва ёй» мунозараси, Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси» каби асарлари шулар жумласидандир. Ҳажвий услубда ёзилган бу асарларда мажозий тарзда такаббурлик, хушомадгўйлик, мансабпастлик, мақтанчоқлик каби иллатлар танқид қилинади. Ҳалқ ҳажвиялари асосида ёзилган бу мунозараларнинг тили содда ва тушунарли. Фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари жиҳатидан ўша давр ҳалқ тилига жуда яқин туради. Фонетик жиҳатдан то-вушлар уйғуналиги ҳодисаси (ҳам лаб уйғуналиги, ҳам танглай уйғуналиги) га риоя қилинади: *Ногаҳ бир яшил хирқалиқ суфи ва бир гулгун тўйнук йигит мунозара ва мубоҳасага машғул бўлдилар* (Амирий). *Йигит, соғинмоқ, тангри, югурек, бош, аччиқ, баҳодур* каби умум-ҳалқ тилига хос луғавий бирликлар кенг ишлатилган. Грамматик жиҳатдан воситали келишик аффиксларидан олдин бир н товуши қўшиш (*Туркистон тарафиндин*) («Ўқ ва ёй»), қаратқиҷ келишиги -инг, -нунг шакллари, ўрин-пайт келишиги -да, -та шаклида, жўналиш келишиги -а, -на шаклларида келади: *Шоирнинг қитъаси сўз-нунг ростлигина гўёдур* («Ўқ ва ёй»). Ниёзмандлиқта яхши-яманга қулоқ тутармен. Бизнинг орамизда ҳакам бўйлуб... («Ўқ ва ёй»). Сифатдошинг -гучи, -ган шакллари, тур//дур>турур//дуур бофламаси кўп учрайди: *менинг турур ерим дарвешлар тақясидурур*. Санинг ортуқлуғинг йўқ турур. Қаттиқ тортқучиман ва маҳкам

*ургучи* («Чоғир ва банг»). Танбура таъриф била жавоб айтқони («Созлар мунозараси»). Бу каби фарқли томонлар ўша давр ёдгорликлари тили учун хос хусусиятлар эди.

Умуман, мунозара жанрида яратилган бу асарларнинг тили енгил тушунилади, услуби равон, ўша давр ўзбек адабий тили ва сўзлашув тили хусусиятларини ўзида акс эттиради.

### УЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИДА АТОИЙ

Атоий XV аср ўзбек адабиётининг йирик вакилидир. Атоийнинг туғилган йили, ҳаёти ҳақида маълумот сақланган эмас. Алишер Навоий Атоий ҳақида: «Мавлоно Атоий Балхда бўлур эрди... дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит киши эрди. Туркигўй эрди, ўз замонида шеъри атрок аросида кўп шуҳрат тутти»<sup>1</sup>, — дейди.

Бизгача Атоийнинг биргина қўллэзма девони етиб келган.

Атоий жуда кўп фанлардан яхшигина билимга эга оқил киши бўлган. У ўзбек ва форс-тожик адабиётини чуқур ва пухта билган, халқ оғзаки ижоди асарлари билан яқиндан танишган ва ўзбек адабиётида ғазал жанрининг устоз санъаткорлари даражасига кўтарилиган. Шунинг учун ўз ғазалларини ҳам халқ оғзаки шеъриятидан кенг фойдаланган ҳолда яратди. Унинг ғазалларида халқ қўшиқларига хос соддалик, равонлик, ва жўшқинлик аниқ кўриниб туради. Унинг

Кел, эй дилбар, ки бўстон вақти бўлди,  
Гул очилди, гулистон вақти бўлди.  
Жамолинг васфини қилдим чаманда,  
Қизорда гул ўёттин анжуманда.

каби мисралари бевосита халқ оғзаки ижод бойликлари асосида содда услуб билан кенг халқ оммаси учун тушунарли адабий тилда ёзилган.

Атоий кишилар турмуши билан бевосита алоқадор бўлган ҳаётий воқеалар, баҳор фасли, ёр васли, табиат манзараларининг чиройи, ёр-дўстларнинг хушчақчақ суҳбати, ҳаёт гўзалликларидан баҳраманд бўлиш, баҳт-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Мажолис-ун нафоис», илмий-танқидий матн, Тошкент, 1961, 74- бет.

саодат ҳақидаги, шунингдек подшоқ ва хонларнинг ҳаддан ошған зулм-ситамлари, шафқатсизлик ва мунофиқлик кабилардан норозилик кайфиятлари ифодаланган ғазалларида ҳалқقا, унинг дилига ва тилига жуда яқин бўлган тасвирий воситаларни, турлича бадиий ифода усулларини қўллади, асл бадиий лавҳалар орқали ички туйғуларни ифодалайди. Бу жиҳатдан унинг кўпгина ғазаллари ўзбек мумтоз шеъриятида кенг тарқалган ҳалқ қўшиқлари вазнида ёзилганлиги ҳам унинг ўзига хос содда ва равон услубини кўрсатади.

Атоий ўз ғазалларида адабий тил ва жонли ҳалқ тилининг турлича бадиий-тасвирий воситаларини мөхирлик билан қўллаш асосида сифатлашлар, муболаға ва ўхшатишлар яратади, бу орқали ўзбек тилининг бойлигини намойиш этади, ўзи ҳам адабий тилни янги янги тасвирий воситалар, сўз ва иборалар билан бойитади.

Бўюнг сарву, қўзунг нарғис, юзунг гул,  
Сенинг қошингда бўстон ҳожат эрмас.

Омоним сўзлардан фойдаланиб, туюқ жанрига хос байтлар яратиш ҳам Атоий шеърларида кўп учрайди:

Боқар оҳулайин ҳар ён ўшал қаро кўзлар,  
Вафосизликларин билгач, яна меҳру вафо кўзлар.

Атоий асарларида умумхалқ тилига хос қўйма иборалар, ҳалқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари кўп учрайди. У мақол ва ҳикматли сўзларни айнан ёки ижодий тарзда қайта ишлаб қўллади ва ўз ғазалларининг бадиийлигини оширади, тилининг равон бўлишини таъминлайди: «Киши бол тутса, бармоғин ялар», «яхшилил қил, сол суға», «хирмонни, албатта, ҳар эккан ўрар».

Фанимат тут жамолу ҳусн даврин,  
Масалдурким, яна бу дам топилмас.

Атоий асарларида эски туркий адабий тилга хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлар жуда кам учрайди. Илик (қўл), учмақ (жаннат), бикин (каби), черик (аскар) каби лугавий бирликлар, бизинг (бизнинг), сенингдек (сендек), билмам (билмайман) каби шакллар учрайди. Баъзан -дук аффиксли сифатдош, қаратқич келишиги шаклининг кесим вазифасида келиши кабилар ҳам кўзга ташланади.

Истадик одамда умре ғамгусоре топмадуқ.  
Бу оразу зулфу қаду қоматки, сенингдур,  
Рашки суману сунбулу аръар етилибсен.

Юқоридагилардан кўринадики, Атоий ўзи яшаган даврдаги халқ тилида, халқ учун тушунарли содда тилда «туркона» асарлар яратди. Шунинг учун «ўз замонида шеъри атрок аросида кўп шуҳрат тутти» (*Алишер Навоий*).

Демак, ўзбек адабий тилини ривожлантиришда, уни жонли халқ тилига яқинлаштиришда, айни вақтда умумхалқ тилига хос бир қатор шакллар, сўз ва иборалар билан адабий тилни бойитишида Атоий асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

### УЗБЕҚ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА САККОКИЙ

Истеъдодли шоир Саккокий Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган. Унинг ҳаёти ҳақида етарли маълумотлар сақланган эмас. Саккокийнинг қўллэзма девонида берилган қасидалар, айниқса унинг Халил Султон ва Мирзо Улуғбек номига ёзган қасидалари орқали шоир XIV асрнинг кейинги чораги ва XV асрнинг биринчи ярмида Темурийлар пойтахти Самарқандда яшаганлиги, ижодий фаолият билан шуғулланганлигини аниқлаб олиш мумкин. Шунингдек, Алишер Навоий ҳам «Мажолис-ун нафоис» асарида Саккокий ҳақида, унинг Самарқанд аҳли орасида анча шуҳрат топганлиги тўғрисида айрим маълумотлар беради.

Саккокий лирик шоир бўлиб, асосан ғазаллар ва қасидалар ёзган. Аммо унинг адабий мероси тўлалиги-ча сақланиб қолган эмас. Унинг ғазалларида инсоний муҳаббат, дунё лаззатларидан баҳраманд бўлиш, табиат гўзалликларидан ҳузурланиш куйланади. Шу давр анъанасига кўра Саккокийнинг барча асарлари халқ тилида содда, равон услуг билан битилган. У жонли халқ тилига хос бой луғавий бирликлар, шакл ва иборалар, хилма-хил тасвирий воситалардан кенг ва моҳирона фойдаланади, зидлаш, ўхшатиш, муболага сингари ажоийб бадиий-тасвирий усуллар яратади:

Буюнгтек бутмади бўстон аро сарви равон, эй жон,  
Юзунгтек ҳам очилмади чаманда гулситон, эй жон.

Атоий сингари Саккокий ҳам халқ мақоллари, ҳикматли сўз ва ибораларини моҳирлик билан қўллаш асо-

сида ўз асарларининг тилини бойитади, унинг бадий-лигини, мазмунини кучайтиради. Унинг бир қанча ғазаллари бевосита халқ қўшиқлари услубида ёзилган.

Ким кўрса аниг юзини, айтур  
Не турфа эрур бу турк балоси.  
Туркона ир ирлағунча аниг  
Куйдурди мени ялай — буноси.

Тил жиҳатидан бундай услубий равонлик ва соддалик унинг қасидалари учун ҳам хосдир. Бунда шоир айниқса Мирзо Улуғбекнинг адолатпарвар подшоҳ эканлиги, олимлик, маърифатпарварлик, фан ва санъат ахлига ҳомийлик каби хислатларини содда, тушунарли тилда мадҳ этади.

Саккокий асарлари тилида шу давр ўзбек тили учун хос янги шакллар билан бирга эски адабий тил унсурлари ҳам қўлланган. Жумладан, аффиксларда жарангсизланиш ҳодисасининг сезиларли эканлиги (*кечting, туша кўрса, тутти, бостим, бўюнгтек, анигтек* каби). Фонетик жиҳатдан унлилар ва ундошлар оҳангдошлиги сақланган: *туттуқ, ёзуқум, жонға, ўқунгузнинг* каби. Жўналиш келишигининг -а, -на шаклида келиши (*Саккокий ул ой манзилина худ ета олмас, ҳажер ўтина*), келишик ва бошқа аффиксдан олдин бир н товуши ортириш (*давринда, эшигиндин, андозасинча*) кабилар учрайди. Бундай тил хусусиятларига яна қўйидагиларни киритиш мумкин: лексик жиҳатдан қамуғ (ҳамма), тикин-текин (*гача*), битик, бикин (каби, сингари), табуг, ёзуқ каби сўзлар ишлатилган. *Менингтек, анигтек, сенингтек* каби сўзларда ўҳшатиш аффикснинг қаратқич қўшимчасидан кейин қўшилиб келади. Қаратқич келишигидаги сўз кесимлик қўшимчаси — боғлама билан бирга келиб, кесим вазифасини бажаради: *Хоё даврон бизингдур, кечти Мажнун навбати. Шунингдек, тўлғану, тўлғаниб), кўрадурғон, йиғлаю* каби феъл шакллари қўлланган, -тан аффиксли сифатдош ва унинг отлашган ҳолда келиши кўп учрайди, аммо унинг тусланган ҳолатда келиши кўринмайди. Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз шакли -ман, -мон орқали берилади: *не қилғуси, билмон бу маккора* каби.

Демак, Саккокий ўзбек адабиёти, ўзбек адабий тилининг ривожланишида, уни бойитиш ва жонли халқ тилига яқинлаштиришда муносиб ҳисса қўшган.

## ЛУТФИЙ ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

Лутфий ўзбек адабиётининг буюк сиймоларидан биридир. У 1366 (ёки 1367 йилда) Ҳиротда туғилди. Лутфий 99 йил умр кўрди, шу даврларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда юз берган жуда кўп тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлди.

Лутфий ўз замонининг энг йирик туркийгўй ва форсийгўй (зуллисонайн) шоиридир. Алишер Навоийнинг таъкидлашича, «у ўз замонининг малик-ул қаломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди». У ўзининг бутун ҳаёти ва ижодий фаолияти давомида ўзбек адабиётини ва ўзбек адабий тилини ривожлантириш учун, унинг бойлиги ва қудратини кўрсатиш учун ҳаракат қилди, ўзбек тилида жуда кўп лирик шеърлар, ғазаллар ва туюқлар битди, «Гул ва Наврўз» ишқий-лирик достонини яратди. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» номли тарихий асарини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Форс-тожик тилида ҳам ажойиб ғазаллар ёзди.

Лутфийнинг ўзбек тилидаги шеърлари ўз даврида девон ҳолига келтирилган ва жуда машҳур бўлган. Девоннинг бир неча қўлёзма нусхалари ва «Гул ва Наврўз» достони Британия музейида, Санкт-Петербург ва Тошкент кутубхоналарида сақланади.

Лутфий ўз асарларида ҳаёт гўзалликларини, севги ташвишлари ва ёр васлини, тинчлик ва осойишталикни, илм ва маърифатни, дўстлик, вафодорлик каби инсоний хислатларни улуғлади, ҳалқ оғзаки ижоди ва ёзма адабий анъаналардан ижодий фойдаланди. Атоий ва Саккокийда бўлганидек, Лутфий ҳам адабий тилни жонли ҳалқ тилига яқинлаштириш, уни ҳалқ тилининг сермазмун, ихчам сўз ва иборалари билан бойитиша ҳаракат қилди, шу асосда бадиий юксак, содда ва пишиқ, ўй-ноқи ва равон ғазаллар, лирик шеърлар яратди:

Сўзларда қачонким, кўзи қоши била ўйнар,  
Хар гўшада юз минг киши боши билан ўйнар.

Лутфий умумхалқ тили бойликларидан моҳирона фойдаланиб, янги-янги иборалар, ҳикматли сўзлар тарзидаги пурмаъно мисралар битади:

Кўмуш билакларингизни енг ичра ёшурманг,  
Кишининг илги очиқ бўлса, беназир бўлур.

Лутфийда «рост айтурки», «давлат бошдаðур», «ҳар

*бир бокишига юз чучук жон чиқадур*» тарзидаги қитъалар, *дагул* (эмас) воситасида сўроқ орқали тасдиқтаъкид ифодаловчи «*Бу ҳусни латофатки, бегим санду дагулму?*» каби ғазаллар, савол-жавоб тарзида ўз ҳистайгуларини, нозланиш, ажабланишини ифодаловчи ғазал-мушоиралар кўп учрайди:

Дудоғинг маъданни жондур дедим, айтур: сенга не?  
Қоматинг сарви равондур дедим, айтур: сенга не?

Лутфий ўз асарларида «*Бу тўймағур кўзумга...*», «... ёраб, балога учра!» тарзидаги енгил ҳазил, суйиб эркалаш, ҳазил-қарғиши ифодаловчи жонли сўзлашув тилига хос сўз ва иборалардан усталик билан фойдаланган:

Ўтға тушкур бу кўнгулдур Лутфини хор айлаган.

Шоирнинг асарларида юксак баднийликни, тилнинг соддалиги, ширалилигини, услубий равонликни таъминлаган воситалардан яна биро ҳалқ мақоллари ва ҳикматли сўзлардан ижодий тарзда фойдаланиш, улардан тўғри мантиқий хуносалар чиқариш ҳисобланади. «*Оқ-қан ариққа оқар сув*», «*Чироғ туви қаронғу*», «*Ер қатиқу, кўк йироқ*», «*Кўздин йироқ бўлса, кўнгулдин йироқ*», «*Тилаганни тилагу*», «*Хуршедни ёшурса бўлмас*» сингари мақол ва ҳикматли сўзларни айнан ёки қисман ўзгартирган ҳолда қўллаш орқали ғазалларнинг бадиийлиги ва мазмунини кучайтирган.

Юзунгни туттум ортуқ ою кундин,  
Кишининг кўзидур, оре, тарозу.

Лутфий ҳалқ тили бойликларидан усталик билан фойдаланиб, ўзбек адабиётида янги жанр ҳисобланган туюқнинг энг яхши намуналарини яратди, унинг яна ҳам ривожланиши учун катта ҳисса қўшди. Кўп маъноли сўзлар ва омонимларни турли ҳолатларда қўллаш орқали ҳалқ тилининг битмас-туганмас имкониятларини на-мойиш қилди, ўз асарлари услубининг равон бўлишига эришди:

Кечти умру, тушмади ул ёр ила,  
Қўрқарам кўнглум бу ғамдин ёрила,  
Бу вафосизликки, сендин кўрмишам,  
Эътиқодим қолмади ҳеч ёр ила.

Лутфий асарларининг тили XVI—XV асрлардаги ўзбек тилини акс эттиради, унинг қўлланиши ва хизмат

доираси кенгайганлигини, лугат таркиби жуда кўп янги сўз ва иборалар билан бойиганлигини кўрсатади, ўзбек адабий тилининг фонетик тизими ва грамматик қурилиши маълум меъёрга келиб қатъйлашганлигини акс эттиради.

Бевосита Лутфий асарларига хос тил хусусиятлари ҳақида қуидагиларни кўрсатиш мумкин. Шу давр тили учун хос унли ва ундошлар уйғунлиги сақланган: *аёқингға, бошингға, юзунгнунг орзуси, мунунгдек, кўнглумни, ўрамунг* кабилар. Лексик жиҳатдан: *асру, уструқ, ўрам, дудор, ёзук, айру, дагул* (*дегул*), қаю каби сўз ва шакллар учрайди. Фарбий туркӣ (*ўғуз-қипчоқ*) тилига хос жўналиш келишигининг -а, -на шакли: *кўзунг сеҳрина, бошима, жононима, сultonима, жон берурам, фарёд этарам, шикоят қилмам, тасаввур қилмон, кўра билмон* типидаги ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишли ва бўлишсиз шакллари -миш аффиксли сифатдошнинг *сурмишам, бўлмишам* тарзида биринчи шахс шакллари қўлланган. Бундан ташқари, *тўйладилар, черикламоқ, дарёблагил* (*топгил*), *кучланди* тарзидаги ясама феъллар, қаратқич келишигининг -инг-бизинг, ёруминг, сизинг; қаратқич келишиги шаклиниг кесим вазифасида келиши кабилар учрайди:

Не фикринг бор, чу билдинг мен сенингман,  
Не ғам ерман, чу билдим сен менингсан.

Юқорида келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, Лутфий жонли халқ тилидан, халқ мақоллари, ҳикматли сўzlари ва сермазмун ибораларидан кенг фойдаланиш асосида ўз асарларининг мазмунини, бадиийлигини оширган, тилини бойитган. Айни вақтда ўзбек адабий тили жуда кўп янги луғавий бирликлар, сўз ва иборалар, янги шакллар билан бойиган.

Шундай қилиб, Лутфий ўзбек адабиётининг тараққиётига катта ҳисса қўшди, ўзидан кейин яшаган шоирларнинг ижодига самарали таъсир кўрсатди. Ўзбек адабий тилини ривожлантишда, уни маълум меъёрга келтириш ва жонли халқ тилига яқинлаштиришда улкан ҳисса қўшди.

**НАВОИЙ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ ОНА ТИЛИ УЧУН ҚУРАШ  
БАЙРОҚДОРИ**

Ўзбек адабий тили тарихида XV асрнинг иккинчи ярми бевосита буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Али-

шер Навоийнинг ижодий-илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти билан боғлиқдир. Навоий ижодида, унинг барча асарларида адабий тилнинг ягона умумхалқ мөъёрлари, умумий қоидалари тўла шаклланди ва қатъий тарзда белгиланди. Тилдаги барча мантиқий-услубий ва ижтимоий-тарихий қатламлар умумхалқ хусусиятига эга бўлиб борди, ягона бир бутунликка бирлашди.

Шуни қайд қилиш керакки, бу давр адабий тили фақат Навоийнинг адабий-илмий ва ижтимоий фаолияти билангина эмас, балки Навоийнинг ўтмишдошлари, замондошлари ва издошлари фаолияти билан ҳам узвий равишда боғланган. Узбек адабий тилининг ташкил тошиш ва ривожланишида улар ҳам ўзларининг муайян ҳиссаларини қўшдилар.

Узбек бадиий адабиёт тилининг ташкил топишида, сўзлашув адабий тили меъёрларини ишлаб чиқиш ва тартибга келтириш ҳамда адабий тилни жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш жараённида Хоразмий, Дурбек, Амирий каби адилларнинг асарлари орқали замин тайёрланган бўлса, Атоий, Саккокий ва Лутфий шеъриятида бу жараён яна ҳам тараққий эттирилди. Сўзлашув тилига хос тил воситалари адабий тил унсурлари билан қўшилиб кетади, унинг таркибий қисмига айланади. Навоий ижодида, унинг асарларида ҳамма адабий жанрларга хос бадиий матнларда ўз даври адабий тилининг тараққиёти, такомиллашиб бориши учун зарур бўлған барча воситалар халқ тили бойиклари билан уйғунлашиб қўшилиб кетади.

Алишер Навоий тили ўз тарихий-тадрижий ривожланиши жиҳатидан ҳам, услубий бойлиги ва ранг-баранглиги томонидан ҳам жуда мураккаб ҳодисадир. Унинг асарларида фақат Навоийнинг ўзига хос хусусий тил ҳодисалари, индивидуал ижодий хусусиятларигина акс этиб қолган эмас. Балки, шу билан бирга у ўзбек тилининг бой имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ўз даври адабий тили ва адабиётининг хилма-хил услубларини ҳам ишлаб чиқди.

Урта асрларда, VIII—XV асрлар давомида Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида икки тил — дин ва илм-фан соҳасида араб тилини қўллаш ҳамда бадиий ижода форс-тожик тилида асарлар яратиш анъанага айланаб қолган эди. Халқимиз орасидан етишиб чиқсан буюк алломалар Ал-Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий кабилар ўз асар-

ларини она тилида эмас, балки ана шу анъанага кўра араб тилида ёздила. Бадий адабиётда эса форс-тожик адабий тили анъаналарининг таъсири анча кучли эди. Бу анъана Навоий яшаган даврларда ҳам катта мавқега эга эди. Унинг таъсири остида ҳатто ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан шоир-ёзувчилар ҳам она тилига нисбатан хотүғри муносабатда бўлдилар. Улар турк-ўзбек тилини дағал тил, унда нозик ҳис-тўйфуларни нафис тарзда ифодалаб бўлмайди, деган ғайри илмий, хотүғри фикрларни илгари сурар эдилар. Мана шундай шароитда Алишер Навоий она тилини ҳимоя қилиш учун кураш байроқдори, она тилининг бойлиги ва соғлиги учун толмас курашчи сифатида майдонга чиқди, она тилининг қимматини ва аҳамиятини камситувчиларга қарши курашди. Ўз она тили — турк-ўзбек тилининг бойлигини, қудрат ва салоҳиятини, унинг чексиз имкониятларга эга эканлигини катта куч ва ғайрат билан ҳимоя қилди, уни шеърият осмонига кўтарди. Шу билан бирга, у форс-тожик тили ва адабиётининг тараққиётига ҳам муносаб ҳисса қўшиди.

Навоий ўзининг она тили учун олиб борган курашини уч йўналишда, яъни буюк шоир ва ёзувчи сифатида, олий мартабали йирик давлат арбоби ҳамда улуғ мутафаккир, тилшунос олим сифатида давом эттириди.

У ўзининг ажойиб назм дурданаларини, юксак бадий қимматга эга бўлган «Хазойин-ул маоний», «Хамса» каби асарларини она тилида ёзиш орқали турк-ўзбек тилининг қудратини, унинг бой тасвирий восита ва имкониятларга эга эканлигини, тўлиқ маънода бадий адабиёт тили эканлигини амалий тарзда исботлаб берди. Навоий ўз адабий-бадий асарларини яратиш жараёнида жуда муҳим ва мураккаб икки вазифани — ўзбек адабий тилини юксак даражада ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг ҳозирги ўзбек адабий тилига хос адабий-услубий меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда том маънодаги ўзбек адабиётини яратиш, ундан халқ оммасини баҳраманд қилиш вазифаларини амалга ошириди.

Турк-ўзбек адабий тилини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳимоя қилиш — Навоийнинг она тили учун, унинг давлат тили бўлиши учун олиб борган курашининг иккинчи йўналишини ташкил қиласиди. Навоий кўп йиллар давомида Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдор, вазири аъзам, амири кабир сингари масъулияти лавозимлар-

ни эгаллаб турган, саройда, девон ва маҳкамаларда расмий иш юритиш соҳаларига раҳбарлик қилган. Подшоҳликнинг амири кабири сифатида давлат девонхоналарида расмий иш юритишда, нома, фармон ва буйруқлар ёзид тайёрлашда форс-тожик тили билан бирга ўзбек тилини ҳам кенг қўллаш, уни давлат тили даражасига кўтариш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлади. «Халқ билан ҳалқ тилида сўзлашиш керак», деган ақидага амал қилга Навоий, айниқса Ҳусайн Бойқаро ва шахзодаларга ёзган мактубларида, ҳокимлар, доруға ва девонбекиларига, турли амалдорлар ва дўстларига йўллаган нома ва хатларida она тилини ёклайди, тарғиб қилади. Турлича фармон ва буйруқларни, ҳар хил расмий иш ҳужжатларини кенг ҳалқ оммаси тушунадиган ана шу тилда олиб бориш лозимлигини қатъий туриб талаб қилади ва бу соҳада анча самараали натижаларга эришади.

Улуғ мутафаккир олим Алишер Навоийнинг она тили бойлиги ва мустақиллиги учун олиб борган курашининг яна бир муҳим томони унинг тил ҳақидаги илмий-назарий қарашлари ҳисобланади. У етук тилшунос олим сифатида ўзининг машҳур «Муҳокамат-ул лугатайн» асарини ёзди. Бу китобида ўзининг ўзбек адабий тилини асослаш, ўзбек адабиётини яратиш, уни ривожлантириш соҳаларида олиб борган курашини, кўп йиллик меҳнатлари ва бой тажрибаларини умумлаштириди, чуқур илмий-назарий хуласалар чиқарди. У ўзига хос гоявий теранлик билан аниқ ва мукаммал тил воситаари асосида ўз давридаги адабий тил ва бадиий адабиётнинг (шунингдек кейинги даврлар адабиётининг ҳам) хилма-хил услубларини ишлаб чиқди. Ўзига қадар майдонга келган ўзбек ҳалқ бадиий сўз санъатининг энг яхши услубий ютуқларини ўз тилига сингдириб олди, ўзбек ҳалқ ва мумтоз шеъриятининг турлича услугуб ва жанрларида ижод қилди, асарлар ёзди, уни янги услубий воситалар билан бойитди ва шу асосда ўзбек адабий тили услубиятини ишлаб чиқди.

Навоийнинг она тили учун олиб борган курашлари осонликча кечмади. Бу йўлда у катта қийинчиликларга, зодагонлар, бек-амалдорларнинг қаршилигига, ўз ҳалқи орасидан чиқсан форсийпараст шоир-ёзувчиларнинг таъяна-маломатларига дуч келди. Аммо Навоий ўзининг ҳақлигига, ўзи олиб бораётган ишнинг муқаддас ва мураккаб эканлигига тўла ишонар эди. Бу иш ўз ҳалқининг тарихи ва тақдирни билан боғлиқ бўлган катта

давлат, умумхалқ аҳамиятига молик иш әканлигини яхши билар эди. Унинг орзуси ўз халқининг тилини юксак даражада ривожлантириш, унинг истиқболини, келгуси тараққиёт йўлини белгилаш, ўз халқи учун ҳамма соҳаларда форс-тожик тилидагидек ривожланган катта адабиёт яратиш, уни бадиий ижоднинг энг яхши дурданаларидан баҳраманд қилишдан иборат эди. Бу орзу унга катта куч бағишилар эди. Дарҳақиқат, Навоий ўз орзуси, ўз кураши йўлидаги барча зиддият ва монеъликларни енгигиб ўтди ва ажойиб натижаларга эришиди. У ўз она тилини ҳар хил таъна-маломатлардан батамом халос қилди, унинг салоҳиятини, гўзаллигини рад этиб бўлмас далиллар асосида исботлади, уни тараққиий эттирги. Узбек адабиётини форс-тожик тилида ёзилган асарлар билан мусобақа қила оладиган бебаҳо асарлар билан бойитди.

Узбек адабий тили, ўзбек адабиётини ривожлантириш соҳасида ўз олдига қўйган вазифаларни юксак даражада адо этган Алишер Навоий ўз халқи учун, унинг маданияти учун ва умуман келгуси авлодлар учун катта шарафли ишларни амалга оширди, бу билан фахрланаби:

Турк назмида чу тортиб мен алам,  
Айладим ул мамлакатни яққалам.

ёки:

Мен ул менки, то турк бедодидур,  
Бу тил бирла то назм бунёдидур.  
Фалак кўрмади мен каби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.

деб ажойиб фахриялар ёзди.

Она тили учун толмас курашчи Алишер Навоийнинг бу соҳадаги буюк хизматларини улур олим ва ёзувчилар — франциялик Дью Белли (XVI аср), италиялик Данте (XVIII—XIX асрлар) ҳамда буюк рус олими М. В. Ломоносов хизматлари билан тенгглаштириш мумкин. Бу ёзувчи ва олимлар ҳам ўрта асрларда адабий тил сифатида лотин ва эски черков-славян тиллари қўлланган даврларда ўз она тилларининг равнақи учун, уларнинг адабий тиллар сифатида қўлланиши учун курашган ажойиб ватанпарварлар эдилар.

## АЛИШЕР НАВОЙИНГ АДАБИЙ ТИЛИ ҲАҚИДА

Алишер Навоийнинг адабий тили, унинг жонли сўзлашув тили ва ўзбек адабий тилига муносабати масалалари анча мураккаб бўлиб, бу ҳақда олимлар томонидан турлича фикрлар баён қилинган. Бу ҳақдаги дастлабки маълумот Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асарида келтирилган. Бобур Андижон шаҳри аҳолиси ва унинг тили ҳақида маълумот бериб, у Навоий асарлари тилига жуда яқин эканлигини қайд қилади: «Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтүр. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Хирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур» (Бобурнома, 60-бет). Бобурнинг бу фикри маълум тарихий асосга эга. Чунки икки маданий марказ — шарқий қарлук-чигил-уйғур ҳамда ғарбий ўғуз-қипчоқ диалект бирликлари негизида шаклланган эски туркий тил асосида ривожланиб, XIII—XV асрларда тўла ташкил топган умумхалқ ўзбек адабий тили жуда катта ҳудудда — Мовароунаҳр ва Хуросонда кенг қўлланган. Бу адабий тилинг луғат таркиби, фонетик ва морфологик қурилиши меъёрлари таркиб топган эди. Унинг ривожланиши, жонли сўзлашув тилига яқинлашувида Навоийга қадар яшаб ижод қилган шоир-ёзувчиларнинг хизмати ҳам катта бўлди. Мана шу адабий тил ва унинг маълум шеваларида сўзлашган ҳалқ, турк-ўзбек аҳолиси ва XIV—XV асрларда Фарғона водийсида, Тошкент воҳаси, Самарқанд вилоятида ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмida яшаганлар. Демак, Алишер Навоий асарлари ҳам худди мана шу тилда — турк-ўзбек адабий тилида ёзилган эди.

Х. Вамбери, И. Н. Берёзин, Н. И. Ильминский каби қатор шарқшунос олимлар Бобурнинг бу фикрини қувватлайдилар. Лекин Н. И. Ильминский Навоий адабий тили Андижон аҳолисининг тилига яқин бўлса ҳам, айнан бир хил бўлган эмас, деб таъкидлайди. Чунки ҳалқ жонли тилида араб ва форс-тоҷик тилига хос сўз ва иборалар Навоий асарларида бўлганидек кўп даражада бўлган эмас.

Дарҳақиқат, йирик рус олими П. М. Мелиоранский таъкидлаганидек, XIV—XV асрларда Мовароунаҳрда, Хуразм воҳасида истеъмолда бўлган ўзбек адабий тили ўз таркиби, адабий тил билан маҳаллий

шеваларнинг ўзаро муносабати жиҳатидан мураккаб хусусиятга эга эди. Шу жиҳатдан Навоийнинг адабий тилини аниқлашда ўша давр адабий тилининг фонетик тизимини, товуш таркибини аниқлаш, уни шева хусусиятлари билан қиёсий ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. К. К. Юдахин XIV—XIX асрлар ўзбек адабий тилининг товуш таркибини аниқлашда ўзига хос усулни қўллайди, Лутфий ва Амирий туюқларидаги қофияларнинг бир хил талаффуз қилинишини кўрсатади. Унинг фикрича, Амирийнинг бир туюғида қўлланган **او** (ўт — олов, ўт — ўсимлик, ўт — ўтиб кет) сўзи қофиянинг талабига кўра ўт тарзида бир хил айтилади. Шунингдек, Лутфийнинг бир туюғида қўлланган тошидин сўзида ҳам (тошидин — тошдан (камень), тошидин — ташқарисида ва тошидин — диндан ташқари) охирги бўғиндаги қисқа унли бир хил талаффуз қилинади, яъни бу туюқлар сингармонизмга риоя қилиб ўқилса, қофия ҳосил бўлмайди. К. К. Юдахин ана шу ҳодисага асосланиб, XIV—XIX асрларда яшаган шоирларнинг тили олтида унли мавжуд бўлган сингармонизмсиз шаҳар шеваларига тўғри келади, деган холосага келади.<sup>1</sup>

Аммо давр ва географик жиҳатдан жуда узоқ бўлган икки шоирнинг, яъни XIV—XV асрларда Балх ва Ҳиротда яшаган Лутфий билан XIX асрда Кўқонда яшаган Амирийнинг тили бир-биридан фарқ қилганлиги, шу даврлар тилида товуш оҳангдошлигининг сақланганлиги бу фикрни тасдиқламайди.

Шуни айтиш керакки, ўзбек мумтоз шеъриятида қофиялар танлашда ҳамма вақт ҳам қофияланувчи сўзларнинг тўла фонологик ўхашлиги даражасига эришилмайди. Шунинг учун бир сўз ё бўғиннинг фонема таркибини билиш ва у орқали бошқа сўз ва бўғинларнинг фонема таркибини аниқлаш етарли эмас. Қофияда эшитилиши жиҳатидан ўхаш, талаффузи бошқа бошқа бўлган сўзларни қўллаш мумкинлиги ҳақида Навоийнинг ўзи аниқ маълумот берган. Навоий «Муҳокамат-ул лугатайн» асарида унли товушларнинг турлича талаффуз қилиниши ҳақида гапириб, ёйи маъруф — ёйи мажҳул, вови маъруф — вови мажҳул орқали ёзилиши бир хил, айтилиши ҳар хил сўзлардан бир қан-

<sup>1</sup> К. К. Юдахин. Материалы по вопросу о звуковом составе чигатайского языка. Сб. «Культура и письменность Востока», Кн. IV, Баку, 1929, стр. 62.

часини келтиради, уларга изоҳ беради. У туркий тилда бу ҳарфларнинг ҳар бири уч-тўрттадан муқобилга эга эканлигини кўрсатади: «... тўрки, домдур, яна тўрки андин дақиқроқдурки, қуш ўлтур йиғочдур ва тўрки, андин дақиқроқдур, уйнинг тўридур ва тўрки, барчадин ариқдур: тўрлуғни ё эшикни тўрмак уйдур»<sup>1</sup>.

Кўринадики Навоий товушларнинг қаттиқ-юмшоқлигига катта эътибор берган, қаттиқ ва юмшоқ у, у/o/ ||/o, у//у/, шунингдек, э, и, ы товушларини бир-биридан фарқлай олган. Юқоридаги сўзлар ва товушларнинг хусусиятини аниқлашда Навоий ўзи учун таянч тиль негизи бўлиб хизмат қилган ўзбек адабий тилига асосланади. А. К. Боровков Навоий тилининг унлилари ҳақида гапириб, унда (ўша давр ўзбек адабий тилида ҳам) қаттиқ ва юмшоқ қаторлар фарқланган саккизта унли (а, э, и, ы, о, ё, у, у) мавжуд бўлган деб кўрсатади. У Навоий тили унлилар таркиби жиҳатидан ўзбек тилининг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шеваларидан фарқ қилиб, Андижон, Кўқон типидаги Фарғона шеваларига яқинлашганлигини айтади.<sup>2</sup> Чунки бу шеваларда ў ва у товушларининг ҳар қайсиси қаттиқлик-юмшоқлик хусусиятига эга А. М. Щербак ҳам эски ўзбек адабий тилида 8 та фонема мавжудлигини қайд қиласди.<sup>3</sup> А. Рустамов, Э. И. Фозилов, Х. Дониёров ва бошқалар эса Навоий тилида<sup>4</sup>, демак XV аср ўзбек адабий тилида 9 та унли борлигини кўрсатадилар<sup>5</sup>.

Кўпгина тил фактлари бу даврларда ўзбек адабий тилида ярим кенг е (э) товушидан ташқари, олд қатор ва орқа қатор и, ы, у, у, ё, о, э, а унлилари, демак жами 8 унли фонема мавжуд эканлигини кўрсатади, а ва очик о (о) товушлари эса ҳали алоҳида фонема сифатида фарқланмас эди. Мехдиҳон «Санглоҳ»да қанда сўзига

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асалар, 14-жилд, Тошкент, 1967, 117-бет.

<sup>2</sup> А. К. Боровков. «Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка». «Алишер Навоий», М—Л., 1946, стр. 104—110.

<sup>3</sup> А. М. Щербак. Грамматика староузбекского языка, М—Л., 1962, стр. 66.

<sup>4—5</sup> А. Рустамов. Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои, АДД, Таш., 1966, стр. 6; Э. И. Фозилов. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили, Тош., 1969; Х. Дониёров. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалекти, Тош., 1976. 94-бет; У. Сакнулов. Исследование языка памятника XV в. «Муҳокамат-ул лутфатайн» Алишера Навои.

изоҳ бериб, Навоий асарларида у қаерда ва қонда (қон ичидан) маъноларида келганлигини кўрсатади:

Навоий қон ёши ичра ғарқу ёри май ичиб доим,  
Демишким, ризқ айлабдур, кўрунг мен қанда, ул  
қанда.

Шунингдек, **дағи** (дағи — тағин, яна ва доғи маънисида), **нари** (нарироқ ва ўт маъноларида) сўзларининг сўз ўйини — ийҳом санъатида қўлланиши ва айтитилиши ҳам очиқ О (Ӧ) унлиси ҳали алоҳида фонема даражасига кўтарилимаганлигини кўрсатади. Шунинг учун а фонемасининг варианти, бир кўриниши деб қараш мақсадга мувофиқ кўринади:

XIV—XVI асрлар ўзбек адабий тилида, демак Алишер Навоийда ҳам унлилар оҳангдошлигининг қаттиқ-юмшоқлик ва лаб оҳангдошлиги ҳодисаси сақланганлитини кўриш мумкин: **бардуқ** (бордуқ) — **кэлдук** (келдук), **йоға** (йўлға) — **козга** (кўзга); **тилим** — **кўзум** (кўзум), барым (борип) — кўруп (кўруб) каби. Шу билан бирга сингармонизм ҳодисасининг баъзи ҳолларда бузила бошланганлиги ҳам кўзга ташланади: **вафосизларға** — вафосизларга, **одамилиғ** — одамилик, келадурған — келадурған, **кўрдунгуз** — кўрдунгиз, **сўзунгуз** — сўзунгиз, — бўлдунгуз — бўлдунгиз каби.

Навоий тили учун хос ундошларнинг қўлланишида мустақил лаб-тиш товуши **Ф** ажралиб туради. Бу ундош аслида туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили учун хос товуш эмас. У ўзбек тилига форс-тожик тили орқали араб тилидан кириб келган. Навоий асарларида **Ф** фонемасининг қўлланиши, унинг **П** товушига ўтмаслиги ва **П** товуши ўрнида **Ф** ундошининг келиши кабилар ўзбек тилининг Самарқанд-Бухоро типидаги шеваларига яқинлашиб келишини кўрсатади: тупроқ>туфроқ, япроқ>яфроқ<sup>1</sup>.

Деди: ол ганжу куй ишқин ниҳони?

Деди: туфроқча берман кимёни.

Заиф танда ғамингдин юз эски бўлғон доғ,

Ҳар эски доғ бу шоҳ узра бир қуруқ яфроғ.

Шундай қилиб, Алишер Навоий адабий тили XIV—XV асрлардаги ўзбек адабий тилининг барча лексик, фонетик ва грамматик хусусиятларини тўла акс этти-

<sup>1</sup> Назар Ражабов. Навоий — олим ва мураббий. Самарқанд, 1971, 80-бет.

ради. У ўзбек шеваларига муносабати жиҳатидан бевосита қарлуқ-чигил-уйғур тил бирлиги билан узвий равишда боғлангандир.

НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АДАБИЙ ТИЛ ВА  
ЖОНЛИ СУЗЛАШУВ ТИЛИ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ  
АҚС ЭТИШИ

Навоий асарларининг тили бадиий адабиёт тилининг энг яхши намуналарига киради. Чунки у бадиий асарларининг жанри, мавзуи, мундарижаси, мақсади ва услуби талаблари асосида адабий тил доирасидан ташқарига ҳам чиқади. Айни замонда, унинг асарлари тилида адабий тилнинг ҳар икки кўриниши — оғзаки ва ёзма шакллари ўз ифодасини топган. Буни унинг кўпгина асарлари мисолида кўриш мумкин:

Кўзум чиқсан сени кўргунча мундоқ,  
Кесилсин тил сени сўргунча мундоқ.

(Фарҳод ва Ширин).

Кўксум ярасини сўкма мунча,  
Бағрим қонини тўкма мунча.

(Лайли ва Мажнун).

Сўзлашув адабий нутқи шаклининг яхши намунаси Фарҳод билан Хисрав мунозарасида ҳам очиқ кўринади:

Деди: қайдин сен, эй мажнунни гумроҳ?  
Деди: мажнун ватандин қайда огоҳ.  
Дедиким: ишқига кўнглунг ўрундор?  
Деди: кўнглумда жондек ёшурундор.

Навоий халқ жонли тилини чуқур билган, халқ оғзаки ижоди намуналарини, унинг тили ва услубини пухта ўрганган. Унинг халқ тили ифода воситаларига қизиқишининг кучайиши ҳар доим ўз халқини бадиий ижоднинг энг яхши асарлари билан баҳраманд қилиш ҳаракати қўшилиб кетган. Навоий жуда яхши тушунган ҳолда сўзлашув тилидан жуда ишончли, таъсирчан ва энг яшовчан унсурларни танлаб олади, уларни турли мавзулардаги асарларида, турлича матнларда, ҳар хил мақсадларда қўллайди. У халқ ҳаётининг ҳар хил хусусий томонларини тасвирлашда сўзлашув нутқидаги кундалик турмушга доир сўз ва иборалардан кенг фой-

даланади: тұрлуғ, қүйчи, ялак, ёғин, қароғ, чакин, үшоғ, аёқчи оқ үй, бўрк, сўроғ, соғинмоқ, улук, кўзанак, тўқум, ёқлиғ, қозчи, бўғузлағу каби. Навоий асарларида сўзлашув нутқига оид сўз ва ибораларнинг қўлланиши тарихий хусусиятга эга. У кўпинча халқ қўшиқлари, қисса ва ривоятларида, бошқа шоирларда кенг искеъмолда бўлган тил воситаларини қўллайди. Шу сабабли улар халқ оммаси учун тушунарли бўлган: қамуғ, осиғ, тобуғ, билик, тамуғ, тегру, ўтру, илик, ёвуқ, улус, ўкта осиғ каби.

Чу бир-бирларига ёвушти иков,  
Атову ўғулдек қучушти иков.

Навоий умумхалқ тилига хос тасвирий воситаларни адабий тилга киритиш билан бирга, ижтимоий нутқ усубларига доир турлича воситалар ва унсурлардан фойдаланишга ҳам жиддий эътибор беради. У дастлабки асарларида ноң ўзининг моҳир бадиий сўз устаси, халқ тилининг билимдони эканлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан айниқса, унинг ёшлигига Лутфий билан учрашуви ва у Навоийнинг бир ғазалини юксак даражада баҳолаши характерлиdir:

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

Навоий асарларида халқ тилига хос воситаларнинг бадиий тарзда қайта ишланиши алоҳида аҳамиятга эга. У турли шеваларга хос сўзларни деярлик ишлатмайди, асосий диққатини умумхалқ тили лугавий бирликларидан, унинг туганмас бойликларида тўғри ва санъаткорлик билан фойдаланишга қаратади.

Улуққа улуқча ато айласа,  
Кичикка кичикча сахо айласа.

Бу хусусият унинг халқ қўшиқлари, лапарларига яқин услубда ёзилган асарларида яна ҳам очиқроқ кўринади. Бу вақтда у халқ оғзаки ижодига хос сўзлар, шакллар, бадиий-тасвирий воситаларни моҳирлик билан қўллайди:

Бир неча гул барги қабо, яли-яли,  
Айлагали бизни адо, яли-яли,  
Тузмоқ учун савти наво, яли-яли,  
Жамъ бўлинг моҳи лиқо, яли-яли,  
Бўлди қизиқ базм саро, яли-яли.

Еки

Қайси чамандин эсіб келди сабо, ёр-ёр,  
Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр.

Шу асосда Навоий ўз асарларида ўзбек адабий тилинг оғзаки ва ёзма кўринишларига ҳамда сўзлашув тилига хос сўз ва иборалар, тасвирий воситаларни катта санъаткорлик билан қўллаган, улар асосида янги сўзлар, шакллар яратган, адабий тилни бойитган.

Шуни қайд қилиш керакки, албатта Навоий ўзининг бадиий асарларини турк-ўзбек халқи учун, унинг бу асарлардан баҳраманд бўлишини назарда тутиб, халқ тушунадиган содда тилда ёзишга ҳаракат қилган. Аммо буюк истеъдод эгаси бўлган Алишер Навоий ўзининг барча шеърий ва насрый асарларини содда услубда яратишни лозим кўрмади. У ўз асарлари орқали замонанинг жуда муҳим ижтимоий-сиёсий ва илмий-фалсафий масалаларини кўтариб чиқди. Шунинг учун у катта адабиёт учун «олий услугуб»да ёзишни муносиброқ деб ҳисоблар, ўз асарларида соддаликни ошириб юбормасликка ҳаракат қилас, шеъриятда бадиий услугуб соддалигини ҳаддан ошириб юборган шоирларни «кўп туркон» айтур эрди», деб танқид қилас эди.<sup>1</sup> Навоийнинг ижодий, ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолиятида, унинг барча асарларида китобий тил воситалари — нутқнинг нағислиги ва жозибадорлигини таъминловчи ажойиб ўхшатищлар, муболағалар, образли иборалар, бадиий кучайтирувларнинг қенг қўлланиши ана шу услугуб меъёрлари билан боғланган эди. Юқори бадиий услугуда асар ёзиш эҳтиёжи, ўз навбатида, бошқа тиллар унсурларини, айниқса арабча, форсча-тожикча шаклларни, сўз ва ибораларни кенг қўллаш зарурлигини ҳам тақозо этарди. Шу асосда у ўз асарларининг тилини анча мураккабластиради. Масалан, «Садди Искандарий» достонининг XIX бобида Искандарнинг тож-тахтдан воз қечиши, халқ илтимоси билан подшоҳликни қабул қилиши шундай байён қилинади: «Искандарнинг салтанат тожидин саркашлик қилиб, хилофат тахтидин аёқ тортқони ва Рум аҳли бошларин аёғига қўюб, унинг мақдамидин тахт поясин баланд қилиб, тож қадрин аржуманд қилғанлари ва аниңг адли айнининг қуёши била зулм шомининг хуффошин кўр этиб, жаҳонни ёрутқони ва зулм аҳлининг зулматдек олам юзидин қироқ тутқони».

Қўринадики, луғатларсиз, ва маълум тайёргарлик-

<sup>1</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, 1980, 390-бет.

сиз «юқори услуб»да битилган бу парчанинг мазмунини тушуниш анча қийин. «Юқори услуб» асосида яратиш эса ўша даврларда ёзувчиликнинг яхши фазилати ҳисобланган. Шунга кўра Навоий ҳам ўзининг барча настрий ва шеърий асарларини ана шу услугда яратган.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АДАБИЙ ТИЛ УСЛУБЛАРИ

Алишер Навоининг ўзбек адабий тилини ривожлантириш соҳасидаги буюк хизматларидан бири адабий тил услубларини ишлаб чиқиши ва тартибга қелтиришидир. У халқ тилининг битмас-туганмас бойликлари, имкониятларидан кенг фойдаланиш асосида ўз даври ўзбек адабий тилининг турли услубларини ишлаб чиқди. Навоий ўзининг бу соҳадаги ишини бутун ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва ижодий-илмий фаолияти давомида олиб борди.

Алишер Навоий дастлаб ўзбек тилининг адабий-бадиий услубини тўлиқ шакллантириди ва ривожлантириди. Ўзбек адабиётида ўзбек адабий тилида назм ва настрий услугба хос ажойиб дурдоналар яратди. У дастлаб лирик асарлар ёзди. Унинг «Хазойин-ул маоний» асарига ғазал, мухаммас, рубоий, қитъа, фард, қасида сингари лирик турнинг ўн олти хил жанрида битилган шеърлар киритилган. Жанрларнинг ўзига хос услуг меъёрлари, тузилиши ва шакллари белгиланган юксак бадиий бу асарларни ўзбек тилида ёзиш орқали Навоий она тилининг туганмас хазинасини, катта имкониятларини, хилма-хил тасвирий воситаларга бой эканлигини кўрсатиб берди. У ўзининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва ахлоқий-таълимий қарашларини сермазмун мисраларда ифода этди, айни замонда ўзбек адабиётида бу жанрларни яна ҳам ривожлантириди. Алишер Навоий китобий, адабий услуг билан бирга умумхалқ жонли сўзлашув тилига хос бетараф услугба оид сўз ва иборалардан ҳам моҳирлик билан фойдаланиш орқали ички руҳий кечинмаларни, нозик ҳис-туйғуларни ифода этувчи бадиий юксак, содда, равон мисралар битади ва адабий тилнинг бадиий-тасвирий воситаларини яна ҳам кенгайтиради:

Фироқ иситмаси андоқ танимдин ўт чиқарур,  
Ки, гар табиб илигим тутса, бармоғи қабарур.

Навоий бадиий тасвирининг турлича йўллари ва услубларидан санъаткорона фойдаланади. Ухшатиш, сифат-

лаш, муболага, зидлаш, инкор этиш каби бадий воситалар, поэтик луғавий бирликларни усталик билан қўллаш асосида адабий-бадий услубнинг эстетик вазифасини, унинг образлилигини, бадийлиги ва таъсирчанлигини таъминлайди. Жумладан, инкор этиш ёки инкорни инкор этиш усули воситасида ошиқнинг ёрдан айрилишини кўнгилдан, балки жондан айрилиш билан қиёслайди:

Менмудур менким, кўнгулдин айрумен, жондин  
дағи,

Оллоҳ-оллоҳ, не кўнгул, не жонки, жонондин дағи.

У ўз асарларида халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенг фойдаланади. Халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлар, халқ таъбирлари ва ибораларини ижодий тарзда қўллайди, ўзи ҳам жуда кўп ҳикматли сўзлар, қўйма иборалар яратади:

Ишқинг ўтинки ёшурдум эл аро ёйди рақиб,  
Ким иситмани ниҳон тутса, қилур марг аён.

Навоий бадий-лексик воситалардан ташқари; фонетик ва грамматик услубий воситалардан ҳам кенг фойдаланади. Кўмакчи ва юкламалар, турли аффикслар (кўплек аффикси, келишик ва шахс-сон аффикси кабилар)ни қўллаш асосида янги-янги услубий шакллар яратади. Масалан, феъл шаклларидан кейин биргина **-ло** юкламасини келтириш орқали сўроқ-таажжуб, ажаблашиб, афсусланиш, енгил шикоят сингари ҳис-туйғуларни баён этади:

Ошно ёрим яна бегоналиқ фан қилдило:

Вафо ваъда айлаб жафо айладингло!

Жафо ваъдасига вафо айладингло.

Кўплек қўшимчаси **-лар** воситасидан ноаниқ кўплекдан ташқари, ҳурмат, кучайтириш, таъкид, муболага, ноаниқлик, ҳурматсизлик каби маъноларни ифодалашда ҳам Алишер Навоий асарларида маълум грамматик шаклнинг турлича услубий мақсадлар учун ишлатилганлигини кўриш мумкин:

Эрур маҳзун кўнгуллар зулмати зулфида зор  
андоқ,

Ки, шоми ҳажрида ишқ аҳлидин ҳар сори  
ғамгинлар.

Бу каби лексик ва грамматик услубий воситалар Навоийнинг «Хамса», «Лисон-ут тайр» асарларида ҳам

кatta санъаткорлик билан қўлланган. Шоир «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» ва бошқа достонларининг ҳар бирида ўзига хос адабий-бадиий услублар ишлатди, баён этилаётган воқеа-ҳодисаларнинг хусусиятига мос равишда тасвирий шаклларни юзага келтирди. Сўзлашув нутқи унсурлари ҳам сингдирилган ҳолда адабий-бадиий тилга хос «олий услугуб»-нинг энг яхши намуналарини яратди.

Дедиким: шаҳфа бўлма ширкат андеш!

Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!..

Еки:

Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,

Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

Алишер Навоий ўзининг прозаик асарларида бадиий тилнинг «юқори услугуб» шакли, китобий адабий тил услубини яна ҳам такомиллашибди, насрый тилга хос янги шакллар, грамматик воситалар яратади. У лексик воситалар ва имкониятлар билан бирга, грамматик услубий воситалардан кенг ва усталик билан фойдаланган. Жумладан, гап таркибида услублараро ёки бетараф услубга хос сўз ва ибораларни қўллаш, боғланишли ва эргаш сўзли бирикувларни бирга қўшиб ишлатиш асосида гап мазмунини кўчайтиради, бадиийликни оширади: «Аларнинг камолоти овозасини эшишиб, йироқ йўллар қатъ қилиб, муборак сұхбатларига мушарраф бўлурға келганлар аларни асҳоб аросида ғояти бетаайюнликдин мутлақо танимаслар эдиким, ўлтурур-қўпорда ва айтмоқ ва эшиитмоқ ва емоқ ва киймоқда ўзлари била сойир мулозимлари аросида тафовут йўқ эрди» («Хамсатул мутахайирин»).

Шу асарнинг ўзида воқеа-ҳодисаларнинг хусусиятига қараб баён тарзининг мураккаблашиб борганини кўриш мумкин. Бу вақтда турлича оборотлар, фикрни изоҳловчи киритма сўз, бирикма ва гаплар, кучайтирув ва таъкид сўзлари келтирилади: «Мирсарабарахнаким, замон аҳлининг мутаайийин хуш табъ ва зарифи эрди, фақирни мухотаб қилиб, бу байтга эттироz қилдиким: «агарчи сен бу байтда изҳори касри нафс қилибсен ва ўзунгни итга нисбат берисен, аммо абнойц жинсга дағи ушбу нисбат воқе бўлубтур...»

Кўринадики, Алишер Навоий ўзбек адабий тилида адабий-бадиий баён услубини юксак даражада ривож-

лантирди, ҳам назм, ҳам насрнинг ўзига хос услуб шаклларини яратди. Сўзлашув нутқи материаллари ва «юқори услуб»га хос баён тарзи асосида юксак бадиий қимматга эга бўлган, жаҳон адабиётининг ажойиб дурдоналари ҳисобланган шоҳ асарлар ижод қилди. Ўзбек адабий тилини бадиият ва камолот осмонига кўтарди, латофат ва балоғат гавҳарлари билан безади.

Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили услублари соҳасидаги буюк ҳизматларидан бири маҳсус иш юритиш ва расмий ҳужжатлар услубини, нома-мактублар услубини ҳамда илмий баён услубини ишлаб чиқиши ва тартибга келтириши ҳисобланади. Маълумки, XIV—XV асрларда маҳаллий туркий аҳолининг нуфузи жуда кўпайиб кетади, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий мавқега эга бўлади. Бу ҳодисани Алишер Навоий ҳам қайд қиласди.

Невчунки бу кун жаҳонда атрок  
Кўптур хуштабъу софи идрок.

Ана шуни назарда тутган ҳолда Навоий подшоҳлик девонхоналари машваратларида, айниқса Ҳусайн Бойкарога, бошқа шоҳзодалар, ҳоким ва бекларга маслаҳат, илтимом ва насиҳат тариқасида ёзган нома ва мактубларида туркий-ўзбек тилини тарғиб қиласди. Подшоҳлик ва аҳоли манфаатларига алоқадор фармон ва бўйруқларни кенг ҳалқ оммасига тезроқ етказиш мақсадида маҳсус иш юритиш ва расмий ҳужжатларни анъанавий форс-тоҷик тили билан бир қаторда туркий тилда ҳам олиб бориш зарурлигини кўрсатади ва буни амалга оширади. Навоий ҳар хил мактублар, ҳужжатлар, ҳукм ва фармонларнинг ҳалқ тушунадиган тилда содда, равон ёзилишини қайд қилиб: «...ҳар турлук арзадоштким, юқори битилса, «нахс ва таълиқ» хати била андоқ хоно (тез ўқиладиган) битилсаным, ўкурда ўқув кишига ташвиш етмаса, «туркча» хат (уйғур ёзуви) била худ асло битилмасаки, бу бобда қавле дағи бордур»<sup>1</sup> деб кўрсатади. Кўринадики, бу даврларда ҳукумат маҳкамаларида, девонхоналарда туркий тилда маҳсус иш юритиш ва расмий ҳужжатлар услуби анча тартибга келтирилган эди.

Алишер Навоий шоҳга йўллаган мактубларидан бирда салтанат ва эл-улус манфаатларини кўзлаб, под-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Муншоат. Асарлар, 13- жилд, 132- бет.

шоҳ бошлиқ барча вазири амирлар эрталабдан девонда додхоҳлик билан шуғуланиши, элга зулм қилувчилар сиёсатга тортилиши лозим дейди. Қабулхона ташкил қилиниб, аркони давлатнинг мулк ва мол иши билан шуғуланиши, белгиланган бир кунда девон бекларининг халқ арз-додини эшитиши, кичкина бир ишдан ҳам катта музд — ҳақ олмасликлари зарур. Буюрилган ҳар бир ишнинг бажарилиши қатъий назорат қилиниши, маҳсус котиб девонда юз берадиган барча воқеалар, ҳукм ва ижроларнинг муддатини қайд қилиб бориши лозим. Муҳрдор ва муňшилар тамагирлик қилиб, мусулмонларнинг аризаларини кейинга сурмасликлари керак. Юқоридан келган барча ҳукмлар пайсалга солинмай бажарилиши, закотчиларнинг иши муңтазам текшириб турилиши зарур, бошқа жойлардан келадиган элчилар ва савдогарларга яхши, дўстона муносабатлар кўрсатилиши лозим. Навоий мамлакат ва халқ ҳаётининг турлі соҳаларига доир иш ҳужжатларининг, фармон ва ҳукмларнинг қисқа, аниқ ва содда, халқ осонлик билан тушина оладиган бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Шуни эслатиш керакки, Алишер Навоий амирлик, вазирлик ва ҳокимлик каби лавозимларда хизмат қилган даврларда ва умуман ўзининг бутун ижтимоий-сиёсий фаолияти давомида юқорида кўрсатилган талаб ва қоидаларга амал қилди, ҳар вақт мамлакат тинчлиги ва эл-улус осойишталигини ҳимоя қилди, бошқаларни ҳам шунга даъват қилди.

Навоийнинг кўрсатишича, туркий-ўзбек тилидаги нома-мактублар услуби барча талабларга жавоб бера оладиган даражада эмас эди: «...атроф иншосида ва бу аҳли идрок баён ва адосидаким, бирорвон бирорвон руқъя (хат) ёзрай...— алфоз латофатдин муарро (холи) ва тарокиби (таркиби) балофатдин мубарро (бўш) эрди ва адоси рангни фиқаротдин (фақеълик — сермаънолик) намойишсиз ва мазмунни рангин абётдин аройишсиз ва муқобалада (қиёслаш) форсий алфознинг иншолари дилписанд ва макотиб (мактублар) ва имлолари аржуманд эрди. Хаёлға андоқ келдиким, турк алфозининг дағи рукъалари ҳамул мисол била битилгай ва бу тилнинг номаларин ҳам ўшул минвол (услуб) билан сабт этилгай<sup>1</sup>. Шу сабабли Навоий турк-ўзбек тилидаги нома-мактуб услубини ривожлантиришга, бу тилда ҳам

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Муншаот. Асарлар, 13- жилд, 87- бет.

форс-тожик тилидан қолишмайдиган даражада сермаз-мун, рангин хат ва иншолар битиш мумкин эканлигини исботлашга ҳаракат қилди, ўзи нома, мактубларнинг барча учун аржуманд бўлган энг яхши намуналарини яратди. Навоий ўз хат ва номаларининг қисқа ва мазмунли бўлишига, сўз бирикмаси ва гапларнинг содда, равон, тушунарли бўлишига алоҳида эътибор беради. Бу мактубларда кўтарилик, образлилик, бадиийлик каби хусусиятларга эга бўлган «юқори» китобий услугуб билан бирга сўзлашув нутқига хос шакллар, ибора ва бирикмалардан кенг фойдаланган: «Қуллуқ арзадошт улким, гарибнавозлигеким, бу афтодага мұғжиби сарфарозлиғ эрди, бандапарварлигеким, бу шикастаға дилнавозлиғ берди, етишди» (Муншаот). «Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноят нишони келди, иноят сўзлари маълум бўлди» (Муншаот).

Навоий хат ва мактубларида китобий услугуга хос ўхшатиш ва сифатлашлар, муболаға ва истиора, бадиий мувозийликлар, шунингдек киритма иборалар, бирикма ва гаплар кўп қўлланган: *Қуллуқ дуодин арзадошт улким, иноят нишониким, тўғроси учун қуёш олтунини фалак садафида ҳал қилиб эрди ва меҳри учун муштари юзига ҳумоюн алқаб ёзилиб эрди — етишди*.

Мактуб ва номаларнинг кимларга ёзилганлиги билан боғлиқ радиошда улардаги фикрни баён қилиш услуби ҳам ҳар хил бўлади. Жумладан, шоҳга, шаҳзодаларга ва юқори амалдорларга ёзилган мактубларда фикр ва мулоҳазалар ҳурмат ва эътибор қоидалари асосида маслаҳат ва илтимос тарзида баён қилинди. Бу вақтда гапнинг кесими кўпинча феълнинг шарт майли шаклида ёки буйруқ-истак майли шакли билан берилади, унинг бажарилиши асосида келиб чиқадиган натижа, хуносаса эса -ғай аффиксли келаси замон шакли билан ифодаланади: «Яна улким, алассабоҳ ҳарамдин чиққач, дөвонда ўлтуруб, дудхоҳ сўрулса, даги доддоҳ сўрарда ўзлук била машғуллуқ қилилса, агар бир мазлумға бирордин зулме ўтган бўлса, золимға андоқ сиёsat қилилсаним, ўзга золимларга мұғжиби интибоҳ бўлса...». Мана бу эса шаҳзода Бадиuzzамонга ҳам насиҳат-ўгит, ҳам маслаҳат, илтимос тариқасида битилган номанинг энг яхши намунаси: «...бир нишонингизни келтурдилар, туғросида Мирзо отини битмайдурсиз. Сиздек оқил, хуштабъ мусулмонваш йигитдан мундок нималар раво бўлғаймү? Агар бу нишонни билиб битибсиз, не ҳисоб била бўлуб-

*тур, агар мунши ёғайр саҳв қилибдур, нечук ҳар нишонни ўзунгиз кўрмай бир ерга юборилғай?»*

Навоий ўз мактуб ва иншоларини кўпинча бир ру боий билан бошлайди ёки хулосавий рубоий билан тугатади. Кўпгина номалар «Давлат бардавом ва саодат мустадом бўлсун», «қуллуқ арзадошт битилди», «Икки дунё давлати мусассар бўлсун, омин!», «Қуллуқ дуо била арзадошт битилди» каби хайрли дуо-олқишилар, эзғу орзу-истаклар билан якунланади.

Шундай қилиб Алишер Навоий ўзбек адабий тилида мактуб ва нома услубини тўла шакллантириш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. «Муншашт» асарида хат ва номаларнинг мумтоз намуналарини яратди. Бу нома ва мактубларда олий услугга хос дабдабалилик, образлилик асосида баён қилиш, турлича киритма оборотларни келтириш орқали уларнинг тили маълум даражада мураккаблаштирилган. Шу билан бирга, халқ сўзлашув тилига хос шаклларни, сўз ва бирикмаларни моҳирона қўллаш асосида уларда услубий равонлик, соддаликни ҳам таъминлади, шу асосда ўзбек адабий тилини яна ҳам бойитади, унинг тасвирий ифода воситаларини кенгайтиради.

Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг илмий баён услубини шакллантириди ва тараққий эттириди. У буюк олим ва мутафаккир, улуғ луғатшунос ва атамашунос сифатида адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, фалсафа каби қатор фанларга доир илмий атамаларни, илмий тафаккурга хос фикрни баён этиш услубини ишлаб чиқди.

Навоий барча илмий асарларида фикр баён қилиш тарзининг содда, равон бўлишига, мулоҳазаларнинг қисқа, аниқ бўлишига катта эътибор беради: *Шеъри шуҳрат тутти ва масал тарийқин бағоят яхши айтти.* (Мажолис-ун нафоис, 72). *Маснавийси пухта ва ғазаллари равон эрди.* (46). Бирни «туюғ» дурким, иккни байтқа мұқаррапардур. (Мезон-ул авзоң, 179). *Турк бу таърифни бу наев адo қилибдур* (Муҳокамат-ул луғатайн, 112).

Илмий баён услубига хос гап қурилиши масаласи ҳам ҳамма вақт Навоийнинг диққат марказида турган. У гапларнинг содда, мазмунли, тушунарли бўлиши билан бирга уларда баён қилинган фикрларнинг мантиқий боғлиқлигига катта эътибор беради, бунда турлича боғловчи ва ёрдамчи сўзлардан моҳирона фойдаланади: *Шеър ва муаммо иниш ва хатда асридаги бу фан*

аҳли мусаллам тутар эрди. (Мажолис-ун нафоис, 19). Бу икки байткі, тоғниси томдур, ҳам түрк шуароси хоссасидурки, сөртдә йўқтур ва муни туюғ дерлар (Мұҳоммат-ул луғатайын, 113). Аммо мұлоҳаза юритилған ма-салалар юзасидан умумий хулосалар баён этилғанда, Навоий яна «юқори услугб» йўлидан боради, ҳар хил изоҳловчи сўз ва иборалар, мураккаб синтактик бирликлар ва шакллар қўллаш асосида баён тили ва услубини мураккаблаштиради: *Секкизинчи мажлис Султони соҳибқирон мажлисидурки, ани андоқки, ҳақидур, баён қиммоқ мумкин эрмас ва ул даъвога ақлким, мунсиғ ҳакамдур, рухсат бермас* (Мажолис-ун нафоис, 207).

Навоий ўзининг тарихшунослик, фалсафа, ҳуқуқшунослик, таълим-тарбия, дидактика га доир қатор асарларида шу фанларнинг ўзига хос илмий-услубий шакллари, тасвирий-баён усулларини яратади, уларни моҳирлик билан қўллайди. Жумладан, умумтариҳий воқеалар баенида ўзи яхши билган воқеа-ҳодисаларнинг тўғрилиги, аниқлигига тўла ишонган бўлса, фикрлар аниқ услубий шакллар орқали берилган, унинг ифодаси бўлган гап фаол қурилишلى бўлиб, кесими феъльнинг ўтган замон аниқ, ҳикоя ва давом шаклларида келади: *«Мавлоно Шарағифиддин Яздий ... донишманд ва соҳибкамол киши эрди, ... ўз замони салотини қошида мукаррам эрди».* (15- жилд, 165-б)

Ўзи жуда аниқ бўлмаган, маълум манбалар асосида аниқланган воқеа-ҳодисалар эса умумий ноаниқ тарзда баён қилинади. Бу вақтда «дерлар», «айтибдурлар», «хабар берурлар» сингари кириш сўз ва бирикмалар ишлатилади. Гапнинг кесими эса феъльнинг ўтган замон эшитилғанлик шакли билан ифодаланади: *Абдуллоҳ Муборак — ани уламонинг шаҳаншоҳи дер эмишлар. Вужуд шужоатида замонасинйнг ягонаси эрмииш* (15-жилд, 75- бет). *Тасаввуфда дерларки, Хожа Сайиниддин түрк шогирдидур* (15- жилд, 165- бет).

Навоий тасаввуф фалсафасига доир фикрларини, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид қарашларини жуда бой ҳаётий тажрибалари ва кузатишларининг, турмуш воқеаларининг чуқур таҳлили ва умумлашмаси асосида яратилған чуқур мазмунли содда ва тушунарли, ғоят ибратли ва таъсири байтлар, жумлалар орқали ифодалайди. Бу байтлар, тўртликларнинг кўпі ҳикматли сўзлар даражасидаги умумлашмалар, одоб-ахлоқ ҳақидаги хулосалардан иборат:

Оналарнинг оёғи остидадур  
Равзай жаннату жинон боғи.  
Равза боғин висолин истар эсанг,  
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

(15- жилд, 61- бет)

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар.

(15- жилд, 58- бет)

Алишер Навоий ўзининг кўпгина асарларида турли соҳаларга доир луғавий услугуб шаклларини ривожлантиради. Масалан, «Ҳамсат-ул мутаҳайирин «Ҳолоти Сайд Ҳасан Ардашер». «Ҳолоти Паҳлавон Мұҳаммад каби бадиий очерк хусусиятига эга бўлган биографикбадиий асарларида ўзбек адабий тилининг ўз даврига хос ижтимоий-публицистик услубини ривожлантиради. Бу асарларда буюк тожик шоири ва мутафаккири Жомий, шоир ва маърифатпарварлар Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Мұҳаммаднинг ҳаёти ва фаолиятига оид ибратли ва қизиқарли воқеалар, фактларни баён қилиш асосида инсонийлик, дўстлик, эл-улус манфаатини кўзлаш, маърифатпарварлик каби ўз қарашларини ҳам акс эттиради.

«Мұҳокамат-ул луғатайн», «Маҳбуб-ул қулуб», «Мезон-ул авзон», «Вақфия», «Насоим-ул муҳаббат» каби қатор асарларида Навоий ўзбек тилида касб-ҳунар, мутахассисликка доир кўплаб сўз ва атамаларни келтиради, улардан турлича услубий мақсадларда фойдаланади ва касб-ҳунар услубини ривожлантиради.

Шундай қилиб, Навоий бутун ҳаёти давомида ўзининг адабий, ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолияти билан ўз халқига хизмат қилди, ўз халқи маданияти ва адабиётини юксак даражада ривожлантириди, ўзбек адабий тилини янги тараққиёт босқичига кўтарди, уни хилмажил янги луғавий бирликлар ва грамматик шакллар билан бойитди. Ўзбек адабий тилининг ижтимоий нутқи услуби, адабий-бадиий, илмий баён, ижтимоий-публицистик, расмий ҳужжатлар ва нома-мактублар сингари услубларини ишлаб чиқди, ривожлантириди, янги услубий шакллар билан бойитди.

### НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Алишер Навоийнинг барча асарлари ўзбек адабий тилига, айниқса бадиий адабиёт тилига əсос солувчи

аҳамиятга эга бўлди. Унинг шеърий ва насрый ижодида ўзбек тилининг бутун бойлиги ва қудрати, жуда катта имкониятлари, хилма-хил ихчам грамматик шакллари ва адабий-бадиий воситалари ўзининг тўла ва аниқ ифодасини топди. Шуни айтиш керакки, шеърий асарларнинг тили билан насрый асарларнинг тили тўла равишда бир-бирига ўхшаш бўлмайди. Шунга кўра уларнинг ҳар бирини алоҳида баён қилиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Навоий ўзининг барча асарларида фикрнинг, тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар баёнининг аниқлигига, тўғрилиги ва қисқалигига катта эътибор беради:

Киши чинда сўз деса зебодуур,  
Неча муҳтасар бўлса аълодуур.

Одатда шеърият тили ўзининг бадиий безалғанлиги билан, маҳсус бадиий бўёқлар ва бадиий, луғавий бирликларнинг кенг қўлланиши билан ажralиб туради. Бу хусусият Навоийнинг лирикасида ҳам, эпик асарларида ҳам бирдай кўзга ташланиб туради. Навоий дастлаб асосий диққатни асарнинг бадиийлигига, мазмун билан шаклнинг мутаносиблигига, ифоданинг кучлилиги ва тасвирнинг аниқлигига қаратади. Бунинг учун у тилнинг барча тасвирий-бадиий воситаларидан кенг фойдаланади ва шу орқали кучли таъсирчанликка, ифодалиликка эришади, ҳаяжонлилик ва жонлиликни таъминлайди.

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин!?  
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин!?

Навоий ҳар бир ғазалнинг, рубоий, қитъя ва туюқнинг юксак адабиёт асари бўлиши учун жуда катта куч сарф қиласди, умумхалқ тили бойликларини моҳирлик билан ишлатиш орқали мураккаб фалсафий мушоҳадаларни, нозик фикрлар, ҳис-туйғуларни, кишининг турлича руҳий ҳолатини акс эттиради, шулар асосида чуқур мантиқий холосадар чиқаради:

Фурқат ичра шарбати лаълинг висоли кам бўлур,  
Гарчи дерлар: талх дарёда чучук сув ҳам бўлур.

У юқори бадиий услуб тлабларига мос равища ажойиб ўхшатиш ва сифатлашлар, истиора ва мажозлар, муболага ва киноялар яратади. Бундай бадиий тил воситалари эса унинг асарларида юксак бадиийликни, шаклнинг мазмунга мувофиқлигини таъминлайди, ба-

дий тасвирни кучайтиради, тил ва услубнинг содда, аниқ, равон бўлишига хизмат қиласди.

### Мисоллар:

#### Ухшатиш:

Кўзунг сарфитнайи олам тушуптур,  
Қошимгдек бир янги ой кам тушуптур.

#### Сифатлаш:

Телба кўнглум пўясига анбарин бандинг илож,  
Хаста жоним заъфига лаъли шакархандинг илож.

#### Истиора:

Ул қўёшим, кўнглум ичра ҳажрининг озоридур,  
Жоним олса ҳам, кўнгул жон бирла міннатдоридур.

#### Муболага:

Фироқ иситмаси андоқ танимдин ўт чиқарур,  
Ки, гár табиб илигим тутса, бармоғи қабарур.

Навоий ўзбек тили луғатидаги оддий, бетараф луғавий бирликларни ва оҳанг воситаларини шу қадар усталик билан қўллайдики, бунинг натижасида чиройли ухшатиш, сифатлаш ва истиораларсиз ҳам нозик ҳистийғуларни, кечинмаларни аниқ, равшан ғодалайди, сўроқ-киноя, сўроқ-таажжуб, сўроқ-тасдиқ каби воситалар орқали кучли, бадиий ўйноқи мисралар, байтлар тузади, янги-янги сўз ўйинлари, бадиий тил воситалари яратади, адабий-бадиий тилнинг қудратини намойиш этади:

Сарв узра гул бутмаса, қад узра рухсори недур?  
Жон агар ширин эмас — лаъли шакарбори недур?  
Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Навоий ўз асарларида шеърият тилини халқ тилига, адабий тилга яқинлаштиришга ҳаракат қиласди. Ўзигача яратилган адабиёт, адабий анъаналардан, халқ оғзаки ижодиёти намуналаридан ижодий тарзда кенг фойдаланади, халқ қўшиқлари сингари содда, тушунарли, равон, мусиқий ғазаллар яратади. Эски туркий тилга хос сўз ва иборалардан ҳам кенг фойдаланади.

Лико мумкин эса учмоқ тамуғдин қочмаким,  
бўлмас,  
Кишига ҳеч мақсаде мұяссар чекмайин эмгак.

У халқ ижодиёти асарларига хос бадий-тасвирий тил воситаларига, халқ таъбирлари, мақол ва ҳикматли сўзларига катта эътибор беради, улардан фойдаланиш асосида ўз ғазалларининг бадийлигини, тасвири, ифода кучини оширади, мазмунини кучайтиради, пурмаъно умумлашмалар, хулосалар чиқаради:

Эй, Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

Юз очиб, билдириди қад бирла сочи тёнг эрканин,  
**Зоҳир улғондек туну кун тенглиги наврӯздин.**

Фурқат ичра шарбати лаълинг висоли кам бўлур,  
Гарчи дерлар: талх дарёда чучук сув ҳам бўлур,

Тўқуб май муҳтасиб, мен йиғладим, лекин ул ус-  
рукка  
**Сув келтурмак ҳамону кўза синдумроқ ҳамон эр-  
миш.**

Навоий ўзининг ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий қарашларини, бой ҳаётий тажрибаларини умумлаштириш уларга якун ясаш асосида яратган «Маҳбуб-ул қулуб» асарида ахлоқ-одоб, фан ва маданиятниг ривожланиши, халқнинг осойишталиги ва баҳт-саодати масалаларига доир ўз ақидаларини, мулоҳазаларини баён қиласи, халқ мақоллари негизида ўз ҳаётий тажрибаларининг умумлашмаси сифатида жуда кўп мақоллар ва ҳикматли сўзлар яратади: «Чин сўз мўтабар, яхши сўз муҳтасар», «Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз», «Тилига иқтидорли-ҳакими хирадманд», «Қиймати оз-хурмати оз», «Хуб йиртиқ тўн била ҳам хуб, гул ямоғлиқ чапони била маҳбуб», «Яхшидин ёмонлар ҳам ёмонлиғ кўз тутмас», «Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиғи сўз била», «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзиға зодим», «Оз-оз ўрганиб доно бўлур; қатрақатра йиғилиб дарё бўлур», «Оз деган оз янглишур, оз еган оз йиқилур», «Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт» ва бошқалар. Бу ҳикматли сўзларнинг кўпчилиги халқ мақолларига айланаб кетган.

Навоий шеърият тили билан бирга ўз насрый асарларининг тилига ҳам катта эътибор беради, кўпинча содда гапларни қўллайди, насрли фикрни содда, аниқ, тушунарли баён этишга ҳаракат қиласи. Бунинг учун у кўпинча қисқа-қисқа, содда гаплардан фойдаланади:

Алар мавлоно Соғарий била кўп мутояба қилурлар эрди. У доғи Самарқанд сүфидиндур. Абубакр Барак шогирдидур. Анга отасидин йигирма минг дирам месрос қолди.

Шеъриятда бўлганидек, насрда ҳам Навоий фикрни аниқ, равон, ифодали баён этиш мақсадида ҳар хил кучайтирувчи сўз ва бирикмаларни, таъкидовчи киритма сўз ва ибораларни кўп қўллайди, воқеа-ҳодисаларни бир-бирига қиёслаш учун чиройли ўхшатишлар яратади: **Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур, балки улар шажарнинг муфид самариidor.** Эҳсон сифати саодати абад бил, фитна ва оғат яъжуки дафъига садд бил. Тил ва кўнгул хуброқ аъзодурлар инсонда; савсан ва ғулча марғуброқ раёҳиндур бўстонда.

Навоий насрый асарларида ҳам кўп ҳолларда сўзларнинг қоғияланиб келишига катта аҳамият беради, яъни насрда назм яратади. Бу билан тасвирида бадиийликни кучайтиради, баён қилиш, ифодалаш кучини оширади, услугуб равонлигини таъминлади: ҳар кимки, сўзи ёлғон, ёлғони зоҳир бўлғон ўёлғон, Хўп йириқ тўн била ҳам хўб, гул ямоғлиқ чапони била маҳбуб. Кўп дегувчи, кўп егувчи — тамуғ тўриға ошуқуб кетгувчи. **Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур ва ҳаёт шабистонининг наҳори. Инсоннинг зебу раънолиги андин ва башарнинг тобу тавонолиги андин.**

Шуни эслатиш керакки, Навоийнинг насрый асарларида ҳам юқори услугуб учун хос бўлган мураккаб синтактик бирликлар — турлича таркибли қўшма гаплар, изоҳловчили оборотлар, ҳар хил муболаға, сифатлаш ва ўхшатишлар орқали бадиий таъсир кучи оширилган сўз бирикмалари ва гаплар жуда кўп учрайди. Бу хилдаги синтактик бирликлар Навоий асарлари тилининг бўёқдорлигини, бадиийлигини оширади, тасвирий-бадиий тил воситаларидан турлича услубий мақсадларда кенг фойдаланганлигини кўрсатади: **Сайди Фиёским, ул боғнинг таъмири ва боғбонлиги анга мутаайийин эрди, йўлда йўлуқтиkim, арабаларға улуғроқ сарф йиғочларин боғлардин сотун олиб, кўнғариб юклиб, «Жаҳоноро» боғига элтадур эрди. Алар дер эрдиларким, дунё жоҳининг маастлиғи чоғир маастлиғига ўхшамаским, чоғир маастлиғи йўған кунидур, аммо жоҳ маастлиғи агар соҳиб жоҳ йиллар жоҳ устидадурким, маастдур, анинг маҳмурлиғи жоҳдин маъзул бўлғонидадур.**

Навоий баён қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг хусусиятига қараб турлича услубий, грамматик шакларни қўллайди. Жумладан, бирор воқеанинг бўлган бўлмаганлигига ўзи гувоҳ бўлса ёки муайян далиллар орқали тўла аниқланган бўлса, ўтган замон аниқ феъл кесимли ёки от кесимли қатъий тасдиқ гаплар орқали берилади: —хуш сухбат ва ширин қалом киши эрди ва қироат илмин яхши билур эрди. Турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлубтур, аммо шуҳрат тутмабдур. Бу фақир борасига кўп илтифоти бор эрди ва фотихалар ўқур эрди. Самарқанд акобиридиндур.

Воқеа-ҳодисаларнинг амалда бўлганлиги муаллиф учун ноаниқ бўлса, айrim манбалардан олинган фактлар, далилларни ифодалашда баён услуби ҳам шунга мос равишда гумон-ноаниқлик ва эшитилганлик шакллари билан берилади: Сайд Носир Хисрав — Бадахшон Кўҳистонида бўлар эрмиш. Бағоят муртоз киши эрмиш. Шеъри яман эрмас эркандур. Аммо назмда табъи ҳажв ва ҳазл сари мойил эркандур. Адид Аҳмад ҳам турк элидин эрмиш. Ани уламонинг шаҳаншоҳи деб эрмишлар.

Юқорида қайд қилинганидек, Навоийнинг адабий тили у яшаган даврдаги умумхалқ ўзбек тилининг ўзи эди. Бу адабий тилининг таркиби унинг улуғ бойлиги, фонетик ва грамматик қурилиши анча илгарироқ шаклланган эди, ўзининг лексик, фонетик ва морфологик хусусиятлари жиҳатидан ҳозирги ўзбек адабий тилига яқин бир шаклда ташкил топган эди. Бу адабий тилининг фонетик тизимида айrim ўзгаришлар юз беради: и, м товушлари қатъийлашади. Сингармонизмнинг танглай уйғунлиги ва лаб уйғунлиги ҳодисалари (бордуқ, келдук, йўлға, кўзга, яхшироқ, кичикрак, кўзум, тилим каби) гарчи сақланган бўлса ҳам, аммо лаб оҳангдошлигининг бузила бошланганлиги ҳам кузатилади: Кўрдунгуз — кўрдунгиз — кўрдингиз, сўзунгуз — сузунгиз — сўзингиз, кўзумнинг — кўзимнинг, ўлтурмиш, кўрмиш каби.

Ўзбек адабий тилининг луғат тартиби асл туркий сўзлар билан бирга араб, форс-тожик тилларидан қабул қилинган жуда кўп янги ўзлаштирма сўзлар билан бойийди, бу сўзлар жуда кўп қўлланади. Ўзбек адабий тилининг морфологик ва синтактик қурилиши ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилига яқин тарзда расмийла-

шади, унда ягона умумий адабий грамматик шакллар юзага келиб, такомиллаша бошлайди, бир хилликка томон тараққий этиш йўналиши тезлашади. XIV—XV асрлардаги ўзбек адабий тилига хос бу хусусиятлар Навоий тилида, унинг асарларида ўзининг тўла ифодасини топди. Шу билан бирга бу лугавий бирликлар, фонетик ҳодисалар ва грамматик шакллар Навоий асарларида қайта ишланди, сайдал топди, такомилга эришди, хилма-хил янги бадиий-тасвирий воситалар билан бойиди, уларнинг турлича услубларда қўлланиш даражаси яна ҳам кенгайди.

Шуни эслатиш керакки, юқорида айтилганлардан ташқари, унда бевосита Навоий асарларининг тили учун хос бўлган хусусиятлар ҳам учрайди. Буларнинг энг муҳимларига қўйидагилар киради:

Қаратқич келишиги шаклидаги отлар гапда кесим вазифасида келади. Бу кўпинча содда гапларда учрайди: **Бу туркча матлаъ ҳам аниңгур. «Қабул исмига бу муаммо аниңгур. Алар дебдурларким — Боғча Шайхимнинг эрмас, Алишернинггур, ул эътиroz қилмағусидур».**

Борадур эрди шакли ўтган замон давом феъли маъносида (борар э(р)ди) қўлланади: **Бир панжшанба куни алар хизматида Гозургоҳдин қайтиб келадур эрди. Бир кун фақир алар хизматида эрдим. Анварий қасоиди бобида сўз ўтадур эрди. Яна бир кун фақир алар хизматида борадур эрдим.**

-моқ аффиксли ҳаракат номининг бўлишсиз шакли кўп учрайди: ... ул қилғонни тилга келтурмамоқ ва оғизга олмамоқ ва ул кишига миннат қўймамоқ ва аниң юзига солмамоқ. **Оз демоги носиҳ ва демамоги муслиҳ. Қобилга тарбият қилмамоқ зулмдур.**

Навоий асарларида -турган (-турғон // дурган) аффикси орқали ясалган янги сифатдошлар қўлланади: **Хушгўйким, сўзни рифқ ва мусово била айтғай, кўнгулга юз ғам келадурғон бўлса, аниң сўзидин қайтгай. Дағи келиб, ҳузур била қиласурғон ишларига машғул бўлурлар.**

Бу аффикс аслида «турмоқ» кўмакчи феъли билан -ган -(ған) аффиксининг қўшилиб кетиши натижасида пайдо бўлган, замон ва маъно жиҳатидан фарқ қиласурғон сифатдош ясовчи янги аффикс бўлиб, ўзбек адабий тилида XIV—XV асрлардан бошлаб қўлланади. Бу шакл асосан аниқловчилик вазифасида келади, ҳа-

ракат ва ҳолат-белгининг нутқ сўзланаётган пайтда юз бериб, ундан кейин ҳам давом этганигина ифодалайди: сўзум узалди ва адо қиласурған мақсадим йироқ қолди. Фарҳод тилсими очиб, дунёни кўрсататурғон жомни қўлга келтургони. Қаттиқ ахволимға йиғлайдурғон элни дема дўст.

Навоий ва бошқа шоирларнинг асарлари орқали ўзбек адабий тилига ўтган -турғач аффикси узоқ тарихий тараққиёт жараёнида юз берган ўзгаришлар на-тижасида -диган шаклига келиб қолади (чоғиштириинг: -турған // -турған > -дурған // дурған > -тирған // тирған > -дирған // -дирған > -диган // диган). Бу шакл келишик ва эгалик аффиксларини олиб, турли вазифаларда келади: ... алар хизматига борадурғонда, ёри азизим Шайхим Суҳайли йўлда йўлукти, қаён борадурғани билгач, ҳамроҳ бўлди. Кўнгулга юз ғам келадурғон бўлса, аниг сўзидин қайтгай.

Чурук сўнгакларим улкан қуюн аро хошок,  
Бошинга эвлурадурган таним ғубори била.

Навоий асарларида табуғ, камуғ, ёвуқ, тамуғ, осиғ, ариғ, билиқ, тегру, ўтру, ўкта (бехуда сўз), тануғ, улус, илик, чопқун, усрук, ушоғ, эв, иккинч, учунч, аритмоқ, аёқчи каби эски шакллар, луғавий бирликлар ҳам анча кенг қўлланган:— Бир-икки кун Мунда турдик (турсин). Биз миқдоре мулоҳаза қилади.

Анга тегруким, Қайқубоди гузин  
Жаҳон мулкига бўлди маснаднишин.

#### НАВОИЙ АСАРЛАРИДА БОШҚА ТИЛЛАРНИНГ УНСУРЛАРИ

Навоий ўзининг бутун адабий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти давомида она тилида катта адабиёт, форс-тожик тили билан мусобақа қила оладиган даражада юксак бадиий асарлар яратиш, турк-ўзбек тилини ривожлантириш, унинг бой имкониятларини очиб бериш учун тинмай ҳаракат қилди. У «юқори» баён услуби талабларидан келиб чиқсан ҳолда араб ва форс-тожик тиллари унсурларидан, айниқса, луғат бойлигидан, шунингдек грамматик шакллари, бадиий тасвир восита-ларидан кенг фойдаланди ва ўзбек адабий тилини бойитди.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, Навоий ўз асарлари-

да жонли халқ тилига хос шакллар, сўз ва ибораларни кўп қўллайди:

Ато ўғлиға йиғлабон: ҳой-ҳой!  
Қизига ано тортибон:вой-вой!

Шу билан бирга шоир арабий иборалар, форсчатожикча сўз ва бирикмалардан ҳам самарали ва ўринли фойдаланди.

Навоий ижодида араб тили муҳим ўрин тутади. Шуни эслатиш кифояки, Навоий асарларининг кўпчилиги арабча ном билан, сўз ва иборалар билан аталади: «Хазойин-ул маоний», «Наводир-уш шабоб», «Ҳайрат-ул абфор», «Лисон-ут тайр», «Мажолис-ун нафойис», «Арбаин», «Мезон-ул авзон», «Маҳбуб-ул қулуб» каби.

Навоий асарларида жуда кўп сўзлар, луғавий бирликлардан ташқари, кўплаб арабий иборалар, бирикмалар ва алоҳида гаплар кенг ишлатилган: холлоқ-ул маоний — маънолар яратувчиси, шайх-ул машойих — шайхлар шайхи, айн-ул ҳаёт — ҳаёт чашмаси, баҳрун нажот — қутулиш денгизи, алас-сабия — баб-баробар, ас-саёхату бил қулуби — саёҳат дил билан бўлади, до ма ҳаётуху — унинг умри узоқ бўлсин, каш шамси нисфанд-наҳор — кун ўртаси пешин қуёшидек каби. Навоий бундай арабий ибора ва бирикмалардан турлича услубий мақсадларда самарали фойдаланади.

Навоий асарларида араб тилига хос қатор грамматик шакллар ҳам учрайди. Жумладан, отларда кўпликнинг қуидаги адабий шакллари қўлланади:

1. —айн аффикси орқали ясалган жуфт кўплик шакли: **фид дорайн** — икки дунёда, **қуррату айнин ли** — иккимизнинг кўзимиз нури, **луғатайн** (Муҳокамат-ул луғатайн) — икки луғат муҳокамаси, зулфайн — икки соч ўрими каби.

2. —ин аффикси билан ифодаланган кўплик шакли: **салотин, муслимин, мутаҳайирин**.

3. — от аффикси орқали ясалган кўплик шакли: **ҳаракот, —калимот, мақолот, хаёлот, зулумот, муқаддимот, баракот** каби. Бу шакллар кўплик аффиксини (-лар) ҳам олиб келади: **ҳаракотлар, мақолотлар. Ҳаракатлари тузуксиз сўзларидек ва қалимотлари ҳашв ва маҳалсиз нозларидек**.

4. Араб тилига хос сўзларнинг ички флексияси воситасида ва қўшимча ҳарфлар ортириш орқали ясалган «синиқ кўплик» шакллари шуаро, вузаро, фуқаро

(фақирлар), ҳукамо, ашъор, асҳоб (дўстлар), мадорис масожид, атиббо, қулуб, афъол каби.

Навоий форс-тожик тилига ва адабиётига чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлади, унинг бой тажрибаларидан ўрганади, ундаги чиройли тасвирий восита-лар, ихчам, равон, бадиий кучли иборалар ва бирикмалардан ўз асарларида фойдаланади, уларни ўзбек адабий тилига олиб киради. Навоийнинг бир қанча асарлари форсча-тожикча ёки арабча-тожикча шаклдаги атамалар билан юритилади: «Холоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Тарихи мулки Ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» каби. Унинг асарларида қўлланган жуда кўп форсча-тожикча луғавий бирликлар, чиройли ибора ва бирикмалар турлича услубий вазифаларни ба-жаради.

Хирманি руҳсорига солмиш майи гулнори ўт,  
Ўйлаким, гул хирманига оташин руҳсори ўт.

(Fаройиб).

Навоий асарларида, айниқса шеъриятда қўлланган аниқловчили бирикмаларнинг аксарияти форсча-тожикча изофалардан иборат: насими субҳ, шоми ҳижрон, бути ширин қалом, холи мушкин, водийи ҳажр, бодайи васл, соқийи гуландом, асири ғам, шаҳзодаи номдор каби.

Оллимда табиби чорасозим ҳам йўқ,  
Ёнимда рафиқи дилнавозим йўқ.

(Fаройиб).

Навоий асарларида нахлқомат, абрмонанд, баланд-маком, девонакирдор, паришонрўзгор, баҳртимсол, дарёнасаб, жаҳонпаҳлавон, болқушой, дарознафас сингари қўшма сўз ва ибораларни, шу сўзлар асосида ҳосил қилинган мардафканлиғ, достоноролик, гавҳарни-сорлик, далиловарлиқ, гириҳкушойлиғ, барқомлик, дира-рампошлиқ, жаҳонсўзлуқ, мубаризафканлик каби янги сўзлар, мураккаб ясалмаларни кўплаб учратиш мумкин.

«Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»нинг VI жилдида Навоий асарларида қўлланган барча сўзларнинг индекси берилади. Бу индексда жами 15052 сўз ва ибора келтирилади. (210 та арабий бирикмалар ва иборалар бунга кирмайди.) Бу сўзларнинг нисбий қўлланиш даражасини таҳлил қилиш на-

тижалари күйидагиларни кўрсатди: Соф туркча сўзлар 2405 та, 16,02 фоиз.

Бошқа тиллардан (асосан араб ва форс-тожик тилларидан) қабул қилинган ўзлаштирма сўзлар 11305 та 74,85 фоиз.

Ўзбек тили аффикслари орқали ўзлаштирма қатламдан ясалган янги ясалмалар 1352 та, 9,13 фоиз.

Шундай эслатиш керакки, Навоийнинг она тилида катта адабиёт яратиш йўлидаги буюк мақсадни амалда ижро этиш, шубҳасиз, ёзувчидан «олий услугуб»да асарлар ёзиш зарурлигини талаб қиласа эди. Бу эса она тилининг бой хазинасидан ташқари, араб ва форс-тожик тилларининг бойликларидан гўзал тасвирий ифода воситаларидан самарали фойдаланишни, чиройли истиора, киноя ва ўхшатишларни турліча услубий мақсадларда қўлланиш лозимлигини ҳам тақозо этар эди. Араб ва форс-тожик тилларини, уларнинг бойлиги ва нозик қирраларини мукаммал ва чуқур билған Навоий бу талабларни яхши тушунар эди. Демак, Навоий асарларида араб ва форс-тожик тиллари унсурларининг кўп ва хўб қўлланиши аввало адабий-бадиий услугуб билан, «кatta адабиёт учун муносиброқ ҳисобланган» «юқори услугуб»да бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратиш талаблари билан, шунингдек унинг бу тилларни жуда чуқур ва яхши билганлиги кабилар билан изоҳланади.

### НАВОИЙНИНГ ТИЛ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Буюк шоир ва адаб, улуғ мутафаккир олим Алишер Навоийнинг адабий, илмий, ижтимоий-сиёсий фаолиятида умуман тилларга, хусусан она тилига муносабати алоҳида ўринни эгаллади. У деярли барча асарларида ўзининг тил ҳақидаги қарашларини, она тилини ривожлантириш, унинг бойлиги ва гўзаллиги ҳақидаги, ўз халқини ана шу тилда ёзилган ғоявий-бадиий юксак асарлардан баҳраманд этиш ҳақидаги ғояларини, фикр-мулоҳазаларини баён этади. Умрининг охирларида эса ўзининг бу соҳадаги бутун фаолиятини умумлаштиради ва илмий-тарихий жиҳатдан катта қўмматга эга бўлган «Муҳокамат-ул луғатайн» «(Иккى тил луғати ҳақида муҳокама)» асарини ёzádi.

Навоийнинг лисоний қарашларидан энг муҳимла-

ри тилнинг келиб чиқиши, унинг ижтимоий мөҳияти, тил ва тафаккурнинг умумий масалалари, мазмун билан шакл бирлиги кабилардир.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,  
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Бу сатрлар Навоийнинг тил ҳақидаги асосий фоясиdir. Унинг фикрича, тафаккур ва тил бир-бири билан боғлиқdir. Инсон қалби-тафаккури дарёdir, сўз эса қимматбаҳо тошдур, сўзловчи эса ғаввос — тафаккур дарёсидан дур терувчидир: «... сўз дурредурким, аниг дарёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким, жомий маоний жузв ва «қулдур». Унинг тушунишича, мазмун, маъно бирламчи, шакл, сўз эса иккиламчи, маънининг ифодасидир: «Аммо чун алофоз ва иборатдин мурод маънидур ва мазкур маҳлуқотдин мақсад инсондур ва ул мазҳари маоний ва баён сўз аниг сўзинадур ва такаллум аниг қаломида борур». Шунинг учун «маъни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин маъни фаҳм бўлур». Дурнинг қиймати турлича бўлгани каби сўз ҳам ҳар хил бўлади, «шарифидин ўлган баданга руҳи пок етар, қасифидин ҳаётлик танга заҳри ҳалок ҳосияти зухур этар». Шу асосда Навоий тилнинг ижтимоий хусусиятини, у мазмуннинг ифода воситаси эканлигини, маданият ва маърифатнинг ривожига хизмат қилишини кўрсатади. У тил доим ривожланиб боради, тиллар бир-бирига таъсир қиласиди, бир-бирини бойитади, деб қайд қиласиди. Шунга қарамай, Навоийнинг тил ҳақидаги қарашларида, айниқса тафаккур билан тилнинг муносабати, тилларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва бойитиши каби масалаларда бир қатор чекланганлик ва зиддиятлар, қарама-қарши мулоҳазалар учраб туради.

Навоийнинг тилнинг луғат бойлиги, луғавий бирликларини турлича услубий мақсадларда қўллаш ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир. У икки тилнинг луғатини бир-бири билан қиёсий тарзда ўрганар экан, форс-тожик тилида муқобили бўлмаган кўплаб ўзбек сўзларини келтиради. Бунинг учун дастлаб феълнинг 100 та ҳаракат номи шаклини келтиради: қувормоқ, қуруқшамоқ, ушармоқ, жийжаймоқ, ўнгдаймоқ, чекримоқ, дўмсаймоқ, умонмоқ, ўсанмоқ, умуммоқ, аргадамоқ, танчиқамоқ, бўхсамоқ ва бошқалар. Ҳа-

ракат ва ҳолат билдирган бу феъл шакллари турлича услугбий мақсадларда маъно нозикликларини ифодалашга хизмат қилишини кўрсатади ва «бу юз лафз-дурки, ғариб мақсад адосида таъйин қилибдурларки, ҳеч қайси учун сорт тилида лафз ясамайдурлар» деб ёзади. Шундан кейин бир қатор сўзларни келтиради ва форс-тожик тилида уларнинг маъносини ифодаловчи сўз йўқлигини кўрсатади. Жумладан, сорт тилида туркча ичмоқ феъли нўшидан сўзи билан берилади. Аммо ичмоқнинг муболагаси сипқармоқ ва завқ билан лаззат топиб оз-оз ичишни билдирувчи томшимоқ феъллари учун алоҳида сўз ишлатмайдилар. Ёки «... хубларнинг кўз ва қошлари орасинки, қабоғ дерлар, форсийда бу ўзининг оти йўқтур...»

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,  
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор.»

Қариндошлини билдирувчи оға ва ини сўzlари форс-тожик тилида биргина бурадор сўзи билан, эгачи ва сингил сўzlари эса саҳар сўзи билан ифодаланади. **Иифламоқнинг** турлича ҳолатларини ифодаловчи **йиғламсимвоқ**, **инграмақ**, **синграмақ**, **сиқтамоқ**, **ўқурмак**, **инчиримақ** каби сўzlарнинг гирия кардон сўзи билан берилиши, отнинг **эгарини** зин деб жибилгир, **хано**, **тўқум**, **жазлиғ**, **уларчоғ**, **жилбур** каби асблорини туркча сўzlар билан аташлари, шунингдек озиқовқат номлари, турли ҳайвон ва қушларнинг ёш ва жинс жиҳатидан турлари, ички бўлиниши номларининг форс-тожик тилида йўқлиги ҳам шулар жумласига киради.

Навойнинг турк-ўзбек тилининг фонетик қурилиши, товушларнинг хусусияти ҳақидаги илмий фикрлари ҳам катта қимматга эгадир. У ўзбек тилида унли ва ундош товушларнинг қаттиқ ва юмшоқ айтилишини, шу орқали сўзнинг маъно ва шакллари фарқланиши мумкинлигини аниқлайди. Бу ҳодисани у омоним ва полисемантик сўzlарнинг таҳлили ва талаффуз этилиши орқали кўрсатади. Масалан, Навоий ўзининг фикрларини **от**, **ит**, **бор**, **туз**, **кўк**, **ўт**, **биз** каби сўzlарнинг таҳлили орқали мустаҳкамлайди. У ҳаракат номи щаклларини **қизғанмоқ**, **кимсанмоқ**, **бўхсамоқ** ҳамда **қўндирмақ**, **безанмоқ**, **тергамоқ** тарзида бериш асосида ҳам қатгиқлик-юмшоқликни фарқлайди. Навоий сўз ясалиши ва сўз шакллари ясалиши масалаларида ҳам

тўғри, асосли фикрлар баён қиласи ва ўзбек тилида тасвирий-услубий воситалар, имкониятларнинг бойлиги, ранг-баранг эканлигини изоҳлайди. У сўз ясалиши масаласида сўз охирига -чи қўшиш билан мансаб ёки ҳунар ва пешани ифодалайди. Мансабда қўрчи, сувчи, хизиначи, юртчи, шилончи ва ҳунар-пешада қўруқчи, тамғачи, ҳалвочи, кемачи, қўйчи, қушчи каби. Сўзга бир «воз» ва «лом» қўшиш орқали ҳарбий ва базм соҳаларига хос белги билдирувчи от-сифат ҳосил бўлади: ҳировул, қаровул, сўзовул, баковул, шифовул, ясавул каби сўзларга «лом» қўшиб, сифат маъносидағи ясол, қабол, тунқол, бирқол, тусқол, севарғол каби.

Навоийда сўз шакллари ясалиши соҳасида қўйидағиларни кўриш мумкин: 1) Араб тилга хос муфоала шакли – икки ва ундан ортиқ шахслар ҳаракатини англатган биргалик шакли форс-тожик тилида йўқ, ўзбек тилида эса бир «шин» ҳарфи қўшиш орқали ифодаланади: чопишмоқ, топишмоқ, қучушмоқ, ўпушмоқ каби; 2) Арабий икки мағбуллуқ феъллар (воситали обьектли буйруқ маъноси) ҳам сортларда йўқ, турклар бир ҳарф қўшиш орқали бу маънони жуда қисқа ва аниқ ифодалайдилар: қилдурд, яшурт, чиқарт каби; 3) Ҳаракатнинг гумон билан бажарилишини ифодалашда боргудек, ёргудек, келгудек, билгудек, айтудек тарзидағи шакллар ишлатилади; 4) Феъл охирига бир «чим» қўшиш орқали ҳаракатнинг бажарилиш суръати, тезлик ифодаланади: тегач, айтқач, борғач, ёргоч, топқоч, сотқоч; «ре» ҳарфини қўшиш билан муболага, кучайтириш англашилади: билакўр, қилакўр, кетакўр, етакўр; 5) Сифатларда белгининг ортиқлиги, муболага маъносида сўз олдидан бир «п» ё «мим» ҳарфи қўшадилар: оп-оқ, қоп-қора, қип-қизил, кўм-кўк, ям-яшил, бўм-бўш каби.

### «МУҲОКАМАТ-УЛ ЛУФАТАИН» АСАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

«Муҳокамат-ул лугатайи» («Икки тил лугатининг муҳокамаси») асари 1499 йилнинг декабрида ёзib туғалланади. Навоий бу асарида турк-ўзбек тили билан сорт (форс-тожик) тилини бир-бирига қиёслаш асосида ўрганади. Маълумки, Навоий яшаган даврда ўзбек

адабиёти, ўзбек адабий тили янги тараққиёт босқичига кўтарилади. Бу адабиёт ва адабий тилнинг ривожланишида Хоразмий, Гадойй, Яқиний, Амирий, Атоий, Саккокий ва айниқса Лутфий ўз асарлари билан катта ҳисса қўшдилар. Бу ҳақда Навоий шундай дейди: «...Хулогухон (Ҳалокухон) замонидин, султони соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шоҳруҳ Султоннинг замонининг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар, ... Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадойй-деклар ва форсий мазкур бўлғон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир нечта матлаълари борким, табъ аҳли қошида ўқуса бўлур».

Шунга қарамай, ўзбек адабиётида ҳали бадиий-ғоявий жиҳатдан юксак асарлар жуда кам эди. Ўзбек адабий тили ва жонли сўзлашув тилининг бой имкониятлари ҳали тўлалигича намоён бўлган эмас, эди, унинг бой хазинаси шоирлар назаридан яширин қолиб келмоқда эди. «Бу алфоз ва иборатда бу навъ дақоийқ кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатифа мулоҳаза қилмаған жиҳатдин бу яшурун қолибдур».

Бу даврларда форс-тожик адабий тили ва адабиёти эса кўп асрлик катта тараққиёт йўлини босиб ўтган эди, унинг луғат бойлиги, хилма-хил бадиий тасвир воситалари, услуб ранг-баранглиги ва имкониятлари буюк сўз санъаткорлари томонидан мукаммал ишланниб сайқал топган эди. Форс-тожик тили ва адабиёти ҳақида, унинг имло-қоғия ва луғати ҳақида бир қатор китоблар, тазкиралар ҳам яратилган эди. Шу сабабдан шоирлар наздида бу тилда шеърлар битиш, асарлар ёзиш бирмунча осонроқ ва енгилроқ кўринар эди. Ҳатто кўпгина ўзбек ёзувчи-шоирлари ҳам ўз асарларини она тилида эмас, балки форс-тожик тилида ёзар эдилар. Буни Навоий ҳам қайд қиласи: «Ва ҳунарсиз туркнинг ситам зариф йигитлари осонликқа бўла форсий алфоз била назм айтурға машғул бўлубтурлар». Ҳолбуки, туркий элатнинг нуфузи анча кўпайган, мавқеи кенгайған бир даврда мамлакатда кўпроқ ҳалқ билан ҳалқ тилида сўзлашиши лозим эди. Бунинг устига, ўзбек китобхонларининг форс-тожик тилини билган ўқимишли бир қисмидан ташқари, ҳалқнинг асосий кўпчилиги бу адабиётдан баҳраманд эмас эди. Буни яхши тушунган Навоий «Арбайн» асарида бундай дейди:

Форсийдонлар айлабон идрок,  
Орий эрди бу нафъдин атрок.  
Истадимки, бу халқ ҳам бори  
Бўлмағайлар бу нафъдин орий.

Бинобарин, дастлаб Навоийнинг ўзи форс-тожик адабиёти намуналарини чуқур ўрганди, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Ҳоқоний, Анварий, Саъдий, Ҳофиз, Фаридиддин Аттор, ўз устози ва дўсти Абдураҳмон Жомий ва бошқаларнинг бой адабий меросини ўзлаштириди, уларнинг адабий-ижодий анъаналарини она тилида давом эттириди, «Хазойин-ул маоний»дагина 16 хил адабий жанрда асарлар яратди. Буюк шоир «Хамса», «Лисон-ут тайр», «Маҳбуб-ул қулуб», «Назм-ул жавоҳир», «Насоим-ул мұҳаббат», «Арбанин» сингари шоҳ асарлари билан ўз халқини адабий-бадиий дурдоналардан баҳраманд қилди, айни замонда ўз халқи орасидан этишиб чиққан шоирларни она тилида асарлар яратишига даъват этди.

Навоий «Мұҳокамат-ул лугатайн»да ўзбек тилининг бойлигини, унинг катта имкониятларга эга эканлигини асосслаб бергандан кейин шоирларга мурожаат қилиб бундай дейди: «Андин сўнграким, турк тилининг жомеяти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларини ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга бу юрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди. Бу эҳтимолға худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуш табълари мажнун сорт тили била назм айтқайлар ва билқулл турк тили била айтмагайлар, балки кўпі айта олмағайлар...»

Навоий она тилини форсийгўйлар таънасидан бутунлай халос этиш учун она тилини таҳқирлаган, уни менсимаган шоирларга қарши кескин кураш олиб борди. У илм-фанда араб тили ва бадиий адабиётда форс-тожик тили анъаналарини кескин рад этди, она тилининг бойлигини, бадиий-услубий воситалари, имкониятларини намойиш этди. Шоир барча бадиий асарлари сингари «Мұҳокамат-ул лугатайн», «Мезон-ул авзон», «Мажолис-ун нафоис» ва бошқа илмий асарларини она тилида яратди.

Навоий «Мұҳокамат-ул луғатайн»да бошқа-бошқа оиласа мансуб бўлган икки тилни бир-бирига қиёслаб ўрганиш орқали ўзбек тилининг ҳам бой тиллардан бўлиб, ғоявий-бадий юксак асарлар яратишда у катта имкониятларга эга эканлигини исботлайди, унинг тўлиқ маънода ривожланган адабий тил эканлигини амалий равишда ва илмий-назарий жиҳатдан асослайди.

«Мұҳокамат-ул луғатайн»да муаллиф тилнинг лутат бойлиги, фонетик тузилиши ва грамматик шакллари билан бирга сўз ва ибораларнинг услуг хусусиятларини, предмет, белги, ҳаракат кабиларни турли томондан ихчам, қисқа ва аниқроқ ифодалашда уларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Масалан, «...Хусн таърифида улуғроқ ҳолғаким, турклар менг от қўюптурлар...

Байт:

«Анингким, ол энгина менг яратди,  
Бўйи бирла сочини тенг яратди»

деб ёзади шоир.

Ёки: «Ва томшимоқки, ғоят завқдин бот ичмас ва лаззат топа-топа оз-оз иchar. Бу фариб маъни асосида туркчада бу матлаъ бордурки:

Байт:

«Соқий чу ичиб, манга тутар қўш:  
Томший-томший ани қиласай нўш», дейди.

Навоий ўзбек тили билан форс-тожик тилини қиёсий ўрганиш, ўзбек тилининг луғат бойлигини кўрсатишда холисона фикрлар баён қиласади: бирининг аҳамиятини ошириб, иккинчисини камситиб қарамайди. Балки ҳар иккала тилга баробар муносабатда бўлади, тил ҳодисаларини, аниқ фактларни чуқур таҳлил қилиш асосида ўзбек тилининг ҳам форс-тожик тили сингари бой ва гўзаллигини, ихчам грамматик шаклларга эга эканлигини, унда чиройли бадий асарлар яратиш имкониятлари кенг эканлигини намойиш қиласади. Бу ҳақда Навоий шундай дейди: «Бу сўзлардан хасм мундоқ билмасун ва муддаий бу навъ гумон қиласунки, менинг табъим турк алфозига мулойим тушган учун таърифида муболага изҳор қиласурмен ва форсий иборатқа муносабатим озроқ учун инкор ва нафийга исор кўргузурменким, форсий алфоз истифосин ва ул

иборат истиқосин киши мендин кўпрак қилмайдур эркин ва салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркин...» Дарҳақиқат, форс-тожик тили Навоий учун иккинчи она тилидай бўлган. У ёшлигига ижодий фаолиятини шу тилда шеърлар машқ қилиш, ёзиш билан бошлаган, умрининг охиригача «Фоний» тахаллуси билан ғазаллар, рубойй ва қасидалар битган, маҳсус дебон тузган. Унинг форс-тожик тилидаги асарларини устоз Жомий ҳам юқори баҳолаган.

Икки тилни қиёслаб ўрганиш жараёнида Навоий бу тилларга доир барча масалаларни тўла ҳал қилиб бериш вазифасини қўймайди. У «Муҳокамат-ул лугатайн»да бу масаланинг фақат бир томонига — асосан форс-тожик тилида мұқобили бўлмаган ўзбекча сўзларни таҳлил қилиш билан чегараланади, шулар асосида маълум хulosаларга келади. Аксинча, форс-тожик тилидан ўзбек тилига қабул қилинган ёки умуман ўзбек ва форс-тожик тилларига араб тилидан кириб қолган сўзлар ҳақида ҳеч нарса демайди. Ҳолбуки, ўзбек тилини ҳимоя қилиш, уни ҳар хил таъна-камситишлардан қутқариш учун ҳар иккала тилнинг ўзаро бир-бирiga таъсирини кўрсатиш ва шу орқали ўзбек тилининг лугат бойлиги жиҳатидан бадиий асарлар яратища катта имкониятларга эга эканлигини аниқлаш лозим эди. Тўғри, Навоий араб ва форс-тожик тилларидан ўзбек тилига кириб қолган сўзлар ҳақида, ўзбек ва форс-тожик тилларининг ўзаро алоқаси ҳақида бундай деб маълумот беради: «**Ҳар миқдорким бу бирининг ҳам бу бир била ҳамончи такаллум ва гуфтори бор.** Аммо қиёсий тадқиқот ўзбек тилининг форс-тожик тилига таъсирини ва аксинча форс-тожик тилининг ўзбек тилига таъсирини кенгроқ, аниқроқ ёритишни тақозо этади.

Демак, «Муҳокамат-ул лугатайн» ўзбек адабий тилининг такомилга эришуви учун Навоий олиб борган курашнинг, у амалга оширган бутун адабий, илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг якуни, умумлашмаси сифатида майдонга келди.

### ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ҮРНИ

Алишер Навоийни тўла асос билан ва ҳақли равища ўзбек адабий тилининг асосчиси деб ҳисоблаймиз. Бу,

албатта, Навоий қандайдир янги бир тил яратди, деган маънони англатмайди. Аммо Навоийнинг ўзбек адабий тилини юксак даражада ривожлантириш соҳасидаги буюк хизматларини камайтириб кўрсатиш ҳамadolатдан бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, икки шахс, алоҳида бир киши, ҳатто Навоий сингари даҳо истеъод ва қобилият соҳиби бўлса ҳам, у ўз ҳалқи тилини ярата олмайди. Бироқ она тилининг такомили учун, унинг яшириниб ётган жуда катта имкониятларини аниқлаш ва намоён этинда ниҳоятда буюк вазифаларни бажариши мумкин. Алишер Навоий XV аср ўзбек адабий тили учун, унинг келгуси истиқболи учун ана шундай буюк хизматларни адо этди. Жамиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг тил олдига янги юксак талаблар қўйғанлигини яхши тушунган Навоий ҳалқ жонли тилига, ўзидан олдин ўтган ва замондош шоир-ёзувчиларнинг тилига асосланган ҳолда асарда тилдан фойдаланиш усуслари ва йўлларини қайтадан кўриб чиқди ва ўзгартириди. Бунинг натижасида тилда янги аниқ, ёрқин, қисқа ранглар, бўёқлар пайдо бўлди, хилма-хил воқеа-ҳодисаларни, турлича фикрлар ва кечинмаларни бадий тарзда чиройли, ихчам, таъсирчан қилиб ифодалаш имконияти яратилди. Шунинг учун Навоий адабий тили ўша даврдаёқ унинг замондошлари ва издошлари томонидан энг яхши, ёрқин намунали тил сифатида қабул қилинган эди. Шу тариқа Навоий шеъриятӣ ва насрӣ асарлари тили XV аср ва ундан кейинги даврлар ўзбек адабий тили учун асос соловчилик аҳамиятига эга бўлди.

Навоийнинг буюк хизмати шундаки, унинг асарларида ўзбек адабий тилининг умумхалқ меъёрлари ишлаб чиқилди ва қатъийлашди. Бу меъёрлар унинг замондошлари ва кейинги авлодлар томонидан тўла маъқулланди, яна ривожлантирилди. Адабий тилнинг умумий меъёрларини яратиш фақат тил қурилишинигина эмас, балки унинг турли ўслуб кўринишларини ҳам қамраб олди. Гарчи Навоий ягона умумий меъёрларни бадий адабиёт тили асосида ишлаб чиқсан бўлса ҳам, лекин улар фақат бадий адабиёт тилининггина эмас, балки умуман ўзбек адабий тилининг кейинги тараққиёти учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Навоий яратган жуда кўп ҳикматли сўз ва иборалар ҳалқ мақолларига айланниб кетди, унинг образли бадий иборалари эса ҳалқнинг ибратли ҳикматларига айланди

ва ўзбек тили фразеологиясини бойитди. Бундай бирикма ва иборалар орқали у ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг халқ донолигига хос типик хусусиятларини умумлаштириб, қисқа, лўнда ва мазмунли ифодалаш намуналарини кўрсатди. Шу тариқа Навоий ўзининг бадиий асарлари орқали ўзбек адабий тилининг битмас туганмас бойлигини кўрсатди, унинг истиқболини, келгуси тараққиёт йўлларини белгилаб берди. Навоий бутўғрида фахрланиб, «Муҳокамат-ул луғатайн»да: «...умидим улдур ва хаёлимга андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин қуи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмағай», деган эди. Бу соҳадаги ўз фаолияти ва хизматлари ҳақида бир қанча фахриялар ёзди:

Сенга онча ҳақ лутфи воқеъдуур,  
Ки то турк алфози шоеъдуур.  
Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,  
Яқин қилмамиш халқ сенидек киши.

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.

Олибмен таҳти фармонимга осон  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.  
Хуросон демаким, Шерозу Табрез,  
Ки қилмишдур найи килким шакаррез.

Ўзбек адабий тилида Навоий анъаналари ундан кейин ҳам кўп асрлар давом этди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Мажлисий, Абдулғози Баҳодирхон, Турди каби ўзбек ёзувчи ва шоирлари адабий тилда асосан Навоий бошлаган анъаналарни яна ҳам ривожлантирилар, уни жонли халқ тилига яқинлаштирилар, адабий-бадиий воситаларини кенгайтирилар, луғатини бойитдилар. Қейинги асрларда яшаган Машраб, Ҳувайдо, Гулханий, Нодира, Увайсий, Мунис Хоразмий, Огаҳий асарларида Навоий ривожлантирган адабий тил яна ҳам сайқал топди, унинг кенг халқ омаси учун тушунарлилиги ошди. XIX асрда яшаган Маҳмур, Муқимий, Фурқат, Аваз Утар каби шоирлар Навоий адабий тилига хос бадиийлик, кучли таъсирчанлик, буёқдорлик хусусиятларини сақлаган ҳолда ўзбек адабий тилини тараққий эттирилар. Шу билан бирга улар адабий тилни анча демократлаштирилар,

Унинг умумхалқ хусусиятини кенгайтирдилар. Бунинг натижасида адабий тилда кўпинча янги луғавий бирликлар, иборалар пайдо бўлди, тилнинг фонетик ва грамматик хусусиятлари анча силлиқлашди, янги шаклар билан бойиди. Янги замонавий адабий талаффуз меъёрлари таркиб топа бошлади. Навоий адабий тили анъаналари XX аср бошларида Абдулла Қодирий ва бошқа ижодкорлар асарларида давом эттирилди ва ривожлантирилди. Шу асосда Навоий ривожлантирган адабий тил анъаналари ҳозирги замонгача етиб келди.

Навоийнинг адабиёт, тил, маданият ва фан соҳасидаги буюк хизматлари ўз давридаёқ замондошлари томонидан юқори баҳоланганди. Улуғ форс-тожик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомий «Ҳафт пайкар» асарининг хотимасида бундай дейди:

Ба турки забон нақше омад ажаб,  
Ки жодудамонро бувад муҳрлаб.  
Зи чарх офаринҳо бир он киilk бод,  
Ки он нақши матбуъ аzon киilk зод.

Ба мизони он назми муъжазнизом,  
Низоми ки буди-ю, Хусрав кадом?

Мазмуни: Турк тилида ажойиб нақш (асар) юзага келдики, жоду нафасилар лаби муҳрланди. Чархдан бу қаламга оғаринлар етсинки, бу нақши ўша қалам яратди... Бу мўъжизакор назм қимматини ўлчашда Низомий ким бўлди-ю Хусрав ким?

Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Восифий кабилар ҳам Навоий, унинг турли соҳалардаги фаолиятини жуда улуғлайдилар. Бу жиҳатдан айниқса, Заҳириддин Мұҳаммад Бобур фикрлари алоҳида ажраби туради: «Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким анча кўп ва хўб айтқон эмас... Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлган».

Мунис Хоразмий Навоийни ўз устози, пири дейди:

Сўз ичра Навоийки, жаҳонгир турур,  
Мунисга маоний йўлида пир турур.

Шу каби жуда кўп шоирлар, ёзувчилар Навоийга жуда катта эътиқод билан қараганлар, уни ўзларининг устози, мадад берувчи, йўлга бошловчи пирлари деб ҳисоблаганлар.

## ХУЛОСАЛАР

Ўзбек адабий тили бир неча асрлар давомида ташкил топди. У дастлаб X—XI асрларда Қорахонийлар давлатида шаклланган шарқий туркий адабий тил таркибида, унинг асосий негизи сифатида ривожланди. Кейинроқ, XII асрларда Хоразмшоҳлар давлатида таркиб топган фарбий туркий адабий тил ҳам унинг тараққиётидаги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мана шу даврларда умумхалқ ўзбек адабий тилининг лугати, морфологик қурилиши таркиб топа бошлади.

XIII—XV асрлар давомида эса умумхалқ ўзбек адабий тили жуда ривожланди, унинг хизмат ва фаолияти доираси ниҳоятда кенгайди, адабий тилнинг нормативлиги кучайди, қатъийлашиб, мустаҳкамланди. Ўзбек тилида адабий шакллар тизими узоқ даврлар мобайнида аста-секин тарихий-тадрижий тараққий этиш асосида ташкил топди. Шу билан бирга, умумхалқ ўзбек адабий тилининг фонетикаси ва лексикаси, морфологияси ва синтаксиси соҳасидаги ягона меъёрлари ҳам шу даврларда таркиб топди. Бу адабий тил Амирий, Дурбек, Атоий, Саккокий, Лутфий каби истеъоддли сўзсанъаткорларининг асарларида янгича сайқал топди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларида эса ўз тараққиётининг юқори поғонасига кўтарилди.

Эски туркий адабиёт тил негизида шаклланиб, XIII—XV асрларда тўла таркиб топган ва ривожланган умумхалқ ўзбек адабий тили қуйидагилар билан ажralиб туради:

Ўзбек адабий тили фонетикаси соҳасида бир қатор ўзгаришлар юз берди.

1. Тилда д>дз (j)> й товушларининг алмашинувида й товуши асосий етакчи вазият касб этди. Маълумки, урхун-энасой ва уйғур ёзуви ёдгорликларининг тили фонетик жиҳатдан «д» гуруҳидаги тиллар эди<sup>1</sup>; адиф (айик), кедин (кейин), адок (оёқ) каби.

X—XIII асрларда д>дз (j)> з товушларининг алма-

<sup>1</sup> С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. М—Л., 1951, стр. 126.

шинуви ҳодисаси давом этди. Бунда дастлаб X—XI асрларда д ва дз (j), з товушлари мувозий ҳолда қўлланган. Бу ҳодиса «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» асарларида кўп учрайди: адоқ-адзақ (азак), будун-будзун, кедин-кедзин (кезин), қўди-қўдзи (кўзи-қуи) каби. Кейинроқ XII аср ва XIII аср бошларида эса уларнинг мувозий ишлатилиши билан бирга дз товуши устун, етакчи вазиятга эга бўлди. «Ҳибатул ҳақойиқ», «Уғузнома» асарларининг тили ана шундай хусусиятга эгадир: кедзинги (кейинги), қўдзуп (қуиб), бедук (буюк) қўдзи (қуи) каби. Бу даврларда д, дз (j), з билан бирга, й товушини қўллаш ҳодисаси ҳам пайдо бўлди: адақ-адзақ-айақ (оёқ), қўдзилар-қўйилар сингари. Фақат XIII аср охирида ва XIV асрдан бошлаб «й» гуруҳи тил ва диалектлари етакчи роль ўйнай бошлади.

2. Сўз охирида f, g ундошларининг сақланиши билан бирга уларнинг қ, к товушларига ўтиши ҳодисаси пайдо бўлди: йўқлуғ-йўқлук, тириг-тириқ, тануғлуғ-тануқлук, қудуг-қудуқ, белгулуг-белгулук, сўнгаг-сўнгак каби.

3. «б» товушининг «м»га айланиши қатъийлашди: бен-ман, бунг-мунг, бинг-минг, каба-кама каби. Айрим адабиётларда бу жараён қадимги турк давридан ҳам илгарироқ бошланганлиги қайд қилинади<sup>1</sup>.

4. «з» товушининг жарангизз «с»га, «т» товушининг жарангли «д»га ҳамда «с» товушининг «ш»га ўтиши жараёни тезлашди: барз-барс, артмаз-ортмас, бармазинта-бормасликка, теди-деди, теп (теб-деб), алтим-олдим, қилтим-қилдим, ўтуммис-ўтуммиш, қизғанмас-қизғанмиш, бермис-бермиш каби.

5. Қадимги ва эски туркий ёдгорликлар тилида қатъий характерда тўла мавжуд бўлган сингармонизм ҳодисаси (танглай уйғунлиги ҳам, лаб уйғунлиги ҳам) бу даврларга келиб ўзгара бошлади. Жумладан, қадимги туркий тилда ушул, сунгушдум, будунуг (халқни), тузултум, киргизиг, угузуг, битидим каби негиз ва аффиксларда товушлар бир-бирига тўлиқ уйғунлашди. XIV—XV асрларда ўзбек адабий тилида ўшал, учунчи ва учинчи, тўртунчи ва тўртинчи, кўзумнинг ва кўзимнинг, ҳуснунг ва ҳуснинг каби шаклларда қўлланган.

Ўзбек адабий тилининг луғат таркиби жуда бойиди, сўз қўллаш усуслари маълум тартибга келтирилди, сўз-

<sup>1</sup> F. Абдураҳмонов, A. Рустамов. Қадимги туркий тил. Тошк., 1982, 9-б.

НИНГ УСЛУБИЙ ВАЗИФАЛАРИ КЕНГАЙДИ. АДАБИЙ-БАДНИЙ МАТИЛЛАРДА КИТОБИЙ СҮЗ ВА ИБОРАЛАР БИЛАН БИРГА УМУМХАЛҚ ЖОНЛИ СҮЗЛАШУВ ТИЛИГА ХОС СҮЗЛАР, ИБОРА ВА БИРИКМАЛАР ҲАМ КЕНГ ҚҮЛЛАНДИ, ФОРС-ТОЖИК ТИЛИДАН ЯНГИ СҮЗЛАР ЎЗЛАШТИРИШ АНЧА КЕНГАЙДИ. БУНИНГ НАТИЖАСИДА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЛУГАТИ БОЙИДИ, СҮЗЛАРНИНГ МАЬНОСИ, УЛАРНИНГ УСЛУБ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙДИ. ТУРЛИЧА БАДНИЙ МАТИЛЛАРДА ЎЗБЕК АДАБИЙ-КИТОБИЙ, ЛУГАВИЙ БИРЛИКЛАР, ЖОНЛИ СҮЗЛАШУВ ТИЛИ УНСУРЛАРИ ВА ЎЗЛАШТИРМА ҚАТЛАМ СҮЗЛАРИНИ БИРГА ҚЎЛЛАШ МЕЪЁРГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ:

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,  
Фояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур.

(Атоий).

Фалак йиллар керак сайд этсаю келтурса илкига,  
Менингдек шоири турку сенингдек шоҳи донони.

(Саккокий).

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

(Лутфий).

Бу мисрларда ҳозирги замон ўқувчиси учун тушумаймайдиган ёки тушунилиши қийин сўзлар учрамайди. Бу байтлардаги сўзлар ҳозирги ўзбек тилида ҳам айнан шу маъноларда қўлланади.

Шуни ҳам эслатиш керакки, гарчи бу даврларда халқ жонли сўзлашув тили бойликларидан кенг фойдаланиш тамоили бирмунча ривожланган бўлса ҳам, лекин ҳали адабий тил жонли сўзлашув тилидан анча узоқ эди. Кенг халқ оммасининг тушуниши бирмунча қийинроқ бўлган адабий-форсий оборотлар, стандарт қолипга айланиб қолган иборалар ва бирикмалар адабий тилда анча кўп эди. Шунга қарамай, адабий тилинг турлича сўз ва иборалар, янги-янги шакллар билан бойишида халқ сўзлашув тили асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Бу даврларда ўзбек адабий тиличининг ягона умумий морфологик тизими таркиб топди. Бу давр адабий ёдгорликлари тилида қонуний равишда учраб турадиган айрим морфологик фарқлар эса аста-секин адабий тил меъёrlарига томон яқинлашиб борди. Буни шу даврда

яратилган адабий-бадиий асарлар, турли матнлардан келтирилган фактлар ҳам тасдиқлайди.

Эски ўзбек адабий тилида морфологик шаклларнинг ягона умумий меъёрларга келиши ёки унга яқинлашуви қуидагича бўлган:

От ва отлашган сўзларда ҳозирги ўзбек адабий тилида бўлганидек, олтита келишик шакли ҳамда уларнинг ўзбек адабий тилининг кейинги даврдаги тараққиёти учун умумий бўлган аффикслари қатъийлашди. Жумладан, қаратқич келишиги учун -нинг, тушум келишиги учун -ни, жўналиш келишиги учун -қа(ға), -ка(ға), чиқиш келишиги учун -дан/дин, ўрин-пайт келишиги учун -да(да) аффикслари ўзбек адабий тилининг барча ёзма ёдгорликлари учун асосий шакл сифатида кенг қўлланди. Отнинг келишик шакллари англатган маънолари ва уларнинг синтактик функцияси ҳозирги ўзбек адабий тилидан деярли фарқ қилмайди. Келишик аффикслари турли муқобилларининг ишлатилиши эса ўша давр ўзбек тилида сингармонизм ҳодисасининг нисбатан кучлироқ бўлганлиги (ёки ҳали амалда эканлиги), негиз ва аффикслардаги товушларнинг танглай уйғуналиги ва лаб уйғуналигига риоя қилиб айтилганлиги ва ёзилганлиги билан ёки аффиксларнинг жарангли ҳамда жарангсиз ундошлар билан тугаган сўзларга қўшилиши билан изоҳланади. Масалан, қаратқич келишиги аффиксининг -ын/ин, -ның/ни; -ун/үн, -нун/нұн муқобиллари сўздаги товушларнинг қаттиқ ва юмшоқ айтилиши ва лабланганлиги ёки лабланмаганлигига кўра ишлатилган. Шу каби чиқиш ва ўрин-пайт келишикларининг -тын/тин, -дан/дән; -та тә, -да/дә шакллари, сўздаги товушларнинг қаттиқ ва юмшоқлиги ёки унли ва жарангли-жарангсиз ундош товушлар билан тугаган сўзларга қўшилиб келиши билан изоҳланади: улуснуң ичинда (Саккокий), йузунуң арзусы (Лутфий), даврон бизиндуруп (Саккокий), баштын айакы (Лутфий), бу йўртта каби. Аммо бу каби жузъий ҳодисалар ўрнини аста-секин асосий адабий шакллар эгаллай бошлаган.

Қадимги туркий ёдгорликларга хос қурол-восита келишиги, шунингдек, тушум келишигининг иғ/иг, -уғ/уг аффикси, жўналиш келишигининг -ғару/гару, қару/кару, -ра/рә, -ру/рү аффикслари ўзбек адабий тилида асосан истеъмолдан тушиб қолади. Унинг айрим унсурлари баъзи сўзлар таркибида гина сақланиб қолади.

Отларга хос кўплік ва эгалик шакллари ҳам асосан

ҳозирги ўзбек адабий тилидаги шаклга яқинлашади. -лар аффикси адабий тил учун, барча ёзма ёдгорликлар тили учун ягона умумий шакл сифатида нормативлашади. Қадимги туркий шакллар— (-т, -к, -ан/эн кабилар) истеъмолдан тушиб қолади. Эгалик категориясининг ҳозирги ўзбек тили учун хос бўлган норматив аффикслари (-м, -им, -н, ин, -и, -си; -миз, имиз, -низ, -ициз каби) таркиб топиб қатъйлаша борган. Бу аффиксларниң турли муқобиллари эса (яъни -ым/им, -ум/ум, -ын/ин, ун/ун, -ы, -сы; мый, -миз/муз, -ымыз, -умуз/умуз; -ициз, -нуз/нуз, -уңуз/унуз, -ыциз кабилар (сўзниң унли ва ундош билан тугаши ҳамда лаб уйғунилиги ва танлай уйғунилиги билан боғлиқ равишда) ишлатилади: йузуң нури, йузунуздын зулфунуздин (*Атоий*), сўзун, кўзун, козун балосы, бағрымда, гадолары (*Саккокий*), ҳуснуңда (ҳуснингэ), ўрамун, лабин, коңлум уйин, кумуш билаклариңиз (*Лутфий*), тушумда, иликин, фарокиң, бетим, салотинлари (*Дурбек*) каби.

Эски ўзбек тилида сифатниң қиёсий даражаси ва белгининг ортиқ-камлигини ифодаловчи шакллари, сода ва таркибли саноқ ва тартибли сонлар, кишилик ва кўрсатиш, ўзлик, бўлишсизлик ва белгилаш сингари олмош турларининг қатъий умумий шаклларда қўлланниши кабилар ҳам ўзбек адабий тили морфологик тизимининг норматив ҳолатга келганлигини очиқ кўрсатиб туради. Чунки кўрсатилган шакллар ва грамматик бирликлар асосан ҳозирги ўзбек адабий тилига жуда яқин тарзда таркиб топди. Бу сўз туркумлари доирасида учрайдиган айрим ноўхаш шакллар, фарқли ҳодисалар эса ўзбек адабий тилининг кейинги даврлардаги тараққиёти жараёнида адабий тилга мөслашди, унга сингиб кетди, яъни шакллар билан алмаштирилди. Баъзи бирлари эса истеъмолдан тушиб қолди: ҳар кимниң пай-монаси толубтур, мәниң билан ўчашур. Қачан зулфун конул бирлән тузалгай, ким эгридур аның баштын айағы. (*Амирий*).

Эй бэгим, валлáх, керакмэс танда жон сизсиз мэнэ,  
Бу тириклик та́ болур йуз миң гумон сизсиз  
мэнэ. (*Атоий*).

Жаным корган жафаниң минда бирин,  
Болур, гар корса сандон пора-пора (*Саккокий*).

Эй пари рухсоралар, бизга нигаҳ эйлаб, ўтун,

Бир назар бирла гадони падшаш эйлэб ўтун.

(Лутфий).

Узбек адабий тили морфологик тизимининг маълум меъёрга келтирилганлиги, унинг қатъийлашиб боргандиги феъл меъёрларида ҳам очиқ намоён бўлади. Жумладан: а) феълнинг шахс-сон аффикслари ҳозирги ўзбек адабий тилидаги сингари норматив шаклларга айланади. Ҳар учала гурухга кирган шахс-сон аффикслари қатъийлашади. Чунки -мэн, -сэн, -миз (-биз), -сиз; -м, -н, ш-к/к, -ныз/низ, -а/й/ын/, -э/й/ин/, -а/лық -э/лик/ -айық, -эйик/, -ғыл/ғил, -қыл/-кил/, /ын//и/н, -/ы/ныз/-и/низ, -сун/сун /лар, лэр) кабилар ҳозирги ўзбек адабий тилидаги шахс-сон аффиксларининг айнан ўзи хисобланади. Бу аффиксларининг ҳар хил фонетик муқобиллари эса, юқорида кўрсатилганидек, негиздаги товушларнинг қаттиқ-юмшоқлиги, лаблашган-лаблашмаганлиги ҳодисаси билан боғланган: борамэн, борасэн, борамыз (быз), борасыз; бордым, бордын, бордық, бордыныз, борайын, боргыл, борайлик, борын, борыңыз сингари: жоным чиқадур дард ила жаноныма айтиқ (Лутфий). Ахир кўргил, бу саводдин бошига нэ зийон келди. (Саккокий). Фам тагыда Фарҳод бикин жан берайнким, Ширин лаб илэ маъдани шаккар йетилибсан. (Атоий). б) феъл замонларининг асосий шакллари ҳозирги ўзбек адабий тили шаклларига жуда яқинлашди: келдим, келдин, келдик, келдиңиз, кормәгәнмэн, кормәгәнсэн, барыммэн<барыбтурмэн, барыб туурмэн, қалған эрдим, қалған эрдик, барамэн, барадурмэн, баратуурмэн, барурмэн, барурсэн каби.

Тил тараққиётининг кейинги даврларида эса бу шакллар яна ҳам такомиллашиб, қатъийлашди, бир қанча янги шакллар билан бойиди.

Феълнинг функционал шаклларидан сифатдошнинг ҳозирги ўзбек адабий тили учун хос бўлган асосий шакллари (-у/р) -ур, (-а/р) (э/р, -гэн) -ган (-қан/-кан каби) қатъийлашди. Қадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлган шакллар эса (-ғлы -ли, -дачы/-дәчи, -ғур/-гур, -дуқ/-дук каби аста-секин истеъмолдан чиқиб қолди, -мыш/миш аффиксли шаклнинг маъно ва функциялари эса жуда чекланди. Кўмакчи феъл функциясидаги турған>дурған (дургэн) турмоқ феълининг сифатдош шакли шакллари асосида ҳозирги -келаси замон сифатдоши аффикси келиб чиқди ва тарихий ривожланиш

жараёнида ҳозирги ўзбек адабий тилида -диган шаклига келиб қолди: **баратурған**>**барадурған** **келэтурған**>**ке-лэдургэн** (**барадырған**)>**келәдиген** каби.

Ҳаракат номи ясовчи **-мақ/-мәқ** аффикси етакчи шаклга айланди. **-/ы/ш** **-/и/ш** аффиксли шакл эсатнисбатан сустроқ ишлатилди. **-ғу/-гу** аффиксли шаклнинг маъно ва функциялари анча сақланди.

Равишдошнинг ҳозирги ўзбек адабий тили учун ҳам бўлган **-а/ә**, **-й**, **(ы) б** **-(-и) б**, **-ғач/-ғәч**, **-ғунча/-ғунчә**, **-ғалы** **-ғәли** аффикслари асосий етакчи шаклга айланди. Қадимги ёдномалар тили учун характерли **-мадын/мәдин** аффиксли шаклнинг ишлатилиши чекланади. Бўлишсиз шаклнинг ва **(ы) б** **-(-и) б** аффикси равишдошнинг кентайган шакллари (**-майын/-мәйин**; **(ы)бан/(и) бән**) кенг қўлланади.

Ўзбек адабий тили лексик-грамматик ҳодисаларининг силлиқлашуви, норматив ҳолатга келиши жараёнини сўз ясалиши соҳасида ҳам кўриш мумкин. Барча сўз туркумларида сўз ясалиши ҳозирги ўзбек адабий тили билан умумийликка, уйғунликка эгадир. Жумладан, хилма-хил маъно англатган мавҳум от ясашда **-лық/-лик** аффикси, касб-ҳунар, биргалик, предмет, қурол-восита отлари ясашда **-чи/-чи**, **-даш/дош**, **-дуқ/-дуқ**, **-қ/-қ**, **-ғ/ғ** (турли муқобиллари билан), **-ма**, **мә**, ҳамда **-зор**, **-боз**, **-гар/кар** ҳам сингари кўпгина форс-тожик аффикслар янги сўз ясашда фаол қўлланган. Ёки сифат ясашда **-лы/-ли**, **сыз/-сиз**, **-қы/ки**; феъл ясашда **-ла/-лә:** **-а/-ә**, **-қ/-қ**, **-ай/-әй** каби аффикслар кенг ишлатилган. Юқорида кўрсатилган аффикслар ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам от, сифат ва феъл туркумларида фаол сўз ясовчи воситалар қаторига киради. (**-вул**, **-рук** **-руғ** **-тутруқ** **каби**), **-шы**, **(қоншы)** сингари бир қанча аффикслар эса сустлашиб, унумсиз шаклга айлана бошлайди.

Сўз бирикмаларининг тузилиши ва турлари, бошқарув, мослашув ва битишув алоқалари гап бўлаклари, уларнинг хусусияти ва ифодаланиши, содда ва қўшмагап турлари кабиларнинг бир хилликка томон тараққий этиши эса эски ўзбек адабий тилининг синтактик хусусиятлари жиҳатидан ҳозирги ўзбек адабий тилига жуда яқинлаша борганлигини кўрсатади.

Шундай ҳам қайд қилиш керакки, бу даврларда ўзбек адабий тили, гарчи бир хилликка, умумийликка томон тараққий этган бўлса ҳам, ёзма ёдгорликлар ва бадиий

асарларда адабий тил ҳамда услугба хос хилма-хиллик-ларни бартараф этишга интилиш кучайган бўлса ҳам, лекин адабий тилнинг ягона морфологик ва айниқса синтактик меъёрлари тўла равишда ишлаб чиқилди, деб бўлмайди. Адабий тилга хос грамматик шакллар, турлича услубларга хос меъёрлар ҳали узил-кесил қарор топмаган эди. Бу хил мураккаб тил ҳодисалари ўзбек адабий тилининг кейинги асрлардаги тадрижий ривожланиши жараёнида аста-секин ташкил топиб боради, ягона адабий меъёрлар таркиб топади. Навоий ривожлантирган адабий тил анъаналарини давом эттирган Заҳирiddин Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Мажлисий, Абулғози Баҳодирхон, Турди, Машраб, Нодира каби қатор ёзувчи ва шоирларнинг асарлари ўзбек адабий тилини яна ҳам бойитиш ва уни умумхалқ тилига яқинлаштиришда, унинг адабий-услубий меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда қатъийлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

## МУНДАРИЖА

### КИРИШ

Узбек адабий тили тарихи фани, унинг вазифаси ва мундарижаси . . . . .	3
Адабий тил ва жонли сўзлашув тили . . . . .	6
Адабий тил услублари . . . . .	12
Адабий тил ва бадиий адабиёт тили . . . . .	14
Узбек адабий тили тарихини даврлаштириш . . . . .	17
Туркӣ тиллар таснифи . . . . .	18
Узбек тили тарихини даврлаштириш . . . . .	21

### ҚАДИМГИ ТУРКӢ ТИЛ

Туркӣ тилларнинг ташкил топиши ва ривожланиши . . . . .	26
Қадимги туркӣ тилнинг хусусиятлари . . . . .	36
Эски туркӣ адабий тилнинг хусусиятлари . . . . .	41

### УЗБЕҚ ХАЛҚИ ВА УЗБЕҚ ХАЛҚ ТИЛИНИНГ ТАШҚИЛ ТОПИШИ

Эски ўзбек адабий тилининг эски туркӣ адабий тилга муносабати . . . . .	44
Эски ўзбек адабий тилининг шаклланишида қарлуқ, чигил-уйғур бирлигининг аҳамияти . . . . .	50
«Қутадғу билиг» асари, унинг тили ва услуби ҳақида . . . . .	51
«Девону лугатит турк» асари ва унинг илмий-тарихий аҳамияти . . . . .	56
«Хибат-ул ҳақойиқ» асари, унинг тили ва услуби . . . . .	61
«Девони ҳикмат» асари, унинг тили ва услуби . . . . .	64
Ўзбек адабий тилининг ривожланишида ўғуз-қипчоқ тилларнинг аҳамияти . . . . .	69
«Қиссани Рабғузий» асарининг тили ва услуби . . . . .	72
XIII асрда ва XIV аср бошларда ўзбек адабий тилининг ривожланиши . . . . .	75
«Ўғузнома» асари ва унинг тили ҳақида . . . . .	77
«Тафсир» асарининг тили ва услуби . . . . .	79
«Хусрав ва Ширин» асарининг тили ва услуби . . . . .	81
«Муҳаббатнома» асари ва унинг тили, услуби ҳақида . . . . .	86
Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида бошқа тилларнинг таъсири . . . . .	89
Ўзбекларнинг номланиш масаласига доир . . . . .	95

### УЗБЕҚ АДАБИЙ ТИЛИ XIV—XVI АСРЛАРДА

Адабий тил умумхалқ ҳусусиятининг кучайиши . . . . .	99
Ўзбек адабий тили тарихида Атойи . . . . .	104
Ўзбек адабий тилининг ривожланишида Саккокий . . . . .	106
Лутфий ва ўзбек адабий тили . . . . .	108

## НАВОИЙ ДАВРИ УЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

Алишер Навоий она тили учун кураш байроқдори . . . . .	110
Алишер Навоийнинг адабий тили ҳақида . . . . .	115
Навоий асарларида адабий тил ва жонли сўзлашув тили хусусиятларининг акс этиши . . . . .	119
Алишер Навоий ва адабий тил услублари . . . . .	122
Навоий асарларининг тили ва услуби . . . . .	130
Навоий асарларида бошқа тилларнинг унсурлари . . . . .	137
Навоийнинг тил ҳақидағи қарашлари . . . . .	140
«Мұхоммат-ул лугатайн» асарининг илмий-тарихий аҳамияти	143
Узбек адабий тили тарихида Алишер Навоийнинг ўрни . . . . .	147
Хулосалар . . . . .	151

АБДУЖАББОР МУХТОРОВ, УСМОН САНАҚУЛОВ

## УЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ

*Тошкент «Ўқитувчи» 1995*

**Мұхаррир Ҳ. Нуруллаев**  
**Бадиий мұхаррир Э. Нурмонов**  
**Техн. мұхаррир С. Турсунова**  
**Мусаҳдиқ З. Содикова**

ИБ № 6532

Теришга берилди 17. 02. 95. Босишига рухсат этилди 3. 08. 95. Би-  
чими 84×108/32. Тип қофози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гар-  
нитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 8,40. Шарт-  
ли кр.-отт. 8,6. Нашр. л. 7,75. Тиражи 11000. Буюртма № 43.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кӯчаси, 30. Шартно-  
ма 13—122—94.

Узбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб  
фабрикаси. Янгийўл ш. Самарқанд кӯчаси, 44. 1995.